


А. А. АБИДОВ
О. Ф. ХАЙИТОВ
И. Х. ХАЛИСМАТОВ

НЕФТЬ ВА ГАЗ
ГЕОЛОГИЯСИ





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

УЗБ
553.98(075)


А17

ик
фт
нк
да
м
т,
-
,

А.А.АБИДОВ, О.Ф.ХАЙТОВ, И.Х.ХОЛИСМАТОВ

НЕФТ ВА ГАЗ ГЕОЛОГИЯСИ
дарслиги «5540300-Нефт ва газ иши»
йўналиши бакалаврлари учун мўлжалланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ИЛМИЙ
МЕТОДИК БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ҚАРОРИГА
БИНОАН ДАРСЛИК СИФАТИДА ЧОП ЭТИШГА
ТАВСИЯ ЭТИЛДИ



ТОШКЕНТ-2005

**Абидов Асрор Аббасович, Хайитов Одилjon
Faфурович, Xолисматов Ирмухаммад Xолисматович.**
Нефт ва газ геологияси: Олий ўкув юртларининг «Нефт в
газ иши» йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар
учун дарслик / А.А.Абидовнинг умумий таҳрири остида.
Т.: ТошДТУ 2005й. 272 бет.

Ушбу дарслик «Нефт ва газ иши» йўналиши бўйича
таълим олаётган бакалаврларга давлат таълим стандартларига мос
равиша тайёрланган. Дарслик икки кисмдан иборат бўлиб,
биринчи кисмida Куёш системаси, Ер ва коинот, эндоген ва
эксоген жараёнлар, минераллар ва тоф жинслари тўғрисидаги
маълумотлар баён этилган. Иккинчи кисмда нефт ва газ
геологияси, нефт ва табиий газ, конденсат ва қатлам сувларининг
физик-кимёвий хоссалари, нефт ва табиий газларининг ҳосил
бўлиши ва ётиш шароитлари, Ўзбекистоннинг нефт ва газ
тўпламлари, уларни излаш ва разведка қилишнинг усуслари ёритиб
берлиган.

Дарслик асосан нефт ва газ иши йўналиши бакалавр
талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан ишлаб-чиқариш
корхоналари, илмий-тацқикот ташкилотларининг мутахассислари
ҳамда қасб-хунар колледжлари ва олий ўкув юртлари профессор-
ўқитувчилари фойдаланиши мумкин.

Мазкур дарслик Фан ва технологиялар марказининг инновация
ишлари дастури доирасида яратилди.

Инновацион лойиҳа раҳбари геология-минералогия фанлари
номзоди, доцент О.Ф.Хайитов.

Тақризчилар:

Геология-минералогия фанлари доктори, профессор, ЎзРФАнинг
академиги Х.А.Ажбаров (Тошкент давлат техника университетининг
«Фойдали қазилмалар геологияси ва разведкаси» кафедраси
мудири); Қарши иқтисод мұжандислик институти «Нефт ва газ
иши» йўналиши кафедраси (кафедра мудири, геология-минералогия
фанлари номзоди, доцент О.Э.Муродов).

Аннотация

Дарслик давлат таълим стандартига асосан ногоеологик 5540300-Нефт ва газ иши ва 5140900-Касб таълими (5540300-Нефт ва газ иши) йўналишлари талабалари учун тайёрланган. Дарслик икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида умумий геология ҳамда унинг асосий бўлимлари ҳакида тушунча берилган. Иккинчи қисм нефт ва газ геологияси фанийинг асосий мазмун ва тушунчасини, каустбиолитлар, нефтгаз ва уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини, нефт ва газнинг табиий саклагичлари ва тутқичларини, нефти ва газ ўюмларини излаши ва разведкаси усулларини ёритиб беринишликка бағишлиланган.

Дарслик талабаларга ва нефтгаз геологияси соҳасининг мутхассисларига тавсия этилади.

Аннотация

Учебник написан в соответствии с Государственным образовательным стандартом для бакалавров по направлениям 5540300-Нефтегазовое дело, и 5140900-Профессиональное образование (5540300-Нефтегазовое дело) и состоит из 2^х частей, первая из которых содержит сведения об общей геологии, ее важнейших разделах.

Во второй части рассмотрены вопросы основных разделов геологии нефти и газа, в частности даются сведения о каустбиолитах, физико-химических свойствах нефти и газа и их условиях залегания, природных резервуарах и ловушках нефти и газа. Приводятся этапы и стадии геолого-разведочных работ на нефть и газ.

Учебник рекомендуется для студентов, а также всем тем, кто интересуется вопросами нефтегазовой геологии.

He summary

The textbook is written in conformity with the state educational standards for not to geological directions 5540300 " Petroleum gas job ", 5140900 " Pedagogical education petroleum of gas branch" and consists of 2 parts, first of which contains the items of information on general(common) geology, its(her) major sections and stages of development.

In the second part the questions the basic sections of geology of petroleum and gas in particular petroleum both gas of their property and conditions finding, natural tanks, trap, deposit, deposit, origin of petroleum and gas, migration and accumulation CH etc. are considered

The textbook can be recommended for the students and all of themes, who is interested of petroleum and gas.

КИРИШ

Ўзбекистон нефтгаз саноати мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти шароитларига мос келадиган структуравий ва иқтисодий ўзгаришларни босқичмабосқич ўтказилиши натижасида сезиларли ютуқларга эриди. Аввалги тарқоқ бирлашмалар, корхоналар ўрнида замон талабларига жавоб берадиган ягона вертикал интеграллашган тизимдаги акционерлик компаниялари шаклланди. Ишлаб чиқариш суръатлари ошиб, янги нефтгаз иншоотлари қурилиб ишга туширилмоқда.

Дунёning қатор нефтгаз компаниялари билан ҳамкор лойиҳалар амалга оширилмоқда (II-қисм, 1-боб).

Саноатнинг нефтгаз қидирув, қазиб олиш, транспортировка қилиш, қайта ишлаш ва тақсимлаш тармоқларига янги технологиялар жорий этилмоқда.

Бундай туб ўзгаришлар саноатни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масаласини ҳал этишда мавжуд талаблар асосида тегишли дарсликлар тайёрлашни кун тартибига кўймокда.

Ушбу дарслик бўйича таҳсил оладиган талабалар:

Ернинг тузилиш хосса-хусусиятларини, ундаги кечедиган геологик ва тектоник жараёнлар натижасида ҳосил бўладиган структуralар (шу жумладан нефтгаз тўпланиши учун қулай бўлган)нинг Ер юзида тарқалиш қонуниятларини ва Марказий Осиё таркибида Ўзбекистоннинг асосий геоструктуравий элементларининг тузилиши ва нефтгазлилигини;

нефтгазнинг бирламчи энергия манбалари ичida тутган ўрни, ёнувчи қазилма бойликлари таснифида нефт ва табиий газнинг ўрни ва уларнинг физик хусусиятлари ҳамда кимёвий таркибини, нефтгаз тўпламларининг тоифаларини ва генетик турларини, нефт ва газ тўпланишининг геологик шарт-шароитларини ва Ер қобигида жойлашиш хосса-хусусиятларини, нефтгаз геология-

кидирув ишларининг усулларини ва уларни бажариш тиртибларини ўрганишлари керак бўлади.

Чунки бундай талаб «Нефт ва газ иши» ҳамда «Нефт ва газ иши соҳаси касбий таълими» йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув режаларида «Умумий геология», «Тарижий геология», «Палеонтология», «Тузилмали геология», «Геотектоника», «Минералогия» ва бошқа шу қаби фанлар бўйича маҳсус дарслар ўтилмаслигидан келиб чиқди. Бу дарсликдан нефт ва газ соҳаларига оид бошқа йўналишлар бўйича таҳсил олаётган талабалар ҳамда нефт ва газ геологияси соҳасида фиолият кўрсатаётган мутахассис кадрлар, бакалавр ва магистрлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Муаллифлар ушбу дарсликни таҳрир этишда шитирок этган геология-минералогия фанлари доктори, профессор Й.Эргашевга ва геология минералогия фанлари номзоди М.Х.Қодировга ҳамда Карши иқтисод муҳандислик институтининг «Нефт ва газ иши» кафедраси камоасига ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Х.А.Акбаровга такризлари учун ўз миннатдорчиларини изҳор этадилар.

Дарсликнинг сифатини ошириш бўйича таклиф ва мулоҳазаларни куйидаги манзилга (Тошкент шаҳри, Университетлар кўчаси, 2 уй, Нефт ва газ факультети, Нефт ва газ геологияси ва геофизикаси кафедраси) юборишни сўраймиз.

I-КИСМ

УМУМИЙ ГЕОЛОГИЯСИ

1 - боб

ҚУЁШ СИСТЕМАСИ ВА ЕР

1.1. Қуёш системаси

Таркибиди Ер сайёраси бўлган Қуёш системаси Галактиканинг ёки Сомон йўли юлдузлар системасининг бир кисмидир.

Булутсиз тунда осмондаги туман йўлакни – Сомон йўли (коинот)ни кўриш мумкин. У миллиардлаб юлдузлардан ташкил топган бўлиб, Ердан анча узок масофада жойлашган. Галактикада 150 млрд. дан ортиқ юлдуз аниқланган. Биз маҳсус асбоб-ускуналарсиз кўзимиз билан 6 000 юлдузни кўришимиз мумкин.

Қуёш системаси Галактикамизнинг (бизнинг галактикадан ташқари яна 100 млн. дан ортиқ галактикалар мавжуд) бир спирал шахобчасида жойлашган. Қуёш системаси Галактика маркази атрофида таҳминан 180 Ер йилида 250 км/сек тезлик билан ҳаракатланиб, уни тўла айланади чиқади. Ер Қуёш атрофида 28 км/с тезлик билан айланади.

Қуёш

Қуёш системасининг марказий ва энг массив жисми бўлиб, массаси Ер массасидан 333 000 марта катта ва ҳамма планеталарнинг умумий массасидан • 750 марта ортиқ. Қуёш юзасининг температураси 6000°C . Қуёш диаметри бўйича Ердан 109 марта, ҳажми бўйича 1,3 млн. марта катта. Қуёш кучли манба бўлиб, у электромагнит тўлқинлари спектрининг ҳамма диапазонида нурланади. Бундан ташқари нурланиш Қуёш системасидаги ҳамма жисмларни ёритиб уларни қиздиради, планета (сайёра)лар атмосферасининг физик ҳолатига таъсир кўрсатади. Қуёш Ердаги хаёт учун зарур бўлган

ёрглик манбай ва бизга энг яқин юлдуз бўлиб, бошқа юлдузлардан фарқли ўлароқ, унинг дискини кўришимиз мумкин. Күёш моддасининг ўртача зичлиги $1400 \text{ кг}/\text{м}^3$ га тенг.

Ер атмосферасидан ташқарида күёш нурларига ўралган 1 м^2 сиртга Күёшнинг $1,36 \text{ квт}$ ёрглик энергияси тўғри келади. Ер Күёш тарқатаётган энергияянинг тахминан $1/2 \text{ 000 000 000}$ қисминигина олади.

Күёш системасига кирувчи асосий планеталар (Ер гуруҳидаги ва гигантлар) дан ташқари бу тизимда кичик планеталар (астероидлар), болидлар ва кометалар мавжуд.

Кичик планеталар ёки астероидлар

Астероидлар асосан Марс ва Юпитер орбитаси оралиғига айланади ва бевосита караганда кўринмайди. Биринчи кичик астероид 1801 йилда кашф этилган ва Церера, Паллада, Вестава, Юнона номлари билан аталган. Хозирги вақтда 3000 дан ортиқ астероидлар маълум. Миллиардлаб йиллар давомида астероидлар бир-бирлари билан тўқнашиб келганлар. Астероидларнинг умумий массаси Ер массасининг $0,1$ қисмига тенг келади.

Энг ёргу астероид - Веста бўлиб, энг катта астероид эса - Церера ҳисобланади. Унинг диаметри 770 км. Ҳар йили янги астероидлар кашф этилмоқда.

Метеоритлар ва болидлар

Күёш системаси таркибига кирувчи хисобсиз кўп метеоритлар - тошли ва метал парчаларидан, шунингдек жуда майдалари қум ва чанг ўлчамигача бўлганлари ҳам мавжуд. Метеоритлар Ерга тез-тез - 10 дан 200 км/с гача тезлик билан тушиб туради. Ер атмосферасидаги метеорит ёргу изи м е т е о р (тушадиган «юлдуз») дейилади.

Табиатда жуда кам учрайдиган ва осмонда учеб ўтадиган олов шар шаклидаги йирик метеоритлар болидлар дейилади. Болидлар кўпинча сезиларли даражадаги диаметрга эга бўлиб, баъзида ҳатто кундузи ҳам кўринади.

Метеоритлар асосан 3 синфга бўлинади:

1) темирли-сiderит, асосан никелли темирдан ташкил топган;

2) темир-тошли – siderолитлар, таҳминан темир ва силикат минерал микдори бир хил;

3) тошли – аэролитлар, таркибида никелли темир бўлган силикатли минераллар.

Аниқланган метеоритларнинг 80% га яқини тошдан иборат. Улар 2 га бўлинади: хондритлар ёки заррали метеоритлар («хондрос» - грекча *χονδρος*) ва ахондритлар ёки ерли метеоритлар. Метеоритлар ўлчами ҳар хил: майда бўлакли чангдан 100 тоннагача. Ҳар куни ер билан 100 млн. метеорлар юзаси тўқнашади. Олимларнинг ҳисоблашига кўра Ерга бир суткада 500 т га яқин метеор моддалари тушади.

Аниқланган йирик метеорит: темирли – Гоба, Африқадан топилган, массаси 60 т, Сихотэ – Алинь (темирли) 1947 йилда Узок Шарққа тушган, массаси 100 т.

Кометалар

Кометалар фазода Қуёшдан узоқда жойлашган булиб, жуда хира, туманли, оқиш доғлар шаклида кўринади. Фақат, Қуёшга нисбатан яқинлашиб ўтадиган кометаларгина жуда ёруғ ва думли булиб кўринади. 1758 йилда кўринган кометага Г а л и л е й номи берилган. 1986 йилда у Қуёшга жуда яқин масофадан ўтган. Галилей кометаси даврий кометалар қаторига кириб, маълум бир муддатда Қуёш атрофини айланаб ўтиб туради.

Қуёш системасидаги асосий планеталар

Бу планеталар икки гуруҳга бўлинади: Ер планеталар гуруҳи ва Гигант планеталар. Биринчи гуруҳга Меркурий, Венера, Ер, Марс, Плутон, иккинчи гуруҳга эса Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун киради. Ер каби бошқа планеталар ҳам ўз ўқи атрофида ва Қуёш атрофида айланади. Марснинг массаси Ердан 9 марта, Меркурийдан 20 марта кам. Уран ва Нептун эса Ердан 10 лаб марта оғир. Айрим планеталарнинг йўлдошлари мавжуд: Ернинг

йўлдоши Ой, Марснинг икки йўлдоши (Фобос ва Деймос), Ураннинг 7 та йўлдоши борлиги аниқланган (сўнгти 2 таси 1997 йил октябр ойида америкалик астрономлар томонидан аниқланган), Сатурнда – 16 та, Юпитерда – 17 та йўлдош бор. Жами Кўёш системасидаги планеталарнинг 46 та йўлдоши мавжуд.

Ер гурухидаги планеталар

Бу гурухдаги планеталар - Меркурий, Венера, Ер, Марс ва Плутон гигант планеталардан зичлигининг катталиги, ўз ўқи атрофида секин айланиши, атмосферасининг анча сийраклиги, йўлдошларининг йўқлиги ёки кам бўлиши билан фарқ қиласи. Куйида Ер гурухидаги планеталардан Меркурий, Венера, Марс ва Плутон планеталарига тавсиф берил, Ер ҳакидаги тавсиф эса кейинги бобларда ёритиб берилган.

М ө р қ ү р и й Қўёшга нисбатан энг яқин планета бўлиб, Ойдан бир оз катта, лекин унинг ўртача зичлиги Ернинг зичлигига жуда яқин. Бу планетада Қўёш суткаси тахминан 176 Ер суткасига teng. Бу давр Меркурийнинг 2 йилига teng, чунки Меркурий Қўёш атрофини 88 Ер суткасида бир марта айланиб чиқади. Меркурийда атмосфера деярли йўқ. Меркурийнинг Қўёшга қараган томонида температура $+430^{\circ}\text{C}$ дан ортиқроқ бўлиши аниқланган. Меркурийнинг сирти кратерлар билан зич қопланган. Ундаги энг катта денгиз Жазира маңзуралари дидар. Унинг диаметри 1300 км га teng.

В е н е р а массаси, ҳажми жиҳатидан Ердан бир оз кичик. Унда бир Қўёш суткаси 117 Ер суткасига teng. 1961 йилдан бошлаб Россия автоматик станцияларини Венерага учириш бошланди. Улар планета сиртида температура $+470^{\circ}\text{C} \div +480^{\circ}\text{C}$ ва атмосфера босимининг Ердагига нисбатан 100 марта ортиқ эканини аниқладилар. Венерада 97% CO_2 , азот ва инерт газлар бор. Атмосфера-сининг пастки қатламларида тезлиги секундига бир неча метрлар бўлган шамол тахминан 50 км баландликда 60 м/с тезликка етади. 1975, 1978, 1982, 1986 йилларда телевизион камералар ёрдамида Венера сатҳи текширилган.

М а р с диаметри жиҳатидан Ердан 2 марта кичик. У равшанлиги жиҳатидан Венерадан кейинги ёритгич ҳисобланади. Марснинг бир йили Ердагига қараганда 2 марта узун. Ундаги босим Ерницидан 100 марта камлиги мальум. Кутбларда совуқ температура 130°C гача тушади.

П л у т о н. Күёшгача бўлган масофаси 39,44 астрономик бирлик (бир астрономик бирлик 150 млн. км га teng) ёки 5929 млн. км. Массаси Ердан кичик. Йўлдоши 1 та. Унча катта бўлмаган, яхши ўрганилмаган ва совуқ планета бўлиб, унинг бир йили 249,7 Ер йилига тугри келади.

Гигант планеталар

Гигант планеталарга Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун планеталари киритилади.

Ю п и т е р. Гигант планеталарнинг энг каттаси ва бизга хамда Күёшга энг яқинидир. Унинг айланиши анча тез, зичлиги эса кам. Юпитерда температура -145°C . Атмосферасида метан, гелий, аммиак бор. Юпитернинг 16 тацдан ортиқ йўлдоши бор.

С а т у р н. Күёшдан узоқда бўлгани учун унинг температураси жуда паст: -180°C атрофида. Атмосфераси асосан аммиак, гелий, метан ва бошқа газлардан ташкил топган. Күёшгача бўлган масофаси 1426 млн. км дир. Массаси Ернинг массасидан 14,5 марта катта, 17 та йўлдоши бор.

Н е п т у н. Қалин атмосфера қатламидан иборат. Атмосфераси метан, гелий, аммиакдан иборат. Йўлдошлиари 2 та. Массаси Ер массасидан 17,3 марта катта.

1.2. Ернинг ички гузилиши ва Ер пўсти (қобиғи)

XX асрнинг биринчи ярми мобайнида аста-секин срнинг қобиқсимон ҳақидаги тасаввурлар шакллана бошланди. Бу фикр австралиялик олим К.Буллен (1926, 1978) томонидан тўлиқ ифода этиб берилди ва Ернинг алоҳида қобиқлари А(қобиқ)дан J (ўзак)гача бўлган лотин

имлолари билан ифодаланиб чиқилди. Күйида шу фикрларни күриш чиқамиз.

1.2.1. Ернинг ички тузилиши

Ернинг радиуси таҳминан 6370 км. Ернинг ички тузилиши турли геофизик усуllар ёрдамида аниқланган. Бу маълумотларни таҳлил этишда ўта чукур қазилган қудуклар маълумотларидан ҳам фойдаланилади. Бу қудукларнинг энг чуқури 11 км дан ортиқ бўлиб, у Кола ярим оролида қазилган. Бундан бошқа яна чукур кудук АҚШнинг Оклахома штатида қазилган бўлиб, унинг чуқурлиги 9159 м, Техас штатидаги кудукнинг чуқурлиги 8687 м ни ташкил қилган. Бундан чуқурдаги маълумотлар асосан геофизик усуllар ёрдамида ўрганилган.

Геофизик усуllардан асосийси сейсмик усуллар. Бу усул тўлқинларнинг тарқалиш тезлигига асосланган. Сейсмик тўлқинлар З хил бўлади: 1. Бўйлама, 2. Юзаки, 3. Кўндаланг. Ернинг устки қисмида сунъий равишда вужудга келтирилган тебраниш тўлқинларини ўрганиш асосида ернинг ички тузилиши К.Буллен (1966, 1978) томонидан аниқланган. Унга кўра Ер қуйидаги қаватлардан иборат: Ер пўсти (қобиғи), юқори ва кўйи мантия, ташқи ва ички ядро (1.1.1-расм).

Бўйлама тўлқинлар Ер пўстида 5-8 км/с, кўндаланг тўлқинлар 3-5 км/с, юзаки тўлқинлар 3-4 км/с тезликда тарқалади. Ер пўсти чўкинди, гранит ва базальт қатламларидан иборат. Ер пўстининг ўртача қалинлиги 33 км. Ер пўстининг қуи чегараси аниқ ажralиб туради. У М о х о р о в и ч (М о х о) чизиги дейилади. Бу чизикдан пастда юқори мантия бошланади. Бу чегарадан ўтаётганда тўлқинларда сакраш юз беради. Моҳо чегараси остида Гуттенберг қатлами ётади. Ернинг бу қисмида сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги 3% га камаяди. Бу қатлам а с т е н о с ф е р а деб ҳам аталади. Уни остида Голицин қатлами ётади.

Ернинг бу қисмида тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги кескин ортади. Уни биринчи бўлиб 1912-1913

йилларда Голицин аниклаган. Ер пўсти ва юкори мантияда асосан тектоник ҳаракатлар содир бўлади.



1.1.1-расм. Ер тузилишининг анъанавий модели.

Тахминан 700 км чуқурлиқда қуйи мантия бошланади. Сейсмик бўйлама тўлқинларнинг тезлиги 2900 км чуқурликда 13,6 дан 8,1 км/с гача камаяди. Кўндаланг тўлқинлар эса умуман сўнади. Бу Ернинг ташки ядроси суюқликдан иборат эканлигини кўрсатади.

Ернинг ташки, суюқ ядроси (ўзаги) 2900 ва 5146 км оралиғида чегараланиб, умумий фикрларга кўра асосан тўла-тўқис никель аралашган металл темирдан иборатдир. Шу билан бир қаторда сейсмик маълумотлар асосида қисман енгил элементлар Si, O, S ва хатто H хам мавжудлиги қайд этилган.

Қаттиқ ички ўзакнинг соғ никель-темирдан таркиб ғонганилигининг эҳтимоли юқоридир. Ҳозирда ҳам суюқ ўзак ҳисобига қаттиқ ўзакнинг шаклланиши, юқорида таъкидлаб ўтилган суюқ аралашмалар (Si, O, S, H)нинг чиқиб кетиши давом этажсанлиги ҳақидаги тахминлар мавжуд.

1.2.2. Ер пўстининг тузилиши ва ривожланиши

Ер пўстининг тузилиши. Ер юзаси жуда мураккаб тузилишга эга бўлиб, 71% ини сув ва 29% ини куруқлик ташкил этади. Хозирги даврга келиб геофизик изланишларнинг сейсмик ва гравиметрик усувлари ёрдамида ер пўсти латерал ва вертикал кесмаларда кескин фарқланиши фақат унинг қалинлигининг эмас, шу билан бирга таркибининг ўзгаришида ҳам намоён бўлди.

Сезиларли фарқ континентал ва океан қобиқларининг турлича бўлишида ўзининг ифодасини топган. Океан иўсти юпқа бўлиб 5-7 км ни ташкил этади. Вулқон оролларида эса океан қобиги 30 км дан ортиқ, яъни қалинлиги жиҳатидан континентал қобиқча тенглашса ҳам, таркиби жиҳатидан қолган океан қобигидан асло фарқ қилмайди. Океан қобиги уч қатламдан иборат бўлиб, юқоридан пастга томон қуйидаги таркибдан иборатdir:

Биринчи, чўқинди қатлам, асосан 1 км дан ошмайди ва кремний-гил, карбонат пелагик жинслардан таркиб топган.

Иккинчи қатлам, юқорида (2A) толеит-базальтдан, тагида (2B) - долерит дайкаларидан иборат бўлиб, қалинлиги 1,5-2,0 км дир.

Учинчи қатлам юқори қисмида (3A) изотроп габбродан иборат, остида эса (3B) – йўл-йўл мажмуа деб аталмиш – габбро ва ультрамафитларнинг қатланишидан иборат бўлиб, умумий қалинлиги 3-4 км дир.

Юқорида таъкидлангандек, океан қобигининг қалинлиги вулқон оролларида, айниқса Тинч океанидаги Исландия, Онтонг-Джава, Шатский ва Ҳинд океанидаги Кергелен туридаги вулқон плиталарининг остида бўлиб, ортиб кетиши асосан иккинчи қатламнинг қалинлиги кўпайиши билан боғлиқ бўлса ҳам, аммо океан қобигининг таркибий қисми ўзининг уч қатламлигини саклаб қолган.

Ер қобигининг ўртача қалинлиги текисликларда 25-45 км, тоғликларда эса, 45-85 км ни ташкил этади. Ер

пўстининг қалинлигини назоратловчи Моҳо чегарасидан настда сейсмик тўлқинларнинг тезлиги 8 км/сек дан кўп.

Континентал турдаги Ер пўсти З қаватдан (базальт, гранит, чўкинди) иборат бўлиб, куйи қаватини базальт қатлами ташкил қиласди. Унда сейсмик тўлқинларнинг тезлиги 6,5–7,0 км/сек ни ташкил қиласди. Иккинчи – гранит қаватида тўлқинларнинг тезлиги 5,5–6,1 км/сек. Энг юкори қавати чўкинди тоғ жинсларидан ташкил топган, тўлқинларнинг тезлиги 3,5–5,0 км/сек. Океанларда гранит қавати учрамайди. Материкларда уччала қават мавжуд.

Материкларда чўкинди ва гранит қатламининг қалинлиги 35–40 км, базальт қатламини 25–40 км.

Ер пўстининг тарихий ривожи. Ер пўстининг энг қадимги жинслари тахминан 3,5–3,6 млрд. йил аввал ҳосил бўлгани аниқланган.

Бирламчи ер пўсти илк бор жуда юпқа, енгил майдаланувчан моддалардан ташкил топган.

Узилмалар орқали лавалар (вулқонлар кўринишида) Ер юзасига отилиб чиқиб ёйилган. Кейинчалик архей эрасига келиб Ер юзаси қотиб паст баландликлар сувга тўла бошлаган. Сув, температура ва атмосферанинг бошқа омиллари таъсирида Ер юзасининг рельефи ўзгаришларга ўчор бўлган. Майда заррачаларнинг шамол ва сувлар орқали денгиз ва океанларга келиб тушиб чўкиши шатижасида тоғ жинслари ҳосил бўла бошлаган. Силур даврининг охирига келиб Ердаги температура +80°C га тушганда Ер юзасида ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ривожланиши бошланган.

Ер пўстининг ривожланиши даврида бир нечта "буюк ўзгаришлар"нинг рўй берганини кузатиш мумкин. Бунда, ҳар бир босқичда катта материклар ёки океанлар ҳосил бўлган, музликлар майдони катталашиб ва кичрайиб турган. Шунга ўхшаш ва бошқа геологик ўзгаришлар сабабли Ер тараққиётни қуидаги босқичларга бўлинган: - Гот босқичи (1200 млн. йилгача бўлган вақт); - Гренвил (900 млн. йилгача бўлган вақт); - Байкал (550 млн. йилгача – палеозой эрасигача бўлган вақт); - Каледон (девон давригача бўлган вақт); - Герцин (палеозой эрасининг охиригача бўлган вақт); - Мезо-

зой ёки Кимми рек (мезозой даврини ўз ичига олади) ва Альп (юқори бўрдан ҳозирги кунларгача).

Юқорида қайд этилган «буюк ўзгаришлар» натижасида Ер пўстининг қитъаларда кузатиладиган асосий структура элементлари – геосинклиналлар ва платформалар шаклланган (5-бобга қаранг).

Бу икки хил тузилишга эга бўлган геологик жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқланувчи катта ҳудудлар кембрийгача бўлган даврда ҳамда, палеозой, мезозой ва кайнозой эраларида яққол намоён бўлган.

Геосинклинал ва платформалар ҳар доим бир жойда, битта катта майдонни эгаллаган эмас. Улар тараққиётининг босқичларида турили кўринишга эга бўлганлар. Бир босқичда катта ҳудудларда ривожланган геосинклинал ўлкалар кейинги босқичда платформа ўлкаларига айланиши ёки тескариси бўлиши мумкин.

Ҳозирги замон платформаларининг асосини (заминини, фундаментини) токембрый, палеозой ёки мезозой эраларининг гранитлашган, метаморфлашган, зичлашган ва бурмачангликка учраган жинслар ташкил қиласди.

Олимларнинг эътироф этишича геосинклинал ривожланиш босқичи рўй берган ҳудудлар босқич ривожининг охирига келиб ороген ва платформаларга ажратади.

Ҳозирги вақтда Кавказ тоғлари геосинклинал ривожланишининг охириги босқичи – ороген босқичида ривожланмоқда ва бу жараён ҳали тўхтагани йўқ. Тянь-Шань, Ҳисор, Помир тоғлари неоген даврида ҳосил бўлган. Ўзбекистоннинг гарбидаги текисликлар Турон плитасининг бир бўлагида жойлашган ва бу плитанинг асоси (фундаменти) палеозой даврининг охирида шаклланган деган тушунча мавжуд.

1.3. Ернинг физик хусусиятлари ва кимёвий таркиби

Ернинг физик хусусиятларини ўрганишлик асосан геофизик усуллар ҳамда бурлиш мълумотларига таянади. Ернинг физик хусусиятлари унинг кимёвий таркибига узвий боғлиқ бўлиб, уларни билишлик Ер

қаърида қазилма бойликларини башоратлашда ва излаб топишда фойдаланилади.

1.3.1. Ернинг физик хусусиятлари

Ернинг физик хусусиятларидан қуйида муҳим бўлганларини: зичлигини, радиоактивлигини ва ички иссиқлигини кўриб чиқамиз.

Ернинг зичлиги ва радиоактивлиги

Ернинг зичлигини биринчи бўлиб 1736 йилда Исаак Ньютон аниқлаган, унинг хисобларига кўра Ернинг ўртacha зичлиги $5\text{-}6 \text{ г}/\text{см}^3$. Жисмларинг зичлиги чуқурлик ортган сари ортиб боради. Ер пўстида зичлик $2,4 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлса, Ернинг марказида $12,5 \text{ г}/\text{см}^3$ (Младенский хисоби бўйича). Баъзи маълумотларга қараганда (Буллен ва Субботин) Ернинг марказидаги зичлик $17,9 \text{ г}/\text{см}^3$ га teng. Чуқурлик ортиши билан Ердаги босим ҳам ортиб боради, 50 км чуқурликдаги босим 13000 атмосферага, Ернинг марказида эса 3,5 млн. атмосферага тенг.

Илмий текширишлар натижасида Бавария ва Тиро Альпларида Ернинг тортишиш кучи аниқ ўлчанган. Аммо, Алъят тоғининг бу жойларидаги тортишиш кучи жуда кичик, тог ён томонидаги текисликларда катта. Франциянинг Юра тоғларида, Италияда, Урта Германия ва Кавказда, Хиндистанда ва бошқа жойларда ўтказилган текширишлар натижасида тоғларда тортиш кучи кичик, ботиқлик ва эгикликларда эса - катталиги аниқланган.

Бинобарин, турли ёшдаги тог жинсларининг Ер юзасида намоён бўлиб турганлари енгил моддалардан, чўккан қисмларидагиси эса оғир моддалардан таркиб топган деган хуносага келиш мумкин. Бундан ер пўстининг и з о с т а з и я ҳолати - ер пўстининг баландликлари билан пастликлари орасидаги мувозанат ҳолати келиб чиқади.

Ер таркибидаги радиоактив моддаларар нинг микдори $0,0001\%$ аниқликгача ўлчанган. Радиоактив моддалар парчаланганда улардан иссиқлиқ ажралиб чиқади. Вақт ўтиши билан радиоактив моддаларнинг микдори камаяди. Бунинг сабаби түлиқ аниқланмаган. З млрд. йил аввал радиоактив моддалар парчаланиши натижасида ҳар соатда 228^{1016} кал энергия ажралиб чиқсан экан. Ҳозир эса 40^{1016} кал энергия ажралиб чиқади. Демак, радиоактив моддаларнинг микдори таҳминан 6 маротабага яқин камайган.

Ернинг ички иссиқлиги

Ер шарининг ҳаво ва сув қатламидаги иссиқлиқ асосан Қуёшдан келадиган иссиқликтининг Ер шари бўйлаб ҳар хил тарқалишидан пайдо бўлади. Ер шари баландпаст, ўнқир-чўнқир шаклда бўлганлиги ва доимо ўз ўки, ҳамда Қуёш атрофида айланиши туфайли уни Қуёш нурлари бир текисда иситмайди. Иссиқлиқ Ернинг ҳаво ва сув қатламидан ва ҳатто унинг қаттиқ пўстидан ҳам ўтади. Кўп йиллик кузатишлилар Қуёшдан келадиган иссиқлиқ Ернинг қаттиқ пўстига бир текис ўтиб бормаслигини курсатади.

Ернинг ички иссиқлиги радиоактив моддаларнинг парчаланишидан ажралиб чиқсан энергияга, кимёвий реакциялар ва кристалланиш ҳамда ишқаланиш натижасида ҳосил бўлган энергияга, шунингдек гравитацион энергияга боғлиқ. Бурғиланган қудукларни ўрганиш натижасида Ернинг ички иссиқлиги ўртача 100 м да 3°C га кўтарилиши аниқланган. Чукурлик ортиши билан температура 1°C кўтарилишига геотермик босқич ёки геотермик градиент дейилади.

Ернинг турли нукталарида ички температуранинг кутарилиши ҳар хил бўлади. Гутенберг ҳисобига кўра “max” геотермик босқич АҚШнинг Алабама штатида 137,8 м, минимал геотермик босқич Орион штатида кузатилган - 6,7 м. Ернинг ядрасида температура 20000°C дан юқори бўлмаса керак деб ҳисбланади.

Ер қаъридан чиқаётган энергия Қуёшдан келаётган энергиядан бир неча минг маротаба кам бўлишига

қарамасдан у Ерни ички температурасини сақлаб туради. Томсон ҳисобига кўра, агарда Ернинг температураси юқорида санаб ўтилган жараёнлар ҳисобига ўрни қопланиб турмаса. Ер температураси 4 млн. йилдан сўнг сўниб қолиши мумкин экан.

1.3.2. Ернинг кимёвий таркиби

Ер шарининг ва Ер пўстининг физик ҳусусиятлари билан бир қаторда унинг кимёвий таркиби ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ернинг кимёвий таркибини билиш учун у кимёвий жиҳатдан таҳлил қилинади. Бунинг учун Ер пўстини ташкил этган тоғ жинсларидан намуна олиб текширилади. Ҳозирги вақтда Ернинг 16-20 км гача бўлган қатламини текшириш мумкин, ундан чукурдаги қатламларнинг таркиби тахминан, аммо жуда муҳим физик усувларга асосланниб аниқланади.

Ер шарининг устки кисми ҳаво (атмосфера) ва сув (идросфера) қаватлари билан ўралган бўлиб, оғирлиги жиҳатидан бу иккала қобик. Ер массасининг 6,04% ини ташкил этади. Ер массасининг 93,06% ҳар хил жинслардан иборат. Ер пўстининг кимёвий таркибини биринчи марта олимлардан Ф.У.Кларк, В.И.Вернадский, А.Е.Ферсман, В.М.Гольдшмидт ва бошқалар аниқлаб берган. Улар илмий адабиётлардан фойдаланиб ва 5000-6000 га яқин турли тоғ жинсларини кимёвий жиҳатдан таҳлил қилиб, Ер пўстининг ўртача кимёвий таркибини аниқлаганлар. Метеоритларнинг кимёвий таркиби Ер пўстининг кимёвий таркибига жуда ўхшацдир. Бу ҳол Қуёш системасидаги осмон жисмларининг кимёвий таркиби бир-бирига ўхшашлигини кўрсатади.

Академик А.Ферсманинг фикрича Ернинг Кимёвий таркибини 1,1% ини биламиз, 3,6% ини эса оз-моз биламиз, қолган 93,3% ини деярли билмаймиз. В.Виноградовнинг ҳисобига кўра Ер пўстидаги кимёвий элементларнинг микдори қуйидагича: O₂-46,5%, Si-25,7%, Al-7,65%, Fe-6,24%, Ca-5,8%, Na-2,8%, Mg-3,23%, K-1,34%, H-0,18% ни ташкил этади.

1.4. Ернинг ҳосил бўлиш жараёnlари ҳакида (гипотезалар)

Куёш системасининг тузилиши ҳақидаги масала инсониятни доимо қизиқтириб келган. Милоддан икки-уч юз йил илгари қадимги грекларда бу масала юзасидан бир-бирига ўхшамаган икки фикр мавжуд эди. Биринчиси, Куёш тизими геоцентрик равишда тузилган, яъни оламнинг ўртасида Ер жойлашган бўлиб, қолган ҳамма планеталар, Куёшнинг ўзи ва бошқа юлдузлар ҳам Ер атрофида айланади. Иккинчи фикр - гелиоцентризм деб аталиб, у бу фикрга кўра олам марказида Куёш туради.

Ернинг ҳосил бўлиши ҳақидаги гипотезаларни икки асосий гуруҳга бўлиш мумкин: небулар (лотинча «небула» – туман, газ) ва ҳалокат (катастрофик).

Небулар гуруҳидаги гипотезалар асосида планета газдан ва чангли туманлардан пайдо бўлган, деган ғоя ётса, ижкинчи гуруҳ фаразлари асосида турли ҳалокатли ҳодисалар, яъни осмон жисмларининг тўқнашиши, юлдузларнинг бир-биридан яқинроқ ўтиши ва бошқа шунга ўхшаш катастрофик ҳодисалар ётади.

Биз қўида небулар гуруҳидаги гипотезалардан айримлари ҳақида маълумот берамиз.

Кант ва Лаплас гипотезаси. Куёш системасининг ҳосил бўлиши ҳақидаги биринчи илмий қараш немис файласуфи Иммануэл Кант (1724 - 1804) гипотезаси хисобланади (1775). Бу гипотезадан хабарсиз француз математиги ва астрономи П.Лаплас (1749 - 1827) ҳам ҳудди шу фикрга келган, аммо у бу гипотезани янада чукурроқ ишлаб чиқкан (1797). Бу ихкала гипотеза ўхшаш бўлиб, уни одатда битта гипотеза деб қарашади ва муаллифларини илмий космогониянинг асосчилари деб атashади.

Кант-Лаплас концепциясига мувофиқ, Куёш тизими ўрнида аввал катта газ-чангли туманлик Иммануэл Кант бўйича майда қаттиқ зарралар туманлигидан, П.Лаплас бўйича эса у қизиган газсимон булутлардан иборат) бўлган. У айланиш-тортишиш кучлари таъсирида зичлашиб бўрган ва унинг марказида ядро шакллана бошлаган.

Совиши ва туманликнинг зичлашиши, айланиш бурчак тезлигининг ошишига олиб келган, натижада экватордаги туманликнинг ташки қисмидан асосий массадаги ҳалқа кўриниши ажраган. Номутаносиб совиши оқибатида ҳалқа бузилган ва зарраларнинг ўзаро тортишиш кучи таъсирида Қуёш атрофида айланувчи планеталар ҳосил бўлган. Совиган планеталар қаттиқ қобик билан қопланган, унинг юзасида эса геологик жараёнлар ривожланган.

И.Кант ва П.Лаплас Қуёш тизимининг қуйидаги асосий ва характерли томонларини таъкидлаганлар:

- 1) тизим массасининг энг катта қисми (99,86%)
Қуёшга тўғри келади;
- 2) планеталар орбита бўйлаб ва бир текисликда ҳаракатланади;
- 3) барча планеталар ва уларнинг барча йўлдошлари бир томонга айланади. Барча планеталар ўз ўқлари атрофида ўша томонга қараб айланади.

И.Кант ва П.Лапласнинг таҳсинга сазовор бўлган хизмати, гипотезанинг яратилиши бўлган ва у материянинг ҳосил бўлишига асос қилиб олинган. Иккала олим ҳам туманлик айланиш ҳаракатига эга эканлигини ва бунинг натижасида зарраларнинг жисплашиши, шунингдек планета ва Қуёшнинг ҳосил бўлганигини таъкидлаганлар. Улар фикрича ҳаракат материядан, материя эса ҳаракатдан ажralмасдири.

Кант-Лаплас гипотезасидан кейин Қуёш тизими ҳосил бўлиши ҳакида қатор гипотезалар, жумладан, катастрофик гипотезалар яратилди. Улар асосида эҳтимоллик назариялари, баҳти тасодифлар ётади.

Масалан, Бюффон – Ер ва планеталар Қуёшнинг комета билан тўқнашиши натижасида ҳосил бўлган деса, Чимберлен ва Мультон эса планеталар шаклланиши Қуёшга яқинлашиб ўтган бошқа юлдузларнинг тўқнашиши натижасида бўлган деб фикр юритганлар.

Катастрофик йўналишдаги гипотезаларга яна бир мисол тариқасида инглиз астрономи Ж.и.н.с (1919) к о н-п е п ц и я с и н и келтириш мумкин.

Ушбу гипотезага асос қилиб Қуёш яқинидан юлдузларнинг ўтиши эҳтимоллиги олинган бўлиб, юлдузларнинг Қуёшга тортилиши натижасида Қуёшдан газ оқими

ажралиб чиққан ва у кейинчалик Қуёш тизими планеталариға айланган. Газ оқими ўзининг шаклига кўра сигаретани эслатган. Қуёш атрофида айланувчи бу тананинг марказий қисмida йирик планеталар – Юпитер ва Сатурн, «сигарета» охирида эса – ёр гурухи планеталари: Меркурий, Венера, Ер, Марс, Плутон ҳосил бўлган.

Олим фикрича Қуёш тизими планеталарни шакллантирган Қуёшга яқин ўтган юлдузлар Қуёш тизимида масса ва ҳаракат микдори моментларининг нотекис тақсимланганлигини тушунтиришга ёрдам беради. Қуёшдан газ оқимини тортишиш кучи натижасида келтириб чиқарган юлдузлар айланадиган «сигарета»га ортиқча ҳаракат микдори моментини берган.

Шундай қилиб, Жинс гипотезаси ҳам Кант-Лаплас гипотезаси сингари Қуёш тизимида ҳаракат микдори моментининг нопропорционал тақсимланганлигига ишончли далил бўлолмади.

Бу гипотезанинг энг катта камчилиги, олимларнинг фикрича - эҳтимолликка асосланганлиги ҳисобланади. Бундан ташқари ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, юлдузларнинг бир-бирига яқинлашиши эҳтимолдан узоқ бўлиб, агарда бу ҳол содир бўлганда ҳам ўтувчи юлдуз планеталарга орбита айланмаси бўйлаб ҳаракатини бериши мумкин эмас.

Рус астрономи Н.И.Парийский (1943) Қуёшга яқин ўтган катта тезликдаги юлдуз Қуёшдан ажралиб чиққан газни ўзи билан олиб кетишини аниклади. Юлдуз ҳаракат тезлиги кичик бўлганда газ оқими Қуёшга тушиши керак. Фақатгина юлдузнинг аниқ бир катъий тезлигидагина газ оқими Қуёш йўлдоши бўлиши мумкин. Бунда унинг орбитаси Қуёшга энг яқин планета – Меркурий орбитасидан 7 марта кичик бўлиши керак.

Хозирги кунга келиб Қуёш тизими шаклланиши ҳақидаги энг таникли гипотезалар О.Ю.Шмидт ва В.Г.Фесенковларга тааллуқлидир. Бу гипотезалар асосида борлиқ бирлиги, узлуксиз ҳаракат ва материя эволюцияси, турфа олам ҳақидаги фикрлар ётади.

О.Ю.Шмидт (1957) концепцияси га мувофиқ, Қуёш тизими коинотда ҳаракат давомида Қуёш

билин ушлаб қолинган юлдузлараро түплемлар материяси-
дан ҳосил бўлган. Қуёш Галактика маркази атрофида 180
йијда бир марта айланади. Галактика юлдузлари
орасида катта газ-чангли туманликлар мавжуд. Бундан
келиб чиқиб, . Қуёш ҳаракати давомида
шундай бир булутликлар ичига кириб қолган ва уни ўзида
ушлаб қолган. Бутун олам тортилиш кучи таъсирида у
булутни ўзи атрофида айланишга мажбур қилган. Бу олим
фикрича, бирламчи юлдузлараро материя булути маълум
айланишга эга бўлган, акс ҳолда унинг зарралари Қуёшга
тунгган бўлар эди. Қуёш атрофида айланиш давомида
булутни майдага зарралари экватор қисмига йигилган.
Зарраларнинг ўзаро тортишиш кучи ошиши билан
куюқлашиш бошланган. Ҳосил бўлган куюқ тана унга
кушилаётган майдага зарралар ҳисобига ошган. Шу йўл
билин планеталар ва улар атрофида айланувчи йўлдошлар
ҳосил бўлган. Планеталар майдага зарралар орбиталарининг
урталашиши натижасида орбита бўйлаб айлана бошлаган.

Олимнинг фикрича, Ер ҳам совуқ қаттиқ зарралар
ҳисобига ҳосил бўлган. Ер қаърининг доимий қизиши,
радиоактив бўлиниш энергияси ҳисобига бўлган ва бунинг
натижасида қаттиқ зарралар таркибига кирувчи сув ва газ
ажралган. Натижада, океан ва атмосфера ҳосил бўлган ва
у Ерда ҳаёт бошланishiга шароит яратиб берган.

О.Ю.Шмидт гипотезаси Қуёш тизимидағи қатор
қонунларни тўғри тушунтириб беради. Олим фикрича,
Қуёш ва планеталар ҳаракат микдори моментининг
потекис тақсимланиши Қуёш ва газ-чангли туманлик
ҳаракат миқдорининг бошланғич бўлган турли моментлари
билин тушунтирилади. Бу олим планета ва Қуёшнинг
узаро оралиқларини ҳисоблади ва математик жиҳатдан
талқин қилиб берди. Қуёш тизимининг турли қисмларида
ва ҳар хил таркибдаги йирик ва майдага планеталарнинг
ҳосил бўлиш сабабларини аниклади. Ҳисоблашлар
планеталарнинг айланма ҳаракати бир томонга эканлиги
сабабларини тушунтириб берди. Гипотезанинг камчилиги
тизим таркибига кирувчи планеталарнинг Қуёшдан
аплоҳида ҳосил бўлиши масаласи ҳисобланади.

В. Г. Ф е с е н к о в г и п о т е з а с и
сийраклашган газ-чангли туман кўринишидаги конденса-

цияси натижасида узлуксиз юлдузларнинг ҳосил бўлишини исботлаган астроном В.А.Амбарцумян ишларига асосланган. В.Г.Фесенков фикрича, планеталар ҳосил бўлиш жараёни коинотда кенг таркалган бўлиб, планеталар шаклланиши бирламчи сийрак моддаларнинг қуюқлашиши натижасида янги юлдузлар ҳосил бўлиши билан боғлик. Бир вақтда Куёш ва планеталарнинг ҳосил бўлганлиги Ер ва Куёш ёшининг бир хиллиги билан исботланади.

Газ-чангли булутнинг зичланиши натижасида юлдусимон қуюқликлар шаклланади. Туманликнинг тез айланиши натижасида газ-чангли материянинг маълум қисми туманлик марказидан узоқлаша борган. Газ-чангли туманнинг зичташиши планетали қуюқликлар шаклланишига, кейинчалик эса замонавий Куёш тизими планеталарининг ҳосил бўлишига олиб келган.

Шмидтдан фарқли равишда Фесенков фикрича, газ-чангли туманлик қизиган ҳолатда бўлган. Унинг энг катта хизмати муҳит зичлигига боғлик равишда планеталар орасидаги қонуннинг асосланиши бўлган. В.Г.Фесенков Куёш тизимидағи харакат микдори моментининг мустаҳкамлилигини математик асослади. В.Г.Фесенков баъзи йўлдошларнинг (Юпитер ва Сатурн) тескари йўналишда харакатланишини уларнинг астероидлар билан ушлаб қолиниши ҳодисаси орқали тушунтирган. Борликни ўрганишнинг ҳозирги босқичида В.Г.Фесенков гипотезаси Куёш тизимининг ҳосил бўлиши, шаклланиши ва унинг тузилиш хусусиятларини тўлиқ ёритиб беради. Гипотеза моҳиятидан планеталар ҳосил бўлиши коинотда энг кенг таркалган жараёнлардан эканлиги келиб чиқади. Планеталар ташки куч таъсиrlарисиз Куёш билан мустаҳкам боғланган моддалар туфайли шаклланар экан.

ЭКЗОГЕН ГЕОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Ернинг устки кисмида бўладиган жараёнлар э к з о - ген жараёнлар деб аталади. Экзоген жараёнларга шамолнинг геологик иши, нураш, ер устки ва остки сувларининг геологик иши, дарё, денгиз, океан, кўл ва ботқоқликларнинг геологик ишлари киради. Бу жараёнлар натижасида ер пўстининг рельефи емирилиб текисланади, яъни нивелирланади.

2.1. Нураш (эрозия) жараёнлари

Минерал ва тоф жинсларининг муҳим ўзгаришини вужудга келтирувчи механик, кимёвий ва органик турдаги бир қанча жараёнларга нураш ёки эрозия дейилади.

Механик нураш температурани ўзгариши натижасида рўй беради, кимёвий нураш эса ҳаводаги буғ ва газларнинг таъсирида юз беради. Масалан: пиритнинг нураши натижасида темир гидросульфат ва эркин ҳолатда сульфат кислотаси ҳосил бўлади.

Кимёвий нураш натижасида сувда осон эрийдиган минераллар, содалар, гидросульфатли тузлар ҳосил бўлади.

Биологик нураш – механик ва кимёвий нураш таъсиrlарини ҳам ўз ичига олади. Айрим олимларнинг фикрича ер юзасидаги кимёвий шароитларда реакцияларнинг минералларга таъсири ҳам микроорганизмларнинг реакцияларини тезлигини ошириши мумкин экан.

Органик нураш элементларининг натижаларидан бири тупроқdir. Ҳар хил шароитда тупроқ турлича ҳосил бўлади. Тупроқда энг кўп тарқалган

минераллардан кварц, дала шпати ва оз микдорда слюда учрайди.

2.2. Шамолнинг геологик иши

Ҳавонинг горизонтал ҳаракатига ш а м о л дейилади. Шамолнинг ғужудга келиши асосан Ер юзасининг турли жойлардаги ҳаво босимининг фарқланиши натижасида содир бўлади. Қуёш нури қуруқлик ва сув юзасини бир хил иситмайди. Сув секин исиди ва аста совийди, қуруқлик эса аксинча. Кундуз куни қуруқлик устидаги ҳаво исиб, кенгаяди ва босим камаяди. Кўл ва денгиз устидаги ҳаво эса салқин туради. Ҳаво босими юқори бўлади. Натижада, кўл ва денгиз устидаги ҳаво қуруқликка томон ҳаракатланиб шамолни вужудга келтиради. Кечаси қуруқлик тез совигандан ҳаво босими ортиб, шамол қуруқликдан денгиз томон эсади. Шундай қилиб, бир кеча-кундузда ўз йўналишини икки марта ўзгартириб турадиган шамолга б р и з ш а м о л и дейилади. Бундан ташқари **муссон ва пассат** шамоллари мавжуддир.

Катта қуруқликлар – материклар ёзда атрофидаги денгизларга қараганда кўпроқ исиб кетади, ҳаво босими пасаяди. Денгизларда эса ҳаво босими юқори бўлади. Натижада, бутун ёз бўйи денгизлардан қуруқлик томон шамол эсади. Қишида эса қуруқлик совиб кетади. Бутун қиши давомида шамол қуруқликдан денгизга эсади. Мана шундай, бир йилда ўз йўналишини икки марта ўзгартирадиган шамоллар м у с с о н ш а м о л л а р и дейилади (муссон арабча мавсум сўзидан олинган).

Ернинг шакли шарсимон бўлганилиги ва унинг ўз ўки атрофида айланishi натижасида Ер юзида юқори ва паст босимли мінгақалар ҳосил бўлади. Ер шарининг экватор атрофлари Қуёшдан энг кўп иссиқ олади. Шунинг учун бу ҳудудларда йил бўйи ҳаво босими паст бўлади. Бунинг оқибатида 30° кенгликлардан экваторга қараб доимий шамоллар эсиб туради. Ер айлангани сабабли бу шамоллар экватор яқинида гарб томонга бурилиб кетади. Бундай шамолларга п а с с а т ш а м о л л а р и дейилади.

Эсаётган шамол йўналишини аниқлайдиган асбоб физиогер деб аталади. Шамолнинг тезлиги қанча катта булса, унинг кучи шунча кўп бўлади. Йирик қум ва майда шамолигача бўлган тоғ жинслари доналарини учирishi ва бошқа жойларга олиб кетиши мумкин. Тезлиги 50 м/секдан ортик бўлган шамоллар зўр емирувчи кучга эга бўлади. Оз кучга эга бўлган, лекин озми-кўпми узоқ вақтгача эсадиган шамоллар сув ҳавзаларининг юза килемини ўз йўналиши томон суриб кетади. Масалан: кунинча узоқ вақтгача эсувчи кучли шамоллар Фин култиғидан Нева дарёсининг тор қуйилиши жойигача кўп сув ҳайдаб, дарё сувини тўсиб қўяди ва натижада Нева парёсининг сув сатҳи кўтарилиб тошқинлар бўлади.

Довулларнинг кучи шундай каттаки, улар темир йўл вагонларини ағдариб юбориши, томларни уйлардан узиб юбориши, омонат турган уйларни бузиб юбориши, дараҳтларни илдизлари билан кўпориб ташлаши мумкин.

Шамол маълум геологик ишларни бажаради. Албатта бу иш ҳамма вақт ва ҳамма ерда бир хил юз бермайди. Ер юзасида шундай вилоятлар борки, уларда шамолнинг емирувчилик таъсири ниҳоятда кучли сезилади. Бу вилоятлар ўсимлик қатлами бўлмаган чўл ва саҳролардир. Шунинг учун бундай жойларни дефляция (шамол эсиги) вилоятлари деб агалади.

Шамол қанча кучли бўлса, шунча катта заррачалар тупроқдан ажралади ва улар узоқ масофага олиб кетилади. Ҳаво оқимлари факат ер юзаси бўйлаб горизонтал йўналишида бўлмай, балки тик йўналишда ҳам эсади. Шунинг учун тупроқдан ажралган заррачалар юқорига кўтарилади. Майда қум кучли шамолда бир неча ўн метр баландликка, бир оз йирикроқ қум ва майда тош эса 8-10 м баландликка кўтарилади. Саҳроларда қаттиқ шамолнинг кучини текширган саёҳатчилар диаметри 3-4 см катталиқдаги тошлар шамолда 2-3 м гача баландликка кўтарилганини, баъзан эса бундай тошлар отда кетаётган кишини «саналаганини» қайд қилганлар. Бу хилдаги шамоллар айниқса Шарқий Помирда тез-тез эсиб туради.

Кўчирилган заррачалар ҳавода баъзан бошқа жойга кучиш жараёнида ўзлари тегиб турган юзаларни силлиқнайди. Бу юза саҳродаги бирорта участка ёки чўккайиб

турган тошлар, коялар, гоҳо инсон томонидан қурилган бирорта иншоот бўлиши мумкин. Зарраларнинг бундай ишни к о р р о з и я деб аталади. Марказий Осиёнинг айрим жойларида сақланган эски иншоотларда шамолга қараган томонларнинг доимо пастки қисмларида, айниқса 0,5-1,5 м баландликдаги қисмида кучли коррозия юз берган.

Шамолда учирилган материал йириклигига ҳамда шамолнинг кучига қараб маълум бир масофага олиб келинади ва э о л қ а т л а м и кўринишида қолдирилади. Энг майда заррачалар учирилган жойдан кўпинча бир неча юз километргача олиб кетилади. Масалан: Марказий Осиёдаги Қоракум ва Қизилкум саҳроларидан учирилган чанг шарққа томон узокларга олиб борилади ва Марказий Осиё тоғ этакларида қолдирилади. Баъзи олимлар тоғ этаклари вилоятларидағи устки қатламларнинг пайдо бўлишида шамол олиб келган жинслар муҳим рол ўйнайди деб хисоблайдилар. Болтиқ бўйи қирғокларида кумли плажлар бор ва гарбдан эсувчи шамоллар кўп бўлади. Шунинг учун бу ердаги кумлар шамолда шарқий ўйналишда учирилади. Бу ердаги шамолда келтирилган кум массаларининг баландлиги кўпинча бир неча метрга боради. Кумлар қирғокдан шарққа томон аста-секин силжиб, ўз ўйналишидаги ўрмонларни, экинзор ерларни, боғларни полизларни ва турар жойларни кўмиб юборади. Бу кум тепалари д ю н а л а р дейилади. Саҳроларда ногўри шаклда ҳосил бўладиган қум тепалари ҳам дінналар дейилади.

Шамол келаётган томони салгина қия тепаликка ўхшайдиган, шамолга қарши томони эса ярим ой кўринишидаги дўнглар б а р х а н л а р деб аталади. Шундай килиб, гарб ёки жануби-гарбий шамоллар кўп бўлган мавсумда ҳамма барханларнинг ярим ойга ўхшаш томони шарққа қарайди. Шарқий ёки шимолий-шарқий шамоллар кўп бўлган вақтларда эса барханнинг ярим ойга ўхшаш томони гарбга ёки жануби-гарбга қараб қолади. Айрим барханларнинг атрофидаги жойларга нисбатан баландлиги кўп ҳолларда 20-30 м, гоҳида 50 м ни ташкил этади.

Агар шамолда учириладиган кум массаси йўлида алоҳида турган катта тош ёки саҳро ўсимликларининг

Бугаси сингари тўсиқ учраса, у вақтда бу жисм атрофида кум тўйлана боради. Олиб келинаётган қумнинг баландиги бу тўсиқ даражасига етганда, кум шамолга қарши томонга тўкила бошлайди. Пайдо бўлган тўсиқнинг ён томонларидан шамол қум массаларини олдинга томон хайдайди ва ярим ойнинг тўртиб чиқиб турган шохлари аниа шундай ҳосил бўлади.

Агар ҳаракат давомида қум ўз йўлида ҳамма жойи бир хил мустаҳкамлиқда бўлган биронта тик юзага дуч келса, у ҳолда бу юзада унга доимо ёғилиб келаётган кум заррачалари таъсирида жуда ҳам кичик чукурчалар пуннилади. Бундай айрим-айрим чукурчалар ҳосил бўлгандан кейин ҳар бир қум заррачаси уларга урилиб, олдин бир неча марта айланма ҳаракат қиласи ва орқага қайтади. Натижада, чукурчалар ўсиб боради, кенглиги ва чукурлиги бир неча ўн сантиметрга боради ва бутун юза илма-тешик булиб қолади.

Баъзан ўзига ҳосил бўлган бу чукурчаларга ҳатто шамолда кирган майда тош ёки қум доначалари тиқилиб қолади. Улар ўсиб бориб, бир-бирига қўшилиб кетади, уларни ажратиб турган деворлар бузилади ва муйаян шаклга эга бўлган фор-камар ҳосил бўлади.

2.3. Ер ости сувлари

Ер ости сувлари деб ер пўстидаги тоғ жинслари орасида жойлашган қаттиқ, суюқ, газ ҳолатидаги сувларга айтилади.

Ер ости сувлари энг муҳим геологик омиллардан ҳисобланади.

Рус олимни В.Вернадскийни ҳисоб-китобларига кўра 16 км гача чукурликда бўлган ер ости сувларининг умумий ҳажми 400 млрд. m^3 га teng. Ер ости сувларининг ер юзасига яқинроқдагилари қаттиқ жинслар орасидаги каналчалар орқали ҳаракатланади. Бу сув томчилари бир-бири билан деярли боғлиқдир. Катта чукурликдаги сувлар эса тоғ жинслари орасидаги ғовакларда жойлашган бўлиб қудук қазилганда босимнинг нисбатан ўша чукурликда

камайиши нагижасида бу сув капиллярлари шу қудукка талпинади ва ер юзасига чиқади.

Ер ости сувлари ҳолатига қараб бир неча турға бўлинади: 1. Сув бүглари; 2. Гидростатик сув; 3. Пардали сув; 4. Эркин (гравитацион) сув; 5. Муз; 6. Кристалланган сувлар ва ҳ.к.


Гидростатик сувлар – қаттиқ тоғ жинсларининг заррачаларини ўраб турадиган сувлар.

Пардали сув – гидростатик сувларга нисбатан қалинроқ бўлиб жинслар уни механик куч билан ушлаб туради.

Кристалланган сув – жинсларниң таркибига молекула кўринишида киради. Масалан: гипс, сода.

Ер ости сувлари жойлашишига қараб 5 турға бўлинади: 1. Сизот сувлари, 2. Грунт сувлари, 3. Артезиан сувлари, 4. Карст сувлар, 5. Ёриқ сувлари.

Сизот сувлари - ер пўстининг энг устки қисмида бўлиб улар асосан ботқоқлик сувларини, жинс ғовакларини, ёриқларини тўлатиб туради (I.2.1-расм).




I.2.1-расм. Сув ўтказувчи тоғ жинсларни характеристи:

А - ғовакли жинслар; Б - ёриқли тоғ жинслар; В - сув ўтказувчи ёриқларни ўлчами; Г - ғовакли тоғ жинсларда доналарни (зарраларни) зичлиги ва ўлчами; 1 - сув ўтказмайдиган жинслар; 2 - сувга тўйинган жинслар.

Бу сувларни истеъмол қилиб бўлмайди.

Г р у н т с у в л а р и – ернинг биринчи сув ўтказадиган қатламида бўлади. Бу грунт сувлари кунига 10 см дан 1 м гача тезликда ҳаракатланади. Улар асосан ғоваклиги катта бўлган жинслар орасида ҳаракатланади. Атроф муҳитни экологиясига қараб бу сувларни истеъмол қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги аниқланади.

А р т е з и а н с у в л а р и - грунт сувларидан настда жойлашган бўлади. Бу номни XII асрда Францияда яшаган олимнинг ўша ердаги Артуа вилоятида қазиган қудуғидан чиққанлиги учун сувнинг номини шу вилоят номи билан аташган (I.2.2-расм).



I.2.2-расм. Артезиан сувларининг жойлашиш схемаси.

1 - таъминланиш манбаи; 2 - сувли қатлам; 3 - сув ўтказмайдиган қатлам; 4 - сувнинг ўзи оқиб чиқувчи қудук; 5 - сувнинг ўзи оқиб чиқмайдиган қудук; 6 - босимли сувларнинг пъзометрик сатҳи.

К а р с т с у в л а р и – асосан карст горларида учрайди. Карст горлари ер ости сувларининг баъзи турдаги тоғ жинсларини эритиб, емириши натижасида ҳосил бўлади. Уларни узунлиги бир неча километрларга бориши мумкин.

Бу горлардаги сувлар худди ариқ сувларига ўхшаб ҳам оқади. Улар горлар ичida кўллар ҳам ҳосил қилишлари мумкин.

тоғ жинсларини әритиб, емириши натижасида ҳосил бўлади. Уларни узунлиги бир неча километрларга бориши мумкин.

Бу горлардаги сувлар худди ариқ сувларига ўхшаб ҳам оқади. Улар горлар ичидан кўллар ҳам ҳосил килишлари мумкин.

Ёриқ сувлар – жинсларнинг ғовагини тўлатиб қолмасдан балки ёриқларини ҳам тўлдирадиган сувларга айтилади. Бу ёриқлар асосан тектоник ҳаракатлар натижасида юзага келади.

2.4. Ер усти сувлари

Ер усти сувлари – дарё, кўл, денгиз ва океан сувлари турлича бўлиб, улар геологик жараёнларга маълум даражада тъясир ўтказади.

2.4.1. Дарёларининг геологик иши

Дарёларнинг геологик иши бошқа баъзи бир эзоген фактлар сингари, одатда алоҳида олиб кўриладиган, лекин кўпинча бир вактда мавжуд бўладиган уч босқичдан иборатdir. Бу босқичлар емириш, оқизиб келтириш ва чўқтиришdir. Тоғ жинсларининг дарё сувлари билан парчаланиб кетиши, ювилиши эроziя номини олган. Шунга мувофиқ материалнинг оқизиб келиниши ва ётқизилиши (чўқтирилиши) аккумуляцияси (оқиб келиб чўккан) фаолияти ва дарёларнинг ётқизиклари аллювиялари дейилади.

Дарёларнинг юқори оқимида кўпроқ жинс емирилиши (эрозия) рўй беради, унинг ўрта қисмида ўйилиш, оқизиб келтириш ва ётқизиш бирга бўлади; қуий оқимларда эса оқизиб келиш ва чўқтириш кузатилади.

Дарё ўз сувларини дарё водийсини ён бағирларидан оқиб келувчи ёғинлардан олади. Йил бўйи ёғинларнинг

микдори ҳар хил бўлганлигидан дарёдаги сув ҳам gox камайиб, gox kўпайиб туради.

Дарёнинг маълум бир жойида юз бераётган ювилиш, оқизиб кетиш ва ётқизиш дарёдаги сувнинг микдорига қараб ўз кучини анча ўзгартириб туриши мумкин. Џарёдаги ювилиш сувнинг оқиш тезлигига боғлиқдир. Сувнинг оқиш тезлиги икки баробар кўпайганда, унинг оқизиб кетиши ювилиши 4 марта, оқиш тезлиги уч марта кўпайганда эса 7-9 марта ортганлиги аниқланган.


Сув оқимлари катталиги ҳар хил бўлган материални оқизиб келади. Тоғ дарёлари лой ва кум билан бирга шағал, майда тошларни, сув тошқини вақтида эса баъзан диаметри 1 м дан ортиқ бўлган тошларни кўчириб олиб кетади. Сув тезлиги камайган сари аста-секин йирик, кейин эса майда материаллар чўка бошлайди. Энг майда лой тупроқли зарралар ёки лойқалар баъзан дарёнинг кўл ёки денгизга қуйилиш жойигача етиб келади. Ҳатто, текислик дарёлари ҳам сув тошқини вақтида жуда катта оқизиб кетиш қобилиятига эга, бу вақтда улар лойқа билан бир қаторда анча йирик кум зарралари бўлган жуда лойқа сувни ҳам оқизиб келади.

Катта дарёлар асосий оқимдан ва ирмоқлардан ташкил топади. Булар эса ўз навбатида кичикроқ сойлар, жилгалар ва жарларни қабул қиласидан шахобчаларга эга.

Оқимни қабул қиласидан сув ҳавзасининг сатҳи эса эрозия базиси деб аталади. Эрозия базиси қуруқликда ҳар хил кўринишда учрайди. Буни Марказий Осиё дарёларида яққол кўриш мумкин, чунки Марказий Осиёда янги, хозирги замон текислик ҳаракатлари ривожланган бўлиб, ҳар бир кичик дарёнинг эрозия базисини ва унинг регрессив ҳаракатини яққол кўриш мумкин. • Масалан: Орол денгизи Сирдарё билан Амударё учун эрозия базисидир. Чирчиқ эса Уғом, Пском дарёлари учун эрозия базисидир.

Дарё террасалари

Дарё водийларининг ҳам бўйлама, ҳам кўндаланг кесимида қўпинча зинаюли ерлар учрайди. Бу зинаюлар дарё террасала ри деб аталади



1.2.3-расм. Дарё террасаларининг турлари:
А - эрозион; Б - аккумулятив; В - цоколь (ёки аралаш);
1 - аллювий ва 2 - туб жинслар.

Бўйлама террасалар эрозия базисидан юқорида бир нечта бўлиб, кўпинча горизонтал ёки синклинал шаклида ётувчи, цементланган яхлит қатлам жинслари устида ҳосил бўлади. Шаршара кум, шағал каби бўш жинслар устида ҳосил бўлмайди, чунки дарё бундай жинсларни осонгина ювиб кетади.

Кўндаланг террасалар дарё эрозия базисининг чўкиши ёки кўтарилиши натижасида дарёning ҳар икки кирғофида ҳосил бўлади. Дарё ўзани кенгайган сари сув оқими секинлашиб чўкиндилар кўпроқ дарё тубида тўплана бошлайди. Аввал шағал, кум ва сўнгра лойсимон

Күндаланг террасалар дарё эрозия базисининг чўкиши ёки кўтарилиши натижасида дарёнинг ҳар икки қирғоғида ҳосил бўлади. Дарё ўзани кентайган сари сув оқими секинлапшиб чўқиндилар кўпроқ дарё тубида тўплана бошлайди. Аввал шағал, кум ва сўнгра лойсимон жинслар чўқади. Дарё келтирган чўқиндини текисликдами ёки баланддами, ҳар қалай бошқа жинслардан ажратиш мумкин. Дарё террасалари турли баландликда жойлашган бўлиб, улар бир қанча (10-15та) бўлиши мумкин.

Террасалар тоғ орасида $300\text{-}500 \text{ m}^2$ тоғ этакларида эса 1000 m^2 ва ундан ҳам каттароқ майдонни ишғол этиши мумкин. Текисликлардаги террасалар бир неча ўн минг m^2 майдонни ишғол қиласи. Бундай жойларда аҳоли яшайдиган қишлоқлар, шаҳарлар барно этилади.

2.4.2. Кўллар

Оқмайдиган ёки секин оқиб турадиган сувлар тўпланадиган, бевосита денгизга кўшилмайдиган, ўрта қисмида ўсимлик ўсимайдиган ҳавза кўл дейилади.

Кўлларнинг умумий майдони Ер шаридаги қуруқликни 2% дан кўпрогини ташкил этади. Барча кўлларнинг сув ҳажми тахминан 29000 km^3 га тенг. Ер шаридаги давлатларни ичидаги Финландияни ўзида 60 мингта кўл бор. Кўлларнинг сонига қараб ундан кейин Канада турди.

Бутун Ер юзидаги кўллар турли геологик ёки тектоник жараёнлар натижасида юзага келган. Сув тўпланадиган кўллар пайдо бўлишига қараб 9 турга бўлинади.

1. Тектоник кўллар – бу кўлларнинг ботиги тектоник ҳаракат натижасида ер пўстининг чўккан бўлимлари ва ёриқлари жойларида вужудга келади. Тектоник кўлларнинг характерли томонлари: қирғоқларининг тик қиялиги, чуқурлигини анча катталиги ва кенг майдонларни эгаллаши билан ажалиб турди. Масалан: МДХда Байкал кўли (чукурлиги 1500м), Орол кўли (150-200м), Каспий кўли, Онега кўллари, Шотландияда Лохнес

кўли, Африкада Виктория кўли, Шимолий Америкада буюк кўллар тўплами ҳам тектоник кўлларга киради. Бу буюк кўлларнинг умумий майдони 245000 км^2 га тенг.

2. Вулқон кўллари - бу кўллар сўнган вулканларнинг кратерида сув тўпланишидан ҳосил бўлади. Вулқон кўллари Францияда, Ява, Янги Зеландия ва Канар оролларида, Камчатка ярим ороли, Курил ва Япония оролларида учрайди.

3. Музлик кўллар - бу кўллар ботиги асосан материк музликлари майдонларида, музлик эрозияси ёки музлик аккумуляцияси туфайли юзага келади. Музлик кўллар Канаданинг шимолий қисмида, Корелияда, Финляндияда, Таймир ярим оролида кўп учрайди. Музлик кўллари тоғ музликларининг эриши натижасида ҳозирги вақтда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бунга мисол тариқасида Альп, Кавказ, Олтой, Осиё тоғларидаги муз кўлларини келтириш мумкин.

4. Карст кўллари - карст ҳодисалари натижасида вужудга келган чукурликларга сув тўпланиши туфайли ҳосил бўлади. Бу кўллар оҳактош, доломит, гипс каби эрувчан жинслар кенг тарқалган майдонларда содир бўлади.

5. Термокарст кўллари - доимий музликлар тарқалган ерлар учун характерлидир. Уларнинг вужудга келиши ер пўстидаги музлар ёки музлаб қолган жинсларнинг эриб кетиши натижасида ҳосил бўлган чукурликларга сув тўпланишидан пайдо бўлади. Бундай кўллар Россиянинг шимоли-шарқий териториясидаги дарёларнинг атрофида кенг тарқалган.

6. Суффизион кўллар - бу кўллар ботиги пўстидаги эрувчан ва осон ювилувчан жинсларни ер ости сувлари ювиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Суффизион кўллар Фарбий Сибирнинг Жанубида ва Козогистоннинг шимолида кўп тарқалган.

7. Эрозион кўллар - дарё водийларида ва денгиз бўйларда сув эрозияси ва аккумуляцияси натижасида вужудга келган кўллар бор. Маълумки дарё ўзининг ўзанини ўзgartириб туради ва кўллар асосан мана шу жараён натижасида ҳосил бўлади.

8. Түғон күллары - тоғ қулаб дарё водийини түсіб құйиши натижасыда вужудға келади. Демак, бу күллар тоғли ўлкалардагина вужудға келади. Гүсіб құйилған тоғ бўлаги ювилиб кетишидан кейин дарё олдинги ҳолига қайтиши мумкин.

9. Эол күллары – шамол юмшоқ жинсларни түзитиб учиріб кетишидан хосил бўлган чукурликда пайдо бўлиши мумкин. Бу чукурлик сув билан тўлса, эол күллари вужудға келади. Эол күллари чўл зоналарида кенг тарқалган.

Кўллар сувини алмашинишига қараб оқар ва оқмас кўлларга ажратилади. Сув алмашиниши яхши бўлган кўлларнинг суви чучук бўлади. Оқмас кўлга Каспий ва Орол кўллари мисол бўла олади. Уларга дарё келиб қўшилсада, лекин бирорга дарё ҳам оқиб чикмайди. Байкал, Ладога кўлларида эса биттадан дарё оқиб чиқади.

Ер юзасидаги барча кўллар сувининг шўрлик даражасига қараб 4 турга бўлинади:

1. Чучук кўллар - шўрлиги 0 дан 1% гача;
2. Салгина шўр кўллар - шўрлиги 1 дан 24,7% гача;
3. Шўр кўллар - шўрлиги 24,7% дан 47% гача;
4. Минерал кўллар - шўрлиги 47% дан юқори.

2.4.3. Денгизларни геологик иши

Денгизларни геологик иши ҳам умуман дарё, муз ва шамолларни геологик ишларидан бўладиган босқичларни босиб ўтади: тоғ жинсларини емиради, бир жойдан иккинчи жойга олиб боради ҳамда емирилған материалларни ётқизади. Аммо денгизнинг геологик ишининг ўзига ҳос бир қанча хусусиятлари борки, бу хусусиятлар туфайли у Ернинг ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Шамол, дарё, ер усти сувлари емирилған тоғ жинс материалларини денгизга олиб бориб ташласа, денгиз эса бутун материк ва оролларни ўзининг сатҳига баробар қилиб кесишга, кирқишига интилади. Шунинг учун денгиз ишининг бу босқичи а б р а з и я деб аталади. Денгизнинг абразион иши бутун материк ва оролларнинг 60000 км

масофалик қирғоқ чизиклари бүйлаб ҳаракат қиласы. Куруқликнинг катта участкаларини кишилар күз олдида абразияга учрагани маълум. Бунга Гельголанд оролининг 900 минг йил давр мобайнида сатҳи 900 km^2 дан $1,5 \text{ km}^2$ га келиб қолиши ажойиб мисол бўла олади.

Денгиз туби энг чуқур жойларигача зина-зина бўлиб пасайиб боради. Биринчи зина шеълъф деб аталувчи денгиз саёзлигини ҳосил қиласы. Океанларда ва очиқ денгизларда бундай саёз жойлар -шельфлар баъзан жуда кенг бўлса, баъзан жуда тор бўлади.

Денгизнинг чуқур қисмидаги қояли қирғоқларга тўлқин урилиши айниқса катта кучга етади: сув бу ерда қирғоқни 1 cm^2 юзасига 2-3 кг куч билан урилади. Бу жойларда тўлқинлар натижасида ниҳоятда кўп сув жуда баландга отилади. Саёз ва нишаб қирғоқларда куч билан келаётган тўлқинлар шағал ва қумдан иборат бўлган денгиз тагига ишқаланиши натижасида ўз кучини йўқотади ва уларнинг урилиш кучи анча кам бўлади.

Агар саёзлик ювилиб чуқурлашса, тўлқинларнинг урилиш кучи ошади. Денгиз остидаги қарши оқимлар қирғоқ емирилишидан ҳосил бўлган маҳсулотни денгизнинг чуқур жойларига олиб боради ва кўчирилаётган материални саралайди. Бунда бир мунча йирик материаллар қирғоқга яқин, майдалари эса қирғоқдан узоқда ётқизилади. Агар саёз жойлар (нерит зона) жуда кенг бўлса терриген материал деб аталган материал бутунлай ўши ерда қолади. Агар саёз жойлар камроқ бўлса, у вақтда чўқиндиларнинг бир қисми континентал ёни бағири деб аталадиган иккинчи зинага ўтади.

Денгизларнинг саёз жойларидан кейин бирдан ёки секин-аста батиаль обласст келади. Саёз жойлар қирғоқ яқинида 0-20 м гача бўлса, денгизнинг қолган қисми эса 20-200 м гача бўлади, батиаль обласст чуқурлиги 200 м дан 2000-2500 м гача етади. Батиаль обласстнинг юқори қисмларида чўқиндилар фақатгина кучли тўлқинлар билан ўрнидан қўзғатилиб лойқалатилади ва чуқур денгиз оқими билан бир жойдан иккинчи жойга кўчирилади. Агар денгиз оқимлари қирғоқга келса денгиз саёзлиги тубидан ва батиаль обласстнинг юқори қисмларидан майда тупроқ материални олиб кетади. Батиаль

областда материклардан келтирилган чанг, вулқон куллари ҳамда космик чанглар ётқизилади.

Денгизнинг механик ишида шамол, тұлқинлар, денгиз суви күтарилиши ва денгиз оқимлари иштирок өтади. Денгизнинг ишида буларнинг ҳар бири үзига хос хусусиятларга эга.

Шамол тұлқинлари үзи билан олиб кетаёган йирик тошлар билан кучли босым ва урилиш натижасыда қирғоқни емиради. Кора денгиз 7 йил мобайнида шу йўл билан Гагра яқинида қирғоқни 200 м кенгликда тұлқинлар билан ювив кетген. Болтиқ дengizидаги Колъберги яқинида қирғоқ дengизнинг ҳужуми натижасыда ҳар йили 0,5-1 м орқага чекинади. Океан қирғоқларида тұлқин иши бундан ҳам кучли бўлди. Ламанш қирғоқлари ҳар йили 2м ювилади. 1825 йилда Атлантика океани Ютландия ярим оролини ёриб ўтиши натижасыда Лимфиорд номли янги бўғоз ҳосил бўлади. Франциядаги Методика ярим ороли қирғоқлари йилдан-йилга тез чекиниб бормоқда (1918 йилда 15 м, 1844 йилда 35 м). Баъзи жойларда қирғоқ дengизнинг ҳужумига бирмунча яхши қаршилик кўрсатади. Жазоир қирғоқлари 1200 йил мобайнида фақат 10 м орқага чекинган. Асрлар давомида секин күтарила бораётган қирғоқларда абразия у қадар сезилмайди.

Сув тагидаги чўкиндиларни тұлқинлар (бир неча юз меғр чукурликгача етиб) қирғоққа тик йўналишда ҳам, унга тескари йўналишда ҳам олиб кетади. Биринчи холда, сув күтарилишидаги тұлқин кучи унинг қайтишидаги тұлқин кучидан кўп бўлса, у ҳолда асосан ётқизиклар қирғоққа чиқарилиб ётқизилади. Агар сувни қайтишидаги кучи катта бўлса, у ҳолда ётқизиклар қирғоқдан дengиз томон олиб кетилади. Иккала тұлқиннинг кучи баробар бўлганда материал ўз жойида қолади. Агар тұлқинлар қирғоққа кия йўналишда келса, емирилган материаллар қирғоқ бўйлаб бир ердан иккинчи ерга кўчирилади.

Терриген, вулқон, минерал ётқизикларида органик қолдикларнинг бўлиши уларда .aloҳида из қолишига сабабчи бўлади. Баъзи ҳолларда кимёвий ёки биокимёвий йўл билан ҳосил бўлган чўкиндилар тўпланади.

Денгизни саёз жойлари (шельф) асосан кўп ёки оз микдорда органик материаллар аралашган майдада қум ва

камдан-кам ётқизиклар билан қопланған бўлади. Денгиз ўсимликлари фақат яхши ёритилған шу зонада ривожланади. Денгиз саёзлиги зоналарида ҳосил бўладиган ётқизиклар одатда аниқ қат-қат бўлади. Уларда қийшиқ қат-қатлик ёки нотўғри таҳланиш деярли ҳеч қачон кўринмайди. Жуда тик, баъзан денгиз сатҳига 60° гача бурчак билан тушиб кетган маржон рифлари булардан мустаснодир, чунки бу ерларда чўқиндилар жуда нотекис қатламланади ёки сира қатламланмайди. Денгизлардаги саёз жойларнинг қирғокка яқин қисмларида энг кучсиз шамол таъсирида сув юзида ҳосил бўлган майда тўлқинларнинг худди негативга кўчирилған босмаси каби тўлқин белгиларини ётқизикларда кўриш мумкин.

Океанинг батиаль зonasида энг майда гил ва лойқа чўқиндилар ётқизилади. Лойқаларни қуйидаги турларга ажратиш қабул қилинган: кўк лойқа, қизил лойқа ва яшил лойқа. Лойқаларнинг орасида денгиз сувлари, музлар ёки шамоллар билан баъзан узоқ масофалардан келтирилган бирмунча дағал ётқизиклар ҳам учраши мумкин.

2.4.4. Океан ва унинг тубини тузилиши

Ернинг материк ва оролларини ўраб турадиган сув пўсти – гидросфера дейилади. Юончадаги “oceanas” Ерни айланиб оқадиган азим дарё деган маънони билдиради. У гидросферанинг катта қисми (94%) ни эгаллайди. Физик ва кимёвий таркиби жиҳатидан океан бир бутун, лекин микдори жиҳатидан гидрологик ва гидро-кимёвий кўрсаткичлари хилма-хилдир. Гидрологик режимнинг табиий географик хусусиятларига кўра, Дунё океани алоҳида океанлар, дengизлар, кўлтиклар, бухта ва бўғозларга ажратиб туради.

1650 йилда голланд географи Б.Вариниус Дунё океанинни 5 алоҳида қисмга: Тинч, Атлантика, Хинд, Жанубий Муз, Шимолий Муз океанларига бўлган. 1845 йилда Лондон география жамилти ҳам буни тасдиқлаган. Кейинроқ баъзи олимлар Дунё океанинг фақат З га ажратдилар: Тинч, Атлантика ва Хинд океанларига. XX асрнинг 30 йилларидан бошлиб Арктика ҳавzasи

синчиклаб текширилгандан кейин, тўрт алоҳида океанга ажратилди: Тинч, Атлантика, Хинд ва Шимолий Муз океанига. Ер шарида океан суви ва қуруқликларнинг тақсимланиши турлича. Шимолий ярим шарда сув сатҳи Ер шарининг 61% ни эгалтайди. Бу ерда океан сувлари қуруқликка анча кириб бориб, кўп соғли дengиз ва дарёларни ташкил қиласди. Барча ички дengизлар Шимолий ярим шарда жойлашган.

Океан туби майдонининг кўпчилик қисми (73,8%) 3000 м дан 6000 м гача чуқурлиқда жойлашган.

Океан тубининг планета миқёсидаги морфоструктураларини (энг йирик шакллари) континенталь ер пўстини ярим қисмларининг тузилиши ва тарихий ривожланишига қараб 4 қисмга бўлиш мумкин.

1. Материкларнинг сув остида қолган чекка қисмлари.
2. Океан қаъри.
3. Материкларнинг сув остида қолган чекка қисмлари билан океан қаъри ўртасидаги оралиқ зона.
4. Океан ўртасидаги тоғ тизмалари.

Океан тубининг материкларга ёндош қисмларининг тузилиши материкларнига ўхшаш бўлиб, материкларнинг сув остидаги чеккаси ҳисобланади ва унда рельефни хусусиятларига қараб шельф, материқ ён бағри ва материқ этаги ажратилади.

Тинч океани чеккаларининг катта қисмида, Хинд океанининг шимолий шарқида, шунингдек Кариб ва Скоба дengизларида материкларнинг сув остидаги чеккаси билан океан қаъри ўртасида оралиқ зона жойлашган. Бу ерларда чекка дengиз сойлари (чуқурлиги 400-5000 м гача), ёйсимон тузилган ороллар (бундай оролларнинг учлари сув остида тоғ тизимлари ҳосил қиласди), чукур навлар (Мариан нови – 11022 м) рельефининг асосий шаклларини учратиш мумкин. Бундай ороллар зонасида зилзилалар кўп бўлиб, вулқонлар отилиб туради. Океан ўртасидаги сув ости тоғ тизимлари океан тубининг тўртинчи йирик шаклидир. Барча океанлар кесиб ўтган сув ости тоғларида рифтлар–грабен сифат водийлар учрайди. Рифт тизмаларида кўндаланг синиклар, шунингдек йирик вулкон массивлари учрайди.

Дунё океанининг ўртасидаги тоғ тизмаларидан ташқари абиссал зона ҳам бўлиб, у ер юзининг энг паст геометрик сатҳини (ўртача чуқурлиги 4000 м максимал чуқурлиги 7000 м гача) әгаллайди. Майдони 185 млн. км² дан ортиқ (Дунё океани туби умумий майдонининг 50% дан кўпроқ қисми). Океан қаъри рельефи ва тектоник структурасининг энг йирик элементлари – океан ботиқлари ва уларни ажратиб турадиган турли турдаги океан кўтаришларидир. Ботиқлар океан қаърининг энг катта қисмини әгаллайди; уларнинг ўртача чуқурлиги 5000 м. Ботиқлар ичида алоҳида сув ости тоғлари - вулқонлар кўтарилиб туради. Тропик денгизлардаги кўпгина сув ости тоғларининг усти маржон қурилмалардан иборат.

Океан сувининг зичлиги ёки солиштирма оғирлиги унинг шўрлиги билан бевосита боғлиқdir. Чуқурга тушган сари сувнинг шўрлиги ва зичлиги ҳам ўзгариб боради, чуқурлиги 200 м гача борадиган жойларда сув энг шўр ва зич бўлади, ундан сўнг шўрлик ва зичлик 1640-1830 м чуқурликгача камайиб боради. Жуда чуқур ерларда шўрлик ва зичлик яна ошиб боради, лекин сув остида юзасига қараганда туз камроқ бўлади. Бундай ҳодисалар фақат океанларда рўй беради. Чуқур океан сувида 30-40 йилча олдин ҳайвонлар анча кам деган фикр ҳукмрон эди. Эндиликда шу нарса аникландик, денгиз ва океанларнинг турли чуқурликларида тирик мавжудотлар шу қадар кўпки, уларга қараганда материк бир чўлдек кўринади. Денгиз хаёт бешигидир. Аникланишича ҳамма синф ҳайвонларининг 75% сувда вужудга келган.

3 – боб

ЭНДОГЕН ГЕОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Ернинг қаттиқ қисмидаги энергиялар натижасида содир бўладиган геологик жараёнлар эндоген жараёнлар дейилади.

Эндоген жараёнларга тектоник ҳаракатлар, зилзилалар, магматизм ва метаморфизм киради.

3.1. Тектоник ҳаракатлар

Ер пўстини ташкил этган тоғ жинсларининг бирламчи жойлашишларини ўзgartириб юборувчи жараёнга тектоник ҳаракат деб аталади. Чўкинди жинслар ҳосил бўлиш жараёнида деярли горизонтал ҳолатда ётган бўладилар, чунки чўкинди тоғ жинслари қатланадиган денгиз туви шундай тузилган. Чўкинди тоғ жинслари қатлангандан кейин геологик давларда улар тектоник ҳаракатлар таъсирида бирламчи ҳолатларини ўзgartирадилар.

Тектоник ҳаракатлар 3 га бўлинади.

1. Ер пўстининг тебранма ҳаракати; булар асосан материклар ҳосил қилувчи ҳаракатлардир.


2. Бурма ҳосил қилувчи ҳаракатлар.

3. Узилмачанлик ҳосил қилувчи ҳаракатлар.

Бурма ва узилмаларни келтириб чиқарувчи ҳаракатни тоғ ҳосил қилувчи жараён ёки орогене з деб ҳам юритилади. Ер пўстининг тебранма ҳаракати жуда катта майдонларда содир бўлади. Бу ҳаракат 2 хил бўлади: горизонтал ва вертикаль.

Горизонтал ҳаракат натижасида материклар бирбиридан (ўнлаб, юзлаб миллион йиллар давомида) горизонтал йўналишда ажралиб кетадилар ёки тўқнашадилар. Масалан: таҳминан 200-180 млн. йил олдин Америка,

Европа ва Африка билан бир бутун эди. Хиндистон ва Австралия, Африкадан ажралган ва Хиндистон тахминан 40 млн. ийл олдин Осиё билан бирлашган (I.3.1-расм).



I.3.1-расм. Мезозой ва кайнозой эраларида қитъаларнинг ҳаракати ва ривожланиши. I - ўрта триас (220 млн. ийл олдин); II - кечки триас (200 млн. ийл олдин); III - кечки юра (145 млн. ийл олдин); IV - кечки бўр (75 млн. ийл олдин); V - ҳозирги вақтдаги жойлашиши; VI - тахминан 50 млн. ийдан кейинги жойлашиши.

Бунга асосий сабаб Ер ядрои ва мантиясида кечадиган термодинамик жараёнлардир. Бу жараёнлар

натижасида литосфера плиталарининг горизонтал тектоник ҳаракатлари содир бўлади. Бундай ҳаракат жуда сескин кечади, 1 йилда бир-нечча сантиметрдан ошмайди.

Вертикал ҳаракат бу горизонтал ҳаракатларнинг ҳосиласи бўлиб, Ер пўстининг чўкишига ёки кўтарилишига олиб келади. Ер пўстининг чўкиши натижасида денгиз сувлари бу ерларга бостириб келади. Бу жараён трансгрессия деб аталади. Ер пўстининг кўтарилиши ўз навбатида денгиз сувининг чекинишига, яъни регрессия деб аталувчи жараённинг содир булишига олиб келади.

Трансгрессия вақтида чўкинди тоғ жинслари ҳосил бўлади. Регрессия вақтида аввал ҳосил бўлган чўкинди тоғ жинслари ювилиб кетади. Ер пўстининг геологик тарихи сув босиш ва ортга чекиниши (трансгрессия ва регрессия)дан иборатdir.


Геологлар ҳар қайси давр учун сув ёки қуруқликнинг тарқалишини кўрсатувчи палеогеографик хариталарни тузадилар. Масалан: Кембрий, Ордовик, Силур, Девон, Гошкўмир, Перм ва бошқа геологик даврлар учун маҳсус хариталар мавжуд. Бундай хариталар палеогеограф иккича хариталар деб юритилади (“палео”- деган сўз “қадимги” демакдир). Палеогеографик хариталарни тузиш учун тадқиқ этилаётган худуднинг тоғ жинслари, минераллари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўрганилади ва шулар асосида геологик кесмалар тузилади. Бу материалларга асосланиб ўтмишдаги геологик шароитлар: трансгрессия ва регрессия даврлари, ҳамда иклим шароитлари аниқланиб палеогеографик хариталарда тасвирланади.

Бурма ҳосил қилувчи ҳаракат натижасида қатламларда букилган (эгилган) томони юқорига қараган -- антиклинал ҳамда пастга қараган – синклинал бурмалар юзага келади.

Шунингдек, бундай тектоник ҳаракатлар натижасида моноклинал, флексура кўринишдаги тектоник тузилмалар ҳам шаклланади.


Узилма ҳосил қилувчи тектоник ҳаракат натижасида қатлам бўлакларга ажралади ва бунинг натижасида туширма узилма (сброс), кўтарма узилма (взброс), сурилма

(надвиг), силжиш (сдвиг), грабен, горст ва бошқа тектоник тузилмалар ҳосил бўлади (I.3.2 ва I.3.3-расмлар).



I.3.2-расм. Туширма (1) ва кўтарма (2) узилмалар.

А - кўтарилиган қанот; Б - тушган қанот; В - узуви; α - узуви чини ётиш бурчаги; a_1, a_2 - узилиш амплитудаси.



I.3.3-расм. Геологик кесимда горст ва грабенларнинг тасвирланиши.

3.2. Зилзилалар

Зилзилаларни, яъни ер тебранишларини ўрганувчи фан сейсмология я деб аталиб, ер тебранишларининг кучига қараб микросейсмология, макросейсмология (макросейсмик) ва мегосейсмикага бўлинади. Микросейсмик зилзилалар факат кучли асбоблар билан ўлчанади. Макросейсмик зилзилаларни инсон организмлари сезади. Мегосейсмик зилзилалар эса катта вайронагарчиликларга, катастрофик ҳолатларга олиб келади.

Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда Ер шарида бир йилда битта катастрофик, ўнта жуда кучли,

юзги кучли, мингта иншоотларга зарар келтирадиган зилзилалар бўлар экан. Бизга маълум бўлган Ер юзидағи зилзилалардан бири XVII асрда Хитойда бўлиб, у 850000 кишини ёстигини қуритган. 1957 йилда Монголияда бўлган кучли зилзила натижасида (11 балл) ёриқ пайдо бўлган, ундан ер юзига сувлар (ер ости сувлари) чиқсан. Ёриқнинг узунлиги бир неча 100 км га генг бўлган.

Бу борада Ўрта Осиёда бўлган Ашхобод (1947), Тошкент (1966) ва Газли (1976) зилзилаларини эслаш жоиздир.

Зилзиланинг Ер қаъридаги маркази, яъни зилзила учоғини г и п о ц е н т р деб аталади. Ана шу гипоцентрни ер юзасидаги проекцияси э п и ц е н т р дейилади. Эпицентр билан гипоцентр орасидаги масофа қанча катта бўлса, у шунча катта майдонга тарқалади. Аксинча, улар орасидаги масофа кичик бўлса, зилзиланинг тарқалиш майдони ҳам кичик бўлади.

Зилзиланинг кучини аниқлашдаги маълумотлар ғрамизнинг II асрига бориб тақалади. Зилзиланинг кучини аниқлайдиган асбоб с е й с м о г р а ф дейилади. Уни хитойлик Жан Чун ихтиро қилган. Сейсмографнинг асоси унинг ташкил қилган маятнигини тебранишига боғлик.

Ер юзасида рўй берадиган ҳар 110 та зилзиладан 40 гаси денгиз ёки океан тубида рўй беради. Зилзила ҳосил булишининг 3 хил сабаби мавжуд:

1. Тектоник ҳаракатлар натижасида рўй берадиган зилзилалар;
2. Вулқон отилиши натижасида рўй берадиган зилзилалар;
3. Кўчки (ўпирилиш) натижасида рўй берадиган зилзилалар.

Адабиётларда берилишича умумий зилзилаларнинг 95% ини рўй беришига тектоник ҳаракатлар, 4% га вулқонлар ва 1% га кўчкиласи сабабчи бўлади.

Ер шарида содир бўлаётган зилзилаларнинг деярли 95% га яқини маълум тасмасимон минтақаларда мужассамланган бўлиб, бу минтақалар ораликларида носейсмик қаттиқ ер бўлаклари жойлашган.

Зилзилалар мавжуд бўлган тасмасимон минтақаларда ернинг турли литосфера плиталарини бир-биридан ажратиб турувчи чегаралар мавжуд (I.5.2-бобга қаранг).


Ер шарида зилзилаларнинг бундай қонуниятлар билан тарқалиши ўз навбатида қитъалар ичидаги жойлашган қадимги платформаларда зилзилаларнинг деярли мавжуд эмаслигини ёки уларнинг жуда суст, сезиларсиз тебранишга эгалигини тушунтириб беради.

Зилзилаларнинг тебраниш кучи Рихтер шкаласи ёрдамида ўлчанади. Унда 1 баллдан 12 баллик кучга эга бўлган зилзилалар қайд этилади. Зилзилалар содир бўлишини олдиндан билиш усуслари мавжуд бўлиб, аниқлик даражасининг етарли бўлмаганлиги туфайли илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Зилзила содир бўлишидан олдин ер ости сувларининг таркибида радиоактив элементларнинг микдори ўзгаради. Зилзила содир бўлиш сабаблари ҳақида турли фикрлар мавжуд.

3.3. Магматизм ва вулканизм

Ер юзасига оқиб чиқадиган лава планетамиз ички қисмида тош массаларининг эриган ҳолатда бўлишини таъминлайдиган температура ҳукм сураётганлигини кўрсатади. Бироқ вулкан ҳодисалари номи билан юритиладиган бу ҳодисалар ер юзасининг фақат маълум бир жойларидагина кузатилади.

Магманинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган жараён ва ҳодисалар магматизм деб аталади. Магманинг литосфера қатламларига ўтиш (кириш, интрузия) ҳолларини плутонизм (қадимги юнонларнинг тасаввурларига кўра Плутон Ер остидаги дунё худоси), магманинг эриган массаларининг ер юзасига оқиб чиқиши ҳолларини эса вулканизм (Вулкан-рим мифологиясида ўт худоси) деб аталади. Отилиб чиқсан ва ўзидағи бир неча компонентларни, асосан газларни йўқотган магма лава деб аталади (I.3.4-расм).



I.3.4-расм. Вулқонни тузилиши ва эффузив жинсларни ётиши.

- 1 - Вулқон ўчоги; 2 - Бүгизи (жерло); 3 - Кратер; 4 - Сомма; 5 - Кальдера; 6 - Лава оқими; 7 - Ён-атроф кратерлари; 8 - Вулқон конусини ташкил қылувчи вулқон жинсларни катлами

Вулқон ҳодисалари табиат кучларининг энг зўри ва даҳшатли кўринишларидан биридир. Вулқонлар атрофидаги ерларда, аҳоли яшайдиган жойларда катта оғатлар келтирган. Шунинг учун вулқонлар қадимдан бери диккатни жалб қилиб келган ва ҳатто узоқ ўтмишдаги вулқонларнинг фаолияти тўғрисида ҳам жуда кўп маълумотлар тўпланган.

Бунга Апенин ярим оролидаги Неаполь кўлтиги кирғоғида жойлашган ва вулқонлардан энг машҳури бўлган Везувий вулқони мисол бўлиши мумкин. Солномачиларнинг кўрсатишича, бу вулқоннинг анча текис бўлган кратерида ҳарбий командалар машгулот ўtkазиб турган, ёнбағирлари эса ўрмонлар билан қопланган. Эрамиззининг 73-йилида вулқон тўсатдан ҳаракатга келган, кўп микдорда лава оқимлари ер юзасига оқиб чиққан ва ҳавога кул массаси отилиб чиққан.

Бу кулнинг бир қисми куруқ, бир қисми лой бўлиб атрофга ёқкан, чунки бу вулқон отилган вақтда кучли сғир (сел) ёқкан. Натижада бир неча минг киши ҳалок бўлган. Вулқонга яқин бўлган Геркуланум ва Помпей шаҳарлари лава натижасида бузилган, бир қисми эса кул остида кўмилган. Вулқон баъзан 100 йилдан ортиқ вақт давомида жим турса ҳам, ўша даврдан бошлиб, то ҳозирги кунга қадар унинг фаолияти тўхтагани йўқ, сўнгги 100-150 йил давомида вулқон фаолияти айниқса кучли бўлган.

Сүнгги кучли отилиш 1944 йилда, Америка құшинлари Неаполь құлғиғи қирғокларига келган вактда юз берган әди.

Масалан, сүнгги вактдаги вулқонлар қаторига, Мексикада 1943 йилда вужудга келиб деярли 5 йил ҳаракатда бұлған ва ҳозир эса вактінча ёки бутунлай фаолияти күсизланған Перикутин вулқони киради.

Вулқонтар баландлиги, одатда, бир неча метрдан бир неча километргача бұлған конуссимон тоғлардан иборатдир. Вулқон чүккисида отилиш юз берадиган чуқурлик – кратер дейилади. Энг жирик вулқонлардан бири бұлған Ключи сопкасы (Камчатка, баландлиги 4810 м); Везувий (Италия), Фудзияма (Япония) ва бошқалар ана шундай түгри конуслардан иборат.

Бошқа ҳолларда эса вулқонлар кесик конуслардан иборат. Баъзан вулқонларнинг тузилиши жуда асимметрик бұлади. Баъзан диаметри бир неча ўн километрга борадиган катта кратер кальдерада деб аталади. Везувийни ярим ҳалқа шаклида ўраб турған кальдера қолдиклари сопка деб аталади.

Вулқон отилиши доимо бир хил жадалликда юз бермайды. Деярли хар бир вулқон бошқалардан ўз фаолиятининг характеристери билан фарқ қиласы, бундан ташқары, бу фаолиятининг кучайиши ва пасайиши босқичларини кузатиш мүмкін.

Юқоридаги мисоллардан күрганимиздек, вулқон фаолиятларининг айрым портлашлари ўртасида, баъзан бир неча асрлар ўтиб кетади. Вулқонлар шиддатлы отилғанларидан сүнг бутунлай ўчади ёки ахён-ахёнда сал тутаб туради, бошқалари эса доимо тутаб туради ва ахён-ахёнда тош ва куллар отилади, сүнgra, айримлари жуда тинч ҳолда вақти-вақти билан лава чиқарып туради. Кратер отилишлар ўртасида доим ҳаракатда бұлған лава билан тұлған бұлади.

Везувий вулқонини кузатышлар унинг отилиши тутун пайдо бўлиши билан бошланишини, баъзан ундан олдин ёки у билан бир вактда озми-кўними сезиларли зилзилалар бўлишини кўрсатади. Тутун кратердан тобора баландлашиб ва катталашиб устун шаклида кўтарилади. Баъзан, тутун устуни 10 км ва ундан ортиқ баландликка тик кўтарилади.

Г'угунинг майда заррачалари ўтириб, кўп жойларни қалин қатлам қоплади. Майда чангларнинг тушган массалари вулқон кули деб ном олган. Анча йирик заррачалар (бир неча см ёки бир неча ўн метр парчалар) ляни илли ёки рапилли (тошчалар) деб аталади.

Вулқондан чиқкан қулнинг микдори тўғрисида Аляскадаги Катмай вулқонининг отилиши мисол бўлиши мумкин. Бу вулқон отилишидан хосил бўлган кул катламининг қалинлиги 4 м дан ортиқ бўлган, шамолга тескари бўлган томонида 100 м ча масофада қулнинг қалинлиги 10 см дан ортиқ бўлган.

Вулқондан жуда кўп газлар ажралиб чиқиши вақтида қуюқ, лава парчалари ҳам баъзан бир неча юз метрларга отилиб чиқади. Бунда лава бомбалари ҳосил бўлади. Баъзан кратер четидаги қоялардан оғирлиги бир неча ўн тошнага борадиган катта палахсалар ажралиб, ҳавода бир неча юз метрга отилиб кетади, сўнгра тоғнинг ён тагирларига ва унинг этагига юмаланиб тушади.

Вулқон отилишини газсимон, суюқ ва қаттиқ маҳсулотларга ажратиш мумкин. Айрим вулқонларнинг отилишидаги газсимон маҳсулотлардан жуда оз бўлсада, даставвал сув буғлари ажраб, сўнтра газлар эса (водород, хлор, азот, углерод оксиди, баъзан карбонат ангидрид, метан, кўп ҳолларда водород хлорид, водород сульфид, сульфидли газ, аммиак, аммоний хлорид ва аммоний карбонат) чиқа бошлади. Кўпинча газларнинг бундай ажралиб чиқишлиарини фурма роладеб юритилади. Сульфидли газларнинг ажралиб чиқиши сольфат тара деб аталади. Карбонат ангидрит газларининг ажралиб чиқиши вулқон фаолиятларининг сўнгги босқичлари вақтида юз беради, уларни мафтута деб атайдилар.

Вулқонлардан оқиб чикадиган лава шу билан фарқ қиласиди, ундаги магмада буг ва газлар бўлмайди, чунки улар ер юзасига чиқишида ҳавога кўтарилиб кетади. Лавалар турли қовушқоқликка эга бўлади. Асосий ва унъига асосий лавалар окувчан, нордон лавалар эса қуюқ бўлади. Пеле вулқонининг лаваси жуда ҳам қуюқ нордон лава турига мисол бўла олади. Бу лава шунчалик қуюқ

бұлғанки, вулқон кратери устида баландлиги 300 м келадиган баланд минора (обелиск) ҳосил қылган.

Вулқоннинг кули баъзан шундай майдада бўладики, газларнинг портлашидан у 10 км дан ортиқ баландликка ҳам кўтарилади ва ҳаво оқимига қўшилиб, стратосфера-нинг пастки қисмларида узоқ вақтгача сузуб юради.

Даставвал вулқон кули ва қумлари торга ўхшаш шаклларни ҳосил қилади. Бу масса ўзининг оғирлиги таъсири остида аста-секин зичлашади ва сўнгра в улқон тутуф и деб аталувчи анча зич қатламга айланади. Тутуф фит деб аталадиган вулқон ва чўкинди тоғ жинслари ана шундай ҳосил бўлади. Вулқон туфида қотган лава парчалари кўп микдорда бўлса, зичланган кул билан цементланган вулқон брекчияси ҳосил бўлади.

Кўп йиллик кузатишлар натижасида вулқонлар ўз фаолияти харакатерига кўра куйидаги турларга ажратилади.

Гавай турни вулқонлари бошқа турлардан алоҳида ажралиб туради. Бу турдаги вулқонлар – МаунаЛоа, Килауэа ва бошқалар (Гавайи ороллари) – асосан, ўз лаваларининг (базальтли лаваларнинг) ҳаракатчанлиги ва оқувчанлиги билан ҳамда газ ва бугларнинг кўп ажралиб чиқмаслиги билан характерланади.

Стромболи-Ўртаер денгизидаги вулқон) Гавай оролларидаги каби тўлқинланиб, суюқ базальтли лава чиқаради. Унинг Гавай туридаги вулқонлардан фарқи шундаки, бу ерда жуда кўп газлар ажралиб чиқади ва шунга биноан газсимон моддалар ва куллар тез-тез отилиб туради.

Везувий туридаги вулқонларнинг отилиши шу билан фарқ қиласиди, улардан лавада кремнезем кўпроқ ва анча ёпишқоқ бўлғанлигидан кўпинча кратердан ернинг чукур жойларига борадиган канални беркитиб қўяди.

Пеле туридаги вулқонлар (Мон-Пеле-Такир тоғ вулқони номидан) вулқон лавасининг жуда ҳам ёпишқоқлиги билан фарқ қиласиди. Бу вулқонлардан чиқадиган газлар баъзан 700°C ва ундан ҳам ортиқ температурага эга бўлади. Газлар ва кулларнинг атмосфера циклони тезлигига тоғ ён бағирлари бўйлаб тушадиган ва

үзүйлидаги ҳамма нарсаларни емирадиган бундай булутлар қиздирувчи булуттар деб ном олған.

Вандайсан туридаги вулқонлар (Япониядаги энг йирик вулқонлардан бири) лавалари жуда ҳам ёпишқоқ бұлғанлигидан газ ва бұгларнинг чиқишига иユл қўймайди. Кучли отилиш вақтида вулқоннинг ҳаммаси емирилиб кетади. Вандайсан, Кракатов, Катмай ва бошқа вулқонларда ана шундай бўлган.

Юқорида кўрсатилган турлардаги вулқонлар мазли вулқонлар деб аталади, чунки улар майрам бир марказдан отилиб чиқади. Газ ва лавалар уртада жойлашган кратердан эмас, балки анча узунликка ёга бўлган ёриқлардан чиқадиган ёриқ вулқонлар марказли вулқонлардан фарқ қиласди. Қалин музликлар ўлкаси бўлган Исландиядаги вулқонлар бу жиҳатдан айниқса характеристицидир. Исландияда узунлиги 40 км га борадиган ёриқлар бор ва улардан оқиб чиқадиган лаваларнинг кўп массалари бу ерларнинг ҳар иккала томони бўйлаб катта жойларни қолпайди. Кўпинчча ёриқлар бўйлаб бир қанча вулқон конуслари бўлади. Шунинг учун ҳам Исландияни ҳақли равишда музлар ва оловлар ўлкаси деб атайдилар.

4 - боб

МИНЕРАЛЛАР ВА ТОҒ ЖИНСЛАРИ

4.1. Минераллар

Ер пўстининг ичидаги унинг сиртида бўлиб турадиган хилма хил физик-кимёвий ва термодинамик жараёнлар натижасида вужудга келган табиий кимёвий бирикмалар ёки соф тугма элементлар минераллар деб юритилади.

Хозирги вақтда маълум бўлган ва минералогия курсида текшириладиган 3500 га яқин минералларни жуда оз қисми табиатда кенг тарқалган бўлиб, улар асосан тоғ жинсларининг таркибида учрайди. Шунинг учун ҳам уларни тоғ жинсини ҳосил қилувчи минераллар деб юритилади.

4.1.1. Минералларнинг физик ҳусусиятлари

Минералларнинг муҳим физик ҳоссаларига қўйидалар киради: - кристалл формалари, уларнинг табиий ўсимталари, ранги, изининг ранги, тиниклиги, ялтироқлиги, қаттиқлиги, уланиш текислиги, синиши ва мўртлиги, ёриши, мазаси, ҳиди ва бошқалар.

Минералларнинг қаттиқлиги деб уларни ташки меканик кучга (тирнашга ёки бошқа кучларга) қаршилик қўрсатиш даражаси аталади. Қўйидаги Моос шкаласида 10 та этalon қилиб олинган минераллар келтирилган (I.4.1-жадвал).

Минералнинг қаттиқлигини уни янги юзасидан аниклаш керак. Нураган, майин ва тупроқсимон минераллар агрегати нотўғри ва кам қаттиқликка эга.

Уланыш текислиги - минералнинг маълум кристаллографик йўналиш бўйлаб ойнадек ялтироқ текис

юза хосил килиши. Уланиш текислиги унча майдада бўлмаган минераллар доналарида аниқланади.

Ялтироқлиги - минералга тушган ёргулик оқимини орқага қайтариш хусусияти. Минералнинг ялтироқлиги унинг синдириш кўрсаткичига (n) боғлиқдир.

I.4.1-жадвал МООС шкаласи

Эталон минераллар	Каттиклии	Хусусиятлари	Абсолют каттиклии, кг/мм ²
Тальк $Mg_3(OH)_2(Si_4O_{10})$	1	Кўлга ёғдек уннайди	2,4
Гипс $CaSO_4 \cdot 2H_2O$	2	тирнок билан чизса бўлади	36
Кальцит $CaCO_3$	3	мис симни чизади	109
(Флюорит CaF_2)	4	мис сим ва ойнани чизмайди	189
Апатит $Ca_5(PO_4)_3F, Cl$	5	ойнани билинмас чизади	536
Ортоклас $K(AlSi_3O_8)$ (дала шпати)	6	ойнани чизади	796,7
Кварц SiO_2	7	ойнани осон чизади	1120
Топаз $Al_2(F, OH)SiO_4$	8	ойнани деярли кесади	1427
Корунд Al_2O_3	9	ойнани кесади	1660
Олмос C	10	ойнани осонгина кесади	2060

Тиниклиги - минераллар пластинкалардан нурни ўтказишига қараб тиник (тоғ хрустали, гипс, ош тузи) ва тиниқмас бўлади.

Синиши - минерални синдирганда ёки бўлганда хосил бўладиган юза бўлиб, у қуидагича бўлади: чиганоқсимон; зирачасимон; тупроқсимон.

Рангиги - доимий (идиохроматик) ва ўзгарувчан (аллохроматик) бўлади. Биринчиси минералларнинг ички тузилишига ва таркибига, иккинчиси эса минералларнинг ичиға кириб қолгац майин ранг берувчи моддаларга боғлиқ.

Иризация (алдамчи ранг) - айрим шаффоф минералларнинг ранги баъзан хилма-хил бўлади. Еу тушаётган нурнинг уланиш текислигининг дарзлари, ички юзасидан қайтиши интерференциясига боғлиқ. Масалан,

лабродор күк ва яшил бўлиб опал эса садафдек товланиб туради.

Товланувчанилик - минерал юзасида бошқа таркибдаги майин минерал пўстларнинг бўлишига боғлик (халькопирит, борнит).

Чизигининг ранги - майин кукун холидаги минералнинг ранги кўпинча минерал донасини ранги билан тўғри келмайди. Пиритнинг ранги сомонсимон сариқ бўлиб, чизиги эса қорадир. Флюоритнинг ранги яшил, бинафша бўлиб, чизиги эса октир. Гематитнинг ранги қора, чизиги олчасимон қизил бўлади. Минералнинг чизигини рангини аниқлаш учун глазур билан қопланмаган фарфор пластиинкасига чизилади.

4.1.2. Минералларнинг кимёвий таснифи

1. Соғ туғма элементлар: графит - C, олмос - C.

2. Сульфидлар: пирит - FeS, марказит - FeS₂, галенит - PbS, халькопирит(мисс колчедони) - FeCuS₂.

3. Оксидлар ва гидроксидлар: кварц (тиниклари тоғ хрустали, зангориси аметист) - SiO₂, опал - SiO₂AlH₂O, хальцедон - SiO₂, магнетит - Fe₃O₄, гематит - Fe₂O₃, лимонит - Fe₂O₃·nH₂O; корунд - Al₂O₃.

4. Галоидлар: галит (тош туз, ош тузи) - NaCl, сильвинит - KCl, флюорит - CaF₂.

5. Карбонатлар: кальцит - CaCO₃, доломит - CaMg(CO₃)₂, магнезит - MgCO₃, сидерит - FeCO₃.

6. Сульфатлар: гипс - CaSO₄·2H₂O, ангидрид - CaSO₄, барит - BaSO₄.

7. Фосфатлар: апатит - Ca₅(Cl, F)(PO₄)₃, фосфорит - Ca₅F(PO₄)₃.

8. С и л и к а т л а р : оливин - $MgFe_2SiO_4$, турмалин, нироксенлар (авгит) - $Ca(Mg,Fe^{2+},Al)_2[(Si,Al)_2O_6]$, амфиболлар (шох алдамчиси) ва бошқалар.

4.2. Төг жинслари ва уларнинг ётиш шакллари

Төг жинслари минералларнинг табиий бирикмаси бўлиб, ер пўстининг ички ёки устки қисмида силикатли эритма магманинг кристалланиб қотишидан, чўкиндиларнинг қайтадан вужудга келиши, яъни чўкинди ва аввал ҳосил бўлган төг жинсларини емирилиши натижасида, магматик ва чўкинди төг жинсларнинг босим ва температура таъсирида ўзгаришидан ҳосил бўлади.

Төг жинслари ҳосил бўлишига қараб магматик, чўкинди ва метаморфик турларга бўлинади.

4.2.1. Магматик төг жинслари

Магматик төг жинслари суюқ қайноқ силикатли эритма - магманинг чуқурликда ёки ер пўстининг устки қисмида кристалланиб котган маҳсулотидир.

Магматик төг жинслари ҳосил бўлишига қараб чуқурлик (ёки интрузив) ва ер юзасига ёйилган (эффузив) төг жинсларига бўлинади.

Интрузив жинсларининг муҳим макротекстураси - тўла кристалланган (текис донали, порфирсимон, пегматитли, диабазли) бўлади.

Эффузив төг жинсларининг муҳим макротекстураси - шишиасимон, афанитли ёки микрокристалли, порфирили бўлади. Магматик төг жинсларининг энг муҳим макротекстуралари зич-яхлит, флюидал, шлак ва бодомсимсан бўлади.

Магматик төг жинслари кислота даражасига қараб нордон, ўрга, асоссли, ўта асосли ва ишкорли бўлади.

Магматик төг жинсларининг минерал таркиби унинг кислотали даражасига боғлиқдир. Магматик төг

жинсларининг ранги уларнинг минерал таркибига боғлиқдир.

Магматик тоғ жинслари ҳосил бўлиши ва кимёвий таркибига караб қуидаги синфларга бўлинади:

- а) нордон интрузив - гранит;
нордон гипоабиссалъ - аплит ва пегматит;
нордон эфузив - кварцли порфир, липарит, обсидиан, пемза.
- б) ўрта интрузив – диорит;
ўрта эфузив - плагиоклазли порфирият, андезит;
- в) асос интрузив – габбро; асос гипоабиссалъ – диабаз;
асос эфузив - базальт, базальтили порфирият;
- г) ўта асос интрузив - дунит, перидотит, пироксенит;
ўта асос эфузив - пикрит, пикритли порфирият;
- д) ишқорли интрузив - сиенит, нефелинли сиенит;
ишқорли эфузив - ортоклазли порфир, трахит.

4.2.2. Чўкинди тоғ жинслари

Чўкинди тоғ жинслари ер пўстининг устки қисмида океан, денгиз, кўл, дарё, ботқоқлик тубларида ва қуруқликда турли минерал моддаларнинг тўпланиши натижасида (эззоген шароитда) ҳосил бўладилар. Чўкинди тоғ жинсларининг таркиби, аввал ҳосил бўлган минерал ва магматик, метаморфик ҳамда чўкинди тоғ жинсларини емирилишидан ҳосил бўлган минерал моддалар, яъни жинсларнинг бўлакларидан (заррачаларидан), органик моддаларнинг қолдиқларидан ва кимёвий усул билан ҳосил бўлган чўкиндилардан иборатdir. Чўкинди тоғ жинсларнинг ранги қордек оппоқдан қорагача бўлади. Тоғ жинсининг ранги: ҳар-хил жинсни ташкил қилувчи минералларнинг жинслардаги сийрак аралашмалари ва заррачаларини ўраб олган юпка парданинг рангига боғлиқдир.

Чўкинди тоғ жинсларининг асосий хусусиятлари қўйидагиларда ўз ифодасини топган:

1. Органик қазилма қолдикларини, яъни умуртқасиз ҳайвонларнинг чиганоқ ва косаларининг, умурткали ҳайвонларнинг сүяқ ва тишлари, ўсимлик қолдикларининг учраши.

2. Қатламларнинг устки қисмида механик ва биоген йўл билан ҳосил бўлган турли белгилар, сув жимжимасининг куриш ёриклиари, туз кристалларининг тамғаси, ёмғир томчисининг ўрни, курт-кумурсқаларнинг излари ва бошқаларнинг бўлиши.

3. Чўкинди жинсларга ҳос бўлган физик хусусиятлар, яъни тузларнинг мазаси борлиги, битумни ҳиди борлиги, карбонатларни хлорит кислотаси билан реакция бериши, тузларни сувда эриши, гил ва трепеллардаги адсорбция (ютиш), каустобиолитларни эса ёниш қобилиятларига эга эканликлари киради.

Чўкинди тоғ жинслари ҳосил бўлишига қараб чақиқ, хемоген ва органоген синфларга бўлинади.

4.2.3. Метаморфик тоғ жинслари

Метаморфик тоғ жинслари магматик, вулканоген ва чўкинди жинсларни ер пўстининг чукур зоналарида юқори температура ва босим таъсирида (эритмага ўтмаган холда) тубдан ўзгариши натижасида ҳосил бўлади. Магматик жинслардан ҳосил бўлганларини орто жинслар, чўкиндилярдан ҳосил бўлгани эса паражинслар деб юритилади.

Тоғ жинслари метаморфизмининг сабаблари: юқори босим; юқори температура; моддаларни олиб келиниши ва олиб кетилиши.

Метаморфик тоғ жинсларининг муҳим хусусиятлари-га тоғ жинси яратувчи минераллар, дала шпатлари, слюда, амфиболлар, пироксенлар, хлорит, тальк, серпентин, анортозлар (гранитлар), кальцит, доломит, кварц, графит ва бошқа минералларнинг микдорини ўзгариши киради.

Регионал метаморфизмга юқори босим ва юқори температура таъсирида бирламчи жинсларнинг қайтадан ўзгариши характерли бўлиб, бунда тоғ жинслари қаттиқ

ҳолатда кимёвий таркибини ўзгартирмасдан қайтадан кристалланади ва натижада кристалланган структура ва ориентирланган текстура вужудга келади.

Контакт метаморфизмига юқори температура ва магматик интрузиядаги ажраб чиққан учувчи компонент ва гидротермлар таъсирида дастлабки жинсларни қаттиқ ҳолатда қайта кристалланиши ва кимёвий таркибини ўзгартириши хосдир. Контакт метаморфизмнинг термаль кичик турда ҳосил бўлган жинсларига - роговиклар, кварцитлар, мармарлар киради.

Контакт метаморфизмининг метасоматик кичик турида ҳосил бўлган жинсларига скарнлар ва серпентинитлар киради.

4.2.4. Тоф жинсларининг ётиш шакллари

Юқорида тавсифлари келтирилган чўкинди, эффузив, интрузив, метаморфик тоф жинслари табиатда турли шаклда учрайди, яъни геологик ётиш шакллари буйича ҳар хил кўринишга эга бўлади.

Чўкинди тоф жинсларининг ётиш шакллари

Қатламларнинг горизонтал ва бурмаланган ҳолда ётиши чўкинди тоф жинсларининг асосий қисмига таалуқлидир. Ер юзасида ҳамда чукурликларда учрайдиган чўкинди тоф жинсларининг бошқача, алоҳида ҳолатда ётиш шакллари ҳам мавжуд. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.


Кластик дайкалар (шотландчадан "дайка" - "тошли девор" дегани). Кластик дайкалар чўзилган тана (жисм) шаклида бўлиб, ясси юзалар билан чегараланган. Бу чўкинди жинслардан иборат бўлган дайка асосий қатламларни вертикал ёки кия бурчак остида кесиб ўтади. Дайкани ташкил қиласиган пластик материалларга қумтощ, битумлашган қум ёки қумтош ва алевролит киради. Лекин, гоҳида дайкани бошқа тоф жинслари ҳам ташкил қилиши мумкин.

Кластик дайкаларнинг ўлчами ҳар хил: эни бир неча мм дан 3-5 м гача. Лекин, кўпинча 10 см дан 1 м гача бўлади. Вертикал ётган дайкаларнинг қалинлиги 300 м гача бўлади.

Дайкаларнинг узунлиги бир неча метрдан 5-6 км гача, гохида 15 км гача чўзилади. Кластик дайкалар 10-40 м дан 1,5 км чуқурликкача тарқалиши мумкин.

Чўкинди брекчиялар. Брекчиялар - ҳеч қандай структурага эга бўлмаган, асосан майдан силликланган ва ўткир бурчакли оҳактош, кварцит ва бошқа жинсларнинг бўлакларидан ташкил топган массадир. Уларнинг қалинлиги 100 м ва ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Чўкинди брекчиялар асосан кўтарилаётган баландликларнинг ён бағирларида ҳосил бўлади.

Рифлар денгиз шароитида яшаган маълум турдаги организмлар қолдикларининг бирор-бир майдонда зич ҳолда тўпланиши натижасида вужудга келади. Бу организмлар асосан денгиз ва океанларнинг 200-300 м чуқурликкача бўлган жойларида ҳосил бўлади. Рифлар уларни ташкил қиласиган организмларнинг номи билан ҳам айталади, яъни чиганоқли рифлар, коралли рифлар ва ҳ.к. Организмларни микдори камрок бўлса улар "рифли оҳактошлар" дейилади (I.4.1 - расм).



I.4.1-расм. Риф тузилиши.


Рифларнинг ўлчами бир неча юз метрдан бир неча км гача бўлиб, асосан айланасифат шаклда бўлади.

Қалинлиги эса кўпинча бир неча юз метрни ташкил қиласи. Бундан кичикроқлари ҳам маълум. Ер юзидаги энг катта риф Австралиядаги Катта Барьер рифи бўлиб, унинг узунлиги 2000 км ни, эни 200 км ни ва қалинлиги 400 м ни ташкил қиласи. Рифлар асосан оҳактош қатламлари орасида учрайди.

Эффузив жинсларнинг ётиш шакллари

Вулқон отилиши натижасида ҳосил бўлган эффузив жинслар Ер юзасида кенг тарқалган. Улар барча стратиграфик системаларда учрайди. Лекин, вакт ўтиши билан қадимги эффузив жинслар метаморфизм натижасида ўзгарган бўлади.

Вулқон отилиши натижасида лава Ер юзига чикади. Улар таркибидаги SiO_2 микдорига қараб бир неча турга бўлинади: асосли, ўрта, ўта асосли, нордон ва ишқорли. Эффузив жинсларни ётиши асосан уларнинг таркибиغا ва ўша ернинг табиий - географик шароитига боғлиқ бўлади. Асосли ва ўрта лавалар суюқ ва ҳаракатчан бўлиб (таркибидаги SiO_2 кам бўлганлиги учун), одатда қоплам холида катта майдонларни эгаллайди (I.4.2-расм, а) ва вулқон марказидан анча узоқ масофаларга оқиб боради.




I.4.2-расм. Эффузив тог жинсларининг ётиш шакллари.

Нордон лава қуюшқоқ (таркибидаги SiO_2 кўп) лиги сабабли катта майдонларга ёйилмай гумбазлар ҳосил килади, яъни вулқон кратери атрофида кия қояли вулқон конусларини ҳосил қилиб қотади (I.4.2-расм, б). Бундай вулқонлар кучли портлашлар билан характерланади ва портлаш натижасида вулқон бомбалари, лава бўлаклари ва куллар отилиб чикади.

Эффузив тог жинсларнинг ёшини аниқлаш жуда кийин. Уларнинг мутлоқ ёшини аниқлашда радиоактив усул қўлланилади. Лекин, стратиграфик параллеллаштириш, ҳамда вулқон жинсларининг тагидан ва устидан коплаб турган чўкинди тог жинсларнинг ёшини таққослаш


билин ҳам уларнинг ёшини нисбатан аниқлаш мумкин (I.4.3-расм).



I.4.3-расм. Эффузив төф жинсларининг ёшини аниқлашда уларни чўкиндига төф жинслари билан стратиграфик параллеллаштириш.

Интрузив төф жинсларининг ётиши шакллари

Интрузив төф жинслари Ер пўстида ҳаддан ташқари кўп тарқалган. Улар айниқса тоғли ўлкаларда (ороген) кенг ва платформалар фундаменти (замини)нинг тузилишида катта ўрин тутади (I.4.4-расм).



I.4.4-расм. Магматик (интрузив) төф жинсларининг ётиши.


1-Вулкан ўчоги; 2-Вулкан бўғизи (жерло); 3-Вулкан конуси; 4-Лава оқими; 5-копламлар; 6-Батолит; 7-Дайка; 8-Лакколит; 9-Силлар; 10-Шток; 11-Лополит; 12-Факколитлар.

Интрузив төф жинсларини ҳосил бўлишига қараб 2 турга бўлиш мумкин. Биринчисига катта чукурликда ва катта майдонларни эгаллаган батолит ва штоклар кирса, иккинчи турдагилари Ер юзига яқин жойларда, чўкинди жинслардан тузилган қатламлар ичида, уларнинг шуналишига мос ҳолда жойлашади. Иккинчи турдагилари-нинг ўлчамлари кичик бўлади ва улар кўринишига қараб лакколитларга, лополитларга, факолитларга, диапирларга, дайкаларга, силларга бўлинади. Батолит ва штоклар магманинг аста-секин қотиши натижасида ҳосил бўлади.

Батолитлар - юзаси 100 km^2 дан кам бўлмаган интрузив жинсларининг катта массивидир. Улар

асосан гранит ва гранодиоритлардан, чекка қисмлари диорит, сиенит ёки габбродан иборатdir. Батолитларнинг чукурлиги 6-10 км гача етади (I.4.5-расм).

I.4.5-расм. Батолит.




Республикамизда батолитлар Курара төгларидаги учрайди.

Штоклар - тарқалиш майдони (юзаси) 100 км² дан кам бўлган айлана шаклидаги интрузив жинслардан ташкил топган жисмидир. Штоклар ҳам батолитларга ўхшаб катта чукурликда учрайди.

Гоҳида штоклар батолитларнинг ён томонларида учрайди. Батолит ва штокларнинг ён томонлари тик бўлиб, тог тизмалари бўйлаб чўзилиб ётади. Улар ердаги чўкинди жинс қатламларини турли бурчаклар билан кесиб ўтадилар.


Лакколитлар - магманинг ер пўстидаги қатламлар орасига кириб кўпинча қўзикоринсимон ёки гумбаз шаклида қотишидан ҳосил бўлган интрузив шакл ҳисобланади. Улар Ер юзасига яқин жойларда ҳосил бўлади. Лакколитларнинг майдони бир неча квадрат км, чукурлиги 500-5000м га этиши, қалинлиги бир неча юз метрни ташкил қилиши мумкин (I.4.6.-расм).

I.4.6-расм. Лакколитлар.



шаклда қотишидан ҳосил бўлади. Улар қатламларга мос ҳолда жойлашадилар.

Лополитлар асосан асос, ўта асос, ишқорлы жинслардан ташкил топган. Лополитларнинг узунлиги 300 км гача, қалинлиги бир неча юз метрга етиши мумкин (I.4.7-расм).



I.4.7-расм. Лополит.

Факолитлар - чүкүрликдан күтарилилган магмани антиклиналь ва синклиналь бурмалар кулфида (ўзагида) қотиб қолиши на-


тижасида юзага келган шаклдир. Уларнинг кесмадаги кўриниши ўроққа ўхшайди. Факолитларнинг қалинлиги бир неча юз метрни (гоҳида 1000 м) ташкил қилиши мумкин. Тарқалиш майдони бурманинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади (I.4.8-расм).



I.4.8-расм. Факолит.

Силлар - магманинг қатламлар орасига ёриб киришидан ҳосил бўлади. Силларнинг қалинлиги ўртacha


25-70 м ни ташкил қи-лади (гоҳида бир неча метрдан 600 метргача боради). Тарқалиш майдони 10000 км² гача бориши мумкин. Улар чўкинди тоғ жинси қатламлари орасида жойлашади. Силлар чўкинди жинслар билан биргаликда ёки улардан кейин ҳосил бўлиши мумкин (I.4.9-расм).



I.4.9-расм. Силлар.

Магматик дия-пирлар - эффузив ва интрузив жинслар орасидаги масофада ҳосил бўладиган магматик жинслардир. Уларнинг кўри-

ниши чўзиқ, ёки ноксифат бўлади. Ўлчамлари унча катта эмас (бир неча ўн метрдан бир неча километргача). Одатда улар қатламларни кесиб ўтади (I.4.10-расм).



I.4.10-расм. Диапирларнинг кўриниши.

Дайкалар ёндош чўкинди қатламларни тик ёкӣ кўндалангига кесиб ўтган параллел томирлар тарзида жойлашади.

Одатда дайкалар ҳар хил таркибли интрузив ва эффузив жинслар билан тўлган бўлади. Дайканинг қалинлиги бир неча см дан 1-2 км гача, узунлиги 1 м дан юзлаб км гача етади.

Интрузив тоф жинсларининг мутлоқ ёши асосан радиоактив элементларнинг парчаланиши ёрдамида аникланади.

Метаморфик тоф жинсларининг ётиши

Метаморфизм жараёнларига сабаб бўладиган асосий омиллар - температура, босим, эритма ва учувчан

компонентлар ҳисобланади.

Бу омиллар таъсирида магматик ва чўкинди тоғ жинсларининг структуралари, минерал ва кимёвий таркиблари ўзгариб, бутунлай бошқа турга ўтади ва бирламчи минераллар ўрнида бутунлай янги минераллар пайдо бўлади.

Температура, босим, эритма ва учувчи компонентларнинг интрузив, чўкинди ва вулқон тоғ жинсларига кўрсатган таъсирига қараб контакт, регионал ва гидротермал метаморфизмга ажратиш мумкин.

Контакт метаморфизми магманинг Ер қобиғига берган температураси, кимёвий элементлар таъсири остида пайдо бўлади. Контакт метаморфизми таъсирида роговиклар, кварцитлар, мармарлар, (скарнлар) ҳосил бўлади. У кичик майдонларда рўй беради.

Регионал метаморфизм кучли босим ва юқори температура таъсири остида пайдо бўлади. Регионал метаморфизмга учраган тоғ жинслари катта майдонларни эгаллайди. Уларнинг минералтаркиби, текстура ва структураси катта майдонларда бир хил бўлади.

Регионал метаморфизм жараёнида гнейслар, слюдали сланецлар, мармарлар, кварцитлар, графитли тоғ жинслари пайдо бўлади.

Гидротермал метаморфизм иссиқ сувли эритмалар (гидротермлар) таъсирида тоғ жинсларининг ўзгариши ва янги минераллар ҳосил бўлиши натижасида содир бўлади. Гидротермал жараёнида иссиқ сувларнинг атроф жинсларига ёриқлар орқали кириб боришидан гидротермал томирлар тарқиб топади. Буларда кўпинча томирли фойдали қазилмалар жойлашади.

Метаморфик жинсларга ҳос бўлган характерли хусусият - уларнинг катламилигидир. Катламилийлик чўкинди жинсларникига ўхшаб яққол бўлиши мумкин, ёки жинснинг рангига, ёки қандайдир минералнинг концентрациясига боғлиқ бўлиши мумкин. Катламилийликнинг шакллари ҳам худди чўкинди жинсларникидек параллел, линзасифат, эгри-буғри бўлиши мумкин. Улар ритмик тузилишига эгадир. Ритмик қатламларнинг қалинлиги бир

неча сантиметрдан 1,5 - 3 метргача бориши мүмкін. Метаморфик тоғ жинсларидаги номувофиқликтарни топиш кийиндір.

4.3. Геологияда вакт

Тоғ жинсларини, уларнинг таркибини чукур ўрганишлик геологик ўтмишни тиклаш, ўрганилаёттан тоғ жинсларининг ёшини аниклаш орқали инсонларни узок, вактлардан бери қизиқтирган муаммо - планетамиз ёшини билиш имконини ҳам беради. Ҳозирги вактдаги айrim тадқиқотчиларнинг Ер ёши тұғрисидаги ҳисоблари бир-бирига тұғри келмайды. Еримизнинг ёшини йиллар билан ифодалаш а болют геохронология деб ном олган.

Геологик йил ҳисобининг яна бир усули бор. У шундан иборатки, Ер тарихини дүнёнинг тараққиетига қараб бўладилар. Тоғ жинслари таркибидаги органик қолдиқларни ўрганиш шуни кўрсатадики, қазилма ҳолида учрайдиган “формалар” аста секин бир-бирлари билан алмашиниб турган. Шу билан бирга организмлар ўзининг тараққиёти мобайнида муайян ривожланишни бошидан кечирган. Энг қадимги қатламларда юқори турдаги ҳайвонлар ва ўсимликларнинг вакиллари бўлмаган ҳолда, жуда содда организмларни учратамиз. Организмларнинг “форма”лари аста-секин мукаммаллашиб борган ва янгилари билан алмашиниб турган. Шундай қилиб, бу “форма”ларнинг алмашинищ кетма-кетлигини билиш уларга мувофиқ келган Ер бўлакларининг тарихини тиклашга имконият яратади. Бу метод (усул) билан аникланадиган и с б и й геологик хронологияда бирлик сифатида әра ва эранинг бўлаклари қилиб да вар (система) лар қабул қилинган. Давр ўз навбатида бир неча майда бўлакларга бўлинади. Эралар қўйидагилардан иборат:

Архей (грекчадан “жуда қадимги”) эраси - бу эрада Ерда ҳайвон организмлари ҳамда ўсимлик организмлари бўлмаган.

П р о т е р о з о й (грекчадан протерос - “бирламчи”, зой- “хаёт”) эраси - бу эрада ноаниқ қолдиқлар ва бевосита белгилар бўйича бошланғич организмлар яшаган бўлиши мумкин.

П а л е о з о й (грекчадан “қадимги”) эраси - унда ҳозиргилардан жуда кам фарқ қиласидан, лекин анча юқори тузилган ўсимлик ва ҳайвонлар бўлган.

М е з о з о й (грекчадан “ўрта”) эраси - унда мукаммал тузилган ўсимлик ва ҳайвонлар бўлган.

К а й н о з о й (грекчадан “янги”) эраси - бу эрада ўсимлик ва ҳайвонлар ҳозиргиларга борган сари ўхшаб боради.

Архей, протерозой эралари тўлиқ ўрганилмаганлиги боис биз палеозой эрасидан бошлаб даврларни ўрганамиз (1.4.2-жадвал). Бу эра олти даврдан иборат: 1. Кембрий,

2.Ордовик, 3.Силур, 4.Девон, 5.Тошкўмир (Карбон) ва 6. Перм.

Мезозой эрасида даврлар учга бўлинган: 1.Триас, 2.Юра, 3.Бўр.

Кайнозой эраси ҳам учта даврдан иборат: 1. Палеоген 2. Неоген, 3.Тўртламчи (Антрапоген).

Палеозой эрасидаги кембрий, силур, девон ва перм даврларининг номлари шу даврларга мансуб бўлган қатламлар ва организмлар биринчи марта таърифланган жойларнинг номларидан келиб чиққан. Тошкўмир даври Ер тарихида биринчи марта тошкўмир конлари, жумладан, Донецк ва Москва ёни кўмир ҳавзаларида ҳосил бўлган, жуда кўп ўсимликлар ривожланган тошкўмир номи билан аталади.

Мезозой эрасидаги триас даври шу давр қатламлари жинсларининг таркибиغا кўра кескин уч бўлимга (триас - учталик деган сўз) бўлинганлиги учун шундай ном олган. Юра даври эса шу даврга тегишли бўлган қатламлар биринчи маротаба таърифланган шарқий Франциядаги Юра тоғлари номи билан аталади. Бўр даври ўз номини шу даврда жуда кўп микдорда ҳосил бўлган тоғ жинсидан олган. Шимолий Украинада бўр қатламишининг қалинлиги 500м дан ортиқдир.

Кайнозой эрасининг даврлари ўз номларидан шу эранинг ҳайвонот хусусиятларини ифодалайди. •Биз

палеоген давридаёқ умуртқали сут эмизувларнинг қолдиқларини учратамиз.

I.4.2-жадвал

Геохронологик жадвал

Нисбий йил ҳисоби			Изотоп йил ҳисоби	
Эон, млн. йил	Эра, млн. йил	Давр	Давомий-лиги, млн. йил	Чегараларни муддатлаш, млн. йил
Фанерозой (PH), 580	Кайнозой (KZ), 65-70	Тўртламчи Q	0,7	0,7
		Неоген N	22,3	22,3
		Палеоген Р	42	65
	Мезозой (MZ), 173-180	Бўр К	65	130
		Юра J	74	204
		Триас Т	41	245
	Палеозой (PZ), 335-355	Перм Р	45	290
		Тошкўмир С	60	350
		Девон D	60	410
		Силур S	25	435
		Ордовик О	45	480
		Кембрий Е	100	580±20
Протерозой (PR), 2000 яқин				2550±100
Архей (AR), 1800 ортиқ				Архейнинг пастки чегараси аник, эмас

4.4. Тоф жинсларининг ёшини аниқлаш усуллари

Еримизнинг ёшини йиллар билан ифодалаб беришга қилинган уринишлар юкорида таъкидлаганимиздек абсолют геохронология деб ном олган.

Абсолют ёшни аниклаш усуллари турлича бўлиб, улар ётқизикларни ётишини, емирилишини, Ернинг иссиқлик режимини ва бошқа геологик жараёнларни ўрганишга асосланган.

Масалан, Нил дарёси 100 йилда 151 см қалинликдаги ётқизик олиб келар экан. Нил дарёси ётқизикларининг умумий ҳажмини билган ҳолда бу ётқизикларни ҳосил бўлишига 4082-6350 йил кетганлигини аниклаш мумкин. Яна бир мисол, Ниагара шаршараси 100 йилда 31м га кенгаяр экан. Шаршаранинг умумий кенглигини билган ҳолда, у тахминан 36000 йилда ҳосил бўлганлигини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Хозирги вақтда абсолют ёшни аниклашни бир қанча радиоактив моддаларга асосланган усувлари бор. Улар тоғ жинсининг таркибидаги радиоактив моддаларнинг микдорини аниклашга асосланган. Уран (U) ва торий (Th) парчалангандаги ўзидан иссиқлик чиқаради, ҳамда гелий ва қўрғошинга айланади. Жинсларнинг таркибидаги уран, гелий ва қўрғошларнинг микдорини билган ҳолда тоғ жинсининг абсолют ёшини аниклаш мумкин.

Хозирги вақтда геологик даврларнинг ёши қўйида-гича қабул қилинган: Кайнозой эраси (Kz) - 66-70 млн. йил, Мезозой эраси (Mz) - 173-175 млн. йил, Палеозой эраси (Pz) - 335-355 млн. йил, Протерозой (PR) - 2 млрд. йил, Архей (AR) – 1,8 млрд. йил.

ГЕОТЕКТОНИКА. УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТЕКТОНИК ҲАРАКАТЛАР

«Геотектоника» атамаси немис геологи К.Науман томонидан 1860 йилда фанга киритилган бўлиб, алоҳида фан сифатида XX-аср иккинчи ярмида ташкил топган. Геотектоника сўзи икки бўлакдан иборат бўлиб – «гэя», яъни Ер ва тектоника [грекчадан tektonike], яъни архитектура деган маънони англатади. Демак, геотектоника геология фанининг бир бўлаги бўлиб, у ер пўстининг тузилишини, унда содир бўлаётган турли ҳаракатларни, литосферасинг ривожланиши ва демормацияланишини унинг умумий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ўрганади.

5.1. Геотектониканинг ривожланиш босқичлари

Геотектоника фанининг тарихи узоқ ва бир неча босқичдан иборат.

Биринчи босқич (XVII аср иккинчи ярми - XVIII асрнинг биринчи ярми) да икки йўналиш шаклланди: нептунизм ва плутонизм.

Нептунистик йўналиш тарафдорларининг фикрича, ер юзасидаги ўзгаришларга экзоген жараёнларнинг, айниқса сувнинг эритувчанлик хоссасининг таъсири катта.

Плутонистик йўналиш тарафдорларининг фикрича, ҳаракатларнинг манбай бўлиб ернинг ички кучи иссиқлиги, айниқса магманинг кўтарилиши хизмат қилади.

1869 йилда итальян олим Н.Стено геотектоника фанининг ўрнини белгилаб унга асос солди, яъни:

1. Чўкинди тоғ жинслари аввал горизонтал катламлар ҳолатида йигилиб, уларнинг қия ҳолда ётиши ёки букилиши кейинги ўзгаришлар маҳсулидир.

2. Агар қия қатламнинг устида горизонтал қатlam ёғса, биринчи қатламнинг киялиги иккинчи қатлам ётмасидан олдин ҳосил бўлган.

3. Тоғларнинг кўриниши ўзгармас эмгесдир.

Иккинчи босқич (XVIII аср иккинчи ярми - XIX асрнинг биринчи чораги) да илмий геология пайдо бўлди.

Немис олими А.Г.Вернер бу босқичнинг асосчиларидан биридир.

У нептунизм позициясида турар эди. Кўпгина адашишларига қарамай айрим нептунистлар (А.С.Паллас - рус, Г.Б.Де Соссюр - швейцариялик) тоғли ўлкаларнинг зонал тузилишини тўғри тушунтирадилар.

Биринчи илмий тектоник гипотеза "кўтарилиш гипотезаси" номини олиб, XVIII аср иккинчи ярмида яратилган. Бу гипотезага М.В.Ломоносов, шотландт Дж.Хаттон, немис А.фон Гумбольдт асос солдилар. Уларнинг фикрича, Ер юзасининг ривожланишида кўтарилиш ва чўкиш асосий аҳамиятта эга. Бунда кўтарилишнинг аҳамияти каттароқ бўлиб, уни "Ер ости иссиқлиги"нинг ҳаракати билан боғлайдилар.

XIX аср биринчи ярмида геологик съёмка натижасида Ер тузилиши ҳақида янги маълумотлар пайдо бўлиб, уларга "Ер ости иссиқлиги" гипотезаси жавоб беради. Олмай қолди.

Учинчи босқич (XIX аср иккинчи ярми)да янги гипотезага талаб пайдо бўлди. Бу гипотеза шаклланиб, контракцион гипотеза номини олди ва Кант-Лапласнинг космогоник фаразларига асосланди. Контракцион гипотеза француз олими Эли де Бомон (1852) томонидан тўлиқ ишлаб чиқилган. Бу гипотеза бўйича Ер шари дастлабки вақтда эриган ҳолда бўлган, кейин совуб қота бошлаган. Моҳо юзасидан бошлаб қаттиқ қобиқ билан қопланган. Ернинг совуши ва ички қисми ҳажмининг торайиши натижасида қаттиқ Ер қобигининг "коробкасимон" бўлакларга бўлинишига олиб келди. Натижада, бурмалар, уларнинг кўпайишидан бурмачанг тоф системалари ҳосил бўлади.

Бу босқич австриялик Э.Зюсс томонидан Ер шари юзасини тектоник тузилишини биринчи марта таърифлаб

берган "Пик Земли" фундаментал китобининг ёзилиши билан якунланди.

Кейинги босқич XX аср билан боғлиқ бўлиб, астрономлар Кант-Лапласнинг Куёш системаси пайдо бўлиши тўғрисидаги гипотезасини рад этдилар. Чунки, бу вақтга келиб астрономларнинг бошқа галактикаларни ўрганиш имкониятлари кўпайди. Шунингдек, физиклар табиий радиоактивликни кашф этдилар. Пайдо бўлган саволларга Кант-Лаплас гипотезаси жавоб берадиган олмай қолди. Бу босқичда геология фанининг ривожланиши тектоник гипотезалар билан боғлиқ бўлди.

5.2. Тектоник ҳаракатлар ҳақида (гипотезалар)

XX аср бошида бир нечта тектоник гипотезалар пайдо бўлди:

- 1906 йилда О.Ампферера "пустости океани" («подкоровые течения») гипотезасини илгари сурди. Бу гипотезага биноан бурмалар ва шаръяжлар платформаларнинг геосинклиналлар остига сурилиши натижасида юзага келади. Сурилишга сабаб эса уларнинг остидаги окимнинг ҳаракати бўлиб, у пластик ҳолатдаги қатламдан иборатdir.

- "Материклар дрейфи" гипотезаси 1910 йилда америкалик геолог Ф.Тейлор ва немис геофизиги А.Вегенер томонидан 1912 йилда илгари сурилди. Бу гипотеза олдинги гипотезалардан тубдан фарқ қилиб, унда материклар бир-бирига нисбатан узоқ масофаларга горизонтал сурилиши ҳақидаги фаразга асос сслинади. Бундай гипотезалар геотектоникада мобилизм оқими деб ном олган. Унинг акси эса фиксизм бўлиб, у ер қобиги ва мантияни ўзаро боғлиқлигини эътироф этиб, ер қобиги тектоник тузилмалари факат бўйлама (вертикал) ҳаракатлар натижасида пайдо бўлишини таъкидлайди. Бу номлар швейцар геологи Э.Арганга тааллуклидир.

А.Вегенер "мезозой ўрталаригача ҳозирги Атлантика ва Ҳинд океанлари билан ажralган континентлар яхлит

суперконтинент Пангеяни (ёки Лавразия ва Гондванани) ташқи қилган" деб хулоса чиқарди. Кейинги даврларда ёса у бўлиниб ҳозирги замон материкларини ҳосил қилган ва улар горизонтал йўналишда сурилишган.

Булардан ташқари пуль сацисон гипотеза, Ерикен гайиш гипотезаси, ротацион гипотеза, Ер моддасининг чукурликдаги дифференцияси гипотезаси вужудга келди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳеч бир гипотеза изсиз иўқолмаган. Уларнинг бальзи элементларини ҳозирги замон тасаввурларида ҳам учратамиз.

Фиксизм. Бу йўналишга асосан ядро ва мантия чегарасида содир бўладиган модда дифференциацияси Ер қобигининг вертикал тектоник ҳаракатини кептириб чиқаради (В.В.Белоусов, 1976). Оғирроқ компонентлар ядрога кўшилиб уни ўстиради, енгилроқлари юқорига кўтарилиб юқори мантияда йиғилади (астеносфера).

Иссик модданинг қуйилиши натижасида астеносферанинг қовушқоқлиги камаяди ва базальти магманинг эришига олиб келади. Агар литосфера етарли даражада ўтказувчанликка эга бўлса, базальти магма асосан чуқур узилмалар орқали ёриб чиқади ва гоҳида ер юзасига куйилади.

Литосфера кам ўтказувчанликка эга бўлган шароитда ва астеносфера қизишининг юқори даражадалиги тоғ ҳосил бўлиши босқичидан далолат беради.

Фиксизм концепцияси XX асрнинг охирига келиб Ер қаърида содир бўладиган кўпгина геологик жараёнларни тушунтириб бера олмади. Ер структурасида глобал масштабда янги тектоник элементлар замонавий геофизика ўсуллари жумладан сейсмотомография ёрдамида аникланди. Бу маълумотлар фиксизм концепциясини камчиликларини кўрсатиб берди ва янги геотектоник парадигманинг шаклланишига олиб келди. Фиксизм ўринини XXI аср бўсағасида тўла равишида мобилизм эгаллади.

Мобилизм. Юқорида қайд этилган материклар дрейфи» гипотезаси - мобилизмнинг биринчи

варианти бўлган. Қолдик магнетизм очилгандан кейин бу гипотезага яна қизиқиш пайдо бўлди.

XX асрнинг 70-йилларидан сўнг геофизик маълумотлар асосида (асосан сейсмология) фиксизм концепцияси жавоб бера олмаган катта масштабдаги кўпгина саволларга жавоблар топилди.

«Янги глобал тектоника» ёки "плиталар тектоникаси" концепцияси шаклдана бошлади. Унинг асоси қўйидагилардан иборат:

1. Эгилувчан ва нисбатан мўрт Ер қобиги ва мантияниң энг юқори қисми, Ернинг қаттиқ қобиги – ли то с ф е р а ни ташкил қиласди. Унинг остида ундан камрок эгилувчан ва кўпроқ, кайишқоқ қобик – а с т е - н о с ф е р а ётади.

2. Литосфера қобиги нисбатан кўп бўлмаган (6-8та) йирик қаттиқ ва монолит ли то с ф е р а п л и т а - л а р и дан иборатdir. Бу плиталарнинг чегараларида тектоник ва сейсмик фаоллик мавжуд (бу чегаралар харакатчандир, яъни зилзилалар, вулқон отилишлари тез-тез кузатилиб туради).

3. Литосфера плиталари бир-бирларига нисбатан уч турда харакатда бўладилар:

- ўрта океан тоғ тизмалари бўйлаб ўтувчи рифт зоналарида плиталар бир-бирига нисбатан ажralадилар (дивергент чегаралари);

- Заварицкий-Беньофф-Вадати деб аталувчи зоналарида плиталар бир-бирига яқинлашиб, бири иккинчиси-нинг остига шўнгийди (конвергент чегаралари);

- учинчи турдаги чегараларда ажralиш ва сиқилиш жараёнлари содир бўлмасдан, бу турдаги чегараларда плиталар бир-бирига нисбатан ишқаланиш жараёнига дучор бўлади (тансформ чегаралари) (б-бобга қаранг).

4. Литосфера плиталарининг бир-бирига нисбатан харакати Ер мантиясида содир бўладиган иссиқлик конвекцияси туфайли вужудга келади.

Бу концепцияга асосан геологлар Ер пустининг ривожланиши тарихида континентлар ва океанларнинг ҳосил бўлишини ҳамда литосфера плиталарининг вақт давомида ҳаракат йўналишларини аникладилар ва уни исботладилар.

5.3. Геосинклинал ва платформалар

Геосинклинал ва платформалар литсфера плиталарининг асосий регионал геотектоник элементлари булиб, уларнинг ҳосил бўлиши литосфера плиталарининг геологик ривожланиш тарихи билан узвий боғлиқ. Геосинклинал ва платформалар геотектоник тузилиши жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи структуралардир.

Геосинклиналлар

Геосинклиналлар - Ер пўстининг энг кўп қиррали, серҳаракат қисми (биз геосинклиналларнинг ривожланиш механизми тўғрисида ҳозир фикр юритмаймиз, шундай структураларни характерли томонлари тўғрисида умумий матаъумотларни келтирамиз) ҳисобланади ва бу ҳақидаги билим Америкада бошланиб (Ж.Холл - 1859й, Ж.Дена 1873й), кейин Европага ҳам тарқалган. Бу вақтнинг кўзга кўринган олимлари - Э.Ог (Франция), А.П.Карпинский, А.П. Павлов (Россия), Дм.Эри (Англия), К.Деттон (АҚШ) - геосинклиналлар ҳақидаги илмнинг йирик вакилларидир.

Геосинклинал провинцияларда вертикал тектоник ҳаракатларнинг амплитудаси нисбатан каттароқдир. Бундай провинцияларнинг кўтарилиши ва чўкиши натижасида улар майда бўлакларга - чўкмаларга, кўтаришмаларга, блокларга ва бошқа структура элементларига бўлинади. Геосинклинал провинцияларда вулканларнинг кенг ривожгонгани кузатилади. Геосинклиналларнинг қуйидаги белгилари мавжуд:

- Ер пўстининг баъзи ерларида вертикал ва горизонтал ҳаракатларнинг юқори даражадалиги, яъни серҳаракатлилиги;
- Ер пўстининг бўлакларга бўлиниши;
- Чўкинди тоғ жинслари ётқизиқларини қалинлигининг катталиги;
- Метаморфизмнинг кенг ривожланиши;

- Эффузив ва интрузив жинсларнинг кенг тарқалиши;

- Бурмачанликнинг катта куч остида ҳосил бўлиши;
- Характерли тоғ рельефи ва бошқалар.

Геосинклинальларнинг ривожланниши З та босқичдан иборат: бошланғич, асосий (геосинклинал) ва якунловчи (ороген).

Бошланғич босқичда катта худудлар аста-секин чўка бошлайди трансгрессия жараёни вужудга келади ва пасайган жойларга денгиз ёки океан сувлари бостириб киради. Бу сув ҳавзаларида катта қалинликка эга бўлган чўкинди тоғ жинслари ҳосил бўла бошлайди. Тектоник ҳаракатлар жадаллашиб боради, геосинклинал провинцияларнинг чеккаларида вулқон жараёнлари фаоллашади. Бу босқич тахминан 30 - 40 миллион йилни ўз ичига олиши мумкин.

Асосий (геосинклинал) босқичда горизонтал ҳаракатга қараганда "манфий" (пасаювчи) вертикал ҳаракатлар амплитудаси катта бўлади ва майдон сатҳи кенгайиб боради. Чўқмалардаги сув ҳавзаларида вулқон, гил-күмтошли ва карбонатли жинслар ҳосил бўлади. Бу босқичнинг иккинчи ярмида аста-секин кўтарилиш жараёнлари содир бўла бошлайди ва турли структуралар пайдо бўлади. Бу босқич тахминан 70 - 120 миллион йил давом этади.

Учинчи - ороген босқичда геосинклинальларнинг бир қисмida тоғли ўлкалар ҳосил бўлади. Олдинги платформаларнинг майдони катталашади. Платформа билан ороген оралиғида чека эгикликлар ва чукур узилмалар ҳосил бўлади. Бу босқич тахминан 30-40 миллион йил давом этади.

Умуман геосинклинальларнинг ривожланиши бир неча юз миллион йиллар мобайнида давом этиши мумкин.

Геосинклиналлар ўз тузилишига қараб геосинклинал областлар ва геосинклинал тасмаларга ажратилиади.

Геосинклинал областларнинг узунлиги 2000 км гача этади, эни бир неча 100 км ни ташкил этади. Геосинклинал тасмаларнинг узунлиги 10000 км гача бориши, эни 2 - 3 минг км ни ташкил этиши мумкин.

Платформалар

Платформалар - Ер пўстининг кам ҳаракатланадиган, мустаҳкам қисмидир. Платформа классик нуқтаи назардан икки қаватли ўзига хос тузилишга эга.

Биринчи - пастки қавати геосинклиналлар учун хос метаморфлашган ва магма жинсларидан ҳамда турли шаклдаги тектоник структуралар мажмуудан иборат бўлиб, платформанинг замини (фундаменти)ни ташкил қиласди. ІІ платформанинг иккинчи - юқори қавати (пўсти) чўкинди ва вулқон жинсларидан тузилиб, айтарли букилмаган текис ски бир оз қия ҳолда жойлашган қатламлардан ташкил топган.

Платформанинг пўсти заминига нисбатан анча ёш ҳисобланади.

Платформалар заминининг ёшига қараб қадимги ва ёш платформаларга бўлинади.

Қадимги платформалар нинг заминин (фундаменти) архей ва протерозой эраларида ҳосил бўлган тоғ жинсларидан ташкил топган, устки қисми кейинги палеозой, мезозой ва кайнозой даврларига мансуб чўкинди жинслар билан қопланган. Бу турдаги платформаларга Шимолий Америка, Шарқий Европа, Шарқий Сибир, Хитой (Лавросиё гурухи), Жанубий Америка, Африка, Арабистон, Хиндистон, Австралия ва Антарктида (Гондвана гурухи) платформалари мансуб.

Ёш платформалар нинг замини палеозой тоғ жинсларидан таркиб топган бўлиб, уларни устидан қоплаб турган жинслар юқори палеозой, мезозой ва кайнозой эраларида ҳосил бўлган. Ёш платформаларга Фарбий Сибир, Турон, Скиф (Евросиёдаги), Жанубий Америкадаги Патагон пасттекислиги мисол бўла олади.

Қадимги платформалар тектоник ҳаракатлар жиҳатидан ёш платформаларга нисбатан анча осойишта ҳисобланади.

Платформаларнинг майдони бир неча $10 \text{ млн. } \text{m}^2$ ни ташкил қилиши мумкин. Платформалар турли шаклга, ҳажмга эга бўлган структуралардан ташкил топган.

Платформаларга қия ва кенг бўлиб эгилган (синеклиза) ва кўтарилишган (антеклиза) структуралар хос.

Платформаларнинг бир қисми узоқ вақт күтарилиши натижасида чўкинди жинслар билан қопланмайди ва қалкон (шит) деб аталадиган структураларни ташкил килади. Платформаларнинг қалинлиги 3-5 км лик чўкинди жинслардан иборат бўлган қисми платта деб юритилади.

Қалконлар (шитлар) - платформаларнинг йирик изометрик шакли тузилмаси бўлиб, кристаллашган фундаментнинг ер юзасига чиккан қисмидир. Бу ерда платформанинг ривожланиши тарихида факатгина тик (мусбат) тектоник ҳаракатлар бўлган. Шу туфайли платформа тарихида қалқонлар фақатгина ювилиш ва эрозия манбай бўлган. Қалқон тузилмалари мисоли сифатида Рус платформасининг Болтиқ, Сибир платформасининг Алдан, Шимолий Америка платформасининг Канада қалқонларини келтириш мумкин.

Платалар - йирик (кўндаланг кенглиги 2000-3000 км² га teng) изометрик шакли платформа тузилмасидир. У эгаллаган майдонларда пўст қатламлари тараққий этган бўлиб, бу эса улар тарқалган майдонларда узоқ давомли ва доимий чўкиш жараёни бўлганлигидан далолат беради. Плиталар таркибида йирик ва жуда ҳам ётиқ (қанотлари-нинг ётиш бурчаги одатда 1° дан ҳам камроқ) баландлик ва ботик тузилмалар ажратилади. Биринчиси Мазарович-Шатский таъбирича "антеклиза", иккинчисини Павлов-Шатский таъбирича "синеклиза" деб номлаш таклиф қилинган. Антеклиза ва синеклизалар узоқ вақт - давомли тараққиёт маҳсулидир. Антеклизаларда чўкинди қоплама жинс ётқизиқлари юпқа қалинликка (1-1,5 км гача) талайгина танаффусликларга, кўпроқ континентал ва денгиз-кирғоқ чўкиндиларига эга. Синеклизаларда аксинча, қоплама жинс қалинлиги катта бўлиб, 3-5 км ни ташкил этади ва кўпроқ очик, денгиз ётқизиқларидан таркиб топган. Антеклиза ва синеклиза структураларида, ўз навбатида кичик тоифадаги структурапар: антиклинал ва синклиналлар, баландликлар ва бошқалар ривожланган бўлади.

Юқорида зикр этилган структуралардан фарқли, яна платформаларда ўзига хос тузилмаларнинг генетик турлари мавжуд. Бу тузилмалар кристалланган фундамент

вужудга келгандан сўнг, то чўкинди жинс қоплама катламлари ҳосил бўла бошлангунга қадар пайдо бўлган. Бу структуралар грабенсимон эгиклик ёки «т а ф р о с и н е к л и з а » ёки « а в л а к о г е н », ҳозирда эса «п а л е о р и ф т» деб ҳам юритилади. Уларни тўлдирган жинслар ритмик тузилган қаватлардан иборат. Уларнинг кўп қисмини одатда дагал континентал ётқизиклари (қизил рангли континентал формациялар), сўнгра «лагуна» ва денгиз чўкинди гиллари ва доломитлар ташкил қиласиди. Чўкинди жинсларнинг ҳосил бўлиши, одатда вулкан отқиндилари билан бир вактда юзага келади.

Платформаларнинг чўкинди жинсларида кўмир, нефт, табиий газ ва бошка фойдали қазилмалар, заминида эса металл қазилма бойликлари учрайди.

5.4. Формация тушунчаси

Чўкинди ва вулканоген қопламаларида ҳар хил турдаги жинслар мажмуасидан иборат бўлган, аммо бир хил шароитда ҳосил бўлган ётқизиклар мажмуи мавжуд. Бундай мажмуалар яъни таркиби, келиб чиқиш шартшароити (ҳосил бўлиши) ўхшаш ёки бир хил бўлган ва маълум бир майдонда (Ер пўстининг йирик структура элементларида) таркалган тоғ жинслари мажмуи ф о р м а ц и я деб аталади. Бу турдаги жинслар тўпламининг формация деб аталиши учун қўйидаги белгилар бўлиши керак:

- тоғ жинслари ётқизикларининг ҳосил бўлиш шаротининг бир хиллиги;
- таркибининг ўхшашалиги ёки бир хиллиги;
- тектоник структуралар билан боғлиқлиги (геосинклинал, платформа, чекка эгикликлар);
- вертикал тектоник ҳаракатларни кўрсатувчи қалинлик;
- формацияларга бир турдаги фойдали қазилма конларининг боғлиқлиги (кўмир, туз, нефт, газ ва ҳ.к.).

Формациялар геосинклинал ва платформа вилоятларида ҳосил бўлади. Ҳар бир вилоятда ўзига ҳос

формациялар ҳосил бўлади ва уларнинг характерли томонларига караб бу майдонлар қайси вақтда қандай шароитда ривожланганигини аниқлаш мумкин. Формациялар устида иш олиб бораётган олимлар^{*)} уларни гоҳида регионларга қараб ҳам номлашади, лекин кўпчилик учун ягона ном билан аталадиган формациялар ҳам бор.

Ер пўтида кенг тарқалган формацияларнинг баъзи бирларини мисол тариқасида келтириб, уларни қаңдай тоғ жинслари мажмуидан ташкил топганигини қайд этамиш:

1. Терриген формация - гил, кум, қумтош, алевролит, аргиллит ва бошқа чақиқ чўкинди тоғ жинсларидан ташкил топган.

3. Галоген формация (ёки эвапоритли формация деб ҳам аталади) - таркиби туз, гипс, ангидрит жинслари мажмуидан иборат.

4. Вулканоген формация - вулкон маҳсулотларидан иборат.

5. Молассали формация - улар асосан тоғ олди ва тоғлараро ботикларда ҳосил бўлган, ҳар хил чақиқ чўкинди жинс ётқизикларидан иборат. Бу жинслар емирилаётган тоғлардан тушиб ботиклик ва эгикликларда тўпланади.

6. Тошқўмирили формация - қумтош, аргиллит, оҳактош ва кўмир қатламларидан ташкил топган.

5.5. Марказий Осиёнииг асосий геоструктура элементлари

Марказий Осиё географик нуқтаи назардан Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари ҳудудидан иборат бўлиб жанубдан Копетдоғ тоғлари (бир қисмини ўз ичига олади),

^{*)} Геологик фация ва формация ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқища В.В.Белоусов, Ю.А.Жемчужников, М.В.Коровин, Г.В.Крашенинников, Ю.А.Кузнецов, Д.В.Наливкин, В.И.Попов, Л.В.Пустовалов, Л.Б.Рухин, Н.М.Страхов, М.А.Усов, В.Е.Хайн, Н.Н.Херасков, Н.С.Шатский, А.Л.Яншин ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

гарбдан - Каспий денгизи (бир қисми таркибида), шарқдан Хитой чегараси, шимолдан эса - Фарбий Сибир ва Урал тоғликларининг жануби билан чегараланган. Марказий Осиё ҳудуди ўзининг геологик ривожланиш босқичларида кечган жуда катта жараёнлар натижасида шакланган.

Геологик ривожланиш бир неча босқичлардан иборат бўлган. Масалан: Палеозой эрасининг қуий давларида ҳудуднинг бир қисми океан тубида бўлган, бир қисми кўтарилиган ва тоғлар кўринишида ҳосил бўлган. Тошкўмир давридан бошлаб ҳудуд яна палеотетис деган океан тубида қолиб кетган. Палеозойнинг перм ва мезозойнинг триас давларида бу ҳудудлар асосан қуруқликдан иборат бўлиб, баъзи гарбий ва шарқий ҳудудларда кичик сув ҳавзалари ҳам учраб турган. Бу давларда Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида тоғлар кенг ривожланган.

Мезозой эрасининг юра давридан бошлаб деярли бутун Марказий Осиё "Тетис" деб аталган океан тубида бўлган. Бўр ва палеоген давларида бу океанинг баъзи жойлари кўтарилиган бўлса ҳам, лекин сув сатҳи билан сақланиб тураверган. Бутун Марказий Осиё ҳудуди бундан 25 млн. йил олдин, яъни неоген даврининг бошланиши билан кўтарилиган.

Бу кўтарилиш палеоген даврининг юқори бўлимларидан бошланган ва юқорида айтганимиздек неогенда деярли қуруқликдан иборат бўлган. Сўнгги 10 млн. йил ичida Марказий Осиё ҳозирги кўринишга кел-ган. Унинг ҳудудида Копетдоф, Тянь-Шань, Помир тоғлари, Кизил-Кум ва Коракум саҳролари, Орол денгизи, бир қанча кўллар ва дарёлар пайдо бўлган.

Геологик нуқтаи назардан Марказий Осиё ҳудудида бир қанча тектоник структура элементларини ажратиш мумкин.

Уларга қўйидагилар киради:

- Помир, Копетдоф, шимолий, гарбий ва жанубий Тянь-Шань тоғ тизмалари;
- Копетдоф тоғ олди эгиклиги;
- Турон платформаси, Каспий бўйи ва Устюрт синеклизалари;
- Манғишлоқ бурмачанглик тизмаси;

- Аффон-Тожик ва Фарғона тоғлараро ботиқликлари ва бошқалар.

Бу ҳар бир йирик структураларнинг таркибида, ундан бир тоифадаги кичик бўлган структуралар ажратилади.

Масалан: Шимолий Тянь-Шань тоғ системалари Чотқол, Курара ва бошқа кичик тоғ тизмаларидан ташкил топган. Бу тоғ тизмалари асосан палеозой ётқизикларидан ва интрузив жинслардан ташкил топган. Бу тоғ тизмаларининг чўққиси денгиз сатҳидан 4-5 км баландликни ташкил қилади. Бу тоғ тизмаларида олтин, кумуш, висмут, молибден ва бошқа фойдали қазилма бойликлари мавжуд бўлиб, улар катта узилмалар якинида жойлашган. Тянь-Шань тоғликлари орасида Фарғона ботиқлиги жойлашган. Еу ботиқликнинг мезозой-кайнозой чўқинди жинсларида нефт ва табиий газ конлари аниқланган.

Ўрта (Гарбий) Тянь-Шань тоғ системаси Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларидағи тоғларни ўз ичига олади. Улар ҳам палеозой даври ётқизиклари ва интрузив тоғ жинслардан иборат бўлиб, фойдали қазилма конларига бойдир.

Жанубий Тянь-Шань тоғ системаси Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида жойлашган Ҳисор тоғларини ўз ичига олади. Улар ҳам юқорида қайд этилган тоғ системаси сингари фойдали қазилмаларга бойдир.

Шимолий, гарбий ва жанубий Тянь-Шань тоғ системаларининг структураси шимолий-шарқий йўналишга эга.

Марказий Осиёдаги энг баланд тоғ чўққилари Помир тоғларида жойлашган бўлиб, Тянь-Шань тоғликлари билан туташ бўлган палеозой ва мезозой ётқизикларидан иборат. Фойдали қазилма бойликлари ҳам кўпидир. Лекин улардан фойдаланиш қийин, чунки транспорт йўллари баланд чўққиларга етиб бормаган.

Марказий Осиёнинг жанубий-гарбидаги жойлашган Копетдоғ тоғ системаси ҳам асосан палеозой ва қисман мезозой ётқизикларидан ташкил топган. Мезозой даври ётқизикларидаги динозаврларнинг излари яхши сакланган. Бу тоғ тизмаларида фойдали қазилма конларининг тури ва захиралари кам. Копетдоғ ва Помир тоғлари янги

тектоник харакатлар натижасида шаклланган, яъни ривожланиши 40 млн. йил мұқаддам бошланган.

Копетдөг төф олди әгиклиги ва ўрта Тянь-Шань ҳамда Ҳисор төф тизмалари оралиғида Турон ёш платформаси жойлашған бўлиб, мезозой-кайнозой чўкинди жинслари билан қопланган. Помир ва Ҳисор төглари оралиғида Афғон-Тожик ботиқлиги ажратиласди. У формациялар таркиби турлича бўлса ҳам Фарғона төглароро ботиқлиги-дагидек мезозой-кайнозой чўкинди жинслари билан қопланган. Бу ботиқликларнинг фундаментини палеозой ётқизиқлари ташкил қиласди. Чўкинди жинс қопламасининг қалинлиги 6-7 км гача этади. Қоплама жинслар терриген, карбонат, галоген ва континентал формацияларнинг ётқизиқларидан ташкил топган.

Турон платформаси Марказий Осиёning жуда катта ҳудудини ташкил қилиб унинг фундаментини ҳам палеозой жинслари ташкил этади. Чўкинди қоплама жинслар ёши эса мезозой ва кайнозой бўлиб, бу жинс мажмуасининг қалинлиги ўртacha 2-4 км ни ташкил этади.

Турон платформасининг ўзи бир неча кичик тоифадаги геотузилмалардан таркиб топган бўлиб, улардан бири Амударё синеклизасидир. У бир нечта тектоник погоналар (Чоржўй, Бухоро, Заунгуз ва бошқалар), горст ва грабенлар, антиклинал ва синклиналлар тўплами, кичик ўлчамли әгикликлардан иборат.

Булардан Бухоро ва Чоржўй погоналари Ўзбекстон ҳудудида бўлиб, мезозой даври чўкинди төф жинслари терриген ва карбонат формацияларида катта нефт ва газ конлари (Газли, Шўртонг, Шимолий Ўртабулоқ, Кўкдумалоқ ва б.) очилган.

6 - боб

ЕР ПҮСТИ СТРУКТУРАСИ ЭВОЛЮЦИЯСИННИГ ҮМУМИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Ер қобиғи структурасининг икки йирик даври бўлиб, биринчиси – тогеологик ва иккинчиси – геологик давр деб аталади. Хар бир давр бир неча босқичлардан иборат бўлган.

6.1. Тогеологик давр

Т о г е о л о г и к д а в р н и н г бошлангич босқичининг (4,6-4,0 млрд. йил) ягона ривожланиш модели бўлмасада, ҳозирда 2 та модел мавжуд. Улардан бири - "Ойга ўхшаш ривожланиш" модели, иккинчиси эса – «Венера модели».

Ойга ўхшаш эволюция модели тарафдорлари А.П.Павлов, М.В.Муратов ва бошқалар. Ушбу моделга мувофиқ Ер сув ва газ пўстидан холи эди. Ер атрофидаги коинотда метеорит моддалари бўлиб, улар Ер юзасини кучли "бомбардировка" қиласдилар. Натижада, ҳосил бўлган чукур кратерлар базальт лавалари - метеорит урилганда юзага чиққан мантияning эриган маҳсулотлари билан тўларди. Улар Ой денгизлари муқобилини (аналогини) ташкил қилиб, кейинчалик гидросфера ҳосил бўлганда материикдан олиб келинган жинслар билан тўларди. Ойга ўхшаб материклар габбро-анортозитлардан ташкил топган.

"Венера модельи" (Ерга яқин ва ўлчами ўхшаш бўлгани учун Венера планетасидан олинган В.И.Шульдинер) га асосан Ер пайдо бўлган вақтдан бошлаб зич атмосферага эга бўлган ва у ҳозирги атмосферадан таркиби билан фарқ қиласдан. Ер юзасида юкори температура ва босим бўлиб, Венераникига ўхшаш

"парник омили" бор бўлган. Бирламчи қобиқ жинслари таркиби яна Венераникагидек - базальтоидлардан ташкил топган.

Эрта архей босқичида (4-3,5 млрд. йил) Ер юзасида ёки юзага яқин қисмida ҳосил бўлган жинслар ҳамма материкларда ва қадимги платформаларда топилган. Улар таркиби жиҳатидан бир хил - натрийли гранитоидлар, тоналит таркибли гнейслар. Улар Болтиқ, Украина, Алдан қалқонларида аниқланган.

Фарбий Греландиядаги эрта архейни Исуа сериясидаги чўкинди жинсларнинг характеристи бу босқич давомида гидросфера, атмосфера бўлганлигини ва седиментация (жинс тўшланиши) рўй берганлигини кўрсатади.

Кечки архей босқичида (3,5-2,6 млрд. йил) яшилтошлар (зеленокаменные) минтақаси - яшил сланецлар пайдо бўлади. Бу яшилтошлар майдонини ривожланиши ёш геосинклиналлар системасининг ривожланишига ўхшайди. Уларнинг ривожланиши сикилиш ва метаморфизм билан тамомланади.

Яшилтошлар минтақасини тўлдирган чўкинди жинслар таркибида тирик организмларнинг қолдиқлари учрайди, уларнинг ёши 3,4 млрд. йилга тенг.

Архей охирида континентал қобиқнинг қалинлиги 30 км га етади, бу эса ҳозирги "нормал" континентал қобиқ қалинлигига якинdir.

Эрта протерозой босқичида (2,6-1,7 млрд. йил) катта майдонларда континентал қобиқлар ҳосил бўлади. Уларнинг майдони ҳозирги вақтдаги қадимги платформалар майдони билан бир хил бўлган. Бу вақтдан бошлаб ёриқлар ва узилмаларнинг глобал тармоқлари ҳосил бўла бошлади.

Бу босқичда континентал қобиқнинг катта масштабли бўлакларга бўлиниши бошланди. Бўлаклар ўз навбатида думалок, чўзикрок (тухумсимон) блокларга - протоплатформаларга ва уларни ажратиб турадиган ҳаракатчан зоналарга - протогеосинклиналларга бўлинган. Бу зоналарда қалинлиги катта бўлган жинслар - вулканитлар ҳосил бўлган. Протоплатформалар ичida ботиқликлар (чўкмалар) ва синеклизалар ривожланган.

Улар шунингдек рифт структуралари билан мукаммалашган (Кола ярим ороли, Канада щити). Протогеосинклиналларнинг кенглиги бир неча км дан бир неча юз км гача ўзгариб туради.

6.2. Геологик давр

Геологик давр асосан палеозой эрасидан бошланган бўлиб Ер тарихи ривожининг охирги 500 млн. йилини камраб олади. Аммо, сўнити йиллардаги тадқиқотлар асосида олимлар Ер ривожининг геологик даврини кечки протерозой вақтидан бошлайдилар.

6.2.1. Кечки протерозой (рифей) босқичи (1,7-0,6 млрд. йил)

Бу босқич континентал - платформа режими (ҳолати) хукмон бўлиши билан характерланади ва унда геосинклинал минтақалар ҳосил бўлади. Бу босқичда Тинч океанининг пайдо бўлганлиги кўп манбааларда ўз аксини топган.

Ер қаъридан босқичнинг бошида иссиқлик оқими кўтарилиган, ва литосфера калинлиги камайган. Иссиқлик оқимининг пасайиши давомида ва қобиқ мўртлигининг ошиши натижасида рифт ҳосил бўла бошлаган. У Сибирь платформасида, Австралия платформасининг шарқий кисмида кузатилади.

Бу босқич давомида қуйидаги гранулит (донадор) минтақалар ривожланган ёки ривожланиши давом этган. Шимолий Америкадаги Гренвил, Жанубий Америкадаги Атлантика бўйи, Европадаги Шимолий Норвегия, Хиндистондаги Шарқий Гот, Хитойдаги Ички Монголия, Австралиянинг фарбий худудлари шулар жумласидандир.

6.2.2. Палеозой босқичи

Бу босқичнинг бошланиши континентлараро геосинклинал минтақаларни ташкил топиши билан

машхурдир: Шимолий Атлантика, Урал-Охота, Ўртаер денгизи. Улар ўзларининг ҳосил бўлишидаги эрта босқичида океандаги кўп сонли микроконтинентлардан иборат бўлганлар.

Бу вақтда континентларо геосинклинал минтақаларнинг пайдо бўлиши билан шимолий қатор платформалари ўзини ҳозирги замондаги кўринишларига келдилар. Худди шу вақтда жанубда уларга қарши ягона Гондвана суперконтиненти мавжуд бўлган.

Силур охири - девон бошларида (S_2 - D_1) Шимолий Америка ва Шаркий Европа платформалари бирлашиб йирик Лаврессия континенти массивини юзага келтирдилар. Улар орасида бўлган Шимолий Атлантика минтақасининг жанубий қисми энди Ўртаер денгизи минтақаси (Палеотетис) ғарбий қисмининг давомини ташкил қила бошлади.

Карбон (тошкўмир) даври бошларида кечки пермгача (C_1 - P_2) бўлган жараёнлар натижасида Лаврессия ва Сибир платформалари бирлашдилар. Уларга аста-секин Хитой - Корея ва Жанубий Хитой ҳамда бутун Гондвана бирлашди. Бунинг натижасида гигант суперконтинент - Пангей ҳосил бўлди. Уни Рифей суперконтиненти Пангей I дан фарқлаб, Пангей II деб номлашади.

6.2.3. Мезозой-кайнозой босқичи

Бу босқичнинг йирик ўзгаришларидан бири - триас охирида Пангейнинг Лавразия ва Гондванага бўлиниб кетиши ва Тетис океан - геосинклинал минтақасининг пайдо бўлишидир. Юра охирида Атлантика океанининг меридионал йўналишда катталashiши бошланди. Шимолий Атлантиканинг, ундан кейин кайнозойдан бошлаб, Норвегия-Гренландия ва Шимолий Муз океанининг Евросиё ҳавзасини кенгайиши, Евросиё континентини Шимолий Америкадан силжишига (сурилишига) олиб келди.

Умуман юра охирида бошланган жараён Гондвана ва Евросиё континентал массаларининг тўқнашиши билан туталланди.

Бунинг натижасида Альп, Кавказ, Ҳиндкуш-Помир ва Ҳимолай тоғли ўлкалари ҳосил бўлди.

Олигоцен даврининг бошларига келиб континентлар ва океанларни, бурмаланувчанг тоғли ўлкаларнинг жойлашиши ҳозирги вақтдаги кўринишига яқинлашиб қолган эди.


Натижада, Лавразия эса ўз навбатида Шимолий Америка ва Евроосиё литосфера плиталарига, Гондвана эса – Шимолий Америка, Африка, Ҳинд-Австралия, Хитой, Амур, Антарктида литосфера плиталарига ажраб Тинч океани литосфера плитаси ҳосил бўлди. Бу литосфера плиталари спрединг (ажралиш), коллизия (бирикиш) ва трансформ (ишқаланиш) чегаралари билан бир-биридан ажралиб туради (I.6.1-расм).

Демак Ернинг литосфера қобиғи бир неча йирик литосфера плиталари деб аталадиган бўлакларга бўлинган. Чегараларнинг номи литосфера плиталарининг ҳозирги тектоник ҳаракатларига нисбатан аниқланган бўлиб, уларнинг ривожланиш тарихини оидинлаштириб беради. Чегаралар турлича бўлса ҳам бир-бирлари билан узвий боғлиқ ва сейсмик фаол минтақалар бўйлаб ўтади, яъни Ер куррасининг тектоник ва сейсмик фаол минтақалари (вулқон, ер силкинишлар) - литосфера плиталарининг чегаралари ҳисобланади.

Ерда асосан 9 та, айрим тадқиқотчилар фикрича (Хайн, Михайлов, 1985), 7 та йирик литосфера плиталари ажаратилади: Шимолий Америка, Евросиё, Жанубий Америка, Африка, Ҳинд-Австралия, Антарктида, Тинч океани, Наска ва Кокос. Булар орасида нисбатан кичик, аммо Ернинг ривожланиш тарихида аҳамиятли Арабистон, Сомали, Осиёнинг тарқоқ сейсмик минтақаси, Амур, Хитой, Охота денгизи, Филиппин, Скоша ва Кариб литосфера плиталари жойлашиш (I.6.1-расм).

Литосфера плиталари чегаралари материк ёки океани кесиб ўтиши мумкин, таркибида океан ҳамда қитъа иштирок этиши ёки фақат океан ёки қитъа бўлиши мумкин. Шунга кўра литосфера плиталари материк-океан,

океан ва қитъа турларига бўлинади. Шимолий Америка, Евросиё, Жанубий Америка, Африка, Хинд-Австралия, Антарктида литосфера плиталари материк-океан турига; Кариб, Скоша, Наска, Кокос, Охота денгизи, Тинч океани плиталари эса океан турига; материк турига эса Арабистон, Осиёнинг таржоқ сейсмик камари, Амур, Хитой плиталари киради.



I.6.1-расм. Ер литосфераси плиталарининг харитаси
(Л.П.Зоненшайн, Л.А.Савостин, 1979): 1-3 – плиталар чегараси; 1- ажралиш (кенгайиш); 2 - бирикиш (сикилиш); 3 – силжиш (ишқаланиш).

Литосфера плиталарининг ажралиш (кенгайиш) чегаралари океан ўртаси тоғ тизмаларидан ўтади. Ер 200 млн. йил аввал океан ости тоғ тизмалари миңтақаси бўйлаб турли бўлакларга ажрала бошлаган (I.3.1.-расмга каранг). Ер қаъридаги, астоносфера остидаги мантия кўтарилаётган жуда юқори температурали моддалар Ер пўстининг дарз кетишига, сўнгра бу дарзликлар кенгайиб,


узун ҳавзалар – рифт водийлари күриниши дағи геоструктураларнинг вужудга келишига сабабчи бўлади. Бу жараён плиталар ажралишининг биринчи босқичи бўлган. Ҳозирги даврда бундай ажралиш жараёни Африканинг шарқида рўй беряпти. Бу ерларда бир-бири билан туташ бўлган Адис-Абеба, Альберт, Танганьика, Руква, Нъяса узун ҳавзалари пайдо бўлган. Ҳавзалар биргаликда рифт водийларини ташкил этиб океан тоғ тизмаларининг қуруқлиқдаги «шахобчаси» хисобланади. Бу «шахобча» Африка литосфера плитасини Сомали плитасидан ажратиб туради.

Рифт водийсининг кейинги ривожланиши океан хосил бўлиш жараёнининг илк босқичи бўлиб, протоскеан күриниши да бўлади. Ҳозирги даврда Кизил дengiz, Калифорния кўрфази ана шу ривожланиш босиқичига мисол бўла олади. Кизил дengиз орқали ўтадиган океан ости тоғ тизмасининг «шахобчаси» эса Африка ва Арабистон, Калифорния «шахобчаси» Шимолий Америка ва Тинч океан плиталарини бир-биридан ажратиб туради. Юра давридан бошлаб пайдо бўлаётган океан ости тоғ тизмалари оралиғидан узлуксиз чиқиб келаётган қайноқ моддалар суюқ-қайишқоқ астоносфера устидаги литосфера плиталарини ҳаракатга келтириб туради. Охири 1 млн. йил давомида бундай ҳаракатлар Греландия оролини Европадан 17-22 км га узоклаштириди. Шимолий Америка билан Европа қитъаларининг тескари ҳаракатлари туфайли улар оралиғидаги Атлантика океани 23-25 км кенгайди. Шу вақт мобайнида Африка билан Жанубий Америка бир-бирларидан 40 км, Африка Антарктидадан шимолга томон 70-75 км узоклашган.

Литосфера плиталарининг кенгайиш чеккаларидан ташқари бирикиш (сиқилиш) чеккалари мавжуд. Сиқилиш чеккалари икки литосфера плиталарининг бир-бирига тўқнишиши натижасида содир бўлади. Бунинг оқибатида бир плита иккинчисининг тагига «шўнгий» бошлайди (1.6.2-расм). Бундай жараён юз бераётган жойлар ўз навбатида плиталарнинг сўрилиш (субдукция) минтақаси деб аталади. Айнан бу минтақаларда плиталар Ер қаърига

сүрилиши- туфайли ажралиш минтақаларидағи кенгайиш мувозанатлашиб тұрады.

Үрта Ер денгизи қозир йиліга 1-2 см га қисқараётгани фазодан олинган фотосуратлар ёрдамида исботланған. Бунга сабаб Африка литосфера плитаси Үрта Ер денгизи остида Евросиё плитаси билан тұқнашиб, сиқилиш жараёнини содир этаётганида. Шунингдек, Тинч океанидаги Наска плитаси Жанубий Америка плитаси остига сүрилиб боряпты. Бу жараён туфайли Анд тоғлары үсмоқда. Энг тез ҳаракатчан ҳисобланған Хиндистон плитаси 1 млн. йил давомида шимол ва шимолий-ғарб томонларға 50-70 км га силжиган.



1.6.2-расм. Океан ости-
нинг кенгайиши.

а – океаннинг марказий
қисми; б – океан чеккаси
(Тинч океани типи); 1-ост-
ки ётқизиклар; 2- океан
ўрталық тоғ тизмалари; 3-
вулқон күтарилмалар; 4-
түрги магнитланған (кутбл-
ли) янги базальтлар; 5- тес-
кари магнитланған (кай-
тимли) жинслар; 6-мантия;
7-оcean ости Ер пүсти; 8-
чукурсуви новлар; 9- кон-
тинентал пүст; 1- эриш
зонасы.

Юқорида қайд этилган чегаралардан ташқары литосфера плиталари оралиғида трансформ, яғни ишқала-
ниш чегаралари мавжуд. Бундай чегараларда ажралиш ёки
сиқилиш жараёнлари содир бўлмайди. Трансформ
чегараларда бир плита иккинчи плитага нисбатан фақат
ишқаланиб силжиш жараёни содир бўлади (1.6.1-расм).

ТЕКТОНИК ҲАРАКАТЛАР ВА УЛАРНИ ҮРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Тектоник ҳаракатлар – бу геологик структуралар ҳосил қилувчи ва уларни тузилишини ўзгартирувчи ер жисмларининг механик кўчишиди.

Ернинг ички энергияси тектоник ҳаракатларни келтириб чиқарувчи асосий сабаб бўлиб хизмат қиласи.

Шунингдек тектоник ҳаракатларнинг ҳосил бўлишига Ер курраси айланиши тезлигининг ўзгариши ва бъзи бир космик ҳодисалар (масалан, гравитацион майдон)хам таъсир қилиши мумкин.

Тектоник ҳаракатларни ўрганиш тарихий геотектониканинг муҳим масаласидир. Бу масалани ечиш геолог учун Ернинг ривожланиш тарихини тиклаш ва унинг асосида турли қазилма бойликларини, шу жумладан нефт ва газ конларини ер пўстида жойлашиш хосса-хусусиятларини очиб беради.

Одатда вертикал ва горизонтал турда намоён бўладиган тектоник ҳаракатлар ўрганилади.

7.1. Вертикал тектоник ҳаракатларни ўрганиш усуллари

Бу усуллар горизонтал ҳаракатларни ўрганиш усулларига нисбатан тўлароқ ишлаб чиқилган. Чунки, вертикал ҳаракатлар чўкинди жинсларни катланиш жараёнларини кўп жиҳатдан назорат этганлиги туфайли тог жинсларида бу ҳаракат белгилари ўз ифодасини сақлаб қолган. Бундан ташқари ўтган асрнинг 80-йилларигача олимлар диққат эътибори асосан, вертикал

тектоник ҳаракатларга қаратилган бўлиб, бу ҳаракатлар горизонтал ҳаракатларга нисбатан муҳим деб ҳисобланган.

Вертикал тектоник ҳаракатлар қадимги, янги ва замонавий турларга бўлинади ва улар турли усуллар ёрдамида ўрганилади.

Қадимги вертикал тектоник ҳаракатлар кўпинча қалинликлар, фация, формация, номувофиқликлар ва танаффус усуллари ёрдамида ўрганилади. Янги ҳаракатларни тадқиқотида асосан геоморфологик ва биогеографик усуллар кўлланилади.

Сув ўлчашни кузатиш усули, геодезик, геоморфологик ва сейсмологик усуллар ёрдамида замонавий ҳаракатлар таҳлил қилинади.

Қалинликлар таҳлили

Чўкинди ва вулқоноген қатламларнинг қалинлигини таҳлил қилиш палеотектоник таҳлилнинг асосий усулларидан ҳисобланади. У бир хил қалинликка эга бўлган нукталарни бирлаштиришдан ҳосил бўлган чизиқлар - изопахитлар орқали (структуралар харитасини тузиш усулига ўхшаб) тузилади. Уларни "қалинликлар харитаси" деб юритишади ва унда худудларнинг чўккан ёки кўтарилиган майдонлари аниқланади. Яъни қалинликлари катта бўлган майдонлар чўккан бўлади, ками эса кўтарилиган ҳисобланади. Бундай хариталарни фациал хариталар билан бирга тузиш мувофиқдир.

Қалинликлар таҳлили фациялар таҳлилидан фарқли улароқ, маълум бир шароитда, нафақат вертикал ҳаракатларнинг сифатини, балки микдорини ҳам баҳолашда катта аҳамиятга эга.

Саёз сув ҳавзаларида, эпиконтинентал денгизларда ва континентларнинг сув ости чеккаларида - шельфда чўкинди жинсларнинг қалинлиги ҳавза туби тектоник чўкишининг микдорига тенг бўлади. Буни қўйидагича тушинтириш мумкин: денгиз туби билан унинг сатҳи орасида шартли мувозанат чизиги мавжуд. Еу чизиқнинг юқори қисмига денгиз тўлқинлари ўз таъсирини ўтказади. Қўйи қисмига эса тўлқинларнинг таъсири бўлмайди. Натижада тинч ҳолатда бўлган қўйи қисмда минерал

заррачалари - иллар - түпланиб кейинчалик жинсларга айланади. Демак, мувозанат чизигигача жинслар түппланади. Агарда тектоник ҳаракатлар натижасида ҳавза чўкмаса, чизикдан юқорида рўй бериб турадиган тўлқинлар заррачаларнинг тўпланишига йўл қўймайди. Бу шундан далолат берадики, тектоник ҳаракатлар тоғ жинсларининг қалинликларини бошқариб туради.

Қалинликлар таҳлилини катта регионлар ва кичик майдонлар учун бажариш мумкин. Кичик майдонларда бу таҳлил натижасида аниқ бир майдондаги баландлик ёки чўкмани ҳосил бўлган вақтини аниқлаш мумкин. Аниқ бир майдонни бундай таҳлил қилиш нефт ва газ конларини қидиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

Шунингдек, таҳлил қилишда баъзи тоғ жинсларини, асосан алевролит ва гилни, бошланғич қалинликка эга бўлгандан сўнг унга таъсир қиласидан кучлар натижасида зичлашишини ҳисобга олиш шарт. Эксприментал шароитда шу нарса аниқланганки, бирламчи (бошланғич) қалинлик билан кузатилаётган қалинлик орасидаги фарқ гиллар учун 35-50% ни ташкил қилиши мумкин.

Фациялар таҳлили

Фация тўғрисидаги дастлабки тушунчани швед геологи А.Гресели 1938 йилда геология фанига киритган. Унинг таълимотига биноан, фация тенг ёшли қатламларнинг турли жинслардан таркиб топганидир. Кейинчалик "фация" атамаси муайян жинслар учун (кум, кумтошлар фацияси, чиганоклар фацияси ва бошқалар) ёки муайян қатламларнинг ҳосил бўлиши шароитига қараб (денгиз фацияси, қуруқлик фацияси, қўлтиқ фацияси, шельф фацияси ва бошқалар) қўлланилган.

Ҳозирги вақтда фация деб, маълум табиий - географик шароитда ташкил топган чўкинди жинсларнинг маълум турларига айтилади: масалан, ўзан кумлари, кул оҳактошлари, соҳилоди чақиқ тошлари ва бошқалар.


Фациялар тарқалишининг таҳлили қадимги сув ҳавзалари тубининг топографиясини ва унинг қирғокларини кўрсатиб, ўша даврдаги қуруқлик чегарасини ажратиш имконини беради.

Материк ичидаги йирик сув ҳавзаларыда қалинлиги күп түпланган чўкинди жинсларнинг мавжудлиги, шу ерда тектоник чўкиш (пасайиш) юз берганлигидан, қуруқликлар эса тектоник кўтарилиш зонаси эканлигидан далолат беради.

Денгизларнинг энг чукур жойлари жадал чўккан зоналарга тўғри келса, қуруқликнинг баланд жойлари жадал кўтарилиган зоналарга тўғри келади.

Кирғоқ зонаси паст (чукур) бўлган жойларда дағал бўлакли жинслар тўпланмаслиги мумкин. Унда бу ерларда қумлар, ҳатто гиллар ёки оҳактошлар тўпланади. Бундай зоналар узилмалар билан ҳам боғлик бўлиши мумкин (1.7.1-расм).

Идеал кўрининш




1.7.1-расм. Кирғоқ ётқизиклари кетма-кетлигининг кўринишилари: а-идеал кўрининши; б-киргоқнинг тезда чукурлашиши; в-киргоқнинг узилма билан боғлик бўлгандаги кўрининши.

Фацияларнинг мукаммал карталари нафақат катта кўтарилима ва ботиқликларни, балки, сув остида ривожланган айrim тузилмаларни ҳам аниклашга ёрдам беради.

Чақиқ материаллар кўп келадиган саёз сув ҳавзаларыда ривожланаётган антиклиналларнинг гумбазида қумтошлар кўп учраса, синклиналларда гиллар кўп учрайди. Анчагина катта чукурликларда бунинг аксини кўриш мумкин - антиклинал гумбазларида гиллар, қанотларида эса олиб келинган қумлар қатлами пайдо бўлади. Кум материаллари бутунлай олиб келинмаса, сув ости

антиклинал баландликларида риф оқактошлари, синклиналларда эса гил чўқиндиларининг тўпланиши кузатилади (1.7.2-расм).



1.7.2-расм. Сайёз дентиз бурмаларида тоғ жинсларининг тарқалиши.


Флексурали узилматар зоналари ўзига хос чўқиндилар билан характерланади. Уларга шельфдан континентал ёнбагирларга ўтадиган жойлардаги барьер рифлари киради. Бу ерларда уларниң қатлам ривожланиши учун қулай бўлган шароитлар бор (қирғокдан узоклиги, сувининг тозалиги, унча чукур эмаслиги, нисбатан тезроқ чўкиши).

Ҳавза тубининг тез чўкиши чўқиндиларниң тез кўмилишига олиб келади. Бунинг натижасида улар кам сараланади ва унча мустаҳкам бўлмаган минералларниң турлари ҳам сакланиб қолади. Жинслар парчаланишга ултурмаган органик моддаларга бой бўлади.

Ҳавза тубининг секин чўкиши натижасида чўқиндилар узок вақт ювилади ва яхши сараланиб, кварц билан тўйинади (баъзан кварцли қумлар ҳосил бўлади). Органик моддалар парчаланишиб кетади.

Фациал таҳлилнинг яна бир тури бу фациянинг вертикал йўналишда ўзгариши, яъни ер юзасига чиқиб турган жинслар ёки кудуклар кесмаси таркибининг вақт давомида ўзгаришини таҳлил қилишdir (1.7.3-расм). Бунда континентал жинсларининг денгизнинг саёз ва чукур қисмларига ўтиши ёки тескариси шу майдоннинг чўкишидан ёки кўтарилишидан (куруқликка айланишидан) далолат беради.

Ҳавза сатхининг камайиши



1.7.3-расм. Фацияларнинг вертикаль йўналишидаги ўзгариши.

1 – кумтош–алевролитли денгиздан ажралиб ҳосил бўлган кўлш (лагуна) ётқизиклари; 2 – денгиз оҳактошлари; 3 – алевролит–гилли кўрфаз ётқизиклари; 4 – кумтош алевролитли кўрфаз қирғои ётқизиклари; 5 -кумтош гили кўл ётқизиклари.

Формациялар таҳлили

Формация - Ер пўстининг асосий структура элементларининг ичидаги юзага келадиган маълум бир генетик турдаги тоғ жинсларининг қонуниятли ва мустаҳкам мажмуасидир. Улар Ер пўсти ривожланишининг маълум бир босқичларида юзага келади ва жинсларни ҳосил бўлиши умумий шароитларда юз беради.

"Формация" тушунчаси ҳамма турдаги тоғ жинслари - чўкинди, вулканоген, интрузив-магматик ва метаморфик жинслар учун кўлланилади.

Жуда кам ҳолларда формация бир жинсдан ташкил топган бўлади (ёзувчи бўр, гранитоидлар формациялари).

Асосан жинслар сони 3-4 тадан кўп бўлади. «Чўкинди формация» таркибига кирувчи ҳар бир жинс маълум бир фацияяга, аниқроғи ётқизикларнинг генетик турига тўғри келади. Демак, «чўкинди формация» фациялар йигинидисидир. Агар фациянинг ҳосил бўлишидаги кўринишини табиий-географик шароит бошқариб борса, формациянинг асосий омили бўлиб тектоник режим (шароит) ҳисобланади.

Тектоник режим эса қалинликлар, тоғ жинсларининг йигинидиси, тарқалиш майдони, кетма-кет келиши ва бошқалар орқали намоён бўлади. Тектоник режим формацияларни белгиловчи асосий омил бўлиши билан бирга формацияларнинг ўзи аниқ бир тектоник режимни кўрсатувчи ҳисобланади.

Формация турини тўғри аниқлаш учун уни вертикал ва латерал йўналишлардаги ўрнини билиш керак. Уларнинг бу кўринишини кесмаларда кўрсатиш мумкин (1.7.4-расм).


Танаффус ва номувофиқликлар таҳлили

Чўкинди жинсларнинг ҳосил бўлиши давомида шундай шароитлар юзага келадики, бунда жинс ҳосил булаётган майдонлар қиска ёки маълум бир геологик муддатга кўтарилиди ва кейинчалик яна аста-секин чўка бошлайди. Майдон кўтарилиган вақтда бу ерларда чўкинди жинслар деярли ҳосил бўлмайди ёки аввалгиларининг сатҳи эрозияга учрайди.

Демак, бундай вақтларда чўкинди ҳосил бўлишида танаффус рўй беради. Бундай танаффуслар бир неча ўн миллион йилларгача чўзилиши мумкин. Кейинчалик майдоннинг чўкиши натижасида яна жинслар ҳосил бўлиб қатлана бошлайди. Натижада, танаффусдан олдин ва кейин ҳосил бўлган жинс қатламлари орасида бир-бирига мос тушмаслик, яъни номувофиқлик (ёки номуносиблик) юзага келади.

Номувофиқликларнинг кенг тарқалган оддий турларига параллел ва стратиграфик номувофиқликлар киради (1.7.5-расм). Буни қискача таҳлилини берадиган бўлсак, номувофиқлик юзасидан пастки ва юқориги

жинсларни ҳосил бўлишида тектоник режим деярли бир хил бўлганинги кўрамиз.



1.7.4-расм. Формациялар таркалишининг кесмада кўриниши:


1 - чукур сувларда ҳосил бўлган карбонат формация; 2 - сайёз сувларда ҳосил бўлган карбонат формация; 3 - платформаларда ҳосил бўлган эвапорит формация; 4 - терриген формация; 5 - моласса формацияси.

Бурчакли номувофиқликларда (1.7.5-расм, д,е) мувофиқлик юзасининг пастки қисмидаги қатламларнинг юзалари устки қисмидаги қатлам юзаларига мос тушмайди. Демак, пастки қатламлар ҳосил бўлгандан сўнг тектоник режим ўзгарган, яъни майдон ороген жараённи бошидан кечирган бўлиши мумкин. Бунда қатламлар бурмаланишга учрайди. Бу жараён тутагандан кейин майдон яна чўка бошлаган ва янги жинслардан ҳосил бўлган қатламлар пастки қатламлар устига бурчак остида ёта бошлаган.

Номувофиқликнинг яна бир мураккаб кўринишдаги турига тектоник номувофиқлик киради ва у асосан ороген вилоятларда учрайди.

Булардан ташқари номувофиқликларнинг яна бир қанча турлари мавжуд. Танаффус ва номувофиқликларни таҳлил қилишда яна палеогеологик карталарни тузиш мумкин. Улар асосан регионал номуносибликлар юзалари

бўйича (асосан қудуқларнинг маълумотлари бўйича) тузилади. Бунда юза горизонтал ҳолатга келтирилиб, деформациянинг ҳамма самаралари олиб ташланади ва танаффус охиридаги структура плани тикланади.



1.7.5-расм. Номувофиқликнинг айrim кўринишлари:
а - параллел; б - параллел ёндошиш; с - параллел ёпилиш;
д - регионал; е - туб.

Демак танаффус ва номувофиқликларни таҳлил килиш натижасида (ва бошқа маълумотларга таянган ҳолда) номувофиқлик юзасидан пастки ва юқориги жинсларнинг ҳосил бўлишида тектоник шароитлар қандай бўлганлигини, уларни давомийлигини, характерли томонларини ва уларга қандай фойдали қазилма конлари жойлашиши мумкинлигини урганишимиз мумкин. Масалан: номуносибликлар билан боғлик бўлган тузилмаларда боксит, темир, никель рудаси, нефт ва газ конлари учраши мумкин.

7.2. Горизонтал тектоник ҳаракатларни ўрганиш усуллари

Горизонтал тектоник ҳаракатлар вертикал тектоник ҳаракатларга нисбатан кам ўрганилганлиги туфайли уларни тадқиқот этиш усуллари кам бўлиб, асосан бошлангич боскичда. Горизонтал тектоник ҳаракатларни ўрганишда формациялар усули, палинспастик ва палеомагнит ҳамда номувофиқлик усулларидан фойдаланилади. Янги ва замонавий ҳаракатларни ўрганишда геоморфологик, геодезик ва сейсмогеологик усуллардан фойдаланилади. Қуйида қадимги горизонтал ҳаракатларни ўрганувчи усуллардан бўлган палинспастик ва палеомагнит усулларини кўриб чиқамиз.

Палинспастик усул

Бу усул палеогеографик ва палеотектоник усулларнинг биринчан тури бўлиб, структура элементлари ни дастлабки жойини тиклашга асосланган. Зоро, бу структуралар кейинги геологик даврларда горизонтал ҳаракатларни содир бўлиши натижасида ўз жойларини ўзгартирганлар.

Биринчи палинспастик карта Америкалик геолог М.Керн томонидан тузилган. Кўпинча бу усул геосинклинал ва тоф бурмачанлик областларида биринчи структураларни тиклашда қўлланилади. Чунки, бу ерларда горизонтал ҳаракатлар жуда фаол намоён бўлган. Палинспастик карталарни тузишда аввалги координатларини нисбатан аниқ белгилаб берувчи палеомагнит усуллардан кенг фойдаланилади.

Палеомагнит усул

Бу усул ўтмиш геологик даврларда Ер магнит майдонининг тадқиқотига асосланган. Палеомагнитлик ўтмиш геологик даврлардаги магнит майдонлар тоғ жинсларида сакланиб қолган қолдиқ табиий магнитланган-

лик билан тавсифланади. Палеомагнитлик тадқиқотлар натижасида кадимий магнит майдоларини палеовекторлари ва палеокенгликлари аниqlанади. Улар ёрдамида континентлар, литосфера плиталари ва блокларининг дастлабки ўрни қайта тикланади.

II-КИСМ

НЕФТ ВА ГАЗ ГЕОЛОГИЯСИ

Изданы в 2012 г. Томским областным научно-исследовательским институтом геологии и минерального сырья Томской области по заказу Томского государственного университета. Издательство Университета Томска. Редактор И.В. Шумахер. Установлено количество листов 182. Формат 60x84/16. Тираж 1000 экз. Типография Университета Томска.

Публикация опубликована с согласия Ассоциации геологов Сибири и Дальнего Востока при участии Университета Томска.

Авторы благодарят коллег, членов научного совета - академика А.В. Бирюкова и профессора Ю.Н. Остапчука за помощь в работе над рукописью. Несколько глав написаны под руководством профессора А.П. Абакумова, а некоторые главы - под руководством профессора К.Ю. Давыдова. Особую благодарность выражают заведующему кафедрой геологии и геохимии Томского госуниверситета А.А. Смирнову за помощь в подготовке к публикации.

На выполнение работы выразили интерес кадровые работники Томского областного геологоразведочного управления и администрации Томской области. Авторы выражают им благодарность.

Работы по изданию были выполнены в ГИИ ТГУ в соответствии с планом научных мероприятий Томского государственного университета в 2012 году. Руководство над выполнением работ осуществлял Ю.Н. Остапчук.

Графическое и художественное оформление выполнено в ГИИ ТГУ в соответствии с планом научных мероприятий Томского государственного университета в 2012 году. Руководство над выполнением работ осуществлял Ю.Н. Остапчук.

Благодарим А.Н. Абакумова, В.С. Ерофеева, Е.С. Красильщикова, Е.А. Смирнова, Ю.Н. Остапчука за помощь в подготовке рукописи к публикации.

Все права защищены. Книга является авторской собственностью Томского государственного университета.

1 - боб

НЕФТ ВА ГАЗНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ. ЎЗБЕКИСТОН НЕФТГАЗ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯСИННИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Нефт ва газ инсониятга жуда қадимдан маълум бўлиб, улардан олинадиган маҳсулотларнинг ҳалқ хўжалигида тутган ўрни, ҳамда уларга бўлган талабнинг ортиши йил сайин ўсиб бормоқда. Нефт ва газнинг ҳозирги замон таракқиётидаги ҳалқ, хўжалигида тутган ўрнини кўйида-гича тасаввур қилиш мумкин: дунёдаги нефт ва газ берәётган қудуқлар фаолияти бир суткага барчаси бароварига тўхтаган тақдирда ер юзида қандай воқеа содир бўлиши мумкин? Нефт туб маънода саноат томирида оқаётган кон мисоли уни ҳаракатга келтириб турибди. Ёқилғи турларининг барча манбалари ичида нефт ва газнинг улуши айниқса Ўзбекистон учун салмоқлидир. Кўйида буни аниқ рақамлар мисолида кўриб чиқамиз.

1.1. Нефт ва газнинг ҳалқ хўжалигида тутган ўрни

1860 йилда Дунё миқёсида ишлатилган энергиянинг 74% ўтин ва суррагатлар (ёқилғининг сунъий турлари: писта кўмир, торф, ёнувчи сланец, тезак ва ҳ. к.)дан, 24,7% - кўмирдан ва 1% - нефтдан (табиий газ билан бирга) олинган. Кўриниб турибдики, ўша вактда нефтнинг салмоғи умумий энергия миқдоридан жуда кам, газники эса десярлик бўлмаган. 1900 йилга келиб ўтин ва суррагатлар салмоғи 57,6 % ни, кўмир - 39 % ни ташкил этди, нефт эса - 2,3% га етди, ёнувчи газ эса - 0,9% ни ташкил этди. Шундан сўнг энергия манбай сифатида кўмирнинг салмоғи тез ўса бошлади ва 1910 йилда бутун

энергиянинг 65 % и кўмирга тўғри келди, ўтин – 16 % ни, ўсимлик ва ҳайвонот чиқиндилари – суррагатлар - 16% ни, нефт - 3% ни ташкил этди (табиий газдан ўша даврда фойдаланилмаган).

1930 йилларга келиб бирламчи энергия ишлаб чиқарувчи манбалар структураси ўзгара бошлади, кўмирнинг энергия манбаси сифатидаги салмоғи 50% га тушди, нефтинг салмоғи эса 15% га етди, газ ҳам ишлатила бошланди ва у 3% ни ташкил қилди. Колган 32% ни эса гидроэнергия, ўтин ва суррагатлар ташкил этди.

1970 йилларга келиб бутун Дунё энергия балансида нефт 34 %, газ 18 % ни ташкил этди, кўмир 32 %, ўтин 10 %, энергиянинг бошқа манбалари 6 % ни ташкил этди.

1998 йилда Дунё бўйича энергиянинг манбалари кўйидагича тақсимланган: нефт – 39 %, газ – 22 %, кўмир - 26%, гидроэлектростанциялар - 7%, атом электростанциялари - 6%. Кўриниб турибдики, нефт ва газ жамики энергия манбаларининг 61% ини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистонда эса бирламчи энергия ишлаб чиқаришда нефт ва табиий газнинг улуши ниҳоятда юқори: табиий газ - 83%; нефт - 13%, кўмир - 3%, гидроэнергия - 1%.

Демак, Ўзбекистонда нефт ва табиий газни бирламчи энергия манбаси сифатида ишлатиш Дунё амалиётига нисбатан 157 % дан кўпини ташкил қиласкан

Бундай ҳолат бугунги кунда энергетика соҳасида ёқилғи энергия ишлаб чиқарувчи манбалар структурасини жаҳон амалиётига мос келадиган ҳолатда ривожлантиришни талаб этади. Чунки, нефт ва табиий газ ўрни қайтадан тўлиб бораверадиган манбаа эмас.

Нефт ва газ бирламчи энергия ишлаб чиқарувчи ёнилғи сифатида ишлатилиши билан бир қаторда улар таркибидан этан, этилен, полиэтилен, этил спирти, ацителен, пропан, пропилен, полипропилен, пластик массалар, бутан, бутилен, изобутан, бутадиен, синтетик каучук, бензол, ацетон, турли эритмалар, сунъий толалар, олтингугурт, коракуя ва яна кўплаб шу каби маҳсулотлар олинади. Ҳозирги кунда табиий газлардан олинаётган маҳсулотларнинг турлари кундан-кунга ортиб бормоқда. 1

тонна синтетик каучук олиш учун 2 тонна этил спирти ёки 9 тонна дон, ё бўлмаса 22 тонна картошка ёки 30 тонна қанд лавлаги керак бўлади. Ушбу маҳсулотларни 5 тонна суюлтирилган газдан ҳам олиш мумкин, унинг таннархи эса, бошқа маҳсулотлардан олинганига нисбатан анча фарқ қиласи. Бундай қулайлик бошқа моддалар олишда ҳам кузатилади.

1.2. Ўзбекистон нефтгаз саноати ва геологиясининг тараққиёти

Ўзбекистон нефтгаз саноати тарихи қатор асарларда акс эттирилган: "Нефтяная и газовая промышленность Узбекистана" (Ф.П.Лексашев, А.М.Хуторов), "Развитие нефтяной промышленности в Узбекистане" (З.С.Ливитин), "Курдатли энергия манбай" (А.Ж.Жўракулов), "Топливно-энергетический комплекс Среднеазиатского экономического района" (П.К.Савченко, А.Р.Хўжаев), "Бухоро-Урал" (О.М.Акромхўжаев) ва бошқалар. Бу манбалар чуқур тадқиқот ва таҳлил асосида яратилган бўлиб, кўплаб тарихий далил ва рақамларга бойдир. Аммо, улар 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон нефт ва газ саноати учун етарли эмас. Айниқса, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида бу соҳада эришган жиддий ютуқлари ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нефт ва табиий газ қазиб чиқариш кескин ортиб. Табиий газ экспорти йил сайн ортиб бормокда. Мустақиллигимиз туфайли кўлга киритган мувоффақиятларимиз, қолаверса, мамлакатимиз олимлари, нефтгаз конларини қидирувчилари ва кончиларининг, қурувчиларнинг, умуман соҳанинг фидокорона ишчи ва хизматчиларининг матонатли меҳнатлари эвазига очилган янги конлар, ишга туширилган янги иншоатлар, магистрал газ қувурлари, компрессор станцияларда ўз тимсолини топган.

Агар мустакиллик йилларигача Ўзбекистонда 35-40 млрд. m^3 табиий газ ва 1,5-2,0 млн. тонна суюқ углеводород қазиб олинган бўлса, мустакиллик йилларида табиий газ қазиб чиқариш 59 млрд. m^3 (2004), суюқ углеводородлар эса 7–8 млн. тоннани ташкил этди.

Табиий газ факатгиңа ёнилғи сифатида ишлатилган бўлса, хозирда улкан ҳисобланган «Шўргонгаз» кимё мажмуаси ишга туширилиб табиий газ таркибидан этан ажратилиб этилен, сўнг полиэтилен ҳамда пропан-бутан ҳисобига суюлтирилган газ ишлаб чиқарилмоқда.

XXI аср талабларига тўла жавоб бера оладиган, замонавий Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, ноёб Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Хўжаобод еrostи газ омбори қуриб ишга туширилди

Қатор магистрал газ қувурлари қурилиб газ узатиш тармоғи мукаммаллаштирилди. Булар жумласига Газли-Нукус, Газли-Когон, Янгиер-Тошкент, Муборак-Янгиер-Фаллаорол каби умумий узунлиги 1000 км дан зиёд бўлган магистрал газ қувурларини киритиш мумкин.

Қатор нефтгаз объектлари қайтадан таъмирланиб ишлаб чиқариш замонавий талаблар асосида ташкил этилди. Масалан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи таъмирланиб таркибида олtingутурт водэроди бўлган нефтни қайта ишлаб дизел ёқилғисини жаҳон стандартиги даражасида ишлаб чиқарувчи гидродесульфирин қурилмаси қурилиб ишга туширилди. Муборак газни қайта ишлаш заводида янги қувватлар – газни тозаловчи блоклар, пропан-музлатгич қурилмаси бунёд этилди. Янгиер ва Муборак компрессор станцияларида қатор янги агрегатлар қурилиб, газ тармогидаги бу мухим объектлар қайтадан таъмирланди. Шўртонг газконденсат конида ер қатламидан олинадиган табиий газни қайта ишлашни тўла таъминлаб бериш мақсадида газни сиқиб берувчи компрессор станцияси Шўртонг конида қурилиб ишга туширилди.

Қатор мухим нефтгаз лойиҳалари бугунги кунда амалиётга татбиқ этилиб янгидан-янги иншоотлар қад кўтармоқда.

Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда ўнлаб янги нефтгаз конлари аникланди. Айниқса, бу борада Устюрт

ўлкасида олиб борилаётган геология қидирув ишлари диққатга сазовордир. Бу ерда мустақиллик йилларида бир қанча конлар аниқланиб ишга туширилди.

Мустақиллик йилларигача кам истиқболли ҳисобланган бу ўлкага хорижий нефтгаз компанияларининг қизиқиши ортди. Ўзбекистон нефтгаз саноатининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари республикада яратилган кулай инвестицион мұхит асосида амалға оширилиб, қатор чет әл - Япония, Россия, Франция, АҚШ, Изроил, Германия, Италия, Канада каби давлатлардаги йирик компаниялар иштирокида күлгә киритилди.

Бугунги кундаги нефтгаз саноатининг структураси, қуввати, бошқарув услуги жаһоннинг бу соҳадаги йирик компаниялари сингари тұла бозор иқтисоди талабларига жавоб беріб октябр инқилоби ёки собиқ Иттифоқ тузумидагидан тубдан фарқ қиласы.

Октябр инқилобига қадар Ўзбекистон ҳудудида нефт конларини излаш, қидириш ва ишлатиш билан санокли шахсий корхона ва артеллар шуғулланган. Улар көн қидириш ишларини рус олимларининг тадқиқотлари, тахмин ва таҳлиллари асосида олиб боришиган. Нефтга бой ҳудудларни күрсатувчи карталар хам тузилган. Рус табибиркорларидан Д.П.Петров ва А.Д.Германлар ана шу манбаларга ишонған ҳолда Фарғона водийсидеги баъзи майдонларни арzon-гаровга сотиб олишган.

1880-1883 йиллари Фарғона водийсидеги Камишбёши номли майдонда чукурлиги 20-30 метрли 4 та қудук қазилған. Бу қудуклар зарбали усул билан кавланған. Уларнинг деворлари тахта билан қопланиб, нефт маҳсус узун челаклар (желонкалар) ёрдамида тортиб олинған. Баъзи маълумотларга кўра бундай қудуклардан суткасига 5-10 тоннагача нефт олинған.

Рус табибиркори Д.П.Петров 1885 йилда Шўрсув майдонида иккита қудук (аслида шахтасимон чукурлик) қаздиришга мувоффақ бўлди. Қаздирилган иншоотлардан бир кунда 400 - 500 кг нефт тортиб (қазиб) чиқарилиб, ундан маҳсус қозонда керосин ва қора мой ажратиб олина бошланған. Айнан шунинг учун ҳам манбаларда Ўзбекистонда нефт саноатининг бошланиши 1885 йилдан деб кўрсатилған.

1898 йилда муҳандис С.А.Ковалевский бошчилиги-даги бир гурух табииркорлар машхур геолог-палеонтолог Г.Д.Романовский тавсияларига таяниб Чимён, Ёркүтан (Фарфона водийси) қишлоқлари атрофида нефт кони қидиришга киришишди, 1901 йилда механизациялаштирилган дастгоҳ ёрдамида (зарбалаш усулида) биринчи бурғ қудуғини пармалашға киришилди. Үндән 1904 йилда қудук чуқурлуги 278 метрга етганды нефт қатлами очилиб, үндән суткасига қарийб 130 т дан нефт отилиб чиқа бошлади. Мазкур кон асосида 1904 йилда "Чимён нефт жамияти" тузилди. Шу иили С.А.Ковалевский томонидан Ваннов нефтни қайта ишлаш заводи қурилди. У асосан нефтдан керосин олишга мослаштирилганды. Керосин ва қолдик қора мой Ўрта Осиё, Афғонистон, Хитой бозорларыда сотилған. Кейинчалик Чимёндан Ваннов заводигача нефт үзатыш құвури ҳам қурилған. 1907 йилда Чимён кони ва Ваннов нефтни қайта ишлаш заводини "Нобель" фирмаси сотиб олади. 1907 йилда Чимён ёнидаги Ёркүтан майдонида ҳам нефт кони очилиб, у 1910 йилда ишга туширилған. 1901 йилда Майлисой майдонида 168 метр чуқурликдан нефт отилиб чиққан. Қудук суткасига 25 тоннагача маңсулот бера бошлади. 1903 йилга келиб бу кон негизида ҳам корхона ташкил этилған.

1909 йилда Селроҳо нефт қазиб чиқариш корхонаси ташкил этилиб, 1912 йилга келиб уни "САНТО" (Среднеазиатское нефтяное торговое общество) жамияти сотиб олади. 1914 йилда "САНТО" конида нефтни қайта ишлаш заводи қурилади. Мазкур заводда асосан керосин ва қора мой (мазут) ишлаб чиқарилиб, у 1950 йилларгача ҳам ишлаб турған. 1930 йилда "САНТО" жамияти тугатилиб, "КИМ" (Коммунистическая интернациональная молодёжь) • номли нефт кони корхонаси (нефтепромысель) тузилди ва кончиларнинг шаҳарчаси ҳам шу ном билан аталди. 1917 йилга келиб бир йилда "Чимён нефт жамияти" 12 минг тонна, "САНТО" жамияти 27 минг т нефт қазиб олған.

1926 йилда Шўрсув майдонида нефт қатламларини қидириш ишлари қайта бошланади. 1927 йилда бу изланишлар ижобий натижага беріб, қудук нефт қатламиға етади ва үндән катта босимда нефт отилиб чиқади.

Чуқурлиги 200-300 метр бўлган қудуклар 1,5-2 йил давомида ковланган. Қудук деворларини қулашдан саклаш учун у тахталар билан мастиҳкамланган. Нефт ва сув катламлари бир-биридан ажратилмаган. Нефтни чиқариб олиш учун узун чеълаклар ишлатилган. Улар от ёки эшак ёрдамида ер сатҳига тортиб чиқарилган. Кейинчалик нефтни ер остидан сўриб чиқарувчи насослар пайдо бўлди, лекин уларнинг тебраткичлари ҳам ёғочдан ясалган. Бундай тебраткичлар ўтган асрнинг 50-йилларигача ишлатилиб келинган. Бир нечта қудук тебраткичини бир жойдан ҳаракатга келтирувчи жиҳозлар ҳам бўлган. Улар гурухли юритгич деб аталган. АҚШнинг "Simpliks" фирмаси ясаган гурухли юриткич Чимён ва Еркўтан конларида 1946 йилларда ҳам ишлаб турган. Уларнинг иш унуми, ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлган. Масалан, қудукларни пармалаш ҳажми 1913 йилда 1800 м ни, 1927 йилда 2500 м ни, 1929 йили 3200 м ни ташкил этган. Икки йил мобайнида 10 та қудук пармаланган. Хозир бундай аслаҳа - асбоб-ускуналарни, технологик жараёнлар макетини музейларда кўриб, китобларда ўқиш мумкин.

1933 йилда Москва нефт геологияси ва разведкаси илмий-текшириш институтининг тавсиясига биноан Хоно-бод майдонида 547 м чуқурликда кавланган разведка қудуғидан нефт фаввораси отилиб чиқкан. Кейинчалик бу майдонга "Нефтобод" деган ном берилади.

Юқорилагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда дастлабки нефтгаз конлари Фарғона ботиклигига топилган ва ишга туширилган.

Нефтгаз геологиясининг ривожи ҳам аввалом бор Фарғона төғлараро ботиклигининг геологиясини, бу ҳудуднинг нефтгазга истиқболлигини ўрганиш ва янги нефтгаз тўпламларини қидириб топиш ишлари йўналишини белгилаш билан боғлиқ бўлган.

Бу борадаги тадқиқотлар ўз самарасини бериб Фарғона ботиклигига қатор янги нефтгаз конлари XX асрнинг иккинчи ярмида қидириб топилди ва ишга туширилди: Жанубий Оламушук, Фарбий Полвонтош, Хўжаобод, Андижон, Шарихон, Бўстон ва шу кабилар.

Дарҳақиқат Фарғона провинциясини чин маънода Ўзбекистон нефтгаз саноатини бешиги деб атасак ҳеч

муболага бўлмайди. Чунки нафақат нефтдан, балки газдан биринчи марта фойдаланиш ҳам республикада шу провинциядан бошланган.

1944 йилда Фарғона водийсидаги Андижон конидан Андижон шаҳрига газ қувури курилиб ишга туширилди. Сўнг 1951 йили Полвонтош конидан газ қазиб чиқарила бошланди.

Ўзбекистон Республикасида Фарғона ботиклигидан сўнг иккинчи ўринда нефтгазгеологиясининг ривожи Сурхондарё мегасинклиналини тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлди.

Сурхондарё водийсидаги Ховдоғ майдонида 1933 йилнинг ноябр ойида геолог Н.П.Туаев тавсиясига биноан биринчи чукур разведка кудугини пармалашга киришилди. 1934 йил 6 февралда бу кудук 158 м га етганда нефт фаввораси отилиб чиқади. Нефт қатлами палеоген даври ётқизиклари оҳактош ва гипс тоғ жинсларидан иборат бўлган. Ундан бир кечакундузда қарийб 100 т нефт отилиб чиқкан. Бундай мувоффақиятдан рағбатланган разведкачилар ўша йили яна 4 та кудук пармалайдилар ва уларнинг ҳар биридан суткасига 75 - 100 т дан нефт чиқа бошлийди. Хатто, битта кудукдан (187 м чукурликдан) суткасига 650 т нефт отилиб чиқади.

Бундан хабар топган нефт геологияси даргаларидан бири - академик И.М.Губкин Сурхондарёга етиб келади. Машҳур олимнинг Ховдоғ конига келиши катта тарихий воқеа бўлган эди.

Ховдоғ конидан сўнг 1936 йилда Термиз шахрининг шимол томонида Учқизил кони очилди. Бу иккига кон негизида 1936 йилда "Термизнефт" трести ташкил этилди. Трестнинг асосий вазифаси мавжуд конларни ишлатиш ва жануби-ғарбий Ўзбекистонда нефт конларини қидиришдан иборат бўлган. "Термизнефт" трести Сурхондарё вилоятидан ташқари Қашқадарё, Бухоро вилоятлари худудларида ҳам нефт қидириш ишларини олиб борди. Шу давр ичida, аниқроғи 1939 йилда Кўкайди нефт кони очилиб, 1940 йилда ишга туширилди.

Сурхондарё воҳасидаги геология қидирув ишлари натижасида Лалмикор, Амударё, Кўштор, Миршоди, Гажак нефт ва газ тўпламлари қидириб топилди.

Фарғона ва Сурхондарё ўлкаларидан сўнг геология қидирув ишлари Фарбий Ўзбекистоннинг Бухоро тектоник гоғонасида олиб борилди.

1953 йилга келиб Бухоро тектоник поғонасида биринчи газ кони Сеталантепа майдонида очилди. Бу эса ўз навбатида бу ўлкада геология-қидирув ишларининг ривожланишига сабаб бўлди. Натижада 1956 йилда улкан Газли кони топилди. Унинг захираси 500 млрд. м³ га яқин бўлиб, табиий газ таркиби олтингутурт-водородидан холи эди. Бу эса конни тез орада ишга тушириш имконини берар эди. Газли конида жадал бурғилаш ишлари билан бир қаторда ўтган асрнинг 60 йилларида Россиянинг қатор ўлкаларида саноат обьектларига, жумладан, Уралга табиий газ етказиб бериш мақсадида «Бухоро-Урал» трансконтинентал газ кувури курилиб ишга туширилди.

XX асрнинг иккинчи ярмида мураккаб тузилишга эга бўлган, юра даврининг туз қатламлари остида ётувчи карбонат тоғ жинслари тарқалган Чоржўй тектоник поғонаси ўзлаштирила бошланди. Натижада, бу тектоник поғонада ниҳоятда улкан бўлган газконденсат, нефт конлари қидириб топилди ва ишга туширилди. Булар жумласига Шўртонг, Зеварди, Помук, Олон, Кўкдумалок, Шимолий Ўртабулоқ, Курук конлари киради.

Чоржўй тектоник поғонасидан сўнг 1960 йилларда нефтчи геологлар диққат эътибори Устюрт текислигига қаратилди.

Геология қидирув ишлари бу ўлкада мустақиллик йилларида, айниқса, Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2000 йил май, декабр ойларида қабул килинган маҳсус қарорлари асосида жадал ривож топди.

Устюрт ўлкасига Фарғона водийсидан, Қашқадарё воҳасидан бурғилаш қурилмалари, бурғичилар, геологлар, геофизиклар жалб этилди.

XX асрнинг 90-йиллари бошида бу ўлкада атиги 2 та бурғ станоги ишлаган бўлса, бопиқа провин-циялардан жалб этилгандан сўнг уларнинг сони 12 тага етказилди.

Устюрт ўлкасида мустақиллиқ йилларида Урга, Шарқий Бердаҳ, Учсоғ, Сурғил каби қатор газоконденсат конлари топилиб, улардан айримлари ишга туширилди.

Ўзбекистон нефтгаз геологиясининг ривожланишида қатор олим ва мутахассисларнинг хизмати ческиз. Бу борада И.М.Губкин, А.Х.Ходжиматов, Г.Епифаноғ, А.Х.Рашидов, Т.И.Убайхўжаев, Н.Х.Алимуҳамедов, А.А.Бакиров, А.Г.Бобоев, О.М.Акромхўжаев, Е.М.Абетов, Н.Б.Вассоевич, Г.К.Дикенштейн, Ш.Ф.Сайдхўжаев, В.А.Кудряков, М.Э.Эгамбердиев, О.А. Рыжков, С.Т.Толипов, Р.Н.Хаймов ва номлари санаб ўтилмаган, лекин хизматлари фан ва ишлаб чиқариш олдида чексиз бўлган нефтгаз геологиясининг қатор дарғаларини эслаш уларнинг хотираларини тиклаш нефтгаз геологияси соҳасида стишиб чиқаётган ёш авлоднинг вазифасидир.

2 – боб

ЁНУВЧИ ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР - КАУСТОБИОЛИТЛАР

Ёнувчи фойдали қазилмалар қаторига нефт ҳосил қылувчи ҳамма моддалар, ёнувчи углеводород газлар ва бошқалар киради. Нефт ва ёнувчи газ ҳам, күмтош, оқактош, ош тузи, гил сингари чүкінді төг жинслари қаторига киради. Биз фақат ер пустини ташкил қылган жинсларни төг жинслари дейишгә ўрганғанмиз. Аслида төг жинслари газ ҳолатида учраши мүмкінлігінің ҳам назарда тутишимиз лозим. Нефт ва газнинг ажайиб хусусияти унинг ёнишидир. Шундай хусусиятга әга бўлган қаттиқ төг жинслари ҳам бор. Улар торф, тошқўмир, қўнғир кўмир ва ёнувчи сланецлардир.

Барча ёнувчи қазилмалар қаустобиолит деб номланади бугун бир оиласи ташкил этади.

Каустобиолит термини немис олим Г.Потонье томонидан фанга киритилган бўлиб, кейинчалик уни рус олими И.М.Губкин қўллаган.

Каустобиолит - сўзи грекчадан олинган бўлиб, [kausto] - ёқилғи, [litos] - тош, [bios] - ҳаёт, яъни органик қолдикдан ҳосил бўлган ёнувчи тош деган маънени билдиради.

Тирик организм қолдикларининг төг жинслари ичида жойлашиши ва қайта ўзгаришидан каустобиолитлар ҳосил бўлади. Каустобиолитларни Г.Потонье қуидаги 3 қаторга ажратишини таклиф қилган:

- 1) битумли жинслар ёки нефтли битумлар;
- 2) гумусли жинслар;
- 3) липтобиолитлар.

Каустобиолитларнинг биринчи қаторига нефтларниң ҳамма тури, ёнувчи углеводород газлар, асфальтлар кўпинча бу қаторни сопрапеллар деб аталади. «Сапропель» сўзи

грекча [sapros] - чирийдиган ва [pelos] - ил (балчик) маъносини англатади.

Кўми р ёки гумуслар қаторига Потонье тошкўмнр ва антрацитларни, яъни ўсимликлардан ҳосил бўлган каустобиолитлар киритди. Бу қатор астасекин геологик қайта ўзгаришлар натижасида тоза углеводородга ёки графитга айланниши мумкин бўлган ўсимликлардан ташкил топган моддаларни бирлаштиради.

Липтобиолитлар қазилма маҳсулотига айланган органик моддаларнинг баъзи бир муҳим, асосан ўсимлик бўлган компонентлариdir. Липтобиолитларни ҳосил қиливчи моддаларга смолалар, бальзамлар, мум, стеринлар ва поленинлар киради.

Хозиргача табиий липтобиолитларга янтар гуруҳидаги минераллар (колалит, сукционит, репития, шрауфит, пирофетит, тиоретинит), смолалар ва баъзи бир бошқа минераллар киради. Барча каустобиолитлар учун умумийлик, Г.Потонье фикрича, уларнинг генезиси - ҳосил бўлишлiği, каустобиолитларнинг ҳамма турлари генезис жиҳатдан органик дунё билан боғлиқ бўлсада, аммо барча турдаги каустобиолитларнинг ҳосил бўлишимеханизмлари ва уларнинг бир-бири билан узвий генетик боғлиқлиги ҳозирги давргача аниқ ҳал этилган муаммо эмас.

Айнан шунинг учун ҳам ёқилғи қазилмаларнинг генетик белгилари ҳосил бўлишида ва бир турдан иккинчи турга ўзаро айланishiдаги умумийлик асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган тасниф мавжуд эмас.

Э.А.Бакировнинг (1980) фикрича нефтгаз геологияси нуқтаи назаридан каустобиолитларни физик хоссаси ва кимёвий таркибига асосланиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Шунга мувофиқ каустобиолитларнинг физик хоссалари асосида яратилган тасниф кўпчилик олимлар томонидан қабул қилинган.

Ушбу таснифга мувофиқ барча ёнувчи фойдали қазилмалар уч асосий гурухга бўлинади: газсимон, суюқ ва каттиқ.

1. Ёнувчи газсимон қазилмалар. Буларга тоза газ конининг гази ва уюмда нефт билан учрайдиган нефт гази; кўмир қатламларида ёки кўмир

қатламларини бир-биридан ажратиб турувчи жинслардаги күмир ва маъдан гази; ботқоқликдан ажраб чиқадиган асосан метан таркибли, ботқоқлик гази.

2. Ёнувчи суюқ қазилмалар нефтлар билан тавсифланади.

3. Ёнувчи қаттиқ қазилмалар турли күмирларни. Қазилма смолаларни, озокерит, асфальтларни, пиробитумларни ва баъзи бошқа каустобиолитларни қамраб олади.

Ушбу дарслик нефт ва газ соҳасида бўлганлиги сабабли кўйида биз қаттиқ қазилмалардан битумларни ва асфальтларни кўриб чиқиб, суюқ ва гассимон ёнувчи қазилмалар хусусиятларини кейинги маҳсус бобда ёритиб ўтамиз.

2.1. Ёнувчи қаттиқ қазилмалар

Бу турдаги қазилмалардан битумлар, асфальтлар, асфальтитлар ва пиробитумларни кўриб чиқамиз.

2.1.1. Битумлар ва уларнинг таркиби

Битум – турли мъянода ишлатиладиган термин бўлиб, нефтга тегишли белгиларга эга ёки ташки қўриниши, нефтга ёки унинг ҳосилаларига ўхшаш модда. Қадимда қовушқоқ ва қаттиқ ҳолатдаги мальта ёки асфальт каби нефт маҳсулотлари битум деб аталган. Ҳозирги адабиётларда битум термини бир-биридан тубдан фарқ қилувчи учта тушунчани ифодалайди: 1) генетик (пайдо бўлиш) тушунчаси – нефт ва нафтоид ҳадини ўз ичига олган каустобиолитлар битумнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, уни ўраб турган тоғ жинсларига нисбатан этигенетиклиги (иккиламчилиги) дир, яъни миграция йўли билан тўпланиши; 2) аналитик тушунчаси – ҳозирги давр чўқиндилари ёки жинсларидан эритувчи суюқликлар (хлоформ, бензол ва ҳ.к.) ёрдамида ажратиб олинадиган табиий органик моддалар йиғиндиси. Уларнинг муҳим белгиларидан бири эрувчанилигидир; 3) техник тушунчаси – унга техник хом-ашё сифатида (йўл курилиш ва бошқа

жойларда) ишлатиладиган табиий асфальтлар, қора мой, нефтни қайта ишлашдан чиққан маҳсулотлар, қатрон ва бошқалари мисол бўлади. Битумнинг асосий белгиси – унинг қандай йўл билан пайдо бўлганлигидан қатъий назар, техник хусусиятидир.

Битумлар шу ўринда "A", "B" ва "C" турдаги битумларга бўлинади:

«A» б и т у м – жинсларни қайта ишлашда органик эритувчилар (бензол, хлороформ, спиртли бензсл в.х.) ёрдамида босимсиз («B» битумлардан фарқли ўлароқ) ва жинсларни олдиндан хлорит кислота билан қайта ишланмасидан («C» битумдан фарқли ўлароқ) ажратиб олинадиган битум.

«B» б и т у м – кўмирдан «A» битум ажратиб олингандан кейин юқори босим ва $250\text{--}280^{\circ}\text{C}$ температурада олинадиган модда (Фишер схемаси, 1916). «B» битум ажратиб олиш шароитига кўра, худди экстракт (Эритиб ювгич) лардек, нафталин, антрацен мойи ва бошқа турдаги эритувчилар ёрдамида олинганлиги сабабли иккиласи (ўзгарган) маҳсулот хисобланади. Шунинг учун ҳам у битум тоифасига киритилмайди. Фишер схемасига кўра, у петролейн эфирида эрийдиган фракцияларидан таркиб топган, яъни мойли битум ва эримайдиган фракция (қаттиқ битум) дан иборат.

«C» б и т у м –тоғ жинсларига ёпишган ҳолда бўладиган ва жинслар кислота билан қайта ишланганидан кейин органик эритувчилар (бензол, хлороформ, спиртли бензол) ёрдамида ажратиб олинадиган битум.

Бунда унинг физик – кимёвий таркибига эътибор қилинмайди. Нефт билан боғлиқ бундай моддалар ҳозирги вактда н а ф т и д лар деб аталади.

Битум атамасидан фарқли ўлароқ табиий органик моддалар, нейтрал суюқликлар (бензол, хлороформ, олтин-гугурт углероди, петролейн эфири, ацетон ва бошқалар) эриш хусусиятига эга бўлганларни Н.Б.Вассоевич б и т у -моидлар деб атади.

Тарқоқ б и т у м л а р – кулранг, тўқ кулранг ва қора рангли битумга бўялган тоғ жинсларида қўп тарқалган. Тарқоқ битумли тоғ жинсларини ранги бир-бирига жуда ўҳшайди. Тоғ жинсларининг таркибидаги

битумларни микдори кам, баъзи ҳолларда эса бир неча фоизгача бўлади. Жинслар таркибидаги органик модаларни тадқиқот қилишда органик эритувчида эриганига битум дейилади.

Тоғ жинслари таркибидаги ҳамма органик моддалар битум ҳисобланмайди, фақат органик эритувчиларда эриган қисмига б и т у м деб аталади. Тарқоқ битумларни тавсифлаш учун унинг элементар таркиби, коэффициентлар С/H, С/(O+N+S) ва битум таркибидаги водород ва углерод бирикмаларидан углерод ва водороднинг микдори олинади. Агар тоғ жинсининг таркибида ўн ёки юздан бир улгушда битум бўлса, у ҳолда бир тонна тоғ жинсидан 100 гр битум ажратиб олиш мумкин. Битумдан асосан мойлар, смолалар ва асфальтенлар ажратиб олинади.

2.2. Асфальтлар

А с ф а л ь т л а р асосан углерод ва водороддан ташкил топган аморф моддадир. Углерод ва водороддан ташқари унинг таркибида ўзгарувчан микдорда олтингугурт, кислород ва азот учрайди. Асфальтларни элементар таркиби 2.1-жадвалда келтирилган.

2.1-жадвал Асфальтларнинг элементар таркиби

№	Хусусиятлари	Тавсифи
1	Ранги	Қора, қора қўнғир
2	Қаттиклиги (Моос шкаласи)	0-1
3	Эриш температураи, ⁰ С	0-110
4	Солиттирма бирлиги, 25 ⁰ С	0,9-1,09
5	Коксланиши,%	5-10
6	Асфальтен микдори,%	30-50
7	Эрувчанлиги,%	100
8	Бензолда	100
9	Эфирда	100 гача

Асфальт жуда кам микдорда әлектр ва иссиқлик ўтказади, шунинг учун ишлаб чиқаришда изолятор сифатида ишлатилади. Сувда, кислородда ва ишқорда әримайди. Таркибида кислороди бор асфальтни оқсис асфальтилар дейилади ва улар бир-бираидан ҳосил бўлиш йўли билан фарқланади.

Асфальт табиатда қўйидаги ҳолларда учрайди:

- 1) томир;
- 2) тог жинслари ёриклиарида;
- 3) яхши ўтказувчан қатламларга битум тарзида говакларда шимишган ҳолатда ва ҳ.к.

2.3. Асфальтитлар ва пиробитумлар

Асфальтитларни г минералогик хоссалари ва кимёвий хусусиятлари кам ўрганилган. Асфальтит деб ўта зич кўмирсимон мойли асфальтга айтилади. Н.А.Орлов ва В.А.Успенскийлар (1964) асфальтит сифатида қаттиқ, мўрт органик эритмаларда хлороформ, бензол ва бошқа эрийдиган битумларни асфальтит деб ҳисоблайдилар.

Асфальтитлар икки гурухга бўлинади: гильсонитлар ва грагалитлар. Уларни фарқи қиздирилганда билинади. Гильсонитлар тез ва осон эрийди, шунингдек парчаланиши сезилмайди. Грагалитлар эришида бўртиб чиқади ва парчаланади.

Гильсонитларга зичлиги $1,05 - 1,15 \text{ г}/\text{см}^3$ гача бўлган қаттиқ асфальтитлар мисол бўла олади. Улар қора, ялтироқ массали мўрт моддалардир. Қаттиклиги 2,5 гача бўлган баззи асфальтитларнинг (2.2-жадвал) хусусиятларини (Н.А.Орлов ва В.А.Успенскийлар бўйича) кўриб чиқамиз. Грагалитлар зичлиги $1,15-1,18 \text{ г}/\text{см}^3$ гача бўлган -- қаттиқ, жуда мўрт асфальтитлардир. Эриш вақтида сезиларли парчаланади. Асосий массасини асфальтенлар ташкил этади. Улар гильсонитлардан кимёвий таркибида водородни камлиги билан фарқ қиласади.

Гильсонит ва грагалитларнинг айрим хоссалари

Тарт иб рақами №№	Географик тарқалганлиги	Зичлиги, г/см ³	Бензинда эриган миқдори, %	Бензол-ли кокс, %
Гильсонит				
1	Табиий (АҚШ)	1,006	61,0	8,1
2	Ута-юмшоқ (АҚШ)	1,011	55,5	10,0
3	Ута-қаттиқ (АҚШ)	1,057	24,5	167
4	Сурия	1,104	—	20,0
5	Куба	1,170	18,0	26,0
Грагалитлар				
6	Куба	1,157	17,4	40,0
7	Тринидад	1,156	14,8	40,0
8	Колорадо	1,160	0,8	47,4
9	Оклахома	1,184	0,4	51,4

Пиробитумлар қиздирилганда қўкиш, окиш нефтга ўхаш маҳсулот берадиган моддаларга айтилади. Бу гурухга ёнувчи сланецни ҳар хил турдаги кўринишлари (навлари), битумли кўмирлар ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин.

Хозирги кунда пиробитумлар келиб чиқиши нефт билан боғлик бўлган, аммо органик эритмаларда эримайдиган метаморфизм жараёнига учраган минераллар деб аталади. Н.А.Орлов ва В.А.Успенскийлар пиробитумларни керитларга, эльпиритларга ва антраксолитларга ажратади.

Керитлар – битумли хусусиятини йўқотган минераллар. Таъшки кўринишидан битумли кўмирга ўхшайди. Унинг асосий массасини керотен ва карбоидлар ташкил этади. Кам миқдорда асфальтенлар ва мойлар бўлиши мумкин. Керитларни **альбертиллар** ва **импсонитларга** бўлишади. Уларни ўртасидан чегара

үтказиш мүмкін әмас, сабаби әлементар таркиби ва физикавий хусусиятлари бир-бирига жуда яқин.

Альбертилар – қора ва құнғир рангли керитлардир. Улар ялтироқ, чиганоқсімон синимли, қаттылығы 2-3 га теңг. Альбертиларга хос хусусиятлар: еріш хусусияти йўқлиги; олтингугуртли углеводородда ва бошқа органик әритувчиларда жуда кам миқдорда еріши; зичлиғи $1,08\text{-}1,175 \text{ g/cm}^3$; кислородлы миқдори 3% дан кам бўлиши; Кулсиз коксни миқдори 25-30%.

Импсонитлар – кимёвий таркибидан карбоидлар кўп ва юқори коксланишга эга бўлган, органик әритувчиларда еримайдиган қора рангли, мурт, чиганоқ-сімон синикли керитлардан иборат.

Элькеритлар – битумларни нураш маҳсулоти, таркибидан юқори миқдорда кислород бор. Ташқи кўриниши ва ишкорни құнғир рангга ўзгаришидан құнғир кўмирга ўхшайди. Аммо ётиш шароити құнғир кўмирдан фарқ қиласди.

Антраксолитлар – карбонизациялашган кўмирга айланган битумларни юқори маҳсулотлари. Ташқи кўриниши ва физикавий хусусиятлари антрацитга ўхшайди. Асосан карбоидлар ёки эркин углеродлардан таркиб топган. Антраксолитларни Н.А.Орлов ва В.А.Успенскийлар беш гурухга бўлган: куйи антраксолитлар, юқори антраксолитлар, шунгитлар, кискеитлар, тухолитлар.

Кутиантраксолитлар – ташқи кўринишидан антрацитга ўхшаш, қора ва муртдир. Минерал таркибидан юқори миқдорда, яъни 4,8%гача водород бор.

Юқори антраксолитлар – хусусияти жиҳатидан антрацитга жуда ўхшаш, қаттиқ, қора минералдир. Таркибидан 97,2% гача углерод ва 1-2% водород бор.

2.4. Баъзи ёнувчи бошқа қаттиқ қазилмалар

Шунгитлар – кимёвий жиҳатидан углеводородга яқин бўлиб, унинг 98% углеводороддан иборат. Қаттылығы 3-4 атрофида бўлиб, ялтироқ,

чиғаноқсімон синікли, одатда кварц ва кальцит билан бирға учрайди.

Кискеитлар – катта микдордаги олтингугуртли, юқори карбонсизлашган антраксолитлардан иборат. Ранги қора, ялтироқ, мұрт зичлиги 1,6 – 1,7 г/см³. Ёнмайды ҳам, әримайды ҳам, таркибида 15-40% олтингугурт, 53-76% - водород, 1% азот, 8,5% кислород, 0,5 – 1,0% кул бор.

Кискеитлар генетик жиҳатидан юқори олтингугуртли асфальтитлар билан боғлиқ.

Тухолитлар – пегматитли томирларда учрайди. Юқори золли ва уран оксидларига ёки ноёб элементларға бой. Ранги қора, тез синувчан ва осон қуқунга айланади.

Н.А.Орлов ва В.А.Успенскийлар тухолитларни уран карбидити (карбуранлар) ва ноёб металлардан (карбоцерлардан) ҳосил бўлган деб тахмин қилишади.

Юқорида келтирилганлар билан бир қаторда қаттиқ ёнувчи қазилмалар турига озакерит ва сланецлар ҳам киради.

Ёнувчи сланецлар – таркибида 20% дан 60-80% гача органик моддалари бўлган гилли, оқакли, майин қат-қатли, нураганда баргсімон парчаларга ажраладиган ёки массив ҳолатдаги тоғ жинси. Ранги жигарранг-кулранг, кўнғир-сариқ, оч жигарранг-кулранг. Ёнувчи сланецлар ҳавосиз жойда 500°C га ёки ҳаволи жойда 1000°C гача қиздирилганда таркибидаги органик моддалар парчаланади ва ундан нефтсімон смола (сланецли мой), қуруқ ёнувчан газ ва сув ажралиб чиқади. Таркибида органик моддалари кам бўлган ёнувчи сланецлардан қуруқ жинс оғирлигига нисбатан 5-10%, органик моддалари кўп бўлганларидан - 30-50% смола ажралади. Сланецлар таркибидаги органик моддаларда уларнинг генетик турига мувоғиқ ҳолда қуйидаги элементлар учрайди (%); C' 56-82; H' 5,8-11,5; N' 1-6; S_{um} 1,5-9; O' 9,36. Ёнувчи сланецларда дастлабки моддалар оддий планктон сувўтлар ва сув тубидаги ўсимлик қолдикларидан таркиб топган. Улар мөъёрий туз ва газли, денгиз ва кўл сувларида ҳосил бўлади. Ёнувчи сланецлар кембрийдан неоген давригача ҳосил бўлган ётқизикларда кенг тарқалган

Ёнүвчи сланецлар Болтиқбуйи, Белоруссия, Украина, Волгабўйи, Ўзбекистон, Саха ва бошқа жойларда юз, ҳатто минг м³ майдонларни эгаллаб ётади. Ёнүвчи сланецларнинг кўп қисми иссиқлик электростанцияларида, юқори калторияли газ, мотор ёқилғиси, ёғлаш мойлари, фенол, ихтиол мойи ва шу кабилар олишда сарф бўлади. Ёнүвчи сланецларнинг дунё (33 мамлакат) бўйича 1981 йили ҳисобланган бойлиги 630 млрд. т нефтга тўғри келади. Масалан, АҚШ да 280; МДҲ да 120; Бразилияда 110; Хитойда 68; Конго Демократик Республикасида 1,4; Мароккода 1,3; Италияда 1,0 млрд. т баҳоланганди.

Озокерит - қаттиқ алканлар (C_{37} - C_{53} гача) билан суюқ мой ва смолалар аралашмасиади таркиби топган минерал бўлиб, у қаттиқ, мурт ёки мойсизмон массадан иборатдир. Озокеритнинг ранги оч сарикдан қора рангтагача ўзгаради, зичлиги 0,85-0,97 г/см³, эриш температураси 40-50°C, баъзан 100°C гача ва ундан юқори.

Озокерит табиатда бўлаксизмон, жинслар таркибида томирсизмон ёки заррасизмон ҳолида учрайди. Озакеритнинг иирик конлари кўпроқ альп бурмачанглиги билан боғлиқ бўлган геотектоник элементларда учрайди (Карпат олди эгилмаси, Фарбий Туркманистон ботиқлиги, Фарфона тоғлараро ботиқлиги). Ўзбекистонда озокеритнинг Шўрсув кони мавжуд (Фарфона ботиқлигида), Фарбий Туркманистонда – Челекен, Фарбий Украинада – саноат миқёсида ишлатилаётган Борислав кони маълум.

Озокерит медицинада, резина техникаси саноатида ишлатилади.

Хозирги кунда медицинада парафин ишлатилгани туфайли озокеритга талаб кам.

Қаттиқ ёнүвчи қазилмалар қаторидан битум ва сланец конларини геологик жиҳатдан муфассал ўрганишилик, улар мавжуд бўлган геоструктураларни хариталаш ва уларнинг таркибини лаборатория шароитида ўрганиб, бу қазилма бойликларни ишлатиш технологияларини саноатда жорий этиб қазиб чиқаришлиқ ва ёнилғи сифатида фойдаланишлиқ халқ хўжалигига ишлатиладиган нефт ва табиий газни иқтисод қилиб Ўзбекистонда бирламчий энергия ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган манбалар структурасини омиллаштиришга хизмат қиласди.

3 – боб

НЕФТ, ТАБИЙ ГАЗ, КОНДЕНСАТ ВА ҚАТЛАМ СУВЛАРИ. УЛАРНИНГ ФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

3.1. Қатлам нефтлари

Қатлам нефти ва ёнувчи газларнинг кимёвий таркиби ва айрим физик хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Нефтларнинг синфланиши

Нефтлар З турга бўлинади: Метанли (М), наftenли (Н) ва ароматик (А). Нефтни қазиб олиш ва қайта тайёрлаш жараёнида унинг таркибига кирувчи юқори молекулярли кислород O_2 , олтингугурт S_2 , азот N_2 элементлари мавжуд бўлган органик бирикмалар катта кизиқиш уйғотади. Бу бирикмалар қаторига наftenли кислоталар, смолалар, асфальтенлар, парафинлар ва х.к. киради. Уларнинг микдори нефт таркибida унчалик юқори бўлмаса ҳам, улар қатлам юзасига, суюқликларнинг ва газларнинг бўшлиқ мухитда тарқалишига, уюмларни ишлаш жараёнида углеводород харакатланиш қонуниятига ўз таъсирини ўтказади.

Нефт – фракцион таркибиага кўра қуйидаги фракцияларга ажралади ($^{\circ}\text{C}$ да): 100 гача - биринчи тоифа бензин, 110 гача - махсус бензин, 130 гача - иккинчи тоифа бензин, 265 гача - керосин ("метеор" тоифали), 270 гача - оддий керосин, қолдиги эса мазутга киради, уни 400 - 420 гача қиздирилганда (вакуумда) мой фракциялари олинади.

Нефтнинг сифатига боғлиқ ҳолда енгил (бензинли, ёғли) ва оғир (ёқилғи, асфальтли ва бошқалар) нефтлар ажратилади.

Олтингугурт таркиби бўйича кам олтингу - гуртли (<0,5%), олтингугуртли (0,5 - 2,0%), юқори олтингугуртли (2,0% дан кўп) нефтлар ажратилади.

Нефтнинг асфальт смолали моддалари таркибидаги кислород (O_2), олтингугурт (S_2), азот (N_2) элементлари мавжуд бўлган юқори молекуляр бирикмалар ва катта микдордаги мураккаб тузилишили ва доимий бўлмаган таркибли нейтрал бирикмалардан иборат бўлиб, улар орасида нейтрал смола ва асфальтенлар мавжуддир. Смоланинг энг кўп микдори оғир, қора, ароматик углеводородларга бой нефтларда бўлади.

Нефт смола таркиби бўйича кам смолали (<18%), смолали (18 - 35%), юқори смолали (>35%) нефтларга бўлинади.

Нефти парфин - бу икки таркиби бўйича бир-бираидан фарқ қилувчи оғир углеводородлар парфин $C_{17}H_{36}$ - $C_{35}H_{72}$ ва церезин $C_{36}H_{74}$ - $C_{55}H_{112}$ аралашмасидан иборат. Биринчиларининг эриш температураси - 27-71°C, иккинчилариники эса 65-88°C дир. Битта температурада церезиннинг эриши юқори зичликка ва қовушқоқликка эга. Нефтда парфин микдори баъзан 13-14%га етади ва ундан ошади.

Нефт таркибидаги парфин массасига қараб 1,5%дан кам бўлса - кам парфинли, 1,5 - 6,0% бўлса - парфинли ва 6,0%дан кўп бўлса - юқори парфинли нефтларга бўлинади. Нефтда унча кўп бўлмаган микдорда хлор, йод, фосфор, калий, натрий, кальций, магний ва бошқа элементлар учрайди.

Нефтнинг асосий хусусиятлари

Қатлам нефтнинг зичлиги (ρ_z) дейилганда қатлам шароитини сақлаган ҳолда олинган бирлик ҳажмга тўғри келувчи нефт массаси тушунилади. У одатда дегазацияланган нефт зичлигидан 1,2 - 1,8 марта кам, бу унинг ҳажми қатлам шароитида эриган газ ҳисобига ошиши билан тушунтирилади.

Қатламда зичлиги $0,3\text{--}0,4 \text{ г}/\text{см}^3$ ни ташкил қилувчи нефталар маълум. Қатлам шароитида зичлик $1,0 \text{ г}/\text{см}^3$ га етиши мумкин. Қатлам нефталари зичлиги бўйича зичлиги $0,850 \text{ г}/\text{см}^3$ дан кичик бўлган енгил ва зичлиги $0,850 \text{ г}/\text{см}^3$ дан юқори бўлган оғир нефталарга бўлинади.

Енгил нефталар таркибида газ кўплиги билан тавсифланса, оғир нефталар газ камлиги билан тавсифланади.

Қатлам нефтиниң қовушқоқлиги (μ_n). Қатлам шароитида унинг ҳаракатчанлик даражасини аниқлади. Бу кўрсаткич газ таркибининг микдори ва қатлам температураси билан боғлиқ бўлади. Босим тўйиниши босимидан юқори бўлганда уччалик тасири катта бўлмайди. Қатлам шароитида нефт қовушқоқлиги дегазацияланган нефт қовушқоқлигидан бир неча ўн маротаба кичик бўлиши мумкин.

Кинематик қовушқоқлик стоксларда ($\text{см}^2/\text{сек}$), динамик қовушқоқлик пузаларда аниқланади. Нефт қовушқоқлиги кенг чегараларда ўзгаради ва у қатлам босими, температураси ва нефтда эриган газ микдорига боғлиқ, нефтининг қовушқоқлиги унинг газ таркиби ошганда камаяди.

Нефт қовушқоқлиги яна мПа·с (миллипаскал секунд)ларда ҳам ўлчанади. Қовушқоқлиги бўйича ажамиятсиз даражадаги кичик қовушқоқлик $\mu_n \leq 1 \text{ мПа}\cdot\text{с}$, кам қовушқоқлик $1 < \mu_n \leq 5 \text{ мПа}\cdot\text{с}$, кўтарилган қовушқоқлик $5 < \mu_n \leq 25 \text{ мПа}\cdot\text{с}$ ва юқори қовушқоқлик $\mu_n > 25 \text{ мПа}\cdot\text{с}$ туридаги нефталар ажратилади. Мисол учун, Сурхондарё вилоятидаги нефталарнинг қовушқоқлиги 30-129 мПа·с оралиғида ўзгаради. Бухоро-Хива ўлкасидаги нефталарнинг қовушқоқлиги $0,35\text{--}8 \text{ мПа}\cdot\text{с}$.

Қовушқоқлик нефтининг муҳим кўрсаткичларидан бўлиб, ундан ишлаш жараёни самарадорлиги ва қолдиқ нефтни олиш коэффициентлари боғлиқдир. Нефт қовушқоқлиги ва сув кўрсаткичи қудукни сувланишини курсатадилар ва бу ишлаш жараёнида муҳим кўрсаткич хисобланади. Агар бу муносабат қанчалик юқори бўлса,

турли сув бостириш усуллари билан уюмдан нефтни олиш шунчалик қийинлашади.

Иссикликдан кенгайиш коэффициенти (α_n) температура 1°C га ўзгарганда бошланғич нефт ҳажми (V_0) қанчага ўзгарғанлыгини (ΔV) күрсатади:

$$\alpha_n = \left(\frac{1}{V_0} \right) \left(\frac{\Delta V}{\Delta t} \right)$$

бу ерда: α_n ўлчами - 1°C . Күпгина нефтлар учун иссиқликдан кенгайиш коэффициенти $(1+20) \cdot 10^{-4} \cdot 1^{\circ}\text{C}$ атрофидан ўзгаради.

Нефтнинг иссиқликдан кенгайишини уюмни ностационар термогидродинамик режимли шароитда қатлам турли иссиқ ва совук агентлар билан таъсир килаёттган вактда ишилашила инобатта олиш керак. Бешка күрсаткичлар сингари, унинг ҳам таъсири нефтнинг жорий сизилиши шароитларига, яна нефт олишнинг якуний күрсаткичларига таъсир қилиши мумкин. Нефтнинг иссиқликдан кенгайиш коэффициенти қатламга иссиқ усуллар билан таъсир этишини лойиҳалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қатлам нефтнинг газ микдори ёки газга тўйинганлиги (S) газ эриган ҳажмдаги нефти (стандарт шароитда) қатлам шароитидаги нефт (V_r) қатлам нефтнинг (V_{kn}) нисбатидир:

$$b = \frac{V_r}{V_{kn}}$$

Газ таркибини одатда m^3/m^3 ёки m^3/t да ифодаланади. Қатлам нефтнинг бирлик ҳажмида маълум босим ва температурада эриши мумкин бўлган максимал газ микдори газнинг эриши (γ) дейилади. Газ таркиби эришга тенг бўлиши мумкин, агарда ундан кичик бўлса, у лабораторияда қатламдан олинган нефт намунасининг

босимини намуна олинган қатлам босимидан атмосфера босимиғача аста-секин туширилиб аникланылади.

Намунани дегазациялаш жараёни контактли ва дифференциал бўлиши мумкин. Контактли (бир поғонали) дегазациялаш деб, барча ажралиб чиқаётган газ нефт устида у билан контактда бўлади. Дифференциал дегазацияда эритмадан ажралаётган газ узлуксиз системадан чиқариб ташланади.

Дифференциал дегазацияда нефтда контакт дегазацияга нисбатан кўпроқ газ қолади (ўша босим ва шароитда). Бу куйидагича тушунтирилади. Нефтдан биринчи навбатда метан (CH_4) ажралади ва унинг таркибида қолган газлар микдори ошиб, оғир углеводородлар микдори кўпаяди, бунда эрувчанлик ошади. Қатламдан келиб тушган нефтни дегазациялашда контакт дегазаторлари билан ишлаш анча мос тушади. Шунинг учун нефт хусусиятларини белгилашда қатлам шароитдан юза шароитига ўтгандаги нефтнинг ўзгаришини инобатга олиш керак.

Қатлам нефтларининг газ таркибидаги газ $300-500 \text{ m}^3/\text{m}^3$ гача етиши ва ундан ҳам ошиши мумкин, у одатда кўпгина нефтлар учун $30-100 \text{ m}^3/\text{m}^3$ бўлади. Шу билан бирга газ таркиби $8-10 \text{ m}^3/\text{m}^3$ ошмайдиган нефтлар ҳам мавжуд.

Нефтнинг газизланыш коэффициенти деб, босим бир бирликка тушганда бирлик ҳажмдаги нефтдан ажралиб чиқаётган газ микдорига айтилади. Температура ошса, газсизланиш ҳам ошади. Лекин, бу қонуният ҳар доим ҳам амал қилавермайди.

Газомили (Γ) деб, $1 \text{ m}^3(\text{т})$ газсизлантирилган нефтга тўғри келувчи m^3 да қазиб олинган газ микдорига айтилади. У маълум вақт оралиғида олинган нефт ва йўлдош газ маълумотлари бўйича аникланади. Газ омили бошланғич, жорий ва ўрта газ омилларига бўлинади. Бошлиғи газ омили кудукнинг ишлатишнинг биринчи ойида ишлаш маълумотлари бўйича аникланса, жорий газ омили эса исталган вақт оралиғида ва ўртача газ омили ишлаш бошлангандан исталган вақт оралиғидаги маълумотлар бўйича аникланылади.

Агар ишлаш вақтида қатламдан газ ажралмаса, газ омили қатлам нефтининг газ таркибидан кичик бўлади, кон шароитида нефтнинг тўлиқ дегазацияси содир бўлмайди.

Қатлам нефтининг тўйиниш босими (ёки буғланишнинг бошланниши) деб, ундан газ ажралиб чиқиши бошланган босимга айтилади. Тўйиниш босими ўюндаги нефт ва газ ҳажмларининг нисбати, уларнинг таркиби, қатлам температурасига боғлик. Анча оғир нефтлар анча юқори тўйиниш босимига эга. Бундай нефтларда газ енгил нефтларга нисбатан кам эрийди. Анча оғир нефтли газлар паст босимда анча енгил газларга нисбатан нефтда кам эрийди.

Агар углеводород газида азот бўлса, унинг тўйиниш босими бирдан ошиб кетади. Ишлашни бошлангич даврида нефт ўюми бошлангич тўйиниш босими билан тавсифланади; қатлам босими тушганда газ нефтдан ажралади ва янги жорий тўйиниш босими аниқланади.

Тўйиниш босими ва унинг қатлам босими билан муносабатини ўрганиш нефт ўюмини лойиҳалаштириш ва ишлашда катта аҳамият касб этади. Агар қатлам босими тўйиниш босими устидан аҳамиятли даражада ошса, бу ўюмини самарали ишлаши учун яхши шароит яратиб беради.

Қатлам нефтининг сиқилувчанилиги. Босим ошиши натижасида нефт сиқилади. Кўпгина қатлам нефтлари учун нефтининг сиқилувчанилик коэффициенти $\beta_n = (0,6 - 1,8) \cdot 10^{-4} \text{ МПа}^{-1}$ атрофида ўзгаради. Ўртacha қий-мати ($\beta_n = (1-5) \cdot 10^{-3} \text{ МПа}^{-1}$).

Нефт учун β_n коэффициентини лабораторияда аниқланган ҳажмий коэффициент катталиги бўйича қўйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$\beta_n = \frac{mb_1 - b_2}{b_1 \Delta p} \text{ МПа}^{-1}$$

ёки ҳажм қайишқоқлги бўйича

$$\beta_n = \left(\frac{1}{V} \right) \cdot \left(\frac{\Delta V}{\Delta P} \right)$$

бу ерда: ΔP - босимлар фарқи; $\Delta P = P_1 - P_2$ (P_1 - бошланғич, P_2 - охирги босим); V - нефтнинг бошланғич ҳажми; ΔV - нефтни ўзгарган ҳажми; b_1 ва b_2 - бошланғич ва охирги босим учун ҳажмий коэффициент.

Сиқилиш коэффициентининг аниқ қийматини қатлам нефти намунасини лабораториядаги таҳлили натижасидан олиш мумкин.

Қатлам нефтининг ҳажмий коэффициенти (b) деб, қатлам нефти ҳажмининг ($V_{\text{к.н}}$) стандарт шароитларда ундан ажralган нефт ҳажмига ($V_{\text{ст}}$) нисбатига айтилади:

$$b = \frac{V_{\text{к.н}}}{V_{\text{ст}}}$$

ёки

$$b_{\text{н}} = \frac{V_{\text{к.н}}}{V_{\text{г.с.}}} = \frac{\rho_{\text{ст}}}{\rho_{\text{к.н}}}$$

бу ерда: $V_{\text{к.н}}$ - қатлам шароитидаги нефт ҳажми; $V_{\text{г.с.}}$ - ўша қатлам нефтини атмосфера босими ва $t=20^{\circ}\text{C}$ да газсизлантирилгандан кейинги ҳажми; $\rho_{\text{к.н}}$ - қатлам шароитидаги нефтининг зичлиги; $\rho_{\text{ст}}$ - стандарт шароитдаги нефтининг зичлиги;

Қатлам нефтининг ҳажмий коэффициенти стандарт шароитда олинган сепарацияланган 1 m^3 нефт қатлам шароитида қанча ҳажмни әгаллашини күрсатади.

Қатлам нефтининг ҳажмий коэффициентига қарама-қарши бўлган катталик - қайта хисоблаш коэффициенти θ :

$$\theta = \frac{1}{b} = \frac{V_{\text{ст}}}{V_{\text{к.н}}}$$

Бу коэффициент қатлам нефтини сепарацияланган нефт ҳажмига (стандарт шароитларда) келтириш учун хизмат қиласади.

Нефтни юқорига олиб чиқишида ва унинг таркибидағи газнинг чиқиб кетиши ҳисобига унинг ҳажми камаяди ва уни нефтини киришиши дейилади. (8):

$$\varepsilon = \frac{V_k - V_{cm}}{V_k}$$

ёки

$$\varepsilon = \frac{b_n - 1}{b_n} \cdot 100$$

Юқорида күрсатилған коэффициентлар орасыда қуйидаги боғлиқлик мавжуд:

$$\theta = \frac{1}{b_n} = 1 - \varepsilon; \quad \varepsilon = 1 - \theta = \frac{b_n - 1}{b_n}$$


Нефтнинг киришиш коэффициенти нефт захираларини ҳисоблашда мухим ахамият касб этади ва у 40% гача етиши мумкин. Уни инобатта олмаслик эса захира микдорининг ҳисоб-китобларида катта хатоликлар келтириб чиқаради. Қатлам нефтнинг ҳажмий коэффициентини аниклашнинг энг яхши усули нефт намунасини лаборатория шароитида ўрганиб аниклашдир. Бу коэффициент график усулда ҳам тахминий аникланиши мумкин (II.3.1-расм).

3.2. Қатлам газлари

Қатлам газлари ёки табиий ён үзви газлар ер бағрида газ конлари ҳолида ёки йўлдош газ сифатида нефт уюмлари билан боғлиқ ҳолда учрайди.

Табиий газлар турли кўринишдаги углеводоред аралашмасидан иборат. Унинг асосий компоненти бўлиб, метан CH_4 ҳисобланади ва унинг микдори табиий газларда 98% гача этади. Метан билан бир қаторда табиий газ

таркибида оғир углеводорлар (этан, бутан, пропан ва бошқалар) ёнүвчи бўлмаган компонентлар азот - N, карбонат ангидрит - CO_2 , водород сульфид - H_2S , гелий - He, аргон - Ar ва бошқалар учрайди.



Дегазациядан сўнг нефтни камайиши, %

бўлса, бундай газларни мойли газлар деб аталади.

Газли аралашмаларнинг компонент массаси ёки моляр концентрацияси сифатида тавсифланади. Газ аралашмаси тавсифи учун ўртача молекуляр массаси, ўртача зичлиги kg/cm^3 да ёки ҳаво бўйича нисбий зичлигини билиш зарур.

Газ ҳолатининг асосий қонунлари

Газ ҳолати уч кўрсаткич билан тавсифланади: босим (P), температура (T) ва солиширма оғирлик ёки зичлик (ρ). Бу параметрларнинг ўзаро муносабати газ ҳолатини тавсифлайди ва улар нефт ва газ ишининг турли амалий масалаларини ечишда муҳим ахамият касб этади.

Термодинамик ҳисоблашлар учун стандарт шароит деб $T=0^\circ\text{C}$ ва $P=760$ мм симоб устуни қабул қилинган.

Бойл – Мариотт қонуни и. Доимий температурда газ ҳажми босимга тескари пропорционал равишда ўзгаради (изометрик босқич ва кенгайишида), яъни:

II.3.1-расм. Дегазациядан сўнг нефт киришиши.

Газ таркибидаги оғир углеводородлар (C_3 , C_4) 75 g/m^3 дан кам бўлса, газ қуруқ газ, агар оғир углеводородлар 150 g/m^3 дан кўп

$$\frac{V_1}{V_2} = \frac{p_2}{p_1}$$

бундан

$$p_1 V_1 = p_2 V_2 = const$$

бу ерда: p_1 – босимдаги ҳажм - V_1 ;
 p_2 – босимдаги ҳажм - V_2 .

Г е й – Л ю с с а к қ о н у н и . Газларнинг ҳажми доимий босимда температура ошиши билан ошиб боради. Агар, 0°C да газ V_0 ҳажмни эгалласа, у ҳолда $t^\circ\text{C}$ да худди ўша миқдордаги газ V_t ҳажмни эгаллайди:

$$V_t = V_0(1+\alpha t)$$

Бу ерда: α - температура 1°C га ошганда газнинг кенгайиш коэффициенти, тажрибавий йўл билан аниқланган, $\alpha=1/273,16=0,0036604$ га тенг.

Бир хил газ учун доимий босимда, лекин турли температурада биз қуйидагига бўламиз:

$$\frac{V_1}{V_2} = \frac{T_1}{T_2}$$

бу ерда: T - абсолют газ температураси.

Келтирилган формулада T_1 ва T_2 қуйидагига тенг:
 $T_{1,2}=273,16 + t_1(t_2)$. Солиштирма газ ҳажмларини зичликлар билан алмаштириб қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{\rho_2}{\rho_1} = \frac{T_1}{T_2}$$

А в а г а д р о қ о н у н и . Бир температура ва босимда исталган газнинг тенг ҳажмлари бир хил молекулалар сонига эга. Бундан кўриниб турибдик, бир хил температура ва босимда газ зичликлари (ρ) молекуляр оғирликлари (M)га пропорционалдирлар, яъни:

$$\frac{\rho_1}{\rho_2} = \frac{M_1}{M_2}$$

ёки молекуляр солиширма оғирлигини ҳажм билан алмаштирасак;

$$\frac{\rho_1}{\rho_2} = \frac{V_2}{V_1}$$

бундан юқоридаги тенгламаларни үнг томонини тенглаштирасак:

$$\frac{V_2}{V_1} = \frac{M_1}{M_2}$$

ёки

$$M_1 V_1 = M_2 V_2 = \text{const}$$

0°C ва 760 мм симоб устунида $MV=22,4$ л (ёки m^3) тенг, бундан газ зичлигини аниқлаш мүмкін:

$$\rho = \frac{M}{22,4} \text{ кг/m}^3$$

Менделеев – Клапейрон нинг 1 кг идеал газ учун газ қонуни қўйидаги кўринишга эга:

$$pV = RT$$

бу ерда: R - газ доимийси.

G килограм газ учун тенглама қўйидаги кўринишга келади:

$$pV = GRT,$$

бу ерда: газ домийси R газни солиширма ҳажмига боялик.

Метан гази CH_4 учун $15,5^{\circ}\text{C}$ ва 760 мм симоб устуни босимида солиштирма ҳажм (V) $1,4 \text{ m}^3/\text{кг}$ га тенг, бунда

$$R = \frac{pV}{GT} = \frac{10333 \cdot 1,4}{273,16} = 52,95 \text{ кгм/кг}^{\circ}\text{C}$$

бу ерда: 10333 симоб устунини сув устуни билан алмашгани.

Бир моль газ учун газ доимийси:

$$R = \frac{10333 \cdot 22,4}{273,16} = 848 \text{ кгм/кг}^{\circ}\text{C}$$

бу ерда: 0°C ва 760 мм симоб устунида $22,4$ моль газ ҳажми.

Бу билан бөглиқ ҳолда бир хил босим ва температурада барча газлар учун моль ҳажми ўзаро тенг, бир молга тенг газ доимийси барча газлар учун бир хил ва у 848 га тенг.

$$R=848/16,04=52,95$$

Д а л ь т о н қ о н у н и. Газ аралашмасининг умумий босими (P) аралашмасини ташкил қилувчи газларни парциал босимларининг йигиндисига тенг, яъни

$$p=p_1 + p_2 + \dots + p_n$$

бу ерда: p_1, p_2, \dots, p_n - аралашма компонентларининг парциал босимлари.

А м а г а қ о н у н и. Газ аралашмасининг умумий ҳажмини (V) ташкил қилувчи компонентларининг парциал ҳажмлари йигиндисига тенг, яъни

$$V=V_1 + V_2 + \dots + V_n$$

бу ерда: V_1 , V_2 , V_n - умумий босимга келтирилган алохидагазларнинг парциал ҳажмлари.

Келтирилган муносабатлардан компонент парциал босими (p_n) ва парциал ҳажм (V_n) ни аниқлаш мумкин:

$$p_n = p_y \text{ ва } V_n = V_y$$

бу ерда: y - аралашмадаги компонентнинг моль концентрацияси.

Генри қонуни бўйича паст босимда суюқликда газнинг эриши босимга пропорционал:

$$N = C \cdot p,$$

бу ерда: N - эритмадаги газ концентрацияси;

C - газнинг эриш коэффициенти;

P - эритма устидаги газ босими.

Агар $p = 1 \text{ кг}/\text{см}^2$ деб қабул қилсак, у ҳолда эриш коэффициенти берилган суюқликда $1 \text{ кг}/\text{см}^2$ босимда 1 м^3 да эрувчи газ микдорига тенг бўлади.

Юқори босимда газнинг суюқликда эриши кузатилса, паст босимда эса тескариси, бу газоконденсат ўюмини ишлашда қўлланилади.

Раул қонуни суюқликдаги компонентда моль концентрацияси суюқлик устидаги бутдаги худди шу компонентнинг парциал босими билан ўзаро муносабатини кўйидагича ифодалайди:

$$p_k = p \cdot x$$

бу ерда: p_k - компонент буғларининг парциал босими;

p - берилган температурада компонент буғларининг таранглиги;

x - суюқликдаги компонентнинг моль концентрацияси.

Мўтадиллашган фазадаги мунасобатдан битта компонент учун суюқ ва буг фазада парциал босим худди шу компонент учун у ўзаро тенг, яъни:

$$\begin{aligned} p_k y &= px \\ \text{бу ерда} \quad p/p_k &= y/x = K. \end{aligned}$$

Бу ерда: K - берилган компонент учун мутаносиблик константаси.

Бу константа температура ва босимга боғлиқ, у одатда турли газлар учун мос келувчى чизиклар бўйича аниқланади.

Реал углеводород газлар бир қанча оддий газлар (метан CH_4 , этан C_2H_6 , бутан C_4H_8 , азот N , карбонат ангидрит CO_2 , азот оксида NO_2 , водород сульфид H_2S ва ҳ.к.) йигиндисидан иборат ва уларнинг хусусияти юкорида келтирилганлардан анча фарқ қиласи.

Табиий газларниң гасоси ҳусусиятлари. Табиий газнинг молекуляр массаси (M) қуйидаги аниқланади:

$$M = \sum_{i=1}^n M_i x_i$$

бу ерда: M_i - i компонентнинг молекуляр массаси;
 x_i - i компонентнинг ҳажмий таркиби, ўндан бир бирликда.

Реал газлар учун одатда $M = 16 \div 20$

Реал газ зичлиги (ρ_r) қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$\rho_r = M/V_m = M/24,05$$

бу ерда: V_m - стандарт шароитдаги 1 моль газ ҳажми.

Одатда $\rho_r = 0,73 - 1,0 \text{ кг}/\text{м}^3$ оралиқда бўлади.

Газ зичлиги босим ва температурага узвий боғлиқ. Кўпинча ҳаво бўйича нисбий зичлик ($\rho_{r, \text{хаво}}$) ишлатилади ва у бир хил босим ва температурада олинган газ зичлигини (ρ_r) ҳаво зичлиги ($S_{\text{хаво}}$) нисбатига тенг:

$$\rho_{r, \text{хаво}} = \rho_r / \rho_{\text{хаво}}$$

Агар, ρ_r ва $\rho_{x\text{аво}}$ стандарт шароитда аниқланса, у ҳолда $\rho_{x\text{аво}} = 1,293 \text{ кг}/\text{м}^3$ ва $\rho_{r,x\text{аво}} = \rho_r/1,293$ та тенг.

Нефт газининг қовушқоқлиги жуда аҳамиятсиз даражада кичик, 0°C да у $0,000131$ пуазга, ҳаво қовушқоқлиги 0°C да $0,000172$ пуазга тенг.

Газнинг ҳолат тенгламалари табиий газларнинг жуда кўплаб физикавий хусусиятларини аниқлаш учун ишлатилади. Ҳолат тенгламалари, газ ҳолатини тавсифловчи газ параметрларини ўзаро амалий боғлиқлигига айтилади. Бундай параметрларга босим, ҳажм ва температура киради.

Юқори босим ва температурада идеал газ ҳолати Менделеев-Клапейрон тенгламаси орқали аниқланади:

$$\bullet \quad PV_n = GRT$$

Бу ерда: P - босим;

V_n - идеал газ ҳажми;

G - газнинг киломоль микдори;

T - температура;

R - универсал газ доимийси.

Идеал газ деб молекулалар орасидаги ўзаро таъсир кучлари аҳамиятсиз бўлган газга айтилади. Реал углеводород газлари идеал газ қонунларига бўйсунмайди. Шунинг учун Менделеев-Клапейрон тенгламаси реал газлар учун куйидагича бўлади:

$$PV = ZGRT,$$

бу ерда: Z - босим, температура ва газ таркибига боғлиқ бўлган реал газларнинг сиқилувчанлик коэффициенти ва у реал газларнинг идеал газ қонунларидан оғиш даражасини тавсифлайди.

Агар реал газ ҳажмини стандарт шароитда V_0 билан ифодалайдиган бўлсак, у ҳолда маълум босим (p) ва температура (t) да бу газ ҳажми - V_p (катлам газининг ҳажмий коэффициенти) қуйидагига тенг бўлади:

$$V_p = V_0 \frac{1,033}{p} \times \frac{T+t}{T+t_m} Z$$

бу ерда: t_{cr} - стандарт шароитдаги температура;
 Z - сиқилувчанлық коэффициенти:

$$Z = (PV/RT)$$

Реал газларнинг сиқилувчаник коэффициенти (Z) - бир хил термобарик шароитда (яни бир хил босим ва температурада) тенг микдордаги реал газ ҳажмини (V) идеал газ ҳажмига (V_u) нисбатидир:

$$Z = V/V_u$$

Сиқилувчанлық коэффициентини қатлам газ намуналарини лабораторияда текшириш асосида аниклаш мүмкін. Бундай текширишнинг имкони бўлмагандан сирттаранглик коэффициентини баҳоловчи ҳисоблаш усулига мурожаат қилинади.

Агар газ таркиби маълум бўлмаса, у ҳолда унинг псевдокритик босим ва температураси график бўйича аникланади. Агар, газ таркибида олtingугурт водороди (H_2S), азот (N_2) ва карбонат ангидрит (CO_2) бўлса, бу графикдан олинган натижаларга тузатишлар киритилади. Агар, газда ноуглеводород компонентлар 15% дан ортиқ бўлса, ушбу графикдан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Сиқилувчанлық коэффициенти (Z) газ заҳирасини ҳисоблашда, қатлам шароитидан юза шароитига ўтганда газ ҳажмининг ўзгаришини тўғри аниклашда, газ ўюмida босимни ўзгаришини башоратлашда ва бошқа масалаларни ечишда қўлланилади.

Қатлам газининг ҳажмий коэффициенти (b_p) қатлам шароитида газ ҳажмини V_{cr} шу ҳажмдаги газни стандарт шароитидаги V_{cr} эгаллаган ҳажмига айтилади ва уни Менделеев-Клапейрон тенгламаси ёрдамида аникласа бўлади.

Катлам газининг ҳажмий коэффициенти доимо бирдан кичик ва у 0,0075 - 0,01 оралигида ўзгаради.

Углеводород газларнинг нефтда эриш и. Генри қонунига мувофиқ суюқликда эриган газ микдори доимий температурада босимга тўғри пропорционал. Бироқ реал газлар ва шу ўринда нефт газлари бу қонундан ва улар суюқликда яхши эришидан анча оғади. Мойли газлар нефтда қуруқ газларга нисбатан яхши эрийди.

Қуруқ нефт газлари учун босим ва эриган газ микдори орасидаги боғлиқлик (амалиётда учрайдиган босим чегарасида) тўғри чизикдир. Худди шу чегарадаги эриш коэффициенти доимийдир. Мойли газлар учун боғлиқлик эгри чизикли ва эриш коэффициенти улар учун босим ўзгаришига боғлиқ равишда ўзгаради.

Енгил нефтларда углеводород газлари оғир нефтларга нисбатан анча яхши эрийди. Нефтда газнинг эриш коэффициенти 0,25-2,0 чегарасида ўзгаради. У газ таркиби, нефт таркиби ва температурага боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Температура ошиши билан суюқликда газнинг эриш қобилияти буглар кўпайиши ҳисобига пасаяди.

Суюқликда эрувчи газ микдори газнинг нефт билан бўлган юзасининг ўлчамига ҳам боғлиқ. Агар суюқлик юзасининг контакти кам бўлса, суюқлик ва газ - тинч ҳолатда бўлса, газ суюқликда эриши учун маълум вақт талаб этилади.

Нефтда эриган газни ажратиш тескари тартибда содир бўлади, яъни босим тушиши билан аввал қийин эрувчи қуруқ газлар, сўнг осон эрувчи оғир газлар ажралади.

Нефтда эриган углеводород газ чизиги босимга боғлиқлик графики турли зичликли нефтлар учун II.3.2 – расмida келтирилган.

Нефтда газнинг эриши ёки унинг эритмадан чикиши бирдан содир бўлмайди. Нефт аралashiши содир бўлмаганда, нефт билан kontaktдаги газ у билан тенг муносабатга келиши учун йиллар керак.



II.3.2-расм. Тури босимларда газнинг нефтда әрувчанлық чизиклари.

Алохидада уюм бүйича нефтда әриган газ микдорини аниқловчи энг түгри усул бу қудукдан нефт намуналарини олиб лаборатория шароитида үрганишдир. Бу олинган намуналарни текшириштеде нефтни дегазациялаш жаргёни тури шароитларда давом этишини инобаттаға олиш керак. Агар әритмадан ажралиб чиқаётгандан бутун газ дегазация

тугаллангунга қадар суюқлик билан контактда қолса, бу жараён контактли дегазация деб аталади. Агар дегазациялаш жараёнида эритмадан ажралаётган газ босими тушиши билан системадан аста-секин чиқиб кетса ва бунинг натижасида суюқлик билан фақатгина эритмадан ажралған оғир фракциялар контактты бұлса, бу жараён дифференциал дегазациялаш дейилади.

Контактли дегазация да эритмадан дифференциал дегазацияга нисбатан күп газ ажралып чиқади. Бунга күйидагича изоҳ берилади, яъни контактли дегазацияда система эритмадан ажралған барча газлар шу ўринда енгил компонентларнинг буғлари сақланиши натижасида оғир углеводородларнинг парциал босими катта бўлмайди, бу юкори қайнаш даражасига эга бўлган углеводородларнинг буғ ҳолатига ўтишини тезлаштиради.


Дифференциал дегазация лашда эритмадан ажралаётган барча фракцияларнинг системали узлуксиз олиниши натижасида суюқлик билан фақатгина эритмадан ажралаётган парциал босими аста-секин ошуви барча оғир фракциялар билан контактда бўлади, бунинг натижасида эритмалардан ажралаётган газ микдори контактли дегазациялашга нисбатан анча кам.

Шундай қилиб, эритмадан ажралаётган газ микдори контактли ва дифференциал дегазациялашдаги фарқи газ-нефт аралашмаси таркибига кўпгина турли углеводород арадашмалари кириши билан тушунтирилади.

Газсимон углеводород ва оғир углеводород буғлари арадашмасининг эриши ва дегазацияси анча қийин кечади.

У II.3.3-расмда кўрсатилаганидек, контактли жараёnda эгри чизик аввал узлуксиз эгилиб боради, сўнг у тўғриланади, катта босимда у юқорига очилишни бошлияди; берилган эгри чизик эриш ва дегазация жараёни учун характерлидир. Эгри чизиқнинг анча мураккаб кўриниши дифференциал жараёnda кўрсатилади. Масалан, нефт кони босим остида ёпик саклагичда дегазацияланган (вакуумда) нефтда газни эриши қаварик эгри чизиги сифатида (босим ўқига нисбатан) кузатилади, бу нефтнинг дегазацияланниши натижасида худди шу босимда газ эриш жараёнидагига нисбатан анча кўп микдорда ҳосил бўлади ва дегазация эгрилиги босим ўқига ботик бўлади. Буларнинг барча

оғир углеводородлар (пропан, бутан, пентан) босим ошганда нефтда яхши эрийди ва босим тушганда бүг ҳолатига жуда кийин ўтади.



II.3.3-расм.

Нефтда газ әришининг назарий чизиклари: 1- контактли эриш; 2- дифферен-циал эриш; 3- диффе-ренциал дегазация.

Дегазацияда ажра-лаётган газ таркиби әритиш учун олинган газ таркибидан фарқ қиласы, бунда аввал енгил газлар (анча тоза метан), сүнг

босим тушишига қараб углеводороднинг оғир фракциялари ажратиласы.

Юкорида барча айтиб ўтилғанларни әркин ва нефтда әриган газ таркибини ўрганишда инобаттаға олиш керак. Газ дүпписидаги газда оғир фракциялар пайдо бўлади. Бунинг натижасида қатлам босими тушганда нефтдан әриган газ ажралади. Кувурлар аро оралиқдан ва унинг чиқишидан олинган (юкори босимда) намуналарнинг таркиби бир-биридан фарқ қиласы. Паст ва юкори босимда сепарацияланган газ таркиблари ҳам ҳар хил бўлади.

Бу билан боғлиқ ҳолда нефтда әриган газ таркиби ва микдорини лаборатория усуллари орқали аниқ тадқиқ этиш мақсадида қатлам босимини сақлаган ҳолда нефт намуналарини олиш лозим бўлади.

Табиий газлар даги намликтабиий газ ва газоконденсат аралашмалари турли форма ва турдаги қатлам сувлари билан контактда бўлиши ва бунинг натижасида бу газ ва аралашмалар таркибидаги қатламда маълум микдорда сув буғлари борлиги билан

боғлиқ. Газдаги сув буғларининг концентрацияси босим, температура ва унинг таркибига боғлиқ.

Берилган шароитда газда мавжуд бўлган сув буғларининг микдорини худди шу шароитда максимал бўлиши мумкин бўлган сув буғларига нисбати газниг нисбий намлиги дейилади. Бу газнинг сув буғлари билан тўйиниш даражасини кўрсатади. Нисбий намлик бирлик бўлакларида ёки фоизларда ифодаланади.

Газнинг бирлик ҳажмидаги сув буғлари абсолют намлиқ дейилади. Абсолют намлик g/m^3 ёки g/kg ларда ўлчанади.

Газ ва газоконденсат аарлашмаларида мавжуд бўлган сув буғлари углеводород тизимининг фазавий ўзгаришига тъисир кўрсатади. Маълум термодинамик шароитларда сув газдан ажралиши мумкин, яъни томчи-суюқ ҳолатига ўтиши мумкин. Газоконденсат тизимларида бир вақтнинг ўзида сув ва конденсат ажралиши мумкин. Шундай сувнинг мавжудлиги углеводород конденсация-ланишининг бошланиши босимини оширади, буни эса газоконденсат конларини ишлашда инобатга олиш лозим.

Газ гидратлари - бу йирик газогидрат ўюмларини ҳосил қилувчи тўпламлар бўлиб, водород боғлиқликлар ёрдамида сув молекулаларидан тузилган кристаллик панжаранинг тузилмавий бўшлиқларини тўлдирувчи, маълум босим ва температурадаги қаттиқ бирикма (клатрат)лардир. Гидрат ҳосил бўлишида сув молекулалари газ молекулалари билан бирикади. Гидрат ҳолатидаги сувнинг солиширма ҳажми $1,26-1,32 \text{ cm}^3/\text{g}$ (музнинг солиширма ҳажми $1,09$). Газ гидратининг элементар ҳужайраси маълум сув ва газ молекулаларидан иборат. Сув ва газнинг моляр муносабати газ ўлчамларига боғлиқдир (гидрат ҳосил қилувчи).

Гидратларнинг ҳосил бўлиш жараёни газ таркиби, сув ҳолати, босим ва температура билан аниқланади.

Алоҳида газ гидратларининг зичлиги кенг чегараларда ўзгаради - $0,8-1,8 \text{ cm}^3/\text{g}$, табиий газ учун гидратлар зичлиги $0,9-1,1 \text{ cm}^3/\text{g}$ дир.

3.3. Табиий газ конденсати

Табиий газ конденсати деб босим тушиши натижасида газдан ажралувчи суюқ углеводород фазадаги (ёки ерости газларининг сепарацияланган (ажралиб чикқан) маҳсулотга айтилади. Қатлам шароитида конденсат бутунлай газда эриган ҳолда бўлади. Барқарор ва бекарор конденсат турлари ажратилади. Стандарт шароитларда у суюқ углеводородлардан таркиб топган бўлади, яъни пентан (C_5 +юқори) ва ундан юқори қатор, уларда баъзи газсимон углеводород - бутан, пропан ва этан, ҳамда водород сульфид (H_2S) ва бошқа газлар эриган ҳолда бўлади.

Газконденсат уюми газларининг муҳим хусусияти, бу сепарацияланган $1m^3$ газга тўғри келувчи cm^3 да ифодаланувчи суюқ конденсат микдорини кўрсатувчи газ конденсат омили катталигидир.

Газ конденсат омили - бу $1 m^3$ конденсат олиш учун тўғри келадиган газ микдорини (m^3) англатади. Газконденсат омили катталиги турли конлар учун $1500 - 2500 m^3/m^3$ ораликла ўзгаради.

Барқарор конденсат фақатгина суюқ углеводород - пентан ва ундан юқори ($C_5 +$ юқори) бўлган компонентлардан иборат. Уни бекарор конденсат охиргисидан дегазация йўли билан олинади. Конденсатнинг асосий компонентлари $40-200^{\circ}C$ температурада қайнайди. Молекуляр массаси 90-160. Барқарор конденсатнинг зичлиги стандарт шароитда $0,6$ дан $0,82 g/cm^3$ орасида ўзгаради ва у углеводород компонентнинг таркибига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Газконденсат конларининг газлари конденсат микдорига қараб конденсат микдори паст ($150 cm^3/m^3$ гача) бўлган, ўрта ($150 - 300 cm^3/m^3$), юқори ($300 - 600 cm^3/m^3$) ва жуда юқори ($600 cm^3/m^3$ дан юқори) бўлган газларга ажратилади.

Газконденсат конларининг конденсация бошланиши босими тавсифи катта аҳамият касб этади. Агар, газконденсат уюмини ишлаш вақтида ундаги босим ушлаб турилмаса, вақт ўтиши билан у тушади ва у конденсация

бошланиш босимидан кичик бўлган катталиkkача етиши мумкин. Худди шу вактда қатламда конденсат ажралиши бошланади, бу нафақат Ер қаъридаги йўқотилишга, балки у ишлаш лойихаларининг кўрсаткичлари ва заҳирани тўғри ҳисоблашга таъсири кўрсатади. Чунки, бундай ҳолатда қатламнинг бўшлиқ мухити ҳажми, газ таркиби ва хусусиятлари ўзгарида. Шунинг учун, газконденсат уюмларини текширишни ишлашнинг энг дастлабки босқичининг бошланишида ўтказиш лозим. Бунда қўйидагиларни аниқлаш керак:

- қатлам гази таркиби ва ундаги конденсат микдори, $\text{см}^3/\text{см}^3$;
- қатламда углеводородларнинг конденсация бошланиш босими ва максимал конденсация босими, МПа;
- қатлам шароитида конденсат системасининг фазавий ҳолати;
- турли босим ва температурада 1m^3 газдан ажралиб чиқувчи конденсат микдори ва таркиби, $\text{см}^3/\text{м}^3$;
- босим тушищ даражасига боғлиқ бўлган ҳолда қатлам босимини ушлаб турмасдан уюмни ишлашда йўқотилиши мумкин бўлган конденсат;
- қудук қувурларида, газ сепаратори ва газ қувурларида газконденсат аралашмаларининг фазавий ўзгариши ва таркиби.

Нефтли уюмлардан фарқли равища газ ва газконденсат уюмларининг флюид хусусиятларини қатлам шароитида ўрганиш газ хусусиятларини стандарт шароитдаги маълумотлари ва газ намуналарини олмасдан ва таҳлил қилмасдан бажарилган ҳисоблашлар асосида холоса чиқарилади.

Қатлам шароитида конденсат газ ҳолида бўлади ва у қатлам газларига мансуб бўлган барча физик хусусиятларга эгадирлар. Стандарт шароитда конденсат суюқ углеводород бўлиб, у енгил нефт хусусиятига яқин хусусиятга эга.

Шунинг учун конденсатни ўрганиш усуслари ҳам газ, ҳам нефт дастурлари бўйича амалга оширилади.

3.4. Нефт ва газ конларининг қатлам сувлари


Газнефтли қатламнинг нефтли қисмидаги боғлиқ сувни биринчи марта Н.Т.Линдтроп ва В.М.Николаевлар (1929) Кубан штольняси (Баку ҳудуди) ва Аргун дараси (Грозний ҳудуди)дан олинган төг жинси намуналарини лабораторияда текшириш орқали аниқлашган.

Текширилган күмтош намуналарида төг жинси ғоваклиги 28,4 - 37,7% бўлганда 10,6 - 18,2% микдордаги боғлиқ сув мавжудлиги аниқланган.

Кейинчалик Лос-Анжелос (Калифорния) ҳавзасида ғоваклиги 29,7% га тенг бўлган нефтли күмтошларда 37,9% боғлиқ сувнинг ўртача таркиби аниқланган (Жинтер тадқиқотлари бўйича). АҚШнинг қатор конларида нефтли қатламлардаги боғлиқ сув микдори 40%-га етади ва ҳатто ундан ҳам ортади. Бироқ кудукларни ишлатиш жараёнида кудуклар сувсиз нефт беради. Бундай ҳолатда сувлар капилляр кучлар таъсири натижасида қатлам ғовакларида мустаҳкам ушланиб туради. Замонавий текширишлар кўрсатдики, газнефтли қатламдаги боғлиқ сувлар таркиби 6-70% атрофида ўзгарар экан. Жуда кам микдордаги (0,3-0,8%) боғлиқ сув Оклахома-Ситидаги (АҚШ) Вилькок конидаги кумларда кузатилган, бу эса коллектор қаттиқ фазасининг гидрофоблиги билан тушунтирилади. Қатламдаги боғлиқ сув, одатда, ғовак муҳитнинг ўтказувчанлиги қанчалик кам ва ғовак канэллар ўлчами қанчалик кичик бўлса, яна қатламдаги нефтда юкори фаол моддалар микдори қанчалик кўп бўлса, шунчалик каттадир.

В.Ф.Энгельгард, ҳаттоқи қатлам катта диаметрли шарлардан тузилган бўлганда ҳам боғлиқ (қолдик) сув •халқасимон томчи сифатида бўлиши мумкин, - деб айтган. Бу томчилар В е р с л ю й с «п е н д у л я р ҳ а л қ а - л а р и » деган ном олган (II.3.4-расм). Бундан ташқари, Ф.Энгельгард төг жинси ва сув орасида молекуляр кучлар туфайли ушланиб турувчи минерал заррачаларининг юзасидаги сув пардасини ташкил қилувчи қум ва күмтошлардаги сув пардаси микдорини ажратган.

II.3.4-расм. Икки шар орасидаги сувнинг пендуляр ҳалқаси.



Бу ҳолда сув табиати турлича бўлади. Ойнали шарлар устида ўтказилган тажрибалар орқали пендуляр сув микдорига фазалар аро тортишишни ўзгариши ва сув зичликларининг ҳар хиллиги ва хўлланмайдиган фазага таъсирини кўрсатди, пардали сувга бундай омиллар таъсир кўрсатмайди деб тахмин қилинади. Ҳозиргача ғовакли системада пендуляр сувлар ҳолатининг тавсифи мавжуд. Қатламда боғлиқ сув ҳолати ва ҳажмини бошқарувчи қонунлар барча коллекторларда шу сув бўлишига қарамасдан кам ўрганилган. Бу муаммони муфассал ўрганиш нефт заҳирасини ҳисоблашда, конни ишлашни лойиҳалаштириш ва қатламга таъсир этиш усулларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Боғлиқ сув, одатда, денгиз сувига караганда туз микдорининг катталиги ва табиатининг турлилиги ва унда эриган ионларнинг микдори билан фарқланади.

Нефт билан тўлган ғоваклар ҳажмини аниқлаш учун ундаги боғлиқ сув микдорини, яъни сувга тўйинганлик коэффициентини билиш керак.

Гилли эритма билан кудукни бурғилаб, ювиш жараёнида колонкали бурғи билан олинган керн орқали боғлиқ сув микдорини аниқлаш мумкин эмас. Чунки, колонкали бурғи ёрдамида керн олиш жараёнида ва уни кўтариш жараёнида кудукдаги гилли эритма тоғ жинси намунасига кириб унинг таркибидаги сув микдорининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Боғлиқ сув микдорини яхшироқ аниқлаш учун маҳсус кудуклар қазилиши керак. Бунда маҳсулдор қатламни очишида ва лаборатория текширувлари учун керн намуналарини олишда кудук нефт асосида тайёрланган бурғилаш эритмаси билан тўлдирилади ва бу ҳолатда кернга киравчи нефт ундаги боғлиқ сувга таъсир қилимайди.

Сув - нефт ва табиий газнинг доимий йўлдошидир. Конда у нефт ва газ қатламида ёки сувли қатламнинг ўзида ётиши мумкин.

Нефтли ёки газли уюмларни ишлаш жараёнида сув нефтгазли қатлам бўйича ҳаракатланиши ёки уюмга бошқа сувли горизонтлардан келиб тушиши мумкин. Бундан ташқари, қабул қилинган ишлаш технологиясига асосан, сув уюмга ҳайдалиши мумкин. Қатлам ва қудукда қандай сув пайдо бўлганлигини билиш учун геолог нефт ва газ конлари қатлам сувининг шакли, унинг кўриниши ва хусусиятини билиши керак.

Тоғ жинсидаги сувнинг шакли

Тоғ жинсларида сув субкапилляр, капилляр ва юқори капилляр бўшлиқларда бўлади. Бўшлиқ ўлчамига боғлик ҳолда, у турли шаклда учрайди. Сув субкапилляр бўшлиқни тўлдирган ҳолда минерал зарраларни қоплайди ва минерал таркибига киради. Минерал скелети юзасида иккита қатламни ҳосил қиливчи боғлик сув мавжуд. Минерал юзаси бевосита адсорбцияланган сув билан бир неча молекулали қатлам ҳосил қилиб қоплайди. Бу сув жуда катта босимда (1000 MPa гача) ушланиб туради ва хусусиятлари бўйича қаттиқ танага яқин. Унинг қалинлиги бир неча ўн ёки юзлаб сув молекуласининг диаметрига етади. Бу қобиқнинг ташки қисми бўш боғланган лиосорбцияланган сув билан қопланган. Минерал доналарнинг бир-бирига яқинлашиш жойидаги бўшлиқда туташ (пендуляр) сув мавжуд бўлса, ўз навбатида, у асосий массадан сорбцион - берк (суюқ - томчи) сувни ажратади.

Капилляр бўшлиқда эркин капилляр сув мавжуд. Говакларни ёппасига сув билан тўлдирса, у гидростатик, қисман тўлдирса, мениск кучларига бўйсунади.

Юқори капилляр ғовакларда томчи-суюқ ҳолатида эркин гравитацион сув бўлиши мумкин. Бу сув гравитацион куч таъсирида эркин ҳаракатланиши ва гидростатик босим бериши мумкин. Худди шу сув, нефт

ва газ уюмларини шаклланишида алмашинади. Субкапилляр, капилляр сувлар нефт ва газ уюмлари ҳосил бўлгандан сўнг ғовакларда қолган юқори капилляр сувлар нефтгазга тўйинган тоғ жинсида қолдик сувни ташкил қиласди.

Тоғ жинслари чўкиндига тўпланиш жараёнида еости сувлари седиментацион сувлар, ҳамда тоғ жинсларининг пайдо бўлган ёки шакланаётган вақтида ҳосил бўлган сувлар элизион ва инфильтрация сувларга ажратилади.

Инфильтрацион сувлар – ўз оғирлик кучлари хисобига атмосфера чўкиндилари, дарё, кўл ва денгиз сувларининг ер сатҳидагидан очик турган ғовак жинсларига сизиб кириши натижасида ҳосил бўлади.

Очиқ турдаги сув босимли тизимларга атмосфера чўкиндилари, дарё, кўл, ва денгиз сувлари тўпланишидан ҳосил бўлади. Коллектор тоғ жинсларига кириб, улар тўйиниш зонасидан тўйинтириш зонасига ўтадилар, бунда улар седиментацион сувларни сиқиб чиқарадилар.

Элизион сувлар сувли ва газнефтли катламларга тоғ жинсларининг зичлашиши хисобига ғовак сувлар, киради. Элизион жараёнлар ёлиқ ёки ярим ёлиқ турдаги сув босимли тизимларда ҳосил бўлувчи катламларда кечади. Тоғ жинсларининг зичлашиши ва улардан сувнинг сиқилиб чиқиши тектоник кучлар таъсирида геодинамик босим натижасида ҳосил бўлади. Элизион сувларининг нефтгазли катламга кириши уюмни ишлаш жараёнида ҳам содир бўлиши мумкин, бунда уюмлардаги геостатик босим катлам босимидан юқори бўлганда ва босимлар фарқи ҳосил қилинганда содир бўлади.

Инфильтрацион ва элизион жараёнларида сувларнинг аралашуви ва алмашинишида тоғ жинсларининг эриши натижасида майдон ва кесим бўйича қатламлардаги сув таркиби ўзгариши мумкин.

Седиментацион, инфильтрацион ва элизион сувлар қатори газли, газконденсат ва нефтли конлар кесимида конденсат ва конденсацион сувларни бир-биридан фарклаш керак ажратилади.

Конденсацион сувлар қатlamда сув буғларидан ҳосил бўлиши мумкин.

Конденсат сувлари эксплуатацион газ кудукларида газлардаги сув буғларининг конденсацияси натижасида ажралади ва улар қатlam шароитини тавсифлаайди. Конденсацион сувлар қатlam шароитлари билан боғлик ва улар қатlamда ажраладилар.

Нефт ва газ конлари қатlam сувларининг турлари

Нефтгазга тўйинган қатlamлар маълум микдорда қолдик сувларга эга. Бу сув бўшлиқ ўлчами ва коллекторнинг ўтказувчаниги қанчалик кичик бўлса, шунчалик каттадир.

Қолдик сув уюmlарда ғовак, бўш-ковак, дарзлик ва алоҳида бўшлиқ деворларида молекуляр - боғланган парда ва бўшлиқнинг оқимсиз қисмида капилляр - боғланган кўринишда бўлади.

Алоҳида ва оқимсиз бўшлиқдаги сув қудукни геофизик тадқиқоти усуслари ёрдамида аниқланган кўрсаткичларга таъсир этади. Очиқ бўшлиқ мухитдаги сув алоҳида аҳамият касб этади.

Сунъий берилган ёки техник сувлар деб қатlam босимини ушлаб туриш учун қатlamга ҳайдалган, ҳамда қудукни бурғилаш вақтида (ювиш суюклигининг фильтрати) ёки таъмир ишларида қатlamга тушган сувларга айтилади.

Тектоник сувлар - геотузилмаларда, тектоник ёриқлар билан бузилиш натижасида нефтгазли зонада циркуляция қилувчи сувларга айтилади. Бу сувлар нефтгазни юқори қатlamга ўтишига ва уюмни ишлани вақтида қудукни сув босишига олиб келиши мумкин.

Қатlam сувлари - бу углеводорсд конларининг асосий сувларидан (қолдик сув билан бир қаторда) биридир, у қўйидагиларга бўлинади:

1. Нефтгазли қатlamда ётuvchi қатlam сувлари: а) чегара сувлари; б) таг сувлари; в) оралик сувлари.

2. Коннинг сувли қатламида бўлган, аммо қатламга бегона сувлар: а) нефт ёки газ қатламига нисбатан юқорисидаги сувлар; б) нефт ёки газ қатламига нисбатан пастда жойлашган сувларга бўлинади.


Чегара сувлари сув нефт чегараси (СНЧ) ёки газ сув чегараси (ГСЧ) остида ётuvчи сувлардир. СНЧ (ГСЧ) остида ётuvчи чегара сувларининг қисми тағ сувлар деб аталади.

Оралик сувларга нефтгазли қатлам ичida ётuvchi сувли қатламчалар ёки битта ишлаш обьектига бириктирилган нефтгазли қатлам-лар орасида ётuvchi сувли қатламларнинг сувлари киради.

Юқориги сувлар маълум нефтгазли қатламга нисбатан юқорида ётuvchi сувли горизонтлар, пастки сувлар остида ётuvchi сувли горизонтлардир.

Грунт сувлари га эркин юзага эга бўлган ер юзасидан доимий горизонтга эга бўлган биринчи гравитацион сувлар киради.

Кон кесимидағи қатлам, тектоник ва грунт сувларининг ҳолати П.3.5-расмда кўрсатилган.



П.3.5-расм. Нефтгаз конларида ерости сувларининг ётиш ҳолати схемаси:

а-ўтказмас тоғ жинс-лари, б-нефт, в-газ, сув: г-минераллашган, д-конденсацион, е-аралаш конденсацион ва минераллашган; сув турлари: 1-грунт, 2-юқори қатлам, 3-чегара, 4-оралик, 5-ост, 6-куйи қатлам, 7-тектоник.

Нефт ва газ конлари сувининг асосий массасини минераллашган сувлар ташкил этади. Қатлам сувларининг кимёвий таркиби ва физикавий хусусиятлари нефт ва газ уюmlарини ишлашда ва қазиб чиқаришда катта аҳамият касб этади, яъни уларга қатламда кечадиган кўпгина жараёнлар боғлиқдир. Шунинг учун уюмни ишлашни бошқариш ва назорат қилишда ва қудукларни ишлатишда ер ости сувларини ўрганиш мухим ўринни эгаллайди. Бу эса ўз навбатида ер ости сувларининг физикавий хусусияти ва таркибини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилишини талаб этади.

Сувнинг минерализацияси деб сувда эриган туз, ион ва коллоидларнинг умумий йиғиндишига айтилади. У одатда г/100г ёки г/л кўринишида бўлади. Нефт ва газ конлари сувининг минерализацияси жуда катта чегараларда ўзгаради - 1 г/л дан кам (чучук сувлар) 400 г/л гача ва ундан ортиқ (ўтқир намокоб).

Нефт ва газ конларида қатлам сувларида олти асосий ионлардан (Cl^- , SO_4^{2-} , HCO_3^- , Na^+ , Ca^{2+} , Mg^{2+}) ташқари сувларда карбонат-ион (CO_3^{2-}), калий (K^+) ва темир (Fe^{2+} ва Fe^{3+}) ионлари кенг тарқалган. Қолган элементлар жуда ҳам оз микдорда учрайди (микрокомпонентлар).

Сувнинг минерализацияси ва кимёвий таркиби унинг барча физикавий хусусиятларини (зичлик, қовуш-қоқлик, электр ўтказувчаник ва бошқалар) аниқлайди.

Минераллашган сувлар юқори ювиш хусусиятига эга бўлиб, боғлиқ равищда уюмларга сув бостириш жараёнида нефти сиқиб чиқариш қоэффициентини ошишига, яъни қатламнинг якуний нефт бера олишлик қоэффициентини ошишига сабаб бўлади. Шу билан бир вактда қатлам сувларининг юқори минераллашганлиги маълум шароитларда нефт олинаётган қудуклар ва қудук туви зонаси қатламида тузларнинг чўкилишига олиб келиши, бу эса қатламни ишлашни қийинлаштириши мумкин.

Қатлам шароитида сувнинг зичлиги унинг минерализацияси (сувнинг минерализацияси одатда шўрлигини ифодалайди, яъни 100 г эритмадаги эриган тузлардир), қатлам босими ва температурасига боғлик. Бу зичликнинг юза шароитидаги зичликдан фарқи 20% дан ошмайди. Кўпгина ҳолларда қатлам сувининг зичлиги юзадаги сув зичлигига нисбатан кам зичликка эга, чунки катлам температураси стандарт температурадан юқори. Бироқ қатлам температураси паст бўлган шароитда, яъни доимий музлик ривожланган тоғ жинслари худудида сув зичлиги юза шароитидаги сув зичлигига тенг ва ҳатто ундан юқори бўлиши ҳам мумкин.

Сувнинг температураси жойнинг геотермик погонасига боғлик. Бироқ, баъзан қатлам суви температураси геотермик погона температурасидан кескин фарқ қиласди. Бундай ҳолат юқори температуррага эга бўлган тектоник сувлар пайдо бўлиши билан тушунтирилади. Сув температурасини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга ва турли масалаларни ечишда, кон амалиётида сув оқими чукурлигини аниқлашда ишлатилади.

Сув температураси ошиши билан у кенгаяди (маълумки, 4°C да сув катта зичликка эга) сувнинг термик

кенгайиш коэффициенти (яъни температура 1°C га ошганда бирлик ҳажмдаги сув ошиши) хотекис ўзгаради, $4 - 10^{\circ}\text{C}$ да ўртacha $6,5 \cdot 10^{-5}$ га тенг, $10 - 20^{\circ}\text{C} - 15 \cdot 10^{-5}$ га, $20 - 30^{\circ}\text{C} - 25,8 \cdot 10^{-5}$ ва $65 - 70^{\circ}\text{C} - 58 \cdot 10^{-5}$ га тенг.


Қатлам сувнинг газ таркиби $1,5 - 2,0 \text{ м}^3/\text{м}^3$ дан ошмайди, одатда у $0,2 - 0,5 \text{ м}^3/\text{м}^3$ га тенг. Сувда эриган газ таркибида метан, сўнг азот, карбонат ангидрит, метан гомологлари, гелий ва аргон устунлик қиласди. Ер ости сувларининг аниқ газ таркибини фақатгина намуналарни таҳдил қилиш орқали аниқлаш мумкин.

Сувда газнинг эриши нефтда эришидан анча кичикдир. Сувнинг минерализацияси ошганда сувда газнинг эриши камаяди (П.3.брасм).

II.3.6-расм.

Тоза сувда табиий газнинг эриши (диаграмма билан ишланганда сув минерализациясига тузатмалар киритиш керак).

Сувнинг сикилувчаниги яъни қатлам шароитда босим $1 \text{ кг}/\text{cm}^2$ га ўзгарганда бирлик ҳажмдаги



сувнинг ўзгариши $(3,7-5) \cdot 10^{-5} \text{ 1 кг}/\text{cm}^2$ (ёки $(3-5) \cdot 10^{-4} \text{ МПа}$ оралиқда бўлади.

Газлаштирилган сувнинг сикилувчанлиги унда эриган газ микдори ошиши билан ошади,


$$\beta_{cl} = \beta_c(1+0,056G)$$

Бу ерда: β_{cl} - эриган газнинг сикилувчанлик коэффициенти, $1 \text{ кг}/\text{cm}^2$;

β_c - тоза сувнинг сикилувчанлик коэффициенти, $1 \text{ кг}/\text{cm}^2$; G - сувда эриган газ микдори, m^3/m^3 .

Қатлам сувининг ҳажмий коэффициенти (b_c) сувнинг минерализацияси, кимёвий таркиби, газ таркиби, қатлам босими ва температурасига боғлиқ. Унга энг катта таъсирни қатлам температураси ва минерализацияси кўрсатади. Еости сувининг газ таркибикам, одатда у инобатга олинмайди.

Нефт ва газ кони қатлам сувининг ҳажмий коэффициенти 0,8 - 1,20 оралиқда ўзгаради (II.3.7-расм).




II.3.7-расм. Қатлам сувлари учун ҳажмий коэффициент күрсаткычлари:

— тоза сув учун;
--- эриган газли сув учун.

Қатлам суввининг көвушқоқлиги бииринчи навбатда, температурага, сүнг

минерализация ва кимёвий таркибга боғлиқ. Газ таркиби да босым кам таъсир күрсатади. Қўп ҳолларда нефт ва газ конининг қатлам сувлари қовушқоқлиги $0,2\text{--}1,5$ мПа·с ни ташкил қиласди. Гидродинамик ҳисоблашларда кўлланишувчи сув қовушқоқлиги олинган намуналар бўйича аниқланади. Қатлам шароитида сув зичлиги нефт қовушқоқлигидан анча кичик, шунинг учун сув бу шароитда нефтга нисбатан анча ҳаракатчан бўлади. Атмосфера шароити 20°C да сув қовушқоқлиги 1,005 спз га teng (II.3.8-расм).



II.3.8-расм.

Сунинг қовушқоқлиги ва температураси орасидаги боғлиқлиги:

A-тоза сув учун,
B-60 г/л тузга эга бўлган сув учун.

Қатлам сувининг сирт таранг-лиги унинг юзаси ва формасини ўзгартиришга таъсир этувчи нормал кучларга таъсир қилувчи сув хусусияти кимёвий таркибига чамбарчас боғлиқдир. У мос келувчи сувнинг кимёвий қайта ишланиши натижасида анча пасайтирилиши мумкин. Бу сув бостириш нефт конларини ишлатишда муҳим аҳамиятга эга.

Сувнинг электр ўтказувчалиги унинг минерализациясига боғлиқ. Чучук сувлар электр токини кам ёки умуман ўтказмайди. Минераллашган сувлар яхши ўтказувчидир. Электр ўтказувчаликнинг ўлчами бўлиб, солиштирма электр қаршилиги ($\text{Ом}\cdot\text{м}$) хизмат қилади. Еrosti сувларининг солиштирма қаршилигини билиш кудукни электрометрия материалларини таҳдил қилишда керак.

Сувнинг кимёвий таркиби. Нефт конларининг сувлари қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

1. Минерализациянинг юқорилиги;
2. Сув таркибида кальций ва натрий хлоридлари ва натрий гидрокарбонатларининг бўлиши;
3. Сульфатлар бўлмаслиги ёки жуда ҳам оз миқдорда бўлиши;
4. Йод (J), бром (Br), аммиак (NH_4) ионларининг юқорилиги;
5. Водород сульфиди (H_2S) ни учраши;
6. Сувда нафтен кислотаси тузларининг бўлиши;
7. Сувда эриган углеводород газларининг мавжудлигига.

Ерости сувларининг ҳосил бўлиши ер юзасидан томчи-суюқлик ёки сувли газ ҳолида ер қобигига сизиб кириши, сўнг ер остида конденсацияланиши билан боғлиқдир. Худди шунингдек, еrosti сувларининг шаклланишида дengiz чўкиндиларида қолиб кетган, кейинчалик диагенез натижасида чўкиндиларга айланган сувлар ҳам катнашадилар.

Хар хил турдаги сувларнинг ҳосил бўлиши турлича бўлиб, улар қуйидагилар билан характерланади:

1. Сув ва тоғ жинсларининг ўзаро таъсири;

2. Сувнинг нефт ва газ билан таъсирлашиши;
3. Сувларга микробиологик жараёнларнинг таъсири;
4. Турли геологик омиллар - тоғ жинсининг лито-логик-физик таркиби ва уларнинг коллекторлик хусусиятлари, тектоника, температура ва ҳ.к.

Газнефт конларининг сувида одатда куйидаги компонентлар учрайди:

1. Эрувчан тузларнинг компонентлари:
- a) анионлар: OH^- , Cl^- , SO_4^{2-} , CO_3^{2-} , HCO_3^- ;
- b) катионлар: H^+ , K^+ , Na^+ , NH_4^+ , Mg^{++} , Ca^{++} , Fe^{++} , Mn^{++} ;
2. Микроэлементларнинг эрувчан ионлари: Br^- , I^- , B^{+++} , Sr^{++} ;
3. Коллоидлар: SiO_2 , Fe_2O_3 , Al_2O_3 ,
4. Газсимон моддалар: CO_2 , H_2S , CH_4 , H_2 , N_2 ;
5. Органик моддалар - нафтенли кислоталар ва уларнинг тузлари.

Сувай кимёвий таҳлил қилишни З асосий формаси мавжуд:

1. Ион формаси да сувнинг кимёвий таҳлили сувда эриган тузларнинг диссоциацияси натижасида ҳосил бўлган алоҳиде ионларнинг оғирлик кўринишида (одатда, 1л сув учун миллиграмм ёки граммларда) ифодаланади. Суда диссоциаланмайдиган бирималар (кремний, темир, алюминий) уларда коллоидлар кўринишида иштирок этади ва оксидлар сифатида намоён бўлади. Таҳлилнинг ион формаси кенг тарқалган бўлиб, у бошқа формаларни олиш учун бошлангич манбъа бўлиб хизмат қиласди.

2. Эквивалент форма эса сувнинг таркибини тасвиrlаш ионлар ионлар билан бир-бiri билан тенг оғирлик вазни бўйича таъсиранмасдан, балки маълум нисбатда атом оғирлиги ва валентлигига бўлилар. Яъни ионлар мавжуд эквивалент оғирлигига бир-бiri билан бирекишиди.

Эквивалент оғирлик деб ионнинг атом ёки молекуляр оғирлигини, унинг валентлигига нисбатига айтилади. Масалан, Na^+ иони учун эквивалент оғирлик $23/1=23$, Ca^{++} учун $40/2=20$, SO_4^{2-} учун $96/2=48$, Cl^- $35,5/1=35,5$ ва ҳ.к. бўлади, унда ҳар бир Na^+ ионнинг 23

оғирлик бирлиги учун 35,5 оғирликдаги Cl^- иони, 48 оғирлик бирлигидаги SO_4^{2-} иони, 20 оғирлик бирлигидаги Ca^{++} ва 48 оғирлик бирлигидаги SO_4^{2-} иони ва х.к. түғри келади.

Таҳлилнинг оғирлик ион формасидан эквивалент формасига ўтиш учун 1 л сувдаги мг (ёки г) да ифодаланган ион таркибини унинг эквивалент оғирлигига бўлинади.

Бунинг натижасида, мг-экв ёки г-экв да ион таркиби олинади. Масалан, Na^+ иони сувда 46 мг/л га тенг бўлса, эквивалент формаси $46/23=2$ мг-экв, SO_4^{2-} сувда 144 мг/л бўлса, у $144/48=3$ мг-экв ва х.з. тенг бўлади.

Агар бирор-бир ион таркиби эквивалент формада берилган бўлса, ион олдига г белгиси қўйилади. Масалан $r\text{Cl}^-$, $r\text{Ca}^{++}$ ва х.к.

Эквивалент формада берилган катионлар йигиндиси (Σr_k) анионлар йигиндисига (Σr_a) тенг, яъни

$$\Sigma r_k = \Sigma r_a$$

Бу тенгликни қўллаб ва сувдан беш асосий ион (Cl^- , SO_4^{2-} , HCO_3^- , Ca^{++} , Mg^{++}) таркиби хақидаги маълумотларни билган холда олтинчи, асосий ион Na^+ ионини аниклаш мумкин:

$$r\text{Na}^+ = \Sigma r_a - (r\text{Ca}^{++} + r\text{Mg}^{++})$$

Натрий таркибини оғирлик ион формасида аниклаш учун олинган $r\text{Na}$ катгалигини ионнинг эквивалентига кўпайтирилади (II.3.1-жадвал).

3. Ф о и з – э к в и в а л е н т (%-экв) ф о р м а сувдаги ионларнинг ўзаро нисбатини кўрсатади ва таҳлил қилинаётган вактда эквивалент формада олинган барча ионлар йигиндиси 100% деб қабул қилинади:

$$\Sigma r_a + \Sigma r_k = \Sigma r = 100\%-экв.$$

Анионлар ва катионлар йигиндиси алоҳида-алоҳида 50%-экв ни ташкил қиласди. Хар бир ион таркиби фоизда

умумий йигиндидан мг-экв (Σг) күйидаги аниқланади.
Масалан,

$$r_{\text{Ca}} = r_{\text{Ca}} / \Sigma r \cdot 100\%$$

II.3.1-жадвал

Қатлам сувларининг ион формаси ва эквивалентлиги

Ион	Эквивалент	Ион	Эквивалент
Na ⁺	23,0	Cl ⁻	35,5
Mg ⁺⁺	12,2	SO ²⁻	48,0
Ca ⁺⁺	20,0	HCO ₃ ⁻	61,0
K ⁺	39,1	Br ⁻	79,9
NH ₄ ⁺	18,0	J ⁻	126,9
H ⁺	1,0	HS ⁻	33,0
Fe ⁺⁺⁺	18,6	CO ₃ ²⁻	30,5
Fe ⁺⁺	27,9	Нафтенли-ионлар	150-200

Тахлилнинг %-экв формаси жуда кенг қўлланилади. Чунки, у сувнинг ион-туз таркибини минерализацияси бўйича фарқ қилувчи ионлар орасидаги муносабатни ифодалайди. Бироқ, сувнинг умумий кимёвий таркибини билиш учун сув ионларининг абсолют таркибини ҳам билиш керак. Шунинг учун сув таркибини ифодаловчи % эквивалент форма эквивалент формада сувнинг умумий минерализацияси маълумотлари билан бирга ифодаланиши керак.

II.3.2-жадвалда турли формадаги сувнинг кимёвий тахлилиниң намунаси кўрсатилган.

Ер ости сувларининг кимёвий таснифи. Ер ости сувларининг умумий минераллашганлигига, таркибидаги компонентларнинг ёки улар гурухларининг устунлигига, ионлар микдори қийматининг ўзаро нисбатига, газ (CO₂, H₂S, Rn ва бошқ.) ёки ион таркибидаги (Fe, Ra ва бошқ.) бирон-бир ўзига хос компонентнинг мавжудлигига қараб гурухларга бўлиниши.

Таснифларнинг кўп турлари мавжуд. Улар ичида энг кенг тарқалганлари: Ч.Пальмер (1911), С.А.Шукарев (1934), В.И.Вернадский (1936), Ф.П.Саваренский (1939), Н.И.Толстыхин (1935, 1966), О.А.Алёкин (1948), В.А.Сулин (1948), А.М.Овчинников (1955) ва бошқалар.

II.3.2-жадвал

Айрим сувларнинг кимёвий таҳлили намунаси

ИОН	Ион форма, мг/л	Эквила- лент оғирлик	Ўтиш коэффи- циенти	Экв. форма, мг-экв	%-экв форма
Cl	63,26	35,5	0,0282	1,78	7,03
SO	236,3	48,0	0,0208	4,92	19,45
HCO	363,2	61,0	0,0164	5,95	23,52
Ca	6,70	20,0	0,05	0,33	1,31
Mg	2,31	12,2	0,0822	0,19	0,76
Na	277	23,0	0,0435	12,08	47,73
Fe	1,40	27,9	0,0358	0,05	0,20
Умумий минера- лизация	-	-	-	25,30	100

Ч. Пальмер таснифидан нефтчи-геологлар нефт ва газ конларини ўрганишда кенг фойдаланадилар. Бу тасниф сув таҳлилидан эквивалент шаклида ифодаланган асосий анион ва катионларнинг ўзаро нисбатига асосланиб тузилган. Пальмер эквивалентда ифодаланган ҳамма ионларни уларнинг умумий кимёвий хоссаларига қараб бешта гурухга ажратишни таклиф этди: 1) кучли кислоталар Q^- , SO_4^{2-} ; NO_3^- ; Br⁻; 2); кучсиз кислоталар CO_3^{2-} , HCO_3^- , $HSiO_3$ ва б.; ишқорлар Na^+ , K^+ , NH_4^+ , Li^+ ; ер ишқорлари Ca_2^+ , Mg_2^+ , Sr_2^+ , Ba_2^+ , Rb^+ , Cs^+ ; 5) водород ва металлар Fe_2^+ , AI_3^+ , Mn_2^+ , Cu_2^+ , Ni_2^+ , Pb_2^+ , Co_2^+ .

Анион ва катион эквивалентлари йигиндиси 100% деб олинади. Пальмер ҳар бир гурухдаги ионларнинг фоиз-эквивалент миқдори йигиндисини аниқлаб, уларни бир-бири билан шартли равишда бирлаштиради.

В. А. С у л и н т а с н и ф и . Генетик принципиға асосланған ер ости ва ер усти сувлари таснифи бўлиб, унга кўра сувлар кимёвий таркибининг шакланиши маълум бир табиий (континентал, денгиз, чуқурлик) шароитда ва тоғ жинслари билан сувларнинг ёки турли генезисдаги сувларнинг ўзаро таъсири жараёнлари натижасида содир булади. Шу билан бирга сувларнинг ўзига хос компонентлар билан бойиши кузатилади.

В.А.Сулин ер пўстини уч вертикал зоналарга бўлади. Биринчи зона - сув алмашиниши осон зона ёки гидрогеологик очик зона. Бу зонада ғовакли жинслар ер юзасида ҳосил бўлган сувларни ўзига шимади, асосан, сульфат-натрийли турдаги сувлар ҳосил булади. Иккинчи зона - сув алмашиниши кийин зона - агар бу зонада қайтаришувчи геокимёвий шароитлар мавжуд бўлса, гидрокарбонат-натрийли, агар жинсларда сульфат кўп микдорда бўлса, кальций-хлор-магнийли ва сульфат-натрийли турдаги сувлар ҳосил бўлади. Учинчи зона - гидрогеологик ёниқ ва ер юзаси билан боғланмаган зона - бу зонадаги сувларда кальций хлоридлари пайдо бўлиб, сувлар хлор-кальцийли турга мансуб бўлади. Демак, бу таснифда табиий сувлар тўрт генетик турга бўлинган: 1) сульфат-натрийли, 2) гидрокарбонат-натрийли, 3) хлор-магнийли ва 4) хлор-кальцийли. Ўз навбатида ҳар бир генетик турдаги сув уч: гидрокарбонатли, сульфатли, хлоридли гурухга бўлинган. Ҳар бир гуруҳдаги сув уч: кальцийли, магнийли ва натрийли кичик гурухга бўлинган.

Табиий сувларнинг у ёки бу генетик турга мансублиги эквивалент шаклда ифодаланган айрим ионлар наслебатининг қийматига қараб белгиланади. Агар

$$\frac{Na^+ + K^+}{Cl^-} > 1 \text{ бўлса сув гидрокарбонат-натрийли ёки сульфат-натрийли турга, агарда бу коэффициент қиймати бирдан}$$

кичик бўлса, сув хлор-магнийли ёки хлор-кальцийли турга мансуб бўлади. Сувни у ёки бу генетик турга мансублигини аниклаш учун икки генетик коэффициентдан фойдаланиш таклиф этилади:

$$\frac{Na^+ - Cl^+}{SO_4^{2-}} \text{ ва } \frac{Cl^+ - Na^+}{Mg^{2+}}$$

Агар $\frac{Na^+ - Cl^+}{SO_4^{2-}} > 1$ бўлса, сув сульфат-натрийли турга, коэффициент қиймати бирдан катта бўлса, сув гидрокарбонат-натрийли турга мансуб бўлади. Агар $\frac{Ca^+ - Na^+}{Mg^{2+}} < 1$ бўлса, сув хлор-магнийли турга, коэффициент қиймати бирдан катта бўлса - хлор-кальцийли турга мансуб бўлади. $\frac{SO_4^{2-}}{Cl^+}$ - коэффициенти қийматига кўра сув гурухи - сульфатли ёки хлоридли, $\frac{Na^+}{Mg^{2+}}$ коэффициентига қараб эса сувнинг кичик гурухи - кальцийлиги ёки магнийлиги аниқланади. Шундан сўнг бу таснифда табиий сувлар синфларга ажратилади. Синфларга ажратиш Пальмер таснифи бўйича амалга оширилади.

О. А. А л ё к и н т а с н и ф и . Минераллашганилиги 50 г/кг гача бўлган сувлардаги анионлар устунлиги бўйича таснифлаш асос қилиб олинган. Бу таснифга кўра ҳамма табиий сувлар уч синфга: гидрокарбонатли (ва карбонатли) сув ($HCO_3^- + CO_3^{2-}$), сульфатли (SO_4^{2-}) ва хлоридли (Cl^-) сувларга бўлинади; ҳар бир синф катион устунлиги бўйича (Ca^{2+} , Mg^{2+} ёки Na^+ + K^+) уч гурухга ҳамда ҳар бир гурух ўз навбатида катион ва анионлар орасидаги ўзаро муносабат бўйича уч турга бўлинади.

Биринчи турдаги сувлар $HCO_3^- > Ca^{2+} + Mg^{2+}$ муносабат билан тавсифланади. Унга кам минераллашган сувлар мансуб бўлиб $Na^+ + K^+$ га бой бўлган откинди жинсларда хосил бўлади.

Иккинчи турдаги сувлар $HCO_3^- < Ca^{2+} + Mg^{2+} < HCO_3^- + SO_4^{2-}$ муносабатга эга. Бу турдаги сувлар турли чўкинди жинслар ва туб жинсларнинг нураган маҳсулотлари билан генетик боғлиқ. Унга дарё, кўл ва кам минералланган ер ости сувлари мансуб.

Учинчи турдаги сувлар $HCO_3^- + SO_4^{2-} < Ca^{2+} + Mg^{2+}$ муносабат билан ифодаланади. Бундай сувлар генетик жиҳатдан аралаш ва метаморфлашган бўлади. Уларга океан, денгиз, курфаз, сув хавзаларидағи қолдик сувлар ҳамда кучли минераллашган ер ости сувлари киради.

Тұртингчи турдаги сувлар $\text{HCO}_3=0$, яғни нордон сувлар хисобланады. Бу турдаги сувлар факат сульфат ва хлорид синфларга мансуб бўлиб, Ca^{2+} ва Mg^{2+} гуруҳларга киради. Алёкин таснифига кўра синф асосий анионлар устунылиги бўйича (C , S , Cl), гуруҳ - катионлар устунылиги бўйича (Ca , Mg , Na) белгиланади. Қайси турга мансублиги рим рақами билан белгиланади. Масалан, $\text{Ca}_{\text{II}}^{\text{Ca}}$ – гидрокарбонат синфи, кальций гурухи, иккинчи тур, $\text{Na}_{\text{III}}^{\text{Na}}$ – сульфат синфи, натрий гурух, учинчи тур ва ҳ.к. Шунингдек, сувнинг минералланганлик микдори (0,1 г/кг аниликгача) ва умумий қаттиқлик (мг-экв) ҳам ифодаланади.

НЕФТ ВА ГАЗЛАРНИНГ ТАБИЙ САҚЛАГИЧЛАРИ (РЕЗЕРВУАРЛАР) ВА ТУТҚИЧЛАРИ

4.1. Табиий резервуарлар

Табиий резервуар тушунчасининг геологик нуқтаи назардан ўндан ортиқ тавсифи мавжуд бўлиб, улардан энг кўп тарқалгани И.О.Брод ва Н.А.Еременко (1964) таклиф қилган тушунча, яъни табиий сақлагичлар нефт, газ ва сув сақланадиган табиий омбор бўлиб, унинг ичидаги улар харакатланиши мумкин. Табиий сақлагичлар коллекторлардан фарқли ўлароқ (II.5-бобни қаранг), қуйидаги хусусиятларга эга: нефт, газ ва сув учун табиий сигим бўлиб, унинг мавжудлиги коллекторни ёмон ўтказувчан жинслар билан муносабати орқали белгиланади, коллектор тури, сифими гидродинамик шароитлари, қатlam энергияси, жойлашиш шароити ва шакли билан ажралиб туради.

И.О.Брод (1951) ва Н.А.Еременко (1968) таснифи бўйича табиий резервуарлар асосан уч турга бўлинади: катлам резервуарлар, яхлит (массив) резервуарлар ва литологик чекланган резервуарлар.

И.О.Брод ва Н.А.Еременколар таклиф этган тасниф, асосан, резервуарларнинг морфологияси асосида тузилган бўлиб, унинг хосил бўлиш шароити, яъни генетикасига кам эътибор беришган. Ундан ташқари, бу таснифда табиий резервуарларнинг оралиқ ҳолатлари, бир турдан иккинчи турга ўтар ҳолатларидағи турлари инобатга олинмаган.

Кейинги йилларда табиий резервуарлар тушунчасидан фойдаланиши кенг ўрин олмади. Катта майдонларда нефт ва газ тарқалишини тушунтириб

беришда нефтгазли комплекслар тушунчасидан фойдаланиш максадга мувофиқдир.

Э.А.Бакиров (1969) нефтгазли комплекслар деганда коллектор жинслар ва уларни устида ётган қопқоқ жинслар йиғиндисини тушунишни таклиф қилган. Нефтгазли комплекслар Э.А.Бакиров таснифига кўра нефтгаз тўпламларининг майдон бўйича тарқалишига қараб регионал, субрегионал, зонал ва локал турларга бўлинади.

Регионал нефтгазли комплекслар асосан нефтгазли провинциянинг ҳамма ерида ёки кўпроқ қисмида тарқлаган бўлади.

Субрегионал нефтгазли комплекслар нефт ва газ тўпламларини бирор-бир провинциянинг бир областида мавжудлиги билан тавсифланади.

Зонал нефтгазли комплекслар нинг қатламлари ёки нефт ва газ йиғилувчи зона миқёсида ҳосилдор бўлади.

Локал нефтгазли комплекслар якка конларда ҳосилдор бўлган жинс қатламлари.

Нефтгазли комплекслар майдон бўйлаб турли тутқичлар билан мукаммалашган бўлади.

4.2. Нефт ва газ тутқичлари ва уларнинг таснифи

Саноат аҳамиятига молик нефт ва газ уюмларининг ҳосил бўлиши учун энг зарур шартлардан бири углеводородларнинг миграцияси жараённада уларни тутиб қолиш имкониятига эга бўлган тутқичларнинг табиатда мавжуд бўлишилигидир.

Углеводородлар тутқичи деб нефтгазли комплексларнинг бирон-бир қисмида нефтгаз конлари ва уюмлари шаклланиши ҳамда сақланиши учун қулай бўлган локал структуравий элементга айтилади.

Нефт ва газ тутқичи сифатида антиклинал тузилмаларни, стратиграфик ва литологик номувофиқликларни, қатламларнинг литологик қийикланишини, қатламларга

экран вазифасини бажарувчи туз гумбазлари ва лойқали вулқонларини ҳамда риф массивларини қайд этиш мүмкін. Шаклланиш шароитига қараб тутқичлар асосан уч йирик гурухга бўлинади: тузилмали (антеклинал) тутқичлар, стратиграфик ва литологик тутқичлар. Кейинги икки гуруҳни ноанъанавий гўрух ҳам деб аталади.

Тузилмали тутқичларга аксарият гумбазли ва тектоник тўсиғлан тутқичлар киради. Углеводородлар қатлам бўйича силжигандага антиклинал тузилманинг энг юқори - гумбаз қисмини ёки тектоник тўсиқ мавжуд бўлган ҳолда қатламнинг энг юқори қисмини эгаллади.

Тектоник тўсиқли тутқичлар бурама бурмачанглик ўлкаларда кўп учрайди. Уларга мисол тариқасида Фарғона ботиқлигидаги кўплаб геотузилмаларни келтириш мүмкин.

Литологик тутқичлар аксарият гил жинслари орасида қумтош коллектор жинсларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлади. Гилли қатламлар орасида линза шаклида ётган қум ва қумтошлар табиатда кўп учрайдиган ходисадир. Тоғ жинслари орасида ёрикли жинсларнинг ҳосил бўлиши ҳам худди шу турдаги тутқич, яъни нефт газ йигилиши учун кулай шароитни мавжуд этиши мүмкин. Риф массивлари ҳам аксарият бошқа чўқинди жинслар орасида пайдо бўлади ва углеводородларнинг миграцияси жараённада ғоваклик ва ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган рифлар нефт ва газ тўпланиши учун кулай тутқич бўлиб хизмат киласди.

Стратиграфик турдаги тутқичлар аксарият қатламларнинг тела қисмининг ювилиши ва емирилишидан сўнг уларнинг устига номувофиқ равишда флюид ўтказмайдиган жинсларнинг ётиши натижасида ҳосил бўлади. Бу жараёнда пастки қават деб номланувчи қадимги жинсларнинг коллекторлари нефт, газ, сув миграцияси ҳаракати жараёнида уларга тутқич вазифасини ўтайди.

Ўлка ҳудудида тузлик гумбазлар ёки лойқали вулқонлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳудудда диапирли тузилмалар ҳосил бўлади. Шунинг натижасида ўша гумбаз

ва вулқонга бориб тарқалған коллекторлар нефт ва газ учун тутқыч бўлиб қолади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, тутқичлар ва уюмларнинг ҳар бир нефтгаз ўлкаси учун ўзига хос таснифлари мавжуд бўлади. Зеро, ҳар бир ўлка ўзига хос хусусиятлари билан бошқасидан анчагина фарқ қилиши табиий. Бу борада бурмачанг ҳудудлардаги тутқичлар билан платформа ўлкаларидан тутқичларнинг фарқи жуда катта. Ҳудди шунингдек риф массивлари ривожланган ҳудудлар тутқичлари ўзига хос, лойқали вулқон ҳудудлари, тузли гумбазлар ҳудудлари тутқичлари ҳам ўзига хосликла-ри билан ажралиб турадилар.

5 - боб

НЕФТГАЗ КОЛЛЕКТОРЛАРИ, ҚОПҚОҚ ЖИНСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

5.1. Коллекторлар ва уларнинг хусусиятлари

К о л л е к т о р ж и н с л а р д е б ўз бағрида нефт, газ ва сувларни сақлаш ҳамда керакли шароит яратиб берилганда флюидларни қайтариб бериш қобилиятига эга бўлган тоғ жинсларига айтилади.

Табиатда учрайдиган ҳамма тоғ жинслари пайдо бўлишига қараб З та гуруҳга бўлинади: чўкинди, магматик, метаморфик. Табиатда хозирча аниқланган нефт ва газ конларининг 99% чўкинди тоғ жинсларида ва фақат 1% магматик тоғ жинсларига мансубdir.

Коллекторлар қандай тоғ жинсларидан ташкил топганлигига қараб З турга бўлинади: донадор (грануляр), ёриқ ва аралаш коллекторлардир.

Грануляр коллекторлар асосан кум, күмтош ва кум-алеврит каби тоғ жинсларидан ташкил топган бўлади. Бундай коллекторларда нефт ва газ тоғ жинсларининг майда заррачалари орасидаги бўшликлар ва фоваклар ичида йигилиади.

Ёриқ коллекторлар асосан оҳактош, доломит жинсларида кенг тарқалган. Бундай тоғ жинсларида фойдали бўшликлар ҳар хил ёриқлар тизимидан иборат бўлса, ёриқ коллекторлар вужудга келади. Ёриқлар тизими горизонтал ва тик йўналишларда ривожланган бўлиб, одатда улар ўзаро бир-бирларини кесиб ўтади. Нефт ва газ уюмлари ана шу ёриқларда йигилиши мумкин.

Аралаш коллекторлар эса грануляр ва ёриқ коллекторларнинг аралаш ҳолатида учрайдиган туридир. Одатда бундай коллекторларда фойдали бўшликлар тоғ жинслари заррачалари орасидаги бўшликлар, фоваклар, ёриқликлар, микрокарст бўшликлар ва ковак-

лардан иборат бўлади. Бундай коллекторлар кум, қумтош ва алевролит жинсларида учраши мумкин.

Коллекторларнинг физик-кимёвий ва геологик хусусиятларини ва литологик таркибини ўрганиш, нефт ва газ конларини тўгри ишлатишда асосий омиллардан бири хисобланади.

Коллектор жинслари тоғ жинсларини ғоваклиги, ўтказувчанлиги ва флюидларга тўйинганлиги билан тавсифланади.

ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ ҒОВАКЛИГИ

Тоғ жинсларининг ғоваклиги деб қаттиқ жинслар билан тўлмаган ғовак ва ёриқларга айтилади. Бошқача айтганда тоғ жинслари ичидағи бўшлиқлар уларнинг ғоваклигини билдиради. Ана шу ғовак ва ёриқлар ўз бағрида нефт ва газни сақлаши мумкин.

Ғоваклик эса ўз навбатида ғоваклик коэффициенти билан тавсифланади.

Тоғ жинси ичидағи ҳамма бўшлиқлар ҳажмининг $[V_{бўш}]$ умумий тоғ жинси ҳажмига $[V_n]$ бўлган нисбати ғоваклик коэффициенти дейилади.

$$K_f = V_{бўш} / V_n ;$$

бу ерда: K_f – ғоваклик коэффициенти; $V_{бўш}$ – намуна ичидағи бўшлиқларнинг умумий ҳажми; V_n – намунанинг умумий ҳажми.

Ғоваклар З турга бўлинади: Умумий (абсолют, тўла ёки физик), очик ва самарали ғоваклик.

Умумий ғоваклик – бу генетик асосидан катыйи Д. Назар, шакли ва ўлчамига боғлиқ бўлмаган, мавжуд ғовакликлар ғоваклар, коваклар, ёриқлар ва дарзликлар йигиндисидир.

Очик ғоваклик – бу тоғ жинсидаги ўзаро бир-бири билан боғланган ғовакликлар йигиндисидир.

Самарали ғоваклик – ғовакликлар тўплами бўлиб, бунда флюидлар ҳаракатланиши, миграция қилиши мумкин. Нефт ва газ геологиясида ғоваклик

түғрисида фикр юритилганды, самарали ғоваклик күзде тутилады.

Хар хил флюид учун самарали ғоваклик бир хилда бўлмайди. Бу тоғ жинси таркибига, флюидларнинг физик хусусиятларига ва ўзаро муносабатларига боғлиқ. А.А.Ханин (1969) самарали ғоваклик деганда нефт ва газ мавжуд бўлган ғовакликни тушунишни таклиф этади. Ғовакликни бу турини аниклашни ишончли усули ишлаб чиқилмаган.

Ғоваклик турли хилда бўлиб, ҳатто битта намунани ўзида хам, ҳар хил турлари учрайди. Реал жинсларда зичлашиши билан очиқ ғоваклик умумий ғовакликга қараганда жадал тарзда камаяди.

Умумий ғоваклик тоғ жинсидаги микдорига қараб бир фоиздан бир неча ўн фоизгача ўзгариб, жинснинг турли хил таркибига боғлиқ бўлади (П.5.1-жадвал).

Тоғ жинси ўзининг ҳосил бўлиши жараёнида 2 даврни ўтади: биринчи давр седиментагенез ва диагенез жараёнларидан иборат бўлиб, бу даврда чўкинди жинслари ҳосил бўлади, улар қатланиб тоғ жинси шаклланади иккиласми давр, катагенез ва гипергенез жараёнларини қамраб олади. Чўкинди жинсадаги бирламчи ғовакликлар, чақиқ жинслар бир-бiri билан зич жойлашмаслиги натижасида юз беради. Бунда оолитлар ёки карбонат жинсларнинг органик қолдиклари, шунингдек жинс ҳосил қилувчи организмлар скелетидаги бўшлиқ ва камералари (фораминифер, гастропода, кораллар ва бошк.), таркибida кам микдорда гил бўлган оҳактошлар ва чақиқ жинс (терригенли) материали ҳисобига ғовакликлар ҳосил бўлади. Чақиқ жинслар зарралари орасидаги ғоваклар зарралараро, оолит ва фауналараро қолдикдаги ғовакликлар - шакллараро органик қолдик ичидаги ғоваклик - ички шаклланган ғоваклик деб аталади.

Иккиласми ғоваклик ёриқлар, коваклар ва баъзида зарралараро ғовакларни ташкил қилади. Ёриқлар жинсларнинг литология ўзгаришида, шунингдек мўрт жинсларда (зич оҳактошлар, доломитлар, аргиллитлар, қаттиқ қўмтошлар ва бошқа) тектоник тебранишида ва табиий ёрилиш натижасида ҳосил бўлади.

II.5.1-жадвал

Чүкинді ва магматик төг жинсларининг умумий ғоваклик коэффициенті

(А.А.Ханин бұйича, 1969)

Төг жинслари	Умумий ғоваклик коэффициенти, %	
	Максимал ва минимал күрсаткышлари	Ишончли күрсаткышлары
Чүкинді жинслар		
Кум	4-55	20-35
Күмтош	0-40	5-30
Лёсс (соз тупрок)	40-55 1-40	- 3-25
Алевролит	2-96	50-70
Балчиқ (ил)	0-75	20-50
Гилт	0-35	1,5-15
Охактош	40-55	40-50
Бүр	2-35	3-20
Доломит	33-55	
Доломит уни		
Магматик жинслар		
Габбро	0,6-1,0	-
Базальт	0,6-19,0	-
Диабаз	0,8-12,0	-
Диорит	0,25	0,25
Сиенит	0,5-0,6	-
Гранит	0,1-0,6	-

Жинсларнинг ёрилишга чидамлигини баҳолашда пластилик түшүнчеси ишлатылади. Төг жинсларининг пластиклигі бу – қаттық механик зүриқишиң таъсирида үз таркибий қисмийнінг боғлиқлигини бузмаган ҳолда үз шаклини сақтаб қолишидір. Пластиликкі аникловчы алоқыда бир усул мавжуд әмас. Л.А.Шрейнер ва бир қанча бошқа муаллифлар пластик бирлигі сифатида намунаның әмирилиш давригача бўлган иш сарфи эгилувчан деформацияга сарфланган иш ўртасидаги боғлиқликни

қабул қиласылар. Бундай турдаги ишларни бажаришда ПМТ^{*} – 2, ПМТ – 3 асбоб ўлчагичлари құлланилади. Бу асбоблар ёрдамида намунанинг шлифланган юзасига асос юзи 1-5мм² бўлган олмос пирамида киргизилади. Сарф қилинган кучайиш Н/мм² да ўлчанади. Ўзи ёзгич бунда олмос пирамидага берилган босимда намуна деформациясини эгри чизиклар ёрдамида қайд қилиб боради.

Ёриклар очиқ ва ёпиқ турда бўлади. Бу механик жипсласиши ёки бўш жойларни иккиласми минерал жинслар билан тўлиш ҳисобига юзага келади. Табиий шароитда тоғ жинсларида тектоник ҳаракатлар натижасида дарзликлар тизими (система) ҳосил бўлиб, муайян текислик бўйича тарқалади. Туширма ва суримла узилма ёрикликларга кирмайди. Бир қатламда бир неча дарзликлар тизими ва пайдо бўлишига қараб ҳар-хил ёшда бўлиши мумкин. Амалиётда жинсларнинг коллекторлик хусусиятлари фақатгина очиқ дарзликлар қисмидагиси ўрганилади. Одатда дарзли ғовакликлар 2-3% дан катта бўлмайди, баъзида 6%га етиши мумкин (Л.И.Риген ва Д.С. Хафсу бўйича).

Дарзли ғовакликлар тавсифи бўйича қуюқ, зич ва очиқ дарзликлардан иборат.

К ў к д а р з л и к – бу 1 м узунликда йўналган перпендикуляр жойлашган дарзликлар йигиндиси.

З и ч д а р з л и к – бу қуюқ дарзликлар йигиндиси бўлиб, 1 м² майдонга тўғри келади. Агарда қатламда битта дарзликлар тизими бўлса, зичлик қуюқ дарзлик микдорига тенг бўлади.

О ч и к д а р з л и к – бу дарзликлар девори орасидаги масофа.

Коваклар хемоген ёки биоген жинслар таркибий кисмларининг эриши ёки аник термобарик ҳолатига чидамсиз бирималарнинг парчаланиши натижасида юзага келган ғовакларни билдиради. Одатда коваклар ёриклардан иборат бўлиб, силжиш йўлида флюидларнинг белгиланган жараёнлари юз беради. Иккиласми ғоваклик чақиқ жинсларда юзага келиши мумкин. Масалан, цемон ёки чидамсиз чақиқ жинс (кальцит, доломит, гипс) минерал-

^{*} Прибор микротвердости (қаттиқлиқ аниқлаш асбоби)

ларини эриши ҳисобига.

Баъзида тоғ жинсларида икки ёки ундан ортиғоваклар тури бўлиши мумкин. Бундай вактда уни мураккаб ёки аралаш ғоваклар деб аталади.

Ғовакликнинг ўлчов бирлиги % ҳисобланади. Коллекторларнинг ғоваклиги, улардаги ҳар хил катталиктаги ғовак, ковак ва дарзликлар борлиги билан аниқланади.

Ғоваклар макроғовакларга ($>1\text{мм}$) ва микроғовакларга ($<1\text{мм}$) бўлинади. Микроғоваклар: ўта капиллярга (1-0,5 мм), капиллярга (0,5-0,0002 мм) ва субкапиллярга ($<0,0002$) бўлинади. Субкапилляр ғовакли жинслар ўзларидан деярли нефт ва газни ўтказмайди.

Тоғ жинсларининг ўтказувчанлиги

Босимлар фарқи натижасида тоғ жинсларининг ўзларидан суюклик ва газларни ўтказиш хусусиятига уларнинг ўтказувчанилиги деб аталади. Ўлчов бирлиги – мкм^2 , Дарси. Ўтказувчанлик шундай микдорки-қовушқоғлиги 0,001 Па·с бўлган, 1 см^3 суюкликни, 1 см оралиқда, 0,1 МПа босим фарқида 1 сек ичида 1 см^3 сизиб ўтгандаги ўтказувчанликка айтилади.

Тоғ жинсларининг ўтказувчанлиги зарраларнинг катта кичиқлигига боғлиқ. Аксарият чўкинди ётқизиклар (кум, қумтош, оҳактош, доломит) озми-кўпми ўтказувчанлик хусусиятига эга. Аммо, тиллар ва мустаҳкам зичланган оҳактошларда ғоваклик мавжуд бўлсада, ўтказувчанлик хусусияти уларда нисбатан жуда кам микдорда бўлади.

Бунда флюид миграция йўли - ғоваклар, коваклар, ёріқлар каналлари йиғиндисидан иборат бўлиб, қанчалик дарзликлар очиқлиги юқори бўлса, ўтказувчанлик ҳам шунчалик юқори бўлади. Ўтказувчанлик микдори ўтказувчанлик коэффициенти K_i орқали топилади. Халқаро бирликлар системаси (СИ)да ўтказувчанлик бирлиги м^2 деб қабул қилинган.

Ўтказувчанлик кўпинча амалий ишларда «Дарси» билан ўлчанади. Ҳар икки ўлчов бирликлари орасида куйидаги боғлиқлик бор:

$$1 \text{ м}^2 = 10^{12} \text{ Д} ; 1 \text{ Д} = 10^{-12} \text{ м}^2 = 1 \text{ мкм}^2.$$

Дарсими түгри чизикли фильтрация қонунига мұвоғиқ жинслар үтказувчанлиги қуидаги күринишни олади:

$$K_{yt} = Q\mu L / \Delta P F$$

бу ерда: Q – вакт бирлигіда үтган суюқлик ҳажми, м^3 ;

μ – суюқликнинг динамик көвушқоқлиги, Па·с;

L – тоғ жинси намунасининг узунлығы, м;

$\Delta P = P_1 - P_2$ – босим-лар фарқи, МПа;

F – намунанинг кесим қозаси, м^2 .

Үтказувчанликнинг физик маъноси суюқлик ёки газ ўтиши лозим бўлган ғовакликларнинг қозаси билан ифодаланади.

Тоғ жинсларининг мутлок (умумий), самарали (фазали) ва нисбий үтказувчанликлари ажратилади.

Мутлок үтказувчаниларнинг бирор бир хилдаги флюидни ўзидан үтказиш даражаси тушунилади. Бунда флюид ва тоғ жинси ўзаро бир-бирига таъсир килмайди, яъни үтказаётган моддамиз (газ, суюқлик) тоғ жинси билан ҳеч қандай реакцияга киришмайди.

Самарали үтказувчанлик – тоғ жинсининг ғовак мұхитида асосан нефт, сув ва газнинг маълум фоиз нисбатда ғовакликтан ўтишини күрсатиб беради. Бу турдаги үтказувчанлик нафакат бўш жой морфологияси ва уни ўлчамларига, балки флюидлараро муносабат микдорига ҳам боғлиқ бўлади. Бунинг натижасида ҳатто геологик ва физик ўхшаш жинсларда ҳам берилган флюид учун самарали үтказувчанлик кенг кўламли бўлади.

Самарали үтказувчанлик мутлок үтказувчанлик билан бир хил бирликда ўлчанади, аммо у деярли ҳар доим абсолют үтказувчанликдан паст бўлади.

Нисбий үтказувчанлик мутлок үтказувчанликни умумий үтказувчанликка нисбати тушунилади. У арифметик йўл

билин чиқарилади. Шунингдек нисбий ўтказувчанликни аниқлашни, капилляр босим эгри чизиқлари бўйича ҳам топиш мумкин (А.А.Ханин, 1965). Нисбий ўтказувчанлик ўлчамсиз катталик бўлиб, бирлик улушларда ёки фоизларда ифодаланади.

Излов-разведка ишлари амалиётида ва нефтгаз конларини ишлатишда одатда мутлоқ ўтказувчанлик ишатилади. Уни эса тог жинси намунасидан ҳаво (ёки азот) ўтказиш йўли билан аниқланади.

Чакиқ жинсларни катламланиши бўйича K_y одатда катламга перпендикуляр йўналган ўтказувчанликдан катта бўлади. Ёриқ жинсларда ёриқлар бўйича ўтказувчанлик жуда катта бўлиши мумкин, перпендикуляр йўналишда эса дэярли бўлмаслиги ҳам мумкин. Умумий ўтказувчанликнинг микдорий қийматларини тебраниш оралиги жуда катта, $5 \cdot 10^{-11} \text{ м}^2$ дан $1 \cdot 10^{-17} \text{ м}^2$ гача ва ундан юқори бўлади. Бунда максимал қийматлар ёриқ жинсларга хосдир. Саноат аҳамиятига эга бўлган маҳсулдор нефт ва газли жинслар учун энг кўп тарқалган K_y қиймати $1 \cdot 10^{-15} \text{ м}^2$ дан $1 \cdot 10^{-12} \text{ м}^2$ гача бўлади. $1 \cdot 10^{-12} \text{ м}^2$ дан юқори ўтказувчанлик жуда юқори хисобланади. У унча чукур (1,5-2 км гача) бўлмаган жойларда ётувчи заиф зичлашган бир хил яхши цементланмаган қумтошлар ва қумларда, шунингдек саёз чукурликларда учрайдиган кўп ёриқли карбонат жинсларида кузатилади.

А.А.Ханин (1973) маълумотларига кўра суюқлик ва газлар кўчиши амалга ошадиган ғовак каналларнинг минимал ўлчами 1-3 мкм ни ташкил этади. Агар жинсда ҳар хил ўлчамдаги ғоваклар мавжуд бўлса, ундаги асосий фильтрация жараёни ўтказувчанлик қиймати катта бўлган ғоваклик орқали содир бўлади. Йирик ғоваклар ва каналлар умуман йўқ бўлган зич жинсларда флюидлар фильтрацияси ингичка ғовак каналлар (<30 мкм) орқали содир бўлади. Дарзли жинсларда эса бу жараён 1 мкмдан катта бўлган ёриқлар бўйлаб амалга ошади.

Ғовак каналларининг ва ёриқларнинг кенглиги 1мкм дан кичик бўлганда ғовак ва ёриқлар деворларининг молекуляр кучи флюидларга ғоваклар марказигача ва ёриқлар ўртасигача тарқалади. Натижада бу йўллар бўйлаб

фильтрация содир бўлмайди. Бу эса флюидлар жинсларга боғлиқ ҳолда қолишига олиб келади. Мисол учун гиллар ва аргиллитлар жинсларнинг ковак ва ғовак каналлари ўлчами 1 мкм дан кичик бўлгани сабабли коллектор сифатида ҳеч қандай саноат миқёсидаги аҳамиятга молик эмас.

Тоғ жинсининг ўтказувчанлиги, махсус тайёрланган цилиндр (диаметри 2- 4 см, баландлиги 2-3 см) ёки куб шаклидаги (кирра ўлчами 3-6 см) намуналарда аниқланади. Юзада ва қатламга яқин шароитларда ўтказувчанликни аниқлайдиган бир қанча асбоблар мавжуд (УИПК-1, УИПК-1М, УИПК-2). Ўтказувчанлик коэффициентиниң Дарси формуласи бўйича ҳисобланади ёки лаборатория шароитида бевосита ўлчаш ўйли билан аниқланади.

Дарзли ўтказувчанликни шлифларда микроскоп ёрдамида аниқлаш мумкин. Бунда қуйидаги ифода кўлланилади:

$$K_{дұт} = 85000 \text{ в}^2\text{м}$$

бу ерда: $K_{дұт}$ – дарзли ўтказувчанлик коэффициенти; v – шлифдаги дарзликнинг ўртача очиқлиги, см; m – дарзли ғоваклик, лекин $m = v/l/s$ ифодадан ҳам топса бўлади. Бу ерда, l – дарзлик узунлиги, см; s – шлиф юзаси, см². Юкоридаги формуладаги « m » ни ўрнига $v/l/s$ ифодасини қўйсак, қуйидаги кўринишни олади:

$$K_{дұт} = 85000 \text{ в}^3 \text{ л/с}$$

Ўтказувчанликни бу усул билан катта бўлмаган тоғ жинси майдонларида аниқлангани учун натижা ҳакиқий қийматларидан анча фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун ўтказувчанликни 15-20 см² ва ундан катта бўлган юзали шлифларда аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари бир неча шлифлардан (10 тагача) фойдаланиш ҳар қандай тасодифий элементлардан ҳоли бўлган ўртача ўтказувчанлик қийматини аниқлаш имконини беради.

⁷⁾ установка исследование проницаемости керна.

Ф.А.Требин қумтош коллекторларни муфассал ўрганиб, уларни ғоваклиги ва ўтказувчанлиги бўйича кўйидаги синфларга бўлишни таклиф этади.

- 1) А - юқори ўтказувчан коллекторлар ($K=300$ - 3000 мД ва $m=14\text{-}25\%$ ва >);
- 2) Б - ўртача ўтказувчан коллекторлар ($K=40\text{-}350 \text{ мД}$ ва $m=9\text{-}15\%$);
- 3) В - кам ўтказувчан коллекторлар ($K=0\text{-}50 \text{ мД}$ ва $m=0\text{-}10\%$).

Қумтошларнинг сирқиши чизигини K ва m коэффициентлари бўйича текшириш асосида Г.А.Теодорович коллекторларни тўртта гурухга бўлишни таклиф этди:

- а) ғоваклиги бўйича юқори текис ўтказувчан;
- б) ғоваклиги бўйича иотекис ўтказувчан;
- д) дарзлиги ва дарзланганлиги бўйича ўтказувчан;
- г) аралаш.

Табиатдаги мавжуд (нефт, газ ва сув ўтказиш кобилиятига эга бўлган коллекторлар) ётқизиқлар шартли равишда, асосан икки гурухга ажратилади: терриген ва карбонат. Асосан чакиқ тог жинсларидан ташкил топгандарни терриген жинслар бўлиб, буларга қумлар, қумтошлар, аргеллитлар, алевролитлар, конгломератлар ва уларнинг аралашмаларидан ҳосил бўлган коллекторлар киради.

Карбонат коллекторга асосан оҳактошлар, доломитлар ва мергеллар киради. Улар баъзи конларда биргаликда мавжуд бўлсалар, баъзиларида алоҳида учрайдилар.

Мутахассисларнинг фикрича ўтказувчанлик $0,01 \text{ мкм}^2$ гача бўлган жинслар паст ўтказувчанлик хусусиятига эга, $0,01\text{-}0,1 \text{ мкм}^2$ ни эса ўртача ўтказувчанликка эга ва $0,1 \text{ мкм}^2$ дан юқорисини эса яхши ўтказувчанликка эга коллекторларга ажратадилар. Шуни алоҳида қайд қилмоқ лозимки, ғовакли терриген ва карбонат коллекторлар, ўзларининг ғовакликларининг тузилиши билан фарқ қиласидилар. Карбонат тог жинсларидағи ғоваклар жуда тор каналлар билан туташади ва кўпинча бир хил шароитда уларнинг ўтказувчанлиги паст бўлади. Бундай хусусият ўз навбатида бу жинслар ғоваклигининг солиштирма юзаси билан фарқланишига ҳам сабаб бўлади. Бу кўрсаткич карбонат коллекторларда озрок, терриген тог жинсларида

юқори бұлади. Айниңса бу фарқ ўртаса ва ундан паст бұлған ўтказувчанликка әга бұлған жинсларга күпроқ мансубдир. Юқорида келтирилған жинс хусусиятлари коллекторларнинг нефтта шимилганилигини белгиловчи омиллардан биридир. Шунинг учун карбонат коллекторларда нефт билан шимилганилик даражаси озрок бұлади. Аксарият карбонат қатламлар қат-қатлық хусусиятига әга, шунинг учун ҳам бутун қатлам бүйіча гидродинамик алоқалар қийинлашади.

Карбонат тоғ жинсларда дарзликлар күпроқ ривожланғандыр. Күп ҳолларда уларнинг йұналиши қатламға нисбатан тенг ва оғма радиальда жойлашған бұлади ва дарзлик қатламнинг маҳсулдорлигини белгилайди. Чunksи, ёриқларнинг ўтказувчанлик хусусияти юқори, ундан ташқары ёриқларга ғоваклардан суюқлик оқиб келади ва улар үз навбатида суюқлик үйінгенде әлеуметтік вазифасини бажарадылар. Шунинг учун ҳам қатламдан олинған намунанинг ғоваклиги паст күрсаткычға әга бұлған қолда ҳам ўша конлардаги қудукларнинг маҳсулдорлиги терриген коллекторға нисбатан анча юқори бұлади. Демек, коллектор жинсларнинг ёриқлиги қатламдан нефт, газ ва конденсатни олиш шароитларига анча таъсир қиласы.

Чакық жинсли коллекторларнинг сифатини баҳо-лашда А.А.Ханин таснифидан (П.5.2-жадвал) көнг күламда фойдаланилади.

Коллекторларнинг сув, нефт ва газга түйинганлиги

Коллекторлар нефт ва газга шимилмасдан аввал сувга шимилгап қолатда бұлади. Сүнгра нефт ва газ миграцияси жараёнида «дифференциал түтилиш», қонуниятига мувофиқ табиий газ сув таркибидан ажраб, нефтта нисбатан қаралатчанлиги туфайли газ әнг юқори ўринларни, нефт әса ўрта қолатни, сүнг нефтьсув әнг остики вазиятни әгаллайды. Натижада, газ-нефт-сувдан иборат үюмлар қосыл бұлади. Демек, газ ва нефт қатламдаги маълум микдордаги сувни сиқиб чиқарып, унинг ўрнини әгаллар экан. Лекин ушбу жараёнда нефт ва газ қатламда

ўз ўринларини эгаллаши мобайнида маълум бир микдордаги сув, уюм худудида – қатламда колади. Бундай сувларни қолдик сувлар деб аталади.

II.5.2-жадвал

Кумтош-алевритли нефт ва газ коллектоларининг зарралароғовакликларини баҳолаш таснифи (А.А.Ханин бўйича, 1973)

Кол-лек-тор син-фи	Жинснинг номи	Самарали ғоваклик (Фойдали ҳажми), %	Газ бўйича ўтказувчаник $n \cdot 10^{-12} \text{ м}^2$	Колек-тор ўтказув-чанлиги
I	Кумтош заррали кумтош майдагаррали алевролит йирик заррали алевролит майдагаррали	>16,5 >20 >23,5 >29	>1	Жуда юқори
II	Кумтош ўрта заррали кумтош майдагаррали алевролит йирик заррали алевролит майдагаррали	15-16,5 18-25 21,5-23,5 26,5-29	>0,5-1	Юқори
III	Кумтош ўрта заррали кумтош майдагаррали алевролит йирик заррали алевролит майдагаррали	11-15 14-18 16,8-21,5 20,5-26,5	0,1-0,5	Ўртча
IV	кумтош ўрта заррали кумтош майдагаррали алевролит йирик заррали алевролит майдагаррали	5,8-11 8-14 10-16,8 12-20,5	0,01-0,1	Паст
V	Кумтош ўрта заррали кумтош майдагаррали алевролит йирик заррали алевролит майдагаррали	0,5-5,8 2-8 3,3-10 3,6-12	0,001-0,01	Жуда Паст
VI	кумтош ўрта заррали кумтош майдагаррали алевролит йирик заррали алевролит майдагаррали	0,5 2 3,3 3,6	<0,001	Одатда саноат ҳамиятига эга эмас

Нефт ва газ мавжуд коллектор-нинг сувга шимилганлик коэффициенти (K_c) деб қолдик сув ҳажмининг ҳаммаваклар ҳажмига нисбагига айтилади. Худди шунга ўхшаш коллекторнинг нефт (газ) га шимилганлик коэффициенти деб (K_n , K_r) коллектордаги нефт(газ) микдорининг ундаги очик ғоваклик нисбатига тушунилади. Бу тушунчани куйидагича ифодалаш мумкин: нефтта шимилган коллектор учун:

$$K_c + K_n = 1$$

газга шимилган коллекторлар учун

$$K_c + K_r = 1$$

газга шимилган коллекторларда қолдик сув билан қолдик нефт ҳам мавжуд бўлса:

$$K_c + K_n + K_r = 1 \text{ бўлади.}$$

Нефт, газ ва қолдик сувнинг қатламда тақсимланиш ҳолатлари ундаги суюқликларнинг ҳаракатига ва нефт-газни сув билан сикиб чиқариш жараёнига маълум даражада таъсир этади. Ундан ташқари тог жинсларининг ташкил қиласан доначаларнинг сув билан ўзаро муносабатларини ўрганиш ҳам аҳамиятга моликдир. Чунки, баъзи тог жинслари унча ҳўлланмайди, баъзи доначаларни эса атрофини сув ўраб олади, демак уни яхши ҳўллайди. Сув билан ҳўлланиши кам бўлган жинслар гидрофоб жинслар дейилади. Бундай шароитда қолдик сувнинг микдори 10% дан ортмайди, яъни $K_c > 10\% = 0,1$. Қолган вактларда доначалар сув билан яхши ҳўлланади, бундай жинслар гидрофилил жинслар дейилади. Бунда қолдик сувнинг микдори 0,1 дан юқори бўлади. Гидрофоб шароитдан нефтни сув билан сикиб чиқариш гидрофил шароитига нисбатан қийин кечади. Чунки, маълум бир микдор сув томчилари зарралари ювиш ўрнига уларнинг тепасига ёпишишга мажбур бўлади ва сикиб чиқариш жараёнининг кучи кесилади.

Колдик сувнинг миқдорини аниқлаш аввало нефт ва газ заҳираларини аниқлаш учун зарурдир. Нефт ва газга шимилғанлик даражаси қуидагига тенгдир:

$$K_n = 1 - K_c \quad \text{ёки} \quad K_r = 1 - K_c$$

Колдик сувлар аниқлаш лабораторияларда турли усуллар билан аниқланади. Аксарият нефт конларида нефтга шимилғанлик даражаси 0,7-0,9 атрофида бўлади. Нефтга шимилғанлик даражаси 0,6 дан паст бўлган конларни ишлатиш амалда деярлик мумкин эмас. Газга шимилғанлик даражаси 0,6-0,5 атрофларида бўлиши мумкин.

Сувга тўйинланишни көрсатадиганда бирор-бир ғовак бўшлиқнинг сувга тўлғанлик даражаси тушунилади. Уни бирликнинг улушларида ёки фойзларда ифодалаш мумкин. Агар, ғовак жинсларда ғоваклар 30% сувга тўлған бўлса, сувга тўйинланишни ($K_{c.t.}$) 50% ни ташкил этади.

Сувни жинс билан алоқасига кўра эркин ва боғлиқ сувга ажратиш мумкин. Эркин сув оғирлик кучи таъсирида ёки босим тушиши натижасида ғовак бўшлиқда ва ёриқлар бўйлаб ҳаракат қиласади. Нефт ва газни табиий саклагичларда шаклланиши жараённида эркин сувнинг анча кисми тоф жинсларидан сиқилиб чиқади. Боғлиқ сув эса жинсда қолади. У табиий ҳолатига кўра физик ва кимёвий боғлиқ бўлади. Физик боғлиқ сув – жинсда молекуляр куч таъсирида тўплланган кўринишида ёки ютилиш (сорбция) натижасида қайд этиладиган сув. Кимёвий боғлиқ сув эса – конституцион сув (гипсда - $\text{Ca}[\text{SO}_4] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) ва кристалл {малахитда - $\text{Cu}_2 [(\text{OH})_2\text{CO}_3]$ } сувдан иборат.

Жинсларнинг коллектор хусусиятига таъсири нуқтаи назаридан эркин ва физик боғлиқ сувлар мавжуд. Ҳар иккала сув ҳам жинснинг бўш таркибида жойлашади. Углеводородлар уюмининг шаклланиши жараённида жинсда физик боғлиқ сувнинг ҳаммаси ва эркин сувнинг бир кисми қолади. Чунки, охири ингичка бўлган капиллярларда ва донадор жинс минераллари контактларида капилляр кучлар мавжуд бўлиб, улар жинсда маълум даражада сувнинг қолишига сабаб бўлади. Бундай жинсда

қимиirlамасдан, ҳаракат қилмасдан қолган сув - қ о л - д и к с у в дейилади. Бу ҳодиса эса қолдиқ сувга түйин-гандик дейилади.

Қолдиқ сув таркибининг зичлик қисмининг юқори бўлиши охирги ва майда ғоваклар солиштирма юзасидан катта бўлишига караб ўзгариб боради. Масалан, кам зичлашган майда заррали кумларда қолдиқ сув 10-20 %ни ташкил этган бўлса, гилли алевролитларда 70-75% ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда қолдиқ сув тоғ жинсларининг фойдали ҳажмига ва коллекторлик хусусиятларига салбий таъсир этади, шу билан бирга у гилли жинсларнинг экранлаштирувчи хусусиятини оширади.

Физик боғлиқ сувнинг минераллар юзасидаги парда қалинилиги 0,0004дан 2 мкм гача бўлади. Сув пардалари нинг энг катта ўлчамлари 0,001-0,1 мкм ни ташкил қилади. 0,002 мкм дан кичик бўлган ғовакларда деярли ҳамма вақт ҳаракатланмайдиган сув билан тўла бўлади. Бундай ва бундан кичик ғоваклар етарли даражада зичлашган (К-0,9) алевролитлар, кумтошлар ва гил жинсларга хосдир.

Қолдиқ сувнинг микдорини аниқлашни турли усуллари мавжуд. Мисол учун: Дин ва Старк ёки С.Л.Закс асбоби ёрдамида намуна бағридаги сувни буғлатиб, маҳсус советкичда сувга айлантириб топиш мумкин.

Намунадаги сувни центрафуга усулида осонгина бажариш мумкин. Бу жараёнда аввал сув йирик ғоваклардан чиқиб келади ва айлантириш тезлиги ошиши билан капилляр ғоваклардаги сув ҳам ажралиб чиқа бошлайди.

5.2. Нефт ва газнинг қопқоқ тоғ жинслари

Нефт ва газ уюмларининг ер бағрида ҳосил бўлиши ва йиғилишининг энг муҳим шартларидан бири нефт ва газ уюмларининг сакланишини, яъни йиғилиши ва тарқалиб кетмаслигини таъминловчи омил – ғовак коллектор жинслар устида ётувчи газ ва суюқликларни ўзидан сизиб ўтказмайдиган тоғ жинсларининг мавжудлигидир. Бундай жинслар - нефтгазнинг қ о п қ о қ т оғ ж и н с-

л а р и деб аталади. Қопқоқ жинслар аксарият деярлик ўтказувчанликка эга бўлмаганликлари туфайли улар на юқорига ва на паст томонга нефт ва газнинг тарқалиб кетмаслигининг, асосий омили бўлиб хизмат қилади. Аксарият ҳолларда коллекторлар билан ўтказувчан бўлмаган қопқоқ жинсларнинг вертикал геологик кесимда бирин-кетин тақрорланиб келиши кўпинча кўп қатламли нефт ва газ конларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Қопқоқ жинслар ўзининг кўлами, қалинлиги, ўтказмаслик даражалари ва бошқа кўрсаткичлари (литологик таркиби, турли минералларнинг мавжудлиги) билан турличадир.

Табиатда энг кўп тарқалган қопқоқ жинслар – гиллар ва эвапорит (ош тузи, гипс, ангидрит) жинслардир. Улардан ташқари яна қаттиқ ва зич оҳактошлар, аргиллит ва алевролитлар хамда бошқа төф жинслари баъзан қопқоқ жинс вазифасини ўташлари мумкин. Лекин, уларда ёрикликлар мавжул бўлиб қолса, улар қопқоқ жинс сифатида ўз хусусиятларини маълум даражада йўқотган бўладилар. Гилли жинслар орасида энг яхши ва ишончли қопқоқ вазифасини монтмориллонитдан ташкил топган гиллар ташкил қилади. Ушбу гилларга бироз намлик тегиши билан улар кўлчиб, шишиб кетадилар ва улар шу тариқа бир томчи суюқлик ва газни ҳеч қаёққа ўтказмайдилар.

Эвапорит жинслар орасида ош тузи қатламлари ва ангидритлар босим остида оқувчанлик хусусиятига эга бўлганликлари учун (айниқса ош тузи) уларда ўтказувчаник мутлақо бўлмайди. Фарбий Ўзбекистондаги йирик нефт ва газ конларидаги коллекторларнинг қопқоги сифатида эвапоритлар хизмат қилади. Бундай ҳолат Жазоирдаги гигант конлар Хаси-Мессауд ва Хеи-Мелда ҳам кузатилади.

Аксарият ҳолларда маълум даражада қопқоқ вазифасини ўтаган жинслар уларда ёриклик жараёнининг иккиласми чирвожланниши натижасида коллекторга айланиши ҳам кузатилган. Бундай ҳолатлар Фарбий Сибир конларида рўй берганлиги аниқланган.

Мавжуд конларда қопқоқ вазифасини ўтаган жинсларнинг кўламини, тутган ўрни ва аҳамиятини чукур ўрганиш натижасида Э.А.Бакиров (1972) қопқоқ төф жинслари таснифини ишлаб чиқди.

Ушбу таснифга асосан ўз кўлами жиҳатидан бутун нефтгаз провинциясида тарқалган ёки унинг кўп қисмини эгаллаган, ҳамда амалда флюидларни (газ ва суюқликлар аралашмаси) мутлако ўтказмайдиган қатламларни реғионал қопқоқлараб деб аталади. Бунга мисол тариқасида Турон плитасининг альб ётқизикларидағи қуий бўр даври гилларини келтириш мумкин.

Субрегионал қопқоқ амалда флюидларни ўтказмайдиган ҳамда биринчи тартибли бир тектоник элемент ҳудудида тарқалган бўлади. Бунга мисол тариқасида Амударё, Мурғоб ва Шарқий Кубан ботиклигига мавжуд юкори юра эвапорит ётқизикларини ёки Фарбий Сибирдаги юкори бўр бўлинмасининг турон гилларини келтириш мумкин.

Зонал қопқоқ қаторига каттагина қалинликка эга бўлган ҳамда амалда флюидларни ўтказмайдиган иккинчи тартибдаги тектоник элементларнинг ҳудудини қоплаган ёки бутун бир катта ҳудуднинг бир қисмини эгаллаган ётқизикларни киритиши мумкин. Мисол тариқасида Турон плитасининг шарқ қисмидаги альб гилларини келтириш мумкин.

Локал (ёки маҳаллий) қопқоқ қаторига бир ва бир неча яқин жойлашган конлар ҳудудида мавжуд бўлган флюид ўтказмайдиган тоғ жинслиари киритилади. Бундай ётқизиклар муайян конлардаги нефт ва газ уюмларини саклашда хизмат қилиди.

Ундан ташқари Э.А.Бакиров (1972) нефтгаз қопқоқларини нефтгаз тўпланиш қаватлари бўйича ҳам тақсимлаган. Чунончи, бир неча қават бўйича барқарор бўлган қопқоқлар бир катта ҳудуднинг бир неча қаватларида ўз вазифаларини “бажарган” бўлсалар, қаватлар аро қопқоқлар ҳар бир горизонтдаги нефт ва газ уюмининг ҳосил бўлишида хизмат қилиади.

Копқоқ жинсларнинг микдорий кўрсаткичларини ифодалаща А.А.Ханин (1969) таснифидан фойдаланиш мумкин.

6 - боб

НЕФТ ВА ТАБИЙ ГАЗНИНГ ЕР ПУСТИДА ХОСИЛ БҮЛИШИ (ГЕНЕРАЦИЯСИ) ВА СИЛЖИШИ (МИГРАЦИЯСИ)

6.1. Нефт ва табий газнинг генерацияси

Нефт ва табий газнинг табиатда ҳосил бўлиши ҳақидаги муаммо узоқ тарихга эга бўлса ҳам, аммо шу кунга қадар ўз ечимини узил-кесил тонгани йўқ. Ушбу ўтган давр мобайнида ўтказилган тадқиқотлар натижасида белгиланган фаразларни умумлаштирган ҳолда, бაъзи бир экзотик карашлардан ташқари, қўйидаги уч йирик гурухга бўлиш мумкин (П.6.1-расм):

1. Органик; 2. Ноорганик ва 3. Микстгенетик.

Органик фара засосан, нефт биосферадаги органик моддаларнинг қайта ўзгаришидан ҳосил бўлган маҳсулот деб ҳисобланади. Унга кўра тирик организмлар (ҳайвонот ва ўсимлик дунёси) геологик ўтмишда чўкинди тоғ жинсларда катлангандан сўнг уларнинг молекуляр тузилиши қайта ўзгаришидан нефт ҳосил бўлади. Молекуляр қайта ўзгарган маҳсулотлар билан нефт орасида ўзаро молекуляр боғликлар ва ўхшашлиқ борлиги аникланди. Углеводороднинг, умуман нефтнинг, таркибида азот, олтингугуртли ва металлоорганик бирикмаларнинг молекуляр тузилиши ва таркиби ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги маълум бўлди. Шунингдек органик моддаларнинг молекуляр тузилиши билан генетик ўхшашлиги борлиги тасдиқланди. Бу ўз навбатида нефтни ноорганик синтез йўли билан ҳосил бўла олмаслигини кўрсатди. Органик моддалар ва нефт учун умумий бўлган муҳим хусусиятларидан бири уларнинг оптик фаоллигидир. Нефтнинг оптик фаоллиги асосан тритерпан ва стеран туридаги углеводородлар билан боғлиқ, бунга гопан($C_{27}H_{46}$)

21 аср

УВ синтезининг
микстенетик схемаси (TOM)
ва ИМХ чукурлик каналлари
иштирокида)
(А. А. Абидов, 1998–2004)

Литосфера пілтталари
тектоникаси нүктай
назариянан
TOM да УВ синтезі
схемасы
(В.П.Гаврилов, 1988)
(В.Е.Хайн, Б.А.Соколов,
1984)
(Н.Я.Кунин, 1979)
О.Г.Сорохтий, 1974)
Х.Д. Хедберг, 1970)

Органик моддалар нефть-
газининг асосий манбасы
(О.М.Акрамхұжасв.
1973–1985)

Нефть-газ ҳосил
бұлишининг классик иұлы
(А.А.Бакиров, 1987)

Чүкінди – миграция
назариясы (Н.Б.Вассоевич,
1962–1972)

Биокиме асослары
(В.И. Вернадский, 1927–1945)

Нефть яраты
олуучи ётқизиклар
(И.М.Губкин, 1937)

Чүкінди
ётқизикларданғы TOM
нинг қайта үзгарыны (Г.Потанье, 1986)

Юқори температура за
босимда УВ синтезі
схемасы
(Э.Б.Чекалок, 1971)
(П.Маркс, 1964–1971)
(И.В.Гринсберг, 1966)
(Л.Н.Елацкий, 1965)
(В.Б.Порфириев, 1959)
(Н.А.Кудряницев,
1951–1953)

Қаттық мантияның
газсизләнеші
(П.Н.Кропоткин,
1953–1955)

Магматик үшіншіларда УВ
ҳосил бұлиши
(Ю.Коси, 1905–1914)
(Э.Штебер, 1914–1924)

Карбид фарызы
(Д.И.Менделеев, 1877–1897)

20 аср

TOM — тарқоқ органик модда
ИМХ чукурлікдеги – иссек массаса
харакатлашыпканаллар
УВ — углеводородлар

П.6.1-расм. Нефт ва газ ҳосил бұлиши ҳақидаги
фикрларнинг уч йұналиши.

мисол бўла олади. Унинг молекуляр тузилишида органик моддалар (денгиз сувўтлари, бактериялар) га хос бўлган тўртта гексанафтен ҳалқалар қатнашади.

1888 йилда немис олимлари Г.Гефер ва К.Энглер ҳайвонат қолдиқларидан нефт олиш мумкинлигини лаборатория усулида исбот қилдилар. Улар 400°C температура ва 10 атмосфера босим остида сельд ёғини ҳайдаб ундан ҳар хил маҳсулот ва газ олишга мусассар бўлдилар.

1919 йилда худди шундай тажрибани академик Н.Д. Зелинский қайта амалга ошириб, ўсимлик қолдигидан шунга ўхшаш маҳсулотларни олади.

Нефтнинг органик моддалардан ҳосил бўлишидан дарак берувчи муҳим хусусиятларидан бири, унда сон саноқсиз “молекуляр қазилмалар” – хемофоссилларнинг бўлишидир, яъни биоорганик моддалардан мерос бўлиб ўтган молекуляр структуралардан иборатлигидир. Нефтни мукаммал ўрганиш унинг таркибида аникланилаётган хемофоссиллар сонининг ошишига олиб келмоқда. Хемофоссиллар микдори нефт таркибида 30-40% гача етиши мумкин деб ҳисобланмоқда. Нефтнинг муҳим биоген белгиларидан бири, тирик модда хусусиятига эга бўлган изопренойдли углеводородлардан, айниқса фитан ве пристанлардан таркиб топганлигидир. Пристан – айрим ҳайвонлар танасида учрайди. Углеводородларнинг ҳар бир тури органик синтезнинг юқори босқичида сунъий синтез ёрдамида олиниши мумкин. Унинг синтези табиий шароитларда ҳам содир бўлади. Лекин, $\text{C}_{20}\text{H}_{42}$ углеводороди назарий жиҳатдан 366-319 изомерли структурага эга, аммо нефтда кўп микдорда улардан факат бири – тирик моддадан иборат фитан қатнашади. Мерос биоген структураларга кўплаб н-алканлар (C_{17} ва ундан юқори) киради, улар узун занжирли кислородга бой биокимёвий бирикмалар - мумларнинг термокатализидан ҳосил бўлади. Нефтдаги микдори 10–15%, баъзан 40% гача бўлади. Биоген ёғли кислоталардан ҳосил бўладиган н-алканлар «ток» парафинлар «жуфт» ларига нисбатан кўп бўлади.

Нефтнинг ҳосил бўлиши мураккаб ва узок давом этадиган жараён бўлиб, у чўкинди тоғ жинсларининг

ҳосил бўлиши билан боғлиқдир. Бу жараённинг содир бўлиши учун йирик денгиз ва океан ҳавзалари, шунингдек кўл ва дарёлар ўзанидан иборат ҳавзалар ҳам қулай макон ҳисобланиб, чўкинди жинсларнинг қатланиш жараёни субаквал яъни сувли муҳитда кечиши лозим. Акс ҳолда куруклиқдаги органик материаллар оксидланиши натижасида торф ва кўмирга айланиши мумкин.

Хар бир денгиз ва океан ўзининг ўсимлик ва хайвонот оламига эга. Нефт ва газ ҳосил бўлишида эса океан ва денгизларнинг катта ҳажмини эга咧овчи микроорганизмлар (планктонлар) муҳим аҳамият касб этади. Демак, нефт ва газ ҳосил бўлишида албатта сувли муҳит бўлиши зарур.

Шу ўринда Абу Райҳон Берунийнинг қўйидати фикрини кўриб чиқамиз: "Денгиз ўрни қуруклиқ, қуруклиқ ўрни эса денгиз билан алмашади". Арабистон чўллари худди ана шундай ҳодисани ўз бошидан кечирган. Бу ерлар ўз вақтида денгиз сувлари билан қопланган бўлиб, ҳозирда эса чексиз кўмликлар билан қопланган".

Бугунги кунга келиб Арабистон чўлларида жойлашган давлатларда (БАА, Саудия Арабистони, Кувайт за бошқалар) йирик нефт конлари мавжуд бўлиб, бу эса нефт ҳосил бўлишида сувли муҳитни зарурлигини ва шу ўтмиш сувли муҳитда органик моддаларнинг йирик масштабда барк уриб ривожланганлигидан далолат бериб, юқорида айтилган фикрни тасдиқлади.

Тарқоқ органик моддаларнинг қайта ўзгаришидан ҳосил бўладиган нефт маҳсулотларининг молекуляр тузилишини чукур ва мукаммал ўрганиш натижасида қўпгина тадқиқотчилар нефт ҳосил бўлиши асосан органик йўл билан амалга ошиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Нефт ва газнинг органик йўл билан ҳосил бўлицилиги ҳақидаги илмий тадқиқотлар қатор олимлар томонидан (А.А.Абелсон, О.М.Акромхўжаев, А.А.Бакиров, Э.А.Бакиров, А.Г.Бобоев, М.С.Бурштар, А.И.Богомолов, Н.Б.Вассоевич, Н.Н.Вильсон, В.С.Вишемирский, В.В.Вебер, А.А.Геодекян, В.В.Глушко, И.М. Губкин, Н.А.Еременко, В.И.Ермолкин, М.К.Калинко, А.А.Карцев,

А.Э.Конторович, С.П.Максимов, В.Д.Наливкин, С.Г.Неручев, И.И.Нестров, А.А.Петров, О.А.Радченко, К.Ф.Родионова, А.А.Трофимук, В.А.Успенский, У.Коломбо, М.Луи, М.Хант, Т.Хэбсон ва бошқалар) турли чўкинди ҳавзалар мисолида жадал ривожлантирилди. Нефт яратувчи ётқизиклардаги органик моддалар литогенез жараёнининг ҳамма босқичларида нефтга айланиши кузатилади.

Протокатагенез минтақасида (платформаларда 1,5-2 км гача) чуқурликда она жинс ётқизиклари чўкишининг дастлабки лаҳзаларида жинслардаги тарқоқ органик моддалар қисман ўзгаради, ундан кислород чиқиб кетади ва тарқоқ органик моддалар таркибида нефтли углеводородлар миқдори ошади. Тарқоқ органик моддаларда ўзгаришнинг дастлабки лаҳзаларида нефт учун хос бўлган паст молекулали углеводородлар пайдо бўла олмайди. Улар фақат термодеструкция жараёни ривожланишининг охирги даврида юзага келади. Тарқоқ органик моддаларнинг газ фазасида углерод икки оксиди кўп учрайди, қисман метан ва унинг гомологлари ҳам қатнашади. Шундай қилиб, бу босқичда нефт углеводородининг ҳосил бўлишидан ҳали дарак бўлмайди. Она жинсларнинг 2-3 км га чўкиши, температуранинг 80-90⁰С дан 150-170⁰С гача кўтарилиши ва мезокатагенетик босқич нинг бошланиши билан тарқоқ органик моддалар деструкцияси содир бўлади, нефт углеводородлари шиддат билан туфила бошлайди. Натижада нефт ҳосил бўлишининг асосий фазаси юзага келади. Микронефтнинг асосий массаси ва паст молекулали углеводородлар ҳосил бўлади. Она жинслардан углеводородлар чиқиб кета бошлайди. Нефт ҳосил бўлиши асосий фазасининг охирига келиб, тарқоқ органик моддаларнинг нефт ярата олиш имконияти сўнади. Тутқичларга тарқоқ органик моддалардан ажralган нефт силжиб келиши ва тўпланишидан нефт уюmlари пайдо бўлади. Она жинс ётқизикларининг янада чўкиши (3,5-4км га) ва температуранинг 170⁰С дан ошиши, ($MK_4 - AK_1$) катагенезда газ ҳосил бўлишининг асосий фазасини юзага келтиради. Тарқоқ органик моддаларнинг юқори темпера-

турали деструкцияси метаннинг кўп микдорда тўпланишига олиб келади. Ҳосил бўлган углеводород газларининг коллекторлар томон силжишидан ҳамда уларнинг вертикал йўналишда юқорига ҳаракатланишидан чўкинди қопламаларининг юқоридаги горизонтларда ҳам газ уюмлари вужудга келади. Она жинсларнинг кейинчалик чўкиши (6-7 км ва ундан чукур) апокатагене з миңтақаси га тушиб қолган қолдик тарқоқ органик моддалар бой жинслардаги углеводородларнинг тўлиқ ажralиб чиқишини ҳамда нефтгаз ҳосил қилувчи жинсларнинг ўз имкониятини тўлиқ намоён қилишини таъминлайди. Метаннинг тўпланиши давом этсада, унинг шиддати пасайди.

А.А.Бакиров акад. И.М.Губкиннинг илмий ишларини тараккий эттириб, 1955 йил литосферада нефт ва газнинг ҳосил бўлиш жараёни олти босқичдан иборатли-гини кўрсатди:

- 1) органик моддаларнинг йигилиши;
- 2) углеводородларнинг ҳосил бўлиши ёки генерацияси;
- 3) углеводородларнинг силжиши ёки миграцияси;
- 4) углеводородларнинг тўпланиши ёки аккумуляцияси;
- 5) углеводород уюмларининг сақланиши ёки консервацияси;
- 6) углеводород уюмларининг бузилиши ёки қайта тақсимланиши.

Таъкидланган ҳар бир босқич, ўзаро боғлик ва бирбирини кувватловчи ички ва ташки кувват манбалари таъсирида ва ўраб турган муҳитнинг ўзига хос шароитларида содир бўлади. Муҳитнинг ташки кувват манбаларига:

- 1) аста – секин ортиб бораётган устқатламлар босими (геостатик босим);
- 2) тектоник кучлар босими;
- 3) суюқлик ва газларнинг (флюидлар) оғирлик кучлари таъсирида ҳаракатланиши натижасида содир бўлган гравитацион кучлар;
- 4) ернинг температура оқими таъсири;
- 5) гидродинамик кучлар;
- 6) капилляр кучлар киради.

Мұхитнинг ички күзват манбаларига:

- 1) микроорганизмларнинг ва ферментларнинг биокимёвий таъсири;
- 2) органик модда сақловчи ётқизикларнинг каталитик таъсири;
- 3) органик моддалар ва углеводородларнинг ички кимёвий қуввати таъсири;
- 4) қатламлардаги радиоактив минералларнинг таъсири;
- 5) жинсларнинг кристалланиш ва қайта кристалланиш қуввати;
 - а) молекуляр күчлар, б) углеводородларни кичик ғоваклардан катта ғовакларга сиқиб чиқарувчи сувнинг молекуляр күчи, в) углеводородларнинг ва ётқизик жинсларнинг тарант кенгайиш күчлари, г) жинсларнинг зичланиш қуввати, д) электрокинетик күчлар киради.

Нефт ҳосил бўлиши даги ноорганик фараз XIX аср давомида пайдо бўлди. М. Бертолло (1866), А. Биассон (1866), С. Клоэи (1878), ўзларининг углеводородларнинг ноорганик синтези бўйича ўтказган лаборатория тадқиқотлари асосида ишланган гипотезаларини таклиф этдилар.

Д.И.Менделеев 1877 йилда "Химия асослари" китобида "карбид гипотеза"сини илгари сурган эди. Ушбу гипотезага мувофиқ ер қаъридаги дарзликлар бўйлаб ер марказига қараб атмосфера сувлари сизиб боради, темирли карбид билан реакцияга киришади ва углерод билан ўзаро таъсир этади. Натижада тўйинган ва тўйинмаган углеводород ҳосил бўлади. Ушбу углеводород шунингдек, дарзлик ва ёриклар бўйлаб юкорига миграция қиласи ва қулай шароит бўлган жойда нефт уюми кўринишида шаклланади.

АҚШда уни Е. Марк Дермат (1938), Р.Робинсон (1963) томонидан таклиф этилди, бироқ геолог-нефтчилар томонидан у қатъий қаршиликка учради.

Собиқ Совет Иттифоқида (МДХ) нефт ва газнинг ноорганик йўл билан ҳосил бўлишини олимлардан Н.С.Бескровний, Г.Е.Бойко, И.В.Гринберг, Г.Н.Доленко, А.И.Кравцов, Н.А.Кудрявцев, В.Ф.Линецкий, Д.И.Менде-

леев, В.Б.Порфириев, Э.Б.Чекалюк ва бошқалар исботлаштыра ҳаракат қылғанлар.

Нефт ва газни ҳосил бўлишидаги ноорганик типотеза ҳақида В.Д.Соколов (1889) бошқа йўналишни таклиф этди. Унинг айтишича космик бўшлиқда водород ва комета думидаги углерод ва углеводород газларнинг борлигини ўрганиб углеводород ер пайдо бўлган вактдаёқ ҳосил бўлган.

П.Н.Кропоткин (1985) фикрича углеводород литосферанинг чўкинди қатламларида мантиянинг дегазацияси (газсизланиши) натижасида ҳосил бўлади.

Айрим тасаввурлар бўйича ер пўсти ва юқори мантия иккита геосферага бўлинади. Юқори геосфера-оксисфера (чукурлиги бир неча км) ва остикиси - редуктосфера (чукурлиги 150 км гача) деб аталади. Редуктосфера газ-флюид фазаларини тиклаш шароити билан тавсифланиб, бунда кўп микдорда водород, метан ва бошқа углеводород, шунингдек H_2O , CO_4 , ва H_2S , анча микдордаги азот ва гелий мавжуд. Бу газлар дарзликлар бўйича юқори қатламларга ўтади ва тутқичларда тўпланадилар. Н.А.Кудрявцев (1966, 1967) фикрича ер планетасини пайдо бўлишида углеводородлар таркиб топган бўлиб, юқори температура (бир неча минг градус) таъсирида углеводород радикаллари ва водородга парчаланади. Улар литосферанинг юқори қисмига кўтарилиб, нисбатан юқори бўлмаган температурада бу радикаллар ва водородлар қайта бирлашиши натижасида нефт, газ ва конденсат уюмлари ҳосил бўлади.

Н.А.Кудрявцевнинг (1966, 1967) таъкидлашича хамма органик бирикмалар углерод ва водородга парчаланади, кейинчалик CH , CH_2 , CH_3 радикаллар ҳосил қиласи, сўнг ер бағрида (магмадан чиққандан кейин) полимерланиш ва синтез жараёнлари таъсирида нефтли қатор углеводородлар ҳосил қиласи. Нефт қаторидаги углеводород кўп, аммо уларнинг ҳосил бўлиш жараёни ноаниқ бўлиб қолмоқда. В.Б.Порфириев (1966, 1967) магмада углеводород ҳолати муаммосидан қочиб, улар магмада ўзгармайди, қатлам юзасига юқори температура ҳолатида ва жуда юқори босимда чиқади дейди.

Нефт ва газнинг ноорганик йўл билан ҳосил бўлишини бу оқим тарафдорлари қўйидаги фикрлар билан асослашга ҳаракат қиласидар.

1. Космик моддаларда углеродли бирималар қаторида углеводороднинг бўлиши. Космик зондлар ёрдамида Юпитер ва Титан атмосфераларида C_2H , C_2H_4 , C_2H_6 , C_2H_8 , C_4H_2 , HCN, HC_3N , C_2N_2 , борлиги аниқланди. Ушбу ва бошқа углеродли бирималар юлдузлар оралигидаги чангсизон булутларда ҳам бор деб тахмин қилинади. Метеоритларда углерод ҳамда метанли флюид аралашмалари тури шаклда учрайди.

2. Ер мантиясида $1300-1500^{\circ}C$ температурада кислороднинг учувчанлиги пасаяди, бундай шароитда метан мавжудлиги эҳтимоли бор.

3. Мантиядан келиб чиқсан магматик маҳсулотларда углеродли бирималарнинг мавжудлиги. Мантияниң дифференциацияланиши ва иссиқда газсизланиш маҳсулотлари: кимберлитлар ва уларнинг минераллари (олмос, оливин, гранат ва б.) да, перидотитлар, толеитли базальтлар, нефелинли сиенитлар ва бошқа ишқорли жинсларда, шунингдек ёш ва қадимги вулқонларнинг гидротермал суюқликларида H_2 , CO, спирт, CH_4 ва айрим мураккаб углеводородларнинг бўлиши.

4. Мантияниң газсизланиш ҳодисасининг мавжудлиги. Ёйсимон жойлашган оролларда ҳозирги кунда ҳаракатдаги вулқонларнинг газсизланган маҳсулотлари кўмир-углеводородли таркибга эга эканлиги. Замонавий термал майдонлардаги рифтларда водород ва метаннинг борлиги кузатилади. Мантияниң “совук” газсизланишидан катта гидростатик босим остида бўлган кристаллик пойдеворлардаги гранитларда нефт тўпланиши кузатилади. Совук водородли ва метан водородли газсизланиш йирик чуқур ёриқлар минтақаларида (масалан, АҚШнинг Калифорния штатидаги Сан-Андреас ташлама-узилмали-суримасида) кузатилади.

5. Йирик нефт ва газ манбалари литосфера плиталининг чекка қисмларидаги чуқур эгилма ($6-10$ км ва ундан чуқур) чўкинди ҳавзаларида жойлашган бўлиб, ривожланишнинг ороген ва рифт босқичларида юзага

келган, сейсмоактив геодинамик миңтақалар билан чегараланади. Күпгина нефтгаз ўлкалари грабен ва чукур Ер ёриқлари билан генетик боғлиқ.

6. Чўкинди ҳавзаларнинг бурмаланган чеккаларида саноат миқёсида тўплана олмайдиган углеводородларнинг урта ва паст температурали эндоген рудаланишида (полиметаллар, симоб, уран ва бошқалар) парагенезининг мавжудлиги; чўкинди ҳавзалари ичида нефтда V, Ni, Fe, Cu, Mo, Co, Mn, Zn, Cr, Hg, As, Sb ва бошқа металларнинг кўп микдорда учраши. Бундай қонуният нефт ва металлардан дарак берувчи углеводород моддалар манбаининг умумийлиги билан изоҳланади.

7. Нефт ва газ манбалари катта (глобаль) ва регионал худудларда нотекис жойлашган. Бунинг асосий сабаби уларнинг бир жой (ўчоқ) да ўрнашганлиги ёки вертикал йўналишларда юқорига силжишидадир. Дунё бўйича аниқланган йирик нефт ва газ ресурслари асосан бир неча ҳавзаларда жойлашган. Ер иўстида аниқланган 600 чўкинди ҳавзасидан 400 таси чукур бурғилаш орқали ўрганилган, улардан 240 таси самарадор эмас. Саноат миқёсидаги 160 нефт ва газ чўкинди ҳавзаларида 26 ҳавза дунёдаги нефт ва газ манбаларининг 89% ини (Арабистон - Эрон кони 47,5% ни ташкил қилади), яна 24 та ҳавза - 6,28% ва 110 та ҳавза - фақатгина 4,72 % ини ташкил этади. Бу нотекислик яна шундан далолат берадики, дунёдаги нефт заҳираларининг 80 % и, 37 та супергигант ва 300 та гигант конларда мужассамлашган.

Юқорида қайд қилинганлардан кўриниб турибдикি, нефтнинг ноорганик йўл билан ҳосил бўлиши умумий мулоҳазаларга асосланган.


Нефт ва газ ҳосил бўлиши нинг миқст генетик йўналиши. 1990 йилларга келиб нефт ва газнинг пайдо бўлиши тўғрисида чоп этилган илмий асарлар, мақолалар ва маълумотлар таҳлили ҳамда Дунё нефтгаз провинцияларининг шаклланишини геодинамик нуқтаи назардан ўрганиш асосида А.А.Абидов миқст генетик назарияни илгари сурди. Унга кўра, нефт ва газнинг ҳосил

бўлишида асосий манба тарқоқ органик моддалар билан бир қаторда ер пўстининг чуқур қатламларидан юкорида жойлашган чўкинди жинслар томон ҳаракатла-наётган турли газ ва суюқ моддалар бўлиб, улар таъсирида чўкинди жинслардаги органик моддалардан углеводород ҳосил бўлади деб хисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида нефт ва газлар ҳосил бўлишининг микстгенетик фарази қўйидаги маълумотларга асосланади: маълумки мезозой-кайназой чўкинди қатламлари ичиди тарқоқ органик моддалар кўп микдорда учрайди, ўз навбатида уларга катта чуқурликдан келаётган флюидлар ҳам таъсир этади. Ер пўстидаги иссиқлик оқимининг катта чуқурликдан чиқиб келаётган флюидлар билан ўзаро ўрин алмашинишидан ўндан ортиқ аномал минтақалар вужудга келади. Уларга Марказий Қизилқум, Бухоро-Хива регионидаги палеорифт системасидаги юқори температурали иссиқлик оқими, Сурхондарё мегасинклиналидаги Боянгора майдони, Фарғона тоғлараро ботиклигидаги Адрасман-Чуст аномаллигини ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Марказий Қизилқум аномаллигига метан ва водород эманацияси (радиоактив нурланишида вужудга келадиган газ маҳсулотлари) тажриба асосида аниқланган. Бу ерда уч, мўътадил (0 дан 10 гача), умумий фонга нисбатан 10000 шартли бирликка кўп бўлган шиддатли ва доирасимон кўринишдаги эманациялар ажратилган. Эманациянинг энг юқори қиймати палеозой вулкан-тектоник структураси оғзига тўғри келади. Иссиқлик оқими зичлик қийматига ва аномал минтақалар майдонининг катта-кичиклигига қараб бошқа жойларда, катта чуқурликда уларга мос келувчи эманация маҳсулотларининг ҳосил бўлишини тахмин қилиш мумкин. Бундай аномалиялар таъсирида бўлган минтақаларда жуда йирик нефт газ конлари жойлашганлиги А.А.Абидов фикрича микстгенетик йўналишнинг асослигини тасдиқлайди.

Юқорида қайд килинган маълумотларга асосланиб А.А.Абидов нефт ва газларнинг бундай йўл билан ҳосил бўлишини қўйидагича изоҳлайди (II.6.2-расм): 1) нефт ва

газнинг микстгенетик ҳосил бўлишида Ернинг газизла-ниши (дегазацияси) дан чукурликда пайдо бўлган флюидлар тарқоқ органик моддалар билан бир қаторда бошлангич ашё ҳисобланади; 2) ўзига хос термобарик шароитли, иссиқлик оқими ва флюидлар ҳаракатлана оладиган каналлари бўлган чўкинди ҳавзалар микстгенетик йўл билан ҳосил бўлишида чукурликдаги флюидлар оқими таъсирида содир бўладиган реакциялар системаси органик моддаларнинг парчаланиши жараёнига мос келади.



II.6.2-расм. Углеводородлар табиий синтезининг микстгенетик схемаси (А.А.Абидов, 2001).

К.А.Клещев, А.Н.Дмитриевский, А.М.Согалевич, Ш.С.Баланюк, В.В.Матвиенко, Б.М.Валяев ва бошқа әлимлар океан тубида углеводородларнинг ҳосил бўлишини микстгенетик фаразга яқин тарзда изоҳлайдилар. Унга кўра, юкори мантиядаги ўта асос жинсларнинг серпентинланиш жараёнида океан сувларининг ва улардаги карбонат ангидрид газининг парчаланишидан метаннинг гидротермал синтези содир бўлади. Шу сабабли органик моддаларга бой бўлган ва юкорида жойлашган чўкинди жинсларга водороднинг шиддат билан кириб келишидан кўп микдорда углеводородлар ҳосил бўлади. Шунга ўхшаш гидродинамик ҳолат ёш рифтлар ривожланаётган минтақаларга ҳам хос (Қизил денгиз, Кайман нови).

Тинч океанидаги Тонга ва Кермадек вулқон эроллари яқинида кўп микдорда тўплланган угеводородларни ўрганган К.А.Клещев ва бошқалар (1996) океан тубида бўладиган вулқон жараёнлари ва гидротермал әқимлар таъсирида углеводородлар ҳосил бўлиши мумкинлигини асосладилар. Шу сабабли вулқон жараёнлари тез–тез қайтарилиб турадиган океан туби нефт ва газ пайдо бўлиши мумкин бўлган истиқболли майдон қисобланади.

Юкоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, нефт ва газларнинг ҳосил бўлиши тўғрисида турли фаразлар мавжуд. У ёки бу фаразни қанчалик ҳақиқатга яқинлигини чукур тадқиқотлар асосида исботлаш лозим.

6.2. Нефт ва газ миграцияси

Миграция деганда нефт ва газни ернинг чўкинди жинслар таркибида силжиши ҳаракати тушунилади. Миграция йўллари сифатида тоғ жинсларидағи говаклар ва дарзликлар, шунингдек узилманинг бузилиши, стратиграфик номувофиқликлар хизмат қиласи. Худди шулар орқали нефт ва газ ернинг юза қисмига ҳам чиқиши мумкин.

Миграция бир қатламни ўзида ҳам бўлиши мумкин ва бир қатламдан иккинчисига ўтиши ҳам мумкин.

Миграция ўз навбатида қатлам ичи (комплекс бўйлаб) ва қатламлараро (комплексларро) га ажратилади.

Биринчиси, асосан қатлам ичи ғоваклик ва дарзликларида, иккинчиси - қатламлараро нефт ва газ миграцияси тоғ жинслари (диффузия) ғовакликлари бўйича ҳам бўлиши мумкин.

В.П.Савченко тадқиқотлар ўтказиб, нефтгаз жойлашиши қатламлараро миграция натижасида ўзига хос "портлаш қувурчаси" орқали, қолдиқ газлар йигилишидаги жуда катта босим натижасида, тоғ жинсларида содир бўлади. Комплекслар бўйлаб ва комплекслар миграция ёnlама (лотерал) ва бўйлама йўналишларда бўлиши мумкин. Шу нутқтай назардан, ёнланма ва бўйлама миграция ажратилади.


Харакат характери бўйича физик ҳолатига боғлиқ миграция молекуляр (диффузия, сув билан эриган ҳолатда ҳаракатланиши) ва фазалига (эркин ҳолатда) бўлинади. Кейинги ҳолатда углеводород суюқ (нефт) ва газсимон (газ) ҳолатида, шунингдек бугсимон нефтгазли эритма қўринишида бўлади.

Нефтгаз яратса олувчи қатламларга нисбатан бирламчи ва иккиласми миграция ажратилади.

Углеводородлар она жинслардан ажралиб коллекторларга ўтиш жараёни нефтгазнинг бирламчи миграцияси ёки эмиграция деб аталади. Нефтгазни коллектор жинслари бўйлаб силжиши иккимла миграция дейилади (II.6.3-расм).

Миграция ҳаракат масштаби бўйича регионал, зонал ва локал бўлиши мумкин.

Бирламчи миграцияда гилли, нефтгаз яратса олувчи она жинслардан сув билан бирга углеводородлар сиқилиб чиқиб қатлам коллектор жинсларига ўтади. Юқорида таъкидланганидек бирламчи миграция углеводородларнинг эмиграцияси деб ҳам аталади. Углеводородларнинг эмиграция тезлиги бундай ҳолатда сув миграцияси тезлигидан кам бўлмайди.



II.6.3-расм. Бирламчи ва иккиламчи миграция тасвири.

Миграция:
1 -бирламчи; 2 -иккиламчи; тоғ жинслари:
3 -коллектор; 4 -қопқок жинслар (тиллар),
нефт ва газ ҳосил қилувчи жинслар.


Иккиламчи миграция (нефт ҳам бўлиши мумкин) эриган ҳолатда, ўзи эриган суюкликда, қатлам сувлари ҳаракати тезлиги ва йуналишида содир бўлади. Қатлам сувлари асосан лотерал йўналишида ҳаракатланади (қатлам босими кам жойлар томонга).

Миграция омиллари. Узоқ вақтларгача нефт ҳосил бўлишидаги органик назарияни нозик томони бирламчи миграция, эмиграция омили ҳақидаги савол эди. Ноорганик назария тарафдорлари нефтгаз яратса оловчи жинсдан нефтгазни бирламчи миграциясини умуман хамма имкониятларини рад этадилар (II.6.4 ва II.6.5-расмлар).


Бирламчи миграция омиллари ва миграция қилувчи углеводород ҳолати тўғрисидаги замонавий тасавурлар кўйидагилардан иборат.

Диагенез босқичида пайдо бўлган нефтли углеводород ("ёш нефт") чўкиндиларни зичлашишида сув билан бирга сиқиб чиқарилади. Жинсларни чўкиши натижасида улар кўпроқ қизийди. Температура ошиши билан нефтгазни ҳажми кўпаяди ва шу билан уларни ҳаракатига кўмаклашади. Углеводородларнинг ҳаракатида янги модаларнинг ҳажмини катталашиши, босим ошиши натижасида фаоллашиши мумкин. Катта чукурликдаги тоғ жинсларининг чўкиши натижасида газларнинг генерацияси кучаяди ва бирламчи нефт ва газли эритма кўринишида нефт газ яратооловчи она жинсдан ажраб чиқади. Нефтли углево-

дород бирламчи миграцияси газли эритма күринишида бўлиши экспериментал йўл билан исботланган.



ларнинг бўлиши билан боғлиқ чиқишлиар ер юзига чиқиши жойлари. I-диапир локал кўтаришмалар (қолган шартли белгиларни II.6.5-расмга қаранг).



II.6.4-расм. Нефт ва газни ер юзига чиқишининг энг кўп учрайдиган шароитлари (В.А.Соколов бўйича):

а-г - ташлама узилма ва диапиризм бузилишлар билан боғлиқ бўлган чиқишлиар; д-ж-номувофикар ётишлар билан боғлиқ бўлган чиқишлиар; з - газ ва нефти углеводородларнинг чиқиши; и - ғовакли минтақада дарзлик-

х - нефт ва газнинг

II.6.5-расм.

Қатлам ичи (а,б) ва қатламлараро миграция (в,г).


1- нефт; 2- кумтош; 3- гил; 4- стратиграфик номувофикар; 5- тектоник бузилиш.

Иккиламчи нефт ва газни миграцияси гравитацион, гидравлик ва бошқа омиллар таъсирида бўлиши мумкин.

Иккиламчи миграцияда нефт ва газ сувга тўйинган коллектор таркибига сизиб ўтиб қатламнинг кўтарилиган томони йўналиши бўйлаб ҳаракатланади.

Флюидларнинг коллекторли қатлам бўйлаб сезиларли масштабдаги миграцияси қатлам қиялиги ва босим ўзгаришига боғлик. А.Л.Казаков фикрича қатламнинг қиялиги $1\text{--}2^0$ бўлса, гравитацион куч таъсирида нефт ва газ жойлашиши учун етарли шароит яратади.

Гравитацион омил туфайли қатламда нефт ва газ силжиш жараёнлари кечади (II.6.6-расм).



II.6.6-расм. Сувга тўйинган қатламда гравитацион ва гидравлик кучларнинг нефт ва газга таъсири ва йўналиши.

- 1 - нефт томчилари;
- 2 - газ пуфакчалари;
- 3 - сувга тўйинган коллектор-катлам. Таъсир кучи йўналишлари:
- 4 - гравитацион;
- 5 - гидравлик.

Гидравлик омилнинг моҳияти шундан иборатки, сув коллектор қатламдаги ҳаракатида ўзи билан газ пуфакчаларини ва нефт томчиларини эргаштириб кетади. Сувни ҳаракатланиш жараёнида нефт ва газ мустақил фаза ҳосил қилиши мумкин. Кейинги жойлашишда сувдан ажралган нефт ва газ гравитацион омил хисобига деворсимон кўтарилима (вал)лар бўйича, қатламнинг баландлик томони сари ҳаракатланиб уюмлар ҳосил қиласди. Нефт ва газнинг бундай асосий миграция омиллари яхши ўтказувчаникка эга бўлган коллекторлар билан боғлиқдир.

7- боб

НЕФТ ВА ГАЗ ТҮПЛАМЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА БУЗИЛИШИ

7.1. Нефт ва газ түпламларини шаклланиши

Нефт ва газ ўзига хос бир шароитда маълум бир геотузилма ичида түпланиб турли тоифадаги нефтгаз түпламлари шаклланади (II қисм 8-бобга қаранг). И.М.Губкин (1934) бирламчи ва иккиламчи нефтгаз уюмларини ажратди.

Бирламчи уюмларни шаклланиш механизми анча содда. Яъни, улар бирламчи миграция жараёнида углеводородлар нефтгаз ҳосил қила оловучи она катламлардан бошқа қатламларга сизиб чиқиб, коллектор катламлари бўйлаб миграцияси натижасида тутқичларга йиғилиб уюмлар ҳосил қиласди.

Қатлам ичида бўлиши мумкин бўлган лотерал миграция жараёни жуда кичик қияликда ҳам (1км га 1-2 м баландлик) содир бўлади. Албатта қиялик катта бўлганда ундаги миграция жараёни жадал ҳолатда кечиши мумкин.

Нефт ҳосил қила оловучи она жинслар ҳамда коллекторларнинг кўламига қараб ва қатламдаги термо-барик хусусиятларини назарга олганда углеводородларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиш жараёни-уларнинг седиментацион сувларда эриган ҳолларида ҳамда нефт томчилари ва газ пуфакчалари ҳолида содир бўлиши мумкин ва тутқичлар мавжуд бўлган вазиятда йиғилиб нефт ва газ уюмларини ҳосил қиласди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича ер ости сувларининг бўшаниш жойида палеопъезоминимум ҳосил бўлади. Яъни сувлар қатламдан чиқиб кетиши эвазига уларнинг пъезометрик даражаси пасаяди. Шундай ҳолатда сувларда эриган углеводородларнинг эришлик шароити ёмонлашади ва эритмада углеводородларнинг ажралиб чиқиш шароити

пайдо бўлади. А.А.Карцев фикрича фильтрацион самаранинг ортиши 10 млн. йил давомида 6 марта ўзариши мумкин экан.

Алоҳида нефт ва газ томчилари, пулфакчалари сув эритмасида мавжуд бўлган ҳолларда улар ҳаракат давомида бир-бири билан бирлашиб тўплам ҳосил қила бошлайди. Бунинг натижасида оқимли миграция жараёнининг юзага келиши кузатилади ва уюмларнинг турли синфлари шаклланишига олиб келади.

Бирламчи уюмлар ҳосил бўлишида комплекс ичи лотерал миграцияси катта рол ўйнаса, иккимачи уюмларниң шаклланишида бузилмалар ва ёриқлар орасида битта формациядан бошқа стратиграфик фомацияга ўтиш имконини берадиган вертикал миграциялар асосий рол ўйнайди.

Горизонтал миграция жараёни йўлида тўсик пайдо бўлган ҳолатларда углеводородлар ўзига йўл топиб, вертикал миграция билан кўшилиб натижасида турли тутқичларда йигилиб иккиласми нефтгаз уюмларининг шаклланишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда миграция босқичма–босқич давом этиши ва бир турдан иккинчи турга ўтиши мумкин.

Баъзи нефтгазли обласст ва провинцияларда нефт қатламлари ва сув қатламлари вертикал кесим бўйича кетма-кет учраши мумкин экан. Бу ҳолатнинг текширилиши шуни кўрсатдики, гидродинамик фаол жойларда шундай нефт ва сув қатламларининг алмашинуви содир бўлар экан. Бунда маълум қатламларда углеводородлар сув билан ювилиб, улар ўрнини қатламда сув эгаллаши содир бўлар экан. Бунга далил сифатида асосан, ўша сувли қатламларда углеводородлар қолдигининг учрашидир.

Осилиган уюмлар, ҳамда синклиналларда мавжуд уюмларнинг шаклланиши механизми хар бир геологик, тектоник ва ушбу турдаги нефтгаз уюмларининг шаклланиши шароитининг ўзига ҳослиги билан тушунтирилади. Чунки уларни бошқа турдаги уюмларнинг шаклланиш шароитларини белгилаб берувчи қонуниятлар мажмуасига киритиб бўлмайди. Бундай уюмлар кам учрайди ва шу сабаб бўлса керак, кам ўрганилгандир.

7.2. Нефт ва газ тўпламининг бузилиши

Нефт ва газ тўпламини шакллантирувчи баъзи омиллар геологик вақт утиши билан унинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Тектоник ҳаракатлар· углеводородларнинг миграцияси ва бир жойда тўпланишига хизмат қилган бўлса, уларнинг фаоллашиши нефтгазли қатламларнинг бузилишига олиб келади. Натижада коннинг бир қисми, баъзан эса унинг мутлақо йўқ бўлиб кетиши содир бўлади. Диффузия жараёни углеводородларнинг тўпланишига хизмат қилса, баъзида уларнинг (айниқса газнинг) тарқалиб кетиши учун хизмат қиласи.

Аксарият ҳолларда углеводород тўпламларининг бузилишига тутқичнинг очилиши, эрозион, геокимёвий, биокимёвий жараёнлар, гидродинамик (гидрогеологик) омиллар ҳам хизмат қиласи. Буларга нефтнинг газдан ажралиши (дегазация) ҳамда коллекторларнинг кучли метаморфизми, айниқса бу жараёнга катта чукурликдаги нефт ва газ уюмларини йўқ қилиб юбориши мумкин.

Тузилмаларнинг пайдо бўлишини палеотектоник таҳлили асосида ўрганиш шуни кўрсатадики, баъзи ҳолларда айрим тузилмаларнинг маълум бир даврда очилиб қолиши ундаги нефтгаз уюмларининг бузилишига олиб келади. Бундай ҳолатни аксарият конседиментацион тузилмаларда кузатиш мумкин. Тутқичнинг очилиб қолиши натижасида ундан углеводородлар оқиб чиқиб кетади ва шу жараёнда унинг оқиб чиқиш йўлида янги тутқичлар мавжуд бўлмаса, кон йўқ бўлиб тарқалиб кетади. Бундай ҳолларда нефтнинг енгил фракциялари буғланиб кетади ва ундаги оғир фракциялари, жумладан битум ва асфальтлар қолади (II қисм 2-бобга қаранг).

Мисол тариқасида Канададаги Атабаска битум конини келтириш мумкин. Бу кондаги битум заҳираси 50-75 млрд. тоннани ташкил этади. Бундай конлар Рус платформасида (Татаристон), Турон плитасида (Ўзбекистон) ҳам учрайди. Бу ерларда нефтнинг қолдик маҳсулоти сифатида битум (асфальт) уюмлари мавжуд. Нефт-сув ва газ-сув чизиги зонасида ҳам нефт ва газларнинг

оксидланиш жараёни кечади. Ер ости сувларидаги мавжуд сульфатлар сульфид ҳосил қилувчи бактериялар иштирикида уюмларни емириши мумкин. В.А.Соколовнинг хисоблариға қараганда 1 г метанини йўқ қилиш учун 6 г сульфат керак бўлар экан.

Углеводородларнинг емирилиш жойларида олтингугурт водороди ва эркин олтингугурт тўпламлари ҳосил бўлиши мумкин экан. Нефтгаз конларининг емирилиши натижасида иккиласида конларнинг ҳосил бўлишини Фаргона ботиклигидаги Шўрсув, Фарбий Украинадаги Борислав, Фарбий Туркманистандаги Челекен озокерит конлари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Нефт уюмларининг бузилишига аксарият гидродинамик омил ҳам хизмат қиласи. Бу ҳолат кўпинча яссисимон шаклга эга бўлган антиклинал тузилмаларда кузатилиши мумкин.

Нефт ва газ конлари инфильтрацион ҳавзага мансуб бўлган ҳолда, айниқса газ конларида газнинг сувда кўп микдорда эриши ва унинг эриган ҳолда сув билан бирга оқиб чиқиб кетиши коннинг бузилишига олиб келади. Шундай қилиб эллизион сув тарзи мавжуд бўлган ҳолатда нефт ва газ уюмлари ҳосил бўлган бўлса, инфильтрацион сув тарзидан мавжуд коннинг бузилиши мумкин экан. Кўпгина эпигерцин платформаларига мансуб конларда уюмларнинг оқиб чиқиб кетиши натижасида бузилиш жараёнини ҳозирги кунда ҳам кузатиш мумкин.

Углеводород уюмларининг жуда катта чуқурликка тушиши, унинг метаформизмга учрашига ҳамда парчаланишиб кетишига олиб келиши мумкин. АҚШдаги баъзи кудукларда топилган графит углеводородларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган охирги маҳсулот деган фикр хақиқатдан йироқ бўлмаса керак.

НЕФТГАЗГЕОЛОГИК РАЙОНЛАШ. НЕФТГАЗ ТҮПЛАМЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

8.1. Нефтгазгеологик районлаш ва унинг бирликлари ҳақида тушунча

Нефтгазгеологик районлаш – тадқик этилаётган худудни геотектоник тузилишига ҳамда уни ташкил қилған чүкінді жинслар таркиби ва регионал нефтгазлилигига қараб турли тартибдаги бир-бирига бөғлиқ бўлган бўлакларга ажратишдир.

Маълум геологик коидаларга асосан ажратилган бу бўлаклар нефтгазгеологик тўпламлар деб аталади.

Нефтгазгеологик тўпламлар таснифига кўп тадқиқотчилар ўз ишларини бағищлаганлар. Чунки турли тоифадаги бундай тўпламларни ажратиш ер бағридаги нефтгаз конларини башоратлаш ва уларни самарали қидириш ишларининг йўналишларини белгилаш имконини беради. Нефтгаз тўпламларининг генетик таснифини 1959 йили машхур олим А.А.Бакиров ишлаб чиқиб 1964 йили Хиндистонда ўтган XXII - Жаҳон геологик конгрессида умумжаҳон нефт мутахассисларининг хукмига ҳавола этди. Бу тасниф олимлар эътиборига лойик бўлди ва жаҳон конгресси илмий мақолалар тўпламида чоп этилди.

А.А.Бакиров нефтгазгеологик районлаштириш принципларини, яъни турли тоифадаги нефтгаз тўпламларини ажратиш коидаларини ишлаб чиқди. Бундай районлаштиришга асосан нефтгазли провинциялар, областлар, нефтгаз йиғилувчи зоналар, конлар ва уомлар ажратилади.

Кўйида нефтгазгеологик тўпламларининг проф. А.А.Бакиров тавсия этган тушунчаларини келтирамиз.

Нефтгазли провинция (НГП) - геологик тузилиши ва шаклланиши тарихи, шунингдек

нефтгазнинг стратиграфик кенглиги жиҳатидан умумийлиги билан фарқланадиган турли геотузилмалардан таркиб топган яхлит бир геологик худуд.

Нефтгазли област (НГО) - геологик тузилиши, ривожланиш тарихи ва ҳар бир геологик давр мобайнида нефтгаз ҳосил бўлиши ва йигилишида ўтмиш (палео) географик ва тектоник шароитларнинг умумийлиги билан фарқланадиган яхлит бир йирик геотузилма таркибидаги худуддир.

Нефтгазли район (НГР) – нефтгаз областининг бир бўлаги бўлиб, геотузилмаларнинг хусусиятларига қараб ажратиладиган, у ёки бу нефтгаз йигилувчи зоналарнинг бирикамасидан иборат.

Нефтгаз йигилувчи зоналар (НГЙЗ) – геологик жиҳатдан ўхшаш, бири-бири билан генетик жиҳатдан боғлиқ ва ёндош, бир групга мансуб тутқичлардаги конларнинг йигиндишидир.

Нефтгаз конлари – кичик бир маҳаллий майдонда жойлашган бир ёки бир неча тутқичлардаги нефтгаз уюмларининг йигиндишидир.

Нефтгаз уюмлари – бир ёки бир неча қатламларда умумий нефт-газ-сув, газ-сув ёки нефт-сув чегараси билан назорат қилиб туриладиган ягона тўплам.

Юқорида тавсифлэб ўтилган нефтгазгеологик тўпламлар маҳаллий (. кал), зонал ва регионал тўпламларга ажратилади.

Локал (маҳаллий), яъни якка тўпламларга нефт ва газ тўпланган тутқичлардаги, ҳамда маълум коллектор жинслардаги (ғовакли, ёриқли ва ҳ.к.) якка уюмлар ҳамда бир тутқичда вертикал кесим бўйлаб мужассамланган уюмлар йигиндишидан ташкил топган нефт ва газ конлари киради.

Зонал нефтгаз тўпламига генетик жиҳатдан бир-бирига яқин ёки бир турли ва морфологик жиҳатдан ўхшаш ҳамда ёндош локал геоструктураларда мужассамланган нефтгаз конлари мажмуасидан иборат бўлган нефтгаз тўпланувчи зоналар ва бундай зоналарни бирлаштирувчи нефтгаз районлари киради.

Нефтгазнинг регионал тўплами – маълум геоструктуравий элементларнинг генетик турига

мансуб бўлган нефтгаз тўпланувчи зоналарнинг йигиндисидан иборат бўлган нефт ва газли област ва провинцияларни ўз ичига олади.

8.2. Нефтгаз тўпламларининг таснифи

Юқорида кўрганимиздек нефтгаз тўпламлари регионал, зонал ва локал турларда бўлади. Ушбу турларнинг генетик таснифлари мавжуд. Қуйида нефтгазнинг регионал ва локал тоифаларининг таснифларини кўриб чиқамиз.

8.2.1. Регионал нефтгаз тўпламларининг таснифи

Кейинги йилларда нефтгазгеологик районлашда олимлар чўкинди ҳавзаларининг ҳосил бўлиши ва ривожланиши тарихини плиталар тектоникаси назарияси асосида ўрганиб, уларнинг геодинамик таснифларини тузиш билан чегараланмокдалар. Бундай таснифлар таҳлил қилинса, чўкинди ҳавзаларининг у ёки бу турининг мисоли сифатида нефтгазли провинциялар ва областлар келтирилади. Яъни бу вазиятда «чўкинди ҳавзалари» ва «нефтгазли провинция» тушунчалари бир-бири билан тенглаштирилмоқда. Нефтгазгеологик районлашнинг классик қоидалари чўкинди ҳавзаларининг замонавий синфланиши билан ўзгартирилмоқда.

Нефтгаз худудларини бу тарзда ўрганиш тадқиқотчи-ни боши берк кўчага олиб боради, натижада илмий изланиш самарасиз натижалар беради.

- Бинобарин, Ернинг геологик тарихини тушунтирувчи янги нуктаи назар пайдо бўлиши билан классик принципларни инкор этишгёки уларни ўзгартириш изланувчини ўрганилаётган худуд бўйича мавҳум, тажрибаларга асосланмаган фикр юритишга мажбур қиласи. Чунонча янги назария - плиталар тектоникасининг илмга кириб келиши муайян маълумотларни (мавжуд геологик тузилишни) асло ўзгартирмайди, аксинча муайян макон маълумот-

лари асосида вужудга келган назария шу макондаги геотузилмалар ҳосил бўлиш жараёнларини, уларнинг шаклланишини билиш, аниқлаш имконини беради.

Нефтгазгеологик районлаштиришнинг классик принциплари, жумладан И.М.Губкин (1932) ва унинг издоши А.А.Бакиров (1959-1987) тарафидан ишлаб чиқилган ўша даврларгача бўлган нефтгаз худудлари маълумотларининг умумлаштириш асосида вужудга келган. Бундай маълумотлар геологияда бир неча юз миллион йиллар давомида рўй берган геологик жараёнларнинг муҳри, тамғасидир. Зотан шундай экан, чўкинди ҳавзаларнинг геодинамик қоидалар асосида синфланиши нефтгаз-геологик районлашнинг классик принципларидан узилмаган ҳолда бир-бирини тўлдириб бир бутун яхлит илмий йўналишни ташкил этмоғи лозим. Нефтгаз худудларини ўрганишнинг айнан шундай йўналишигина илмий изланышларнинг ишончли дастури булиб хизмат қиласи ва плиталар тектоникаси тарафдорлари дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш имконини беради. Бундай йўналиш академик В.Е.Хайн кўтарган залвор муаммо, яъни плиталар тектоникасидан Ернинг геологик ривожининг умумий назариясига ўтиш учун имкон яратади.

Нефт ва газ геологияси олимларининг вазифаси фақатгина ёқилғи қазилма бойликларини излаб топишгина эмас балки нефтгаз геологияси ҳазинасидағи маълумотлардан тўла фойдаланиб, Ер геологик ривожланиш тарихини тушунтириб беришда ва бу маълумотлар асосида нефтгаз худудлари келажагини башорат қилишдадир. Фақат шу йўлгина илмий изланишнинг омилкор йўли хисобланади ва самаралар беради.

Бундай методологик йўналиш асосида А.А.Абидов томонидан 1990 йили Дунё нефтгаз провинцияларининг умумлашган таснифини ишлаб чиқди. Бу тасниф айнан классик принциплар билан геодинамик принципларнинг уйғунлашган йўналиши самарасидир. Классик принципларга таяниб Ер куррасида мавжуд бўлган литосфера плиталари нефтгазгеологик жиҳатдан районлаштирилади.

Кези келганда шуни айтиб ўтмоқ лозимки, шу даврларгача бўлган барча нефтгазгеологик районлаштириш кўпинча маълум бир маъмурий худудларга нисбатан

бажарилган. Масалан, собиқ Совет Иттифоқы ёки унинг таркибидаги республикалар учун, ёки қитъалар учун, яна бошқалари океан ёки денгиз чеккалари - шельфлар учун ва ҳаказо. Айниқса, муайян бир геологик худудни, масалан Фарғона водийси, Фарбий Сибир текислиги (платформа), Каспий бўйи синеклизаси ва шу каби йирик геотузилмаларни алоҳида районлаштирилган ҳариталари мавжуд.

Манбаларда келтирилган маълумотлар, шу жумладан хорижий муаллифларнинг мақолалари ва таржима асарлари асосида А.А.Абидов қайтадан нефтгаз худудларни ўрганди, улар районлаштирилди. Бунда геотектоник принципга асосланиб, нефтгазли провинция ва област тушунчаларига таянилди.

Бу районлаштиришдаги янги элемент шундан иборат бўлдики, бу иш бирор бир геологик худуд, қитъа ёки қирғоқлар учун эмас, балки янги назариянинг асосий марказини ташкил этган яхлит геотектоник бирликлар - Ердаги мавжуд литосфера плиталари учун бажарилди.

Бу листосфера плиталари: Шимолий Америка, Евросиё, Жанубий Америка, Африка, Хинд-Австралия, Антарктида ва Тинч океани (Калифорния учун) ҳамда булар орасида ажратилувчи иерархик жиҳатидан Ернинг асосий йирик литосфера плиталаридан бир погона пастда бўлса ҳам нефтегазгеологик жиҳатдан алоҳида ўрганишни талаб этувчи литосфера плиталари: Сомали, Арабистон, Осиёнинг тарқоқ сейсмик Камари, Хитой, Амур ва Охота дengизи.

Демак Ер юзида мавжуд бўлган барча литосфера плиталари биринчи марта нефтгазгеологик жиҳатдан районлаштириб чиқилди.

Нефтгазгеологик районлаштиришда литосфера плиталари учун бажарилганлигининг афзалиги шундаки, қитъа ва қирғоқларда (шельф) бир услугуб асосида нефтгаз области ва провинциялари ажратилди. Бу эса, ўз навбатида, бир литосфера плитаси таркибида мукаммалроқ ўрганилган нефтгазли провинция хусусиятларини қиёсий таҳлил асосида бошқа плитадаги кам ўрганилган провинцияларга, айниқса шельф худудларига кўллаш имконини беради.

Нефтгазогеологик районлашда ҳар бир литосфера плитаси таркибидан ҳосил бўлган турли тоглик ва текисликлар ёши ҳисобга олинди, фаол тектоник жараёнлар мансуб бўлган территориялар - геосинклиналлар ва босиқ тектоник ҳаракатли - платформалар ўрганилди.

Ер сатҳидаги геосинклинал - тоғлик территориялар турли геологик вакътларда пайдо бўлган. Шу жиҳатдан улар каледон (илк палеозой), герцин (сўнгги палеозой), киммерий (мезозой), альп (кайназой) бурмачангликларига бўлинади. Платформалар эса қадимги (пойдевори кембрийга қадар ҳосил бўлган) ва ёш (мезозойга қадар) платформаларга бўлинади. Ҳар бир тоғ тизмасида тоғ оралиғи водийлари, платформалар таркибидан антеклиза, синеклиза, гумбаз тепаликлар, авлакоген деган геотузилмалар бўлади. Тоғликлар платформалар билан тоғ олди эгиклари деб аталувчи геотузилмалар орқали туташган бўлади (I кисм 5-бобга қаранг).

Юқорида қайд этилган ҳар бир литосфера плитасидаги платформалар ва бурмачанглик бағрида жойлашган иккинчи даражали геотузилмаларнинг чўкинди жинс ётқизиликлирида нефтгаз бўйлама кесим бўйича қандай тарқалганини ўрганиб чиқилди. Бунда муаллиф нефтгазнинг аникланган ва башорат этилаётган стратиграфик кенглигини ҳар бир иккинчи даражали геотузилмаларда аниклади. Натижада платформалар, тоғликлар, тоғ эгикларида нефтгазли областларни ажратиш имкони туғилди. Шу йўл билан куррамизда 500 дан зиёд нефтгазли (шу жумладан башорат этилаётганлари ҳам) областлар ўрганиб чиқилди.

Турли ёшдаги платформа ва геосинклиналларнинг ҳар қайсида нефтгазнинг бир хил стратиграфик кенглиги билан тавсифланадиган нефтгазли областлар провинцияларга биринтирилди.

Шу йўл билан А.А.Абидов ишлаб чиқкан Дунё нефтгазгеологик ҳаритасига мувофиқ Ер куррасида юзга яқин нефтгазли провинциялар чегараланиб чиқилди. Нефтгазли провинциялар нефтгазнинг аникланган ва башорат этилаётган стратиграфик кенглигига қараб етти турга бўлинди: сўнгги протерозой-палеозой, палеозой,

палеозой-мезозой, мезозой, мезозой-кайнозой, кайнозой ва палеозой-мезозой-кайнозой.

Шундай қилиб, нефтгазли ҳудудлар классик принциплар асосида сўнгти маълумотларга таяниб қайтадан ўрганилди ва Дунё литосфера плиталари биринчи маротаба нефтгазгеологик жиҳатдан районлаштирилди.

Навбатдаги вазифа ҳар бир чегараланган нефтгаз провинцияси бағрида нефтгаз тўпланишини белгиловчи иккинчи даражали геотузилмаларнинг геодинамик шарт-шароитларини аниклашдир.

Ер бағрида бўладиган геологик жараёнлар икки турдаги геодинамик шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ экан.

Бу геодинамик шароитлар Ер турли бўлакларининг бир-биридан ажralиши ва қайтадан бирикиши оқибатида рўй беради. Ажralиши ва бирикиш ҳаракатларини юқорида изохлаб чиққанлигимиз сабабли қайтадан бу ҳакда тўхталиб ўтмасдан, шуни қайд этиш лозимки, бундай ҳаракатлар биз ишлаб чиқкан Ер бағрида нефтгаз тўпланишини назорат этувчи геотузилмаларнинг геодинамик таснифи асосига ўрганилди.

Бу таснифга асосан нефтгаз тўпланувчи геотузилмаларнинг шаклланиш геодинамик шароитлари икки босқичга бўлинди: ажralиши ва бирикиш. Геодинамик жараёнлар содир бўлиши габиятда кай тарзда кечиши тартибига кўра босқичларга, босқичлар поғоналарга, поғоналар эса хил ва турларга бўлинди. Турли хил геодинамик шароитларда ўзига хос геотузилмалар шаклланиши ўрганиб чиқилди. Зоро, муайян геодинамик вазиятларда у ёки бу геотузилмалар шаклланар экан.

Бу маълумотлар ва литосфера плиталарини нефтгаз-геологик районлаштириш натижасида ҳар бир чегараланган нефтгазли провинциялар таркибидаги иккинчи даражали геотузилмаларнинг шаклланиш шароитлари ўрганилди. Ҳар бир нефтгазли провинция таркибидаги геотузилмалар геодинамик маълумотлар билан қиёслаб чиқилди. Бундай усул чегараланган нефтгазли провинцияларнинг геодинамик шаклланиш шароитларини белгилаш имконини берди.

Геодинамик нуқтаи назардан рифт водийси,protookean, қитъа суст-чеккаси, эпирифтоген, оролли ёйлар, субдукцион ва коллизион турдаги нефтгазли провинциялар ажратиб чиқилди.

Нефтгазли провинцияларнинг умумий таснифида юқоридаги 7 та геодинамик вазиятлар таснифнинг вертикали бўйича кўйиб чиқилди. Таснифнинг горизонтали бўйича нефтгазгеологик районлаштиришда ажратилган нефтгазли провинцияларнинг стратиграфик кенглиги бўйича 7 та тури кўйиб чиқилди: юқори протерозой-палеозой, палеозой, палеозой-мезозой, мезозой, мезозой-кайнозой, кайнозой, палеозой-мезозой-кайнозой.

Шундай қилиб, Дунё нефтгазли провинцияларнинг умумлашган таснифида 84 та катакчалар ажратилди ва бу катакчаларга геодинамик шарт-шароити, стратиграфик кенглиги жихатидан мос келувчи нефтгазли провинциялар жойлаб чиқилди. Натижада 26 та катакчаларга Дунё нефтгазли провинциялари (шу жумладан башорат тоифадагилари ҳам) жойлаштирилди. Қолган 58 та катакча эса 2 тоифага ажартилди. Биринчи тоифа катаклар акс эттирган вазиятларнинг (геодинамик шароит, нефтгазлиликнинг стратиграфик диапазони) таҳлили бўйича литосфера плиталарида бу турдаги нефтгазли провинциялар ҳозирда мавжуд эмас ва келажакда аникланиши эҳтимолдан холидир. Иккинчи тоифа катакларда ҳозирда бу тийнатларга мос тушадиган нефтгазли провинциялар ер кобигида аникланмаган. Аммо келажакда литосфера плиталарида бу турдаги нефтгазли провинцияларнинг аникланиши эҳтимолдан холи эмас.

Демак, нефтгазгеологик районлаштиришнинг классик принциплари ва геотузилмалар шакланишининг замонавий геодинамик принципларининг уйғулашган йўналиши асосида Дунё нефтгазли провинцияларнинг умумлашган таснифи ишлаб чиқилди (1-илова).

Кўйида ушбу таснифдаги нефтгазли провинцияларнинг геодинамик вазиятдаги кўринишларини келтирамиз.

Рифт водийси кўринишидаги нефтгазли провинциялар протоокеан кўринишидаги провинциялар билан биргаликда геодина-

мик нүктай назардан рифт ҳосил бўлиши, яъни рифтоген жараёнлар туфайли вужудга келган.

Бу кўринишдаги нефтгазли провинцияларга Шарқий Африкадаги потенциал Руква-Нъяс ва Танганьики провинциялари киради. Улардан биринчиси стратиграфик кенглиги жиҳатидан мезозой-кайнозой, иккинчиси эса – кайнозой туридадир.

Протоокеан кўринишдаги нефтгазли провинциялар ҳам, юқорида таъкидланганидек, рифт ҳосил бўлиш жараёнлари билан узвий боғлиқ. Бу кўринишдаги нефтгазли провинцияларга Калифорния ва Қизил денгиз бўғозларидаги чекка эгикликлар билан боғлиқ бўлган ва шу бўғозлар номидаги провинциялар киради.

Калифорния нефтгазли провинцияси мезозой-кайнозой, Қизил денгиз провинцияси эса палеозой-мезозой-кайнозой стратиграфик кенгликка эга.

Суст-чекка кўринишдаги нефтгазли провинциялар каторига Шимолий Муз океанининг Шимолий Америка қирғоқларидағи Гиперборей ва Россия қирғоқларидағи Баренц-Карск, Лаптев провинцияларини, Атлантика океанининг Евросиё ва Шимолий Америка соҳилларида ажратиладиган Атлантика бўйи провинцияларини хамда Жанубий Америка ва Африка соҳилларидағи шу каби провинцияларни, Хинд океанининг қитъалар билан туташ ерларида районлаштирилган қатор провинцияларни киритиш мумкин. Бу провинциялардан Гиперборей ва Баренц-Карск провинциялари мезозой, қолганлари мезозой-кайнозой стратиграфик кенгликка эга.

Эпиритоген нефтгазли провинциялар геоструктура элементлари авлакоген, баъзилари инверсион геодинамик кўринишга эга бўлиб, булар асосан кўрилаётган провинциялар таркибига кирувчи нефтгазли областлар маҳсулдорлигини назорат этади. Эпиритоген нефтгазли провинцияларга МДХда Волга-Урал, Лено-Тунгусс, Тимано-Печор, Устюрт, Турон, Фарбий Сибир ва бошқалар, Шимолий Америкада Мидконтинент, Перм-Бенд, Канада-Греландия, Мексика-бўйи, Арабистон плитасида Шарқий Арабистон, Африка-

да Сахара-Шарқий Ўрта ер деңгизи ва шу кабилар киради. Бу провинциялар стратиграфик кенглиги жиҳатидан турличадир. Эпирифтоген нефтгазли провинциялардан Турон ва Устюрт провинцияларининг бир қисми Ўзбекистон худудини эгаллади. Турон нефтгазли провинциясининг Амударё субпровинцияси таркибида Ўзбекистоннинг Бухоро (Бухоро тектоник поғонасида жойлашган) ва Чоржўй (шу номли тектоник поғонада) ҳамда Шимолий Кизилқум субпровинциясида Шарқий Орол (Қорақалпоғистонда) нефтгазли областлари жойлашган. Шунингдек, Устюрт нефтгазли провинциясининг жанубий қисми Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон худудини эгаллади. Қорақалпоғистоннинг Жанубий қисми (Шохпахта тектоник поғонаси ва Ассакеудан эгиклилиги) Шимолий Кавказ-Жанубий Устюрт нефтгазли провинцияси таркибида киради.

Оролли ёйлар кўринишидаги нефтгазли провинциялар субдукцион геодинамик режимли ороллар эгикликлари билан боғлиқ. Бу провинциялар Мариан, Курил, Командор, Алеут оролларида ажратилиди ва улар стратиграфик кенглиги бўйича кайнозой турига таълуқлидир.

Фаол чекка кўринишидаги нефтгазли провинциялар ҳам юқорида кўрилган оролли ёй провинциялари сингари субдукцион геодинамик шароит билан боғлиқ. Бу кўринишдаги провинцияларга Шимолий Американинг Кордильер олди ва Кояли тоғлари, Жанубий Американинг Анд тоғлари билан боғлиқ провинциялар, Суматра, Саравак, Сахалин, Калимантан, Янги Зеландия оролларидағи провинциялар киради. Бу провинциялар мезозой, мезозой-кайнозой, кайнозой ва палеозой-мезозой-кайнозой стратиграфик кенгликка эга.

Коллизион кўринишдаги нефтгазли провинциялар литосферанинг каледон, герцин, кимерий ва альп бурмачанликларидағи геоструктуралар билан боғлиқ. Масалан, каледон бурмачанлигидаги провинцияларга Тянь-Шань, Кузнецк-Шимолий Монголия, Канаданинг жанубий-шарқи, герцин бурмачанлигидаги провинцияларга Урал олди, Уочито-Уашито, Алпала-

чи олди, Тянь-Шань-Кунь-Лунь, кимерий бурмачанлигидаги провинцияларга Верхоянолди, альп бурмачанлигидаги провинцияларга Альп-Химолай, Кавказ-Копетдоғолди каби провинциялар киради. Улар стратиграфик кенглиги бүйича палеозой, палеозой-мезозой, мезозой, мезозой-кайнозой ва палеозой-мезозой-кайнозой турларга бұлинади. Коллизион күринищдаги нефтгазли провинциялардан герцин бурмачанлигидаги мезозой-кайнозойли Тянь-Шань-Кунь-Лунь провинцияда Ўзбекистоннинг Фарғона нефтгазли области ҳамда Афғон-Тожик нефтгазли области таркибиға кируди Сурхондарё ва Жанубий-Ғарбий Ҳисор нефтгазли районлари жойлашган.

Дунё нефтгазли провинцияларининг умумлашган таснифида Ўзбекистон нефтгазли түпламлары қуидаги таснифланади:

1. Геодинамик нұктай назардан еттита күринищдан (рифт водийси,protoокеан, суст-чекка, эпирифтоген, оролли ёйлар, фаол чекка, коллизион) Ўзбекистонда икки хили – эпирифтоген (Турон, Устюрт ва Шимолий Кавказ-Жанубий Устюрт нефтгазли провинциялари) ва коллизион (Тянь-Шань-Кунь-Лунь нефтгазли провинциясы) геодинамик күринищдаги нефтгазли түпламлар мавжуд.

2. Нефтгазлиликнинг стратиграфик кенглиги жиҳатидан провинцияларнинг еттита туридан (юқори протерозой-палеозой, палеозой, палеозой-мезозой, мезозой, мезозой-кайнозой, кайнозой ва палеозой-мезозой-кайно-зой) Ўзбекистонда икки тури мавжуд: булар асосан мезозойли эпирифтоген ва асосан мезозой-кайнозойли коллизион нефтгазли провинциялар.

Бундай таснифлаш үз навбатида регионал нефтгазли түпламларни ер пўстида жойлашиш қонуниятларини ягона методологик принцип асосида ўрганиш имконини бераб, бу қонуниятларни кам ўрганилган нефтгазли провинциялар истиқболини белгилашда қўллаш имконини беради.

Дунё нефтгазли провинцияларнинг умумлашган таснифи асосида геология фанидаги аналогия (муқобилик) усулини нефтгазли провинцияларда янги нефтгаз түпламларини башоратлашда қўллаш учун кенг имконият яратади.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, бундай таснифнинг яратилиши сайёрамизда нефтгазли провинцияларнинг глобал жойлашиш қонуниятларини очиб бераб, бу қонуниятларни мавжуд кам ўрганилган нефтгазли провинцияларнинг янги имкониятларини башорат этишга имкон беради. Масалан, қадимги платформалар таркибидаги нефтгазли провинцияларда юқори протерозой қатламларида ёш платформалар таркибидаги провинцияларни юқори палеозой қатламларида углеводород конларини ўтмиш рифтлар тизимида излаш мақсадга мувофиқлиги глобал қонуният асосида исбот этиб берилди.


8.2.2. Локал нефтгаз тўпламларининг генетик таснифи

Локал тўпламлар (уюм ва кон) таснифи улар жойлашган тутқичлар хосил бўлишининг энг асосий омилларини ҳам ифода эта билиши лозим. Ушбу омилга асосланган А.А.Бакиров таснифи беш асосий синфлардан иборат. Шунга биноан маҳаллий (локал) нефтгаз тўпламлари тузилмали, литологик, рифоген ва стратиграфик турлардан иборат ҳамда уларнинг аралашувидан ташкил топган синфлар ҳам мавжуд.

Тузилмали синфнинг уюмлари


Бу турдаги уюмлар турли кўринишдаги локал антиклиналларга ва гумбазларга ҳамда моноклиналларга жойлашган. Ушбу синфда кўйидаги гурухлар, гурух ости ва кўринишдаги уюмлар учрайди.

Антиклиналлар ва гумбазлар гамуж ассамланган уюмлар гурухи. Кубабали уюмлар локал структураларнинг кубба қисмида шаклланади (П.8.1-расм). Осик уюмлар асосан тузилмалар қанотида ёки периклинал қисмида жойлашган бўлиб, баъзида улар ҳам узилмалар билан мураккаблашади. Уларда сут-нефт чизиги горизонтал холатда бўлмай, турлича бўлиши мумкин (П.8.2-расм).



II.8.1-расм. Гумбазли уюmlар:


а—бузилмаган; б—бузилган; в—мураккаблашган криптодиапир ёки вулқон ҳосиласидаги тузилма; г—түз гумбазли тузилма.
 1—нефт кесмада; 2—нефт планда; 3—маҳсулдор қатлам юзаси бўйича стратоизогипслар; 4—бузилишилар; 5—оҳактошлар; 6—вулқон ҳосиласи; 7—түз куббаси; 8—кумлар; 9—гиллар; 10—лойка вулқон ва диапирлар; 11—мергеллар.



II.8.2-расм.

Осиқ уюmlар:
 а—оддий бузилмаган тузилишили;
 б - мураккаблашган узилмали бузилишили;
 в - мураккаблашган диапирамид ёки вулқонли тузилма.


Бундай уюmlар Озарбайжондаги конларда кўп учрайди. Тектоник тўсилган уюmlар аниклинал тузилмаларни мураккаблаштирувчи ва йўналишига қараб бундай уюmlар структуранинг турли жойларида жойлашиши мумкин: гумбазида, қанотида, ён бағрида (II.8.3-расм).



II.8.3-расм. Тектоник түсилган уюмлар:


а-ташлама-узилма ёни; б-құттарма-узилма ёни; в-диапиризм ёки балчик вулқони билан мұраккаблашған тузилма; г-түз куббали тузилма; д-сурілма ости.

Блокли уюмлар маңсулдор қатламга нисбатан амплитудаси катта бўлган узилмалар билан ўта бузилган тузилмаларда шаклланади (II.8.4-расм). Тута шуюз а (приконтакние) уюмлар тури (II.8.5-расм) маңсулдор қатламларнинг туз куббаси, диапир ўзаги ёки вулқон ўзаги билан кесишган жойларида шаклланади.



II.8.4-расм. Блокли уюмлар:


а-дизъюнктив бузилишлар билан мұраккаблашған блокли уюмли тузилма; б-түз куббали тузилмаларнинг блокли уюмлари; в-диапиризм, балчик вулқони ёки вулқон ҳосилалари билан мұраккаблашған блокли уюмлар.



II.8.5-расм. Туташ юза уюмлари:

а-түз күббаси билан боғлиқ; б-диапир үзаги ёки балчик вулқонининг ҳосилалари билан боғлиқ; в-вулканоген ҳосилалари билан боғлиқ.

Моноклиналларга жойлашган уюмлар гурӯҳи аксарият флексура ёки тузилмали бурун ёки бузилма билан боғлиқ бўлади (II.8.6-расм).



II.8.6-расм. Моноклинал тузилмали уюмлар:

- а -моноклиналдаги узилмали бузилишлар билан түсилган;
- б - моноклиналдаги флексуралар билан боғлиқ; в - моноклиналдаги тузилмали буриналар билан боғлиқ.

Синклиналларга жойлашган уюмлар гуруухи аксари синклинальнинг канотларида сувсиз коллекторларда ҳосил бўлади (П.8.5-расм). Улар жуда кам учрайди (АҚШнинг Аппалачи ўлкасида ва Хиндистонда мавжуддир).




П.8.7-расм. Синклинал тузилмали уюмлар.



Рифоген синфнинг уюмлари

Рифоген нефт, газ уюмлари риф массивлари ичida тўпланадилар (П.8.8-расм). Ҳар бир шундай массив ёки массивлар мажмуми нефт-сув юзаси умумий бўлган ягона нефт ёки нефтгаз уюмини сақлайди. Нефт уюми асосан ост томондан сув билан тиради. Мисол учун Бошқирдистондаги Ишimbой риф массивининг уюмини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон шароитида (Фарбий Ўзбекистонда) ҳам рифларга кўлгина газконденсат, газ ва нефт конлари мужассамлашган. Бу ерларда риф массивига жами захиранинг 75-80%, риф усти ётқизикларида қолган 20-25% жойлашган (Шўртан, Кўкдумолок, Денгизкўл, Ўртабулоқ ва б.).




П.8.8-расм.
Рифоген уюмлар:

- а -якка риф массивларига жойлашган;
- б -бир гурӯҳ риф массивларига жойлашган.

Литологик синфнинг уюмлари


Ушбу синфда икки гурух ажратилади. Биринчи гурухга литологик түсилган уюмлар киради (II.8.9-расм). Бу уюмлар қатламнинг қийикланиши, яъни қатламларнинг қийиксимон тугаган жойларида ёки коллектор жинснинг ўтказмайдиган жинс билан алмашинуви туфайли ҳосил бўлган жойларда шаклланади. Бу гурухга асфальт ёки битум ҳосил бўлиши натижасида қатламнинг бир томони түсилган уюмлар ҳам киради.



II.8.9-расм. Литологик тўсикли уюмлар:

а - табақалар кўтарилиши бўйича коллектор жинсларнинг қийикланиш майдонлари билан боғлик; б - ўтказувчан жинсларнинг ўтказмас жинслар билан боғлик; в - асфальт билан тўсиқ.

Ушбу синфнинг иккинчи гурухи эса литологик чегараланган уюмлар деб аталади (II.8.10-расм). Улар қадимги дарё ўзанларининг қумтош ётқизикларида (тасмасимон ёки енгсимон), қадимги денгиз қирғонининг қумтепаларида (барлар), гил ётқизиклари орасида уясимон (линзасимон) қумтош коллекторларда тўпланадилар. Енгсимон (тасмасимон) уюмлар шимолий Кавказнинг Майкоп районида учрайди. Бар уюмлар МДХ ва АҚШнинг кўпгина нефтгазли областларида очилган.



II.8.10-расм. Литологик чегараланган уюмлар:


- а – қазилма царё ўзанларининг кумли ҳосилаларига жойлашган;
- б – қазилма барларнинг деворсимон тўплланган қумтошларига жойлашган; в – уясимон ётқизилган қумтош коллекторларга жойлашган.

Стратиграфик синфнинг уюмлари

Улар аксарият коллектор қатламлар тузилмаси ювилиб унинг устига ёц тоғ жинслари ётиши натижасида стратиграфик номувофиқликлар остида шаклланади. Стратиграфик номувофиқлик остидаги жинслар орасида мавжуд бўлган коллекторлар юқори томондан номувофиқлик туфайли тўсилиб қолади. Бундай жойларда стратиграфик синфдаги уюмлар ҳосил бўлади. Стратиграфик номувофиқлик натижасида моноклинал, антиклинал ва бошқа тузилмаларда уюм ҳосил бўлиши мумкин (II.8.11-расм).

Литолого-стратиграфик синфнинг уюмлари

Бунда уюмлар стратиграфик номувофиқлик остидаги маҳсулдор қатламнинг қийикланиш участкалари билан боғлиқ бўлади.



II.8.11-расм. Стратиграфик номувофицилдар билан
бөглиқ, стратиграфик синфнинг уюмлари:

а - якка түзилмалардаги; б - моноклиналлардаги; в - чукурлик-
даги қолдик палеорельеф юзасидаги; г - чукурликдаги кристалл-
лик жинслар дүңглиги юзаси.

ЕР ПҮСТИДА НЕФТГАЗЛИ ТҮПЛАМЛАРНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ НЕФТГАЗЛИ ТҮПЛАМЛАРИ

Хозирги кунда Ер шаридаги 45000 дан зиёд нефт, газ ва битум конлари очилган, улардан 25000 таси нефт конларидир. 80 дан ортиқ мамлакатда нефт қазиб чиқарыш ишлари, 120 мамлакатда нефтгаз излаш ва разведкаси ишлари олиб борилмокда. Нефт қазиб чиқарувчи мамлакатлар уч гурухга бўлинади: биринчи гурухга, ОПЭК (нефти экспорт кибулувчи мамлакатлар) га 11 давлат киради – Эрон (1960), Ироқ (1962), Кувайт (1960), Саудия Арабистони (1960), Венесуэла (1960), Бирлашган Араб Амирликлари (1967), Ливия (1962), Жазоир (1969), Индонезия (1962), Нигерия (1971), Катар шулар жумласидандир.

Иккинчи гуруҳ мамлакатлари ОЕСД – иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланган ташкилотларга бирлашган мамлакатлар. Буларга – АҚШ, Канада, Европа нефт қазиб чиқарувчи мамлакатлари, Австралия, Янги Зеландия каби давлатлар киради.

Учинчи гурухга эса, яъни юқорида келтирилган икки ташкилотга кирмаган мамлакатлар, буларга – МДҲ таркибидағи нефт қазиб чиқарувчи мамлакатлар (Россия, Украина, Озарбайжон, Туркменистан, Қозогистон, Ўзбекистон) ҳамда Хитой, Мексика ва қолган мамлакатлар мансубдир. Аммо нефт ва газнинг заҳираси жиҳатидан турли ўлкалар турлича тавсифланади.

Нефт ва газ конларининг энг кўп заҳираси Яқин ва Ўрта Шарқда (Саудия Арабистони, Ироқда, Эронда, Қувайтда ва х.к.), Шимолий Африкада (Ливия, Алжир), Мексика қўлтиғида, Шимолий дengизда, Россияда (Фарбий Сибир, Урал-Поволжье) ва бошқа регионларда тарқалган.

Күйида нефтгазли тұпламларнинг ер пўстида тарқалғанлик хосса-хусусиятларини кўриб чиқамиз.

9.1. Нефтгазли тұпламларни стратиграфик тарқалиши

Нефт ва газ тұпламлари асосан кембрийдан торғиб, то юқори плиоцен қатламларгача бўлган вертикал кесимда учрайди. Айрим углеводород конлари ҳатто тұртламчи ва токембрийгача бўлган қатламларда ҳам учрайди, аммо улар нефт ва газларни умумий захирасида ва қазиб олишда сезиларни ўринни эгалламайди.

Нефт ва газ тұпламлари ҳамма ҳудудларда ҳам бир хил стратиграфик диапозонида тарқалған эмас. Мисол тариқасида плиоцен қатламини кўриш мумкин. Кўп давлатларда қалинліти 1000 метргача тарқалганига ва ундан кўплигига қарамай саноат миқёсида нефтгазлилиги фақат Калифорнияда (АҚШ), Италияда, Югословияда, Японияда, Индонезияда, Кавказ олдида, Кавказ ортида, Ўрта Осиёда ва Сахалинда аниқланган. Бошқа давлатларда умуман кон очилмаган ёки очилган бўлса ҳам жуда кам микдорда.

Худди шундай холатни бошқа стратиграфик мажмуулар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ундан ташқари баъзи қатламлар, айрим ҳудудларда жуда юқори маҳсулдорлиги ёки баъзида умуман маҳсулот йўқлиги билан ажralиб туради.

Сабаби нефт ва газ тұпламларини тарқалиши ҳар бир вилоят ва ҳудудлардаги қатламларни ҳосил бўлиши-нинг литолого-фациал шароити, тектоник ва геодинамик ривожланиш тарихи ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Дунё нефтгазли провинциялари таснифини (1- илова) таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, нефтгазнинг аниқланган ва башорат этилган стратиграфик кенглиги (диапозон) асосида ажратилган провинцияларнинг еттига туридан Дунёда энг кўп тарқалгани нефтгазли провинциянинг мезозой-кайнозой тури экан. Унинг хиссасига Дунё нефтгаз провинцияларининг 40% ига яқини тўғри келади.

Бу турдаги провинциялар бошқа турдагиларидан фарқлирек, турли геодинамик вазиятларда пайдо бўлган геотузилмалар билан боғлиқдир: рифт водийлари, қитъаларнинг суст-чеккалари, эпирифтоген, субдукцион ва коллизион.

Мезозой-кайнозой туридаги нефтгазли провинцияларнинг 50 % и суст-чеккаларда жойлашган. Бунга плиталар тектоникаси келтириб чиқарган оқибатлар сабабдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ер геологик тарихининг сўнгти 180-200 млн. йил ичида, яъни мезозой эрасидан бошлаб Пангея икки катта қисмга - Лавразия ва Гондванага - булар эса ҳозирги даврдаги литосфера плиталарига ажralган. Ана шу бўлиниш жараёнида ҳосил бўлган қитъаларнинг суст-чеккаларига мезозой-кайнозой туридаги нефтгазли провинцияларнинг деярли 50 % и жойлашган. Лавразияга нисбатан Гондвана кўп бўлакларга ажralган. Демак бу ерда суст-чеккалар кўп. Шунинг учун ҳам Гондвана гуруҳидаги литосфера плиталарида мезозой-кайнозой туридаги провинциялар сони Лавразия гуруҳидан ортиқдир.

Таҳлил этилаётган турдаги провинцияларнинг 40 % и тоғ олди ва оралиғидаги геотузилмалар билан боғлиқ.

Бу тузилмалар Ер турли бўлакларининг бир-бирига қарама-қарши ҳаракати натижасида бўлаклар оралиғидаги Ер қаърининг сиқилиши туфайли вужудга келган.

Демак мезозой-кайнозой туридаги нефтгазли провинцияларнинг геотузилмалари плиталар тектоникаси туфайли вужудга келган геологик жараёнлар билан узвий бўғлиқдир.

Ер куррасида мезозой-кайнозой туридаги провинциялардан сўнг энг кўп тарқалгани палеозой ва палеозой-мезозой туридаги нефтгаз провинциялариdir. Уларнинг жойлашиш хосса-хусусиятларини ўрганиш кўп жиҳатдан Ернинг палеозой эрасига оид муаммоларини ойдинлаштиради.

Палеозой, палеозой-мезозой туридаги нефтгазли провинциялар мезозой-кайнозой провинцияларидан фарқли равишда, асосан кембрый давригача бўлган (қадимги) платформаларнинг рифтдан кейин ҳосил бўлган геотузилмалари билан боғлиқдир. Бу турдаги провинцияларнинг

бундай жойлашиш хусусиятлари кўп жиҳатдан палеозой эрасидаги геологик, хусусан тектоник жараёнларнинг қай тарзда кечганилиги билан боғлиқдир.

Агар мезозой-кайнозой эрасида нефтгаз йифилувчи регионал тузилмалар, асосан, плиталар тектоникаси жараёнлари туфайли вужудга келган ёnlама (горизонтал) ҳаракатлар билан узвий боғлиқ бўлса, палеозой эрасидаги бундай тузилмалар бўйлама-силкиниш (вертикал) тектоник ҳаракатлар маҳсулидир. Вертикал тектоник ҳаракатлар ҳақида гапирав эканмиз, улар асосида ҳам горизонтал геодинамик ҳаракатлар ётганини назарда тутмоғимиз керак.

Маълумки сўнгти протерозой эрасида Ер сатҳида рифт мажмуалари жуда кўп тарқалган бўлиб, уларнинг ривожланиши палеозой вақтига қадар аста-секин сўна борган. Рифт чекка қисмларининг бир-биридан узоқлашиши сусая борган сайин (ёки умуман бундай ҳаракат тўхтаб қолганда) Ер қаърицаги мантия диапири совий бошлаб, солиштирма оғирлиги ортади. Бундай жараён, ўз навбатида, Ер қобигининг чўкишига олиб келади.

Натижада рифтдан кейин вужудга келган йирик чўкинди ҳавзалари (синеклиза) пайдо бўла бошлайди. Агар рифт ривожи батамом сўнса ва унинг чеккалари қайта йўналишида ҳаракатга келса (бир-бирига яқинлаша борса), бу вазиятда тоғ жинсларининг бурмаланган минтақалари хосил бўлади.

Демак қадимги платформаларда жойлашган геотузилмаларнинг вужудга келиши кембрийгача бўлган ристларнинг маҳсули бўлиб, бу тузилмалардаги чўкинди жинслари ўтмиш рифтлар оқибатида келиб чиқсан бўйлама-силкинишлар натижасида қатлана борган.

Шунинг учун ҳам палеозой, палеозой-мезозой нефтгазли провинциялари асосан юқоридаги жараёнлар таъсирида рифтдан кейин рўёбга келган геотузилмалар қадимги платформалардаги йирик ҳавзалар, синеклиза, гумбаз тепаликлар, антеклиза ва бурмаланган минтақалар билан боғлиқдир.

Бу турдаги провинцияларнинг 70 % и Ернинг Лавразия қисмида жойлашган. Чунки Ернинг бу қисмида палеозой эрасида улкан чўкиш жараёнлари вужудга кела

бошлаган. Лавразия сатхи, Гондванага нисбатан, улкан денгизлар билан қолланган. Шунинг учун ҳам Лавразия худудининг палеозой эрасига мансуб кесмаларида оҳактош, оҳактош-күмтош жинслар кенг тарқалгандир.

Гондванада эса асосан буидай кесмаларда қурукликда қатланган күмтош жинслар иштирок этади.

Демак, палеозой эрасида нефтгаз хосил бўлиши учун кулай жинслар асосан Лавразия гурхидаги литосфера плиталарида қатланган экан. Бу қатламлардан нефтгазнинг ажралиб чиқишида биринчидан, палеозой эрасининг охирда куррамиз қаърида намоён бўлган иссиқликнинг ортиб кетиши, иккинчидан шу иссиқлик туфайли вужудга келган Пангеяниг бўлинниш жараёнлари - плиталар тектоникаси ҳам катта таъсир кўрсатган. Аммо плиталар тектоникаси палеозой қатламлари конига фақат ижобий таъсир этмасдан, уларниг бузилишига ҳам сабаб бўлган.

Шундай килиб юқорида келтирилган геологик шартшароитлар Ер бағрида турли стратиграфик кенгликдаги нефтгазли провинцияларниг тарқалишини белгилаб берган.

Бундан ташқари тасниф таҳлили асосида айтиб ўтилган фикрларга таяниб қуйидаги хуносаларни чиқариш мумкин:

1. Ер ривожланиш тарихининг палеозой эрасига таалукли кузатишлар, жумладан нефтгаз геотузилмаларини ўрганишда мезозой-кайнозой эраларининг далиллари асосида шаклланган плиталар тектоникаси нуқтаи назаридан фойдаланиш ва Пангея палеозой эрасида ҳам бир неча маротаба ҳозирги миқёсдаги литосфера плиталарига ажралиб, қайта яхлитланган деб таъкидлаш ва платформалар тарихини бундай жараёнлар билан узвий боғлаш геология фанидаги ноаникликларни янада кўпайтирибгина қолмай, нефтгаз геологияси яратган классик қоидаларни сунъий равища инкор этишга мажбур қиласи.

2. Ер тарихидаги тектоник жараёнлар бетакрор бўлиб, кейинги геологик даврларда бошқа шакл тарзида вужудга келади: палеозой эраси даъомида бир бутун бўлган (ҳозирги даврга нисбатан) Пангеяга, асосан, вертикал тектоник ҳаракатлар мансуб бўлган бўлса, мезозой-кайнозой даврида Пангея горизонтал тектоник

ҳаракатлар туфайли литосфера плиталарига бўлинниб, ҳозирги кундаги океанлар пайдо бўлган. Пангейя сатхини палеозой эрасида вақти-вақти билан улкан денгизлар қоплаб турган.

3. Ернинг фанерозой геологик тарихини бир-бiri билан узвий боғланган йириқ учта бўғинга бўлиш мумкин: 1) сўнгги протерозой - Пангейя таркибида рифтларнинг кенг тарқалиши; 2) палеозой - Пангейя таркибида асосан вертикал тектоник ҳаракатларнинг мавжудлиги; 3) мезозой-кайнозой - Пангейянинг горизонтал тектоник ҳаракатлари натижасида ҳозирги кўринишдаги литосфера плиталарига бўлинниб кетиши.

Шундай қилиб фанерозой вақтидаги геологик шартшароитлар ҳар хил турдаги нефтгазли провинцияларнинг Ер куррасида жойлашиш хусусиятларини белгилаб берди.

Нефтгазли провинциялар истиқболини баҳолашда ва шу асосда нефтгаз қидибув ишларининг йўналишини аниқлашга юкорида келтирилган муаммоларни инобатга олиш илмий кузатувларнинг самараасини ошириб, амалий масалалар ечимини ойдинлаштиради.

9.2. Нефт ва газнинг чукурлик ва вертикал кесим бўйича жойлашиши

Бу йўналишдаги тадқиқотлар натижасида 700 м чукурликда табиий газ, 700 м дан 6 км гача нефт, газ конденсат ва 6 км дан чукурроқда эса асосан метандан иборат газ йиғиндилари учрар экан деган фикрлар мавжуд эди. Шуни қайд этмоқ лозимки, чукурлик бўйича минтақаланиш баъзи жойларда кузатилмайди, шунинг учун бу минтақаланишни қонуният деб бўлмайди.

Суюқ ва газсимон углеводородлар турли литогенез шароитларида ҳосил бўлиб, улар турли чукурликка мансубdir, лекин асөсий жараён катагенез шароитда 2-4 км оралиқда содир бўлади ва бу оралиқ нефт ва газ ҳосил бўлишининг энг муҳим фазаси деб аталади (Н.Б.Вассоевич 1969). Бу фикрни А.Э.Конторович, О.М.Акромхўжаев ва яна баъзи олимлар ҳам қўллаб қувватлаганлар.

Аммо күпчилик йирик олимлар бу фикрга қүшилмайдилар. Масалан, А.А.Бакиров, Ф.А.Алексеев ва бошқалар фикрича углеводородларнинг ҳосил бўлишида асосий омил бўлиб температура хизмат қиласи. Температура эса ўз навбатида геотермик градиентга қараб турли жойларда ҳар хил кўрсаткичга эга бўлади. В.В.Вебер (1964) фикрича суюқ ва газсимон углеводородларнинг генерацияси, уларнинг ҳосил бўлишида диагенетик босқичда унча катта бўлмаган чукурлиқда ҳосил бўлади ва жараён 3-4 км чукурлиқда тугайди.

Кўпгина нефтгазли провинцияларда нефт ва газ йигилиши геотузилмалар тури билан боғлиқдир. Масалан, гумбаз тепаликларда газ, ботиқликларда нефт тўпланиши кузатилган. Турон плитасининг Марказий Қорақум гумбаз тепалигида газ уюмлари мавжуд бўлса, Жанубий Манғишлоқ ботиқлигидаги эса нефт конлари жойлашган.

Баъзи нефтгазли провинцияларда нефт тўпланиши ботиқлиknинг марказий қисмида, газ тўпланиши эса, унинг чеккаларида содир бўлишлиги кузатилади.

Нефт ва газ тўпланадиган шароитлар геологик ва геокимёвий жиҳатдан З.А.Табасаранский (1978) томонидан таҳлил этилганда шу нарса аниқ бўлдики, катта ботиқлиқда нефт ҳосил бўлишига ва тўпланишига қулай шароит бўлса, газ учун бошқача шароит катта гумбаз тепаликларда бўлар экан.

Кўпчилик мутахассислар континентал шароитда тўпланган органик моддалардан аксарият газлар, денгиз шароитида қатланган жинслардан эса нефт уюмлари ҳосил бўлади деб ҳисоблайдилар.

Нефт ва газнинг бундай тарқалиш хусусияти Фарғона ҳамда Афғон-Тожик тоғлараро ботиқликларида кузатилади. У жойларда палеоген даврида денгиз ётқизиклари қатланган бўлиб, уларда асосан, нефт уюмлари мавжуд, мезозой ётқизиклари эса континентал келиб чиқишига эга ва унда газ тўпламлари аниқланган. Иккинчи бир мисол гариқасида Турон нефтгазли провинциясидаги бўр ётқизикларини келтиришимиз мумкин, унда асосан газ уюмлари мавжуд бўлса, юра қатламларида эса нефт заҳиралари мужассамланган (З.А.Табасаранский, 1967).

Баъзи жойларда нефтгазнинг латерал (майдон) кесим бўйича тарқалишида айрим хусусиятлар учрайди. Яъни газ тўплами геотузилмаларнинг марказий қисмида, тузилманинг чекка қисмида нефт ўюмлари учрайди.

Масалан, Турон нефтгазли провинциясининг марказий қисмидаги Амударё ва Мурғоб геоструктураларида асосан газ тўпламлари, провинциянинг гарбий чеккасида Жанубий Мангишлок территориясида асосан нефт тўпламлари жойлашган. Нефтгаз тўпламларининг бу турдаги зонал жойлашиши ётқизиклар турига ҳам боғлиқ. Чунки ётқизиклар турли фациал таркибга эга бўлиб, углеводородлар ҳосил бўлишида маълум даражада ахамият касб этади. Масалан, Турон нефтгазли провинциясининг гарбига юра ётқизиклари денгиз фацияларидан иборат бўлиб, уларда сапропел туридаги органик моддалар мавжуд бўлса, провинциянинг шарқ томонида эса континентал шароитда қатланган гумус туридаги органик моддаларга бой ётқизиклар мавжуд.

9.3. Ўзбекистоннинг нефтгазли провинциялари ва областлари

Ўзбекистоннинг ер ости нефтгазлилик учун катта потенциалга эга: умумий майдони $447,4$ минг км^2 бўлган ҳудудининг 60% и нефт ва газга истиқболли. Ўзбекистонда 200 га яқин нефт ва газ конлари очилган бўлиб, улар турли тоифадаги нефтгазли тўпламлар билан боғлиқ (8.2.1-бобга қаранг).

Булар:

Устюрт ўлкаси (региони^{*)})даги Устюрт нефтгазли провинцияси, Шарқий Орол нефтгазли области ва Шоҳпахга нефтгазли райони;

^{*)}Ўзбекистоннинг нефтгазли территорияларини 5 та региона (Устюрт, Бухоро-Хива, Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона) ажратиш Ўзбекистон нефтгаз имкониятларини хорижий компаниялар вакилларига (геолог бўлмаганиларига) тушунтириш максадида 1996 йили шартли равища ажратилган эди. Регион тушунчаси эркин маънода қўлланилганлиги учун, бундай тушунчани нефтгазгеологик тадқиқотиарда қулаш тавсия этилмайди.

Фарбий Ўзбекистон (Бухоро-Хива регион)даги Бухоро ва Чоржўй нефтгазли областлари;

Жанубий Ўзбекистондаги Жанубий-Фарбий Ҳисор ва Сурхондарё нефтгазли районлари;

Ўзбекистон шарқидаги Фаргона нефтгазли области.

Юқорида ажратилган Ўзбекистоннинг турли тоифадаги нефтгазли тўпламлари Дунё нефтгазли провинцияларининг умумлашган таснифига мувофиқ қўйидаги 4 та нефтгазли провинция таркибига киради: Устюрт нефтгазли провинцияси; Шимолий Кавказ-Жанубий Устюрт нефтгазли провинцияси; Турон нефтгазли провинцияси; Тянь-Шань-Кунь-Лунъ нефтгазли провинцияси.

Улардан Устюрт, Шимолий Кавказ-Жанубий Устюрт ва Турон нефтгазли провинциялари геодинамик нуқтаи назардан эпирифтоген кўринишга, Тянь-Шань-Кунь-Лунъ нефтгазли провинцияси эса коллизион кўринишга эга.

Нефтгазлиликнинг стратиграфик кенглиги жиҳати-дан Устюрт провинцияси палеозой-мезозой, Устюрт нефтгазли провинцияси; Шимолий Кавказ-Жанубий Устюрт ва Турон провинциялари асосан мезозой, Тянь-Шань-Кунь-Лунъ асосан мезозой-кайнозой турларига киради.

Ўзбекистоннинг Қарақалпоғистон ҳудудида (ёки ҳозирда кенг тарқалган тушунча – Устюрт регионида) юқорида кўриб чиқилган 4та провинциядан З таси туташган. Булар Устюрт, Шимолий Кавказ-Жанубий Устюрт ва Турон провинциялари. Бу провинцияларнинг турли тоифадаги нефтгазли тўпламлари Қарақалпоғистонда шаклланган. Масалан, Устюрт провинциясининг кўп қисми Қарақалпоғистоннинг асосан шимолий ҳудудларида жойлашган, Шимолий Кавказ-Жанубий Устюрт провинциясининг шарқидаги Ассакеудан ва Шоҳпахта нефтгазли районлари Қарақалпоғистоннинг жанубини эгаллайди, Турон провинциясининг шимолида жойлашган Шимолий Қизилкум нефтгазли субпровинциясининг фарбий қисмидаги Шарқий Орол нефтгазли области Қарақалпоғистоннинг шарқий қисмини эгаллайди.

Турон провинциясининг жанубида жойлашган Амударъё- нефтгазли субпровинцияси таркибида Ўзбекистоннинг Бухоро ва Чоржўй нефтгазли областлари жойлашган. Тянь-Шань-Кунь-Лунъ провинцияси таркибига кирувчи Афғон-Тожик нефтгазли областида Ўзбекистоннинг Жанубий-Гарбий Ҳисор ва Сурхондарё нефтгазли районлари ажратилади. Шунингдек Ушбу провинцияда кўп қисми Ўзбекистонни эгаллаган Фаргона нефтгазли области жойлашган. Ўзбекистон Республикасида ажратилган нефтгаз тўпламларининг кўйида қисқача таърифи берилган.

9.3.1. Устюрт нефтгазли провинцияси

Устюрт нефтгазли провинцияси Қозогистон ва Коракалпогистон территорияларида жойлашган бўлиб, бу провинциянинг баъзи районларида углеводород конлари аниқланган. Жумладан, Козогистонда жойлашган Бўзачи гумбаз тепалигида нефт конлари (Шимолий Бўзачи, Каламкас, Коражомбой), Ўзбекистондаги Қуаниш-Косқала деворсимон кўтарилимаси (вал)даги газконденсат конлари (Оқчалоқ, Корачалоқ, Кўкчалоқ, Фарбий Борса-келмас, Чибини, Қуаниш) очилган. Конлардаги уюмлар бир неча қатламларда жойлашганлиги туфайли, конлар кўп қатламлидир.

Газконденсат конлари захирасининг кичик микдор-далигига қарамай баъзи конлардаги газ таркибидаги конденсатнинг микдори юқорилиги билан ажралиб туради.

Масалан, Оқчалоқ газконденсат конида газ таркибидаги конденсат микдори юра даври ётқизиктарида 200 г/м³ дан ортиқ.

Нефтгазлилик кўлами юқори юра чўкиндиларидан палеозой даври чўкиндиларигача бўлган кесимда аниқланган. Бу палеозой жинсларининг маҳсулдорлиги тахминан карбон ёшидаги оҳактошлар билан боғлиқ. Бу жинсларининг литологияси ва коллекторлик хоссалари ҳозирча бурғилаш ишлари билан етарлича ўрганилмаган. Аммо, Корачалоқ ва Чибини майдонларида бу қатлам-

лардан олинган очик газ фәвворалари уларнинг истик-
болли эканлигидан далолат беради.

Юра давридаги чўкиндиларда углеводородлар уюми
антеклинал кўтарилиларнинг гумбаз ва қанот қисмла-
ридаги кумтош жинслар билан боғлик. Маҳсулдор
горизонтларнинг ётиш чукурлиги 2300-3550 м дан иборат.
Тоғ жинсларининг очик ғоваклити 20-25% гача боради,
газли қудукларнинг ишчи маҳсул миқдори кунига бир неча
 100 m^3 га генг.

Кўйида мисол тариқасида Устюрт нефтегазли
провинциясининг Ўзбекистон худудидаги Оқчалак газкон-
денсат конини кўриб чиқамиз.

Оқчалоқ газконденсат кони

Оқчалоқ газконденсат кони – Қорақалпоғистон
Республикаси Кўнгирот туманида, Кўнгирот темир йўл
станциясидан 100 км шимоли-ғарбда жойлашган. Кон
1983 йилда очилган, Оқчалоқ майдони бўйлаб Ўрта Осиё-
Марказ, 30 км шарқда Бухоро-Урал магистраль газузатгич
кувурлари ўтади. Кон рельефи текисликдан иборат,
майдон дениз сатҳидан 100-155 м баландлиқда
жойлашган.

Оқчалоқ локал структураси тектоник жиҳатдан
Устюрт синектизаси таркибидаги Кувониш-Қўшқальъ
деворсимон кўтарилимаси (вал)нинг марказий қисмида
аниқланган. Юра даври ётқизиқлари шипи бўйича
мустакил брахиантеклинал кўринишдаги тузилма. Ушбу
тузилманинг шарқий ва жануби-ғарбий қисмларида иккита
кубба мавжуд. Тузилма ўлчами -2150 м изогипс чизиги
бўйича $5,5 \times 6,5$ км, баландлиги 16 м.

Оқчалоқ структураси 1961 йил 1:200000 масштабда
бажарилган геологик съемка орқали аниқланган. 1965-88
йилда жами 17 та бурғ қудук қазилган. Газлилик чегараси
ичида 9 та қудук жойлашган. Палеозой эраси, перм-триас,
юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр жинслари
очилган.

Саноат миқёсидаги газлилик куйи юра (КН гори-
зонт, 3183 м чукурликда очилган), ўрта юра (КН₂ ва А

горизонтлар, 3202,6 м ва 2834-2631 м) ва юқори юра (НА горизонт, 2635-2576 м) даври ётқизиқлари билан боғлик. Қуии юра даври ётқизиқлари 34-132 м қалинликка эга бўлган йирик донали чакик жинслардан, гилли аргиллитлардан ташкил топган терриген жинслардан иборат. Ўрта юра – қумтошлардан (452-511 м), юқори юра эса – аргиллит, қумтош, алевролитлардан (20 м) таркиб топган. Газ дебити 44 минг м³/сут, конденсат – 2,2 м³/сут, сув – 30 м³/сут.

Қатлам босими 26,6 МПа дан 35,1 МПа гача. Уюм тури қатламсимон гумбазли, литологик тўсиљган. Уюмлар ўлчами: узунлиги 1,0 км дан (НА₃) 8,0 км гача (КН₂), кенглиги 1,0 км дан (НА₃) 3,6 км гача (КН₂), баландлиги 5 м дан (НА₃) 65 м гача (КН₂). Газ-сув туташ юзаси(ГСТЮ) горизонтал ҳолатда бўлиб -2462 м дан (НА₁) -3101 м гача (КН₂) мутлақ баландликда ётади.

Ҳамма горизонтлардаги газлар бир хил бўлиб яримқуруқ метанли (83,07%), водород сульфидсиз (0,02%), кам азотли (4,81%), кам карбонат кислотали (1,99%). Конденсат ўртача оғирликда (0,783 г/см³), кам олтингугуртли (0,01-0,14%), парафинли (2,22-5,13%), кам смолали (0,18-1,51%). 1 м³ газ таркибида 222 г (J₁) ва 90 г (J₂) конденсат мавжуд. Қуи, ўрта ва юқори юра даври ётқизиқларидаги қатлам сувлари таркиби бир-бирига ўхшаш бўлиб юқори даражада минераллашган намакобдан иборат (134-192 г/л), зичлиги 1,09-1,14 г/см³, хлерид-кальций натрийли типга мансуб. Ион-туз таркибида хлор иони кўп (82-121 г/л), ишқорий металлар – 34-61 г/л. Йод 10-29 мг/л гача, бром 178-606 мг/л гача, саноат аҳамиятига молик. Шунингдек, сув таркибида литий, рубидий, цезий, стронций ва бошқалар микрокомпонентлар учрайди.

Оқчалоқ газконденсат кони газ ва конденсат захирасига кўра кичик конлар тоифасига киради. Ҳозирги вактда кон саноат миқёсида фойдаланишга тайёрланган.

Устюрт провинциясида янги углеводород конларини излаб топишлик истиқболи тектоник элементларни мукаммал ўрганишлик, Орол деңгизи тубида, Косбулак, Сам эгикликларида палеозой-мезозой кесимларида излов ишларини олиб боришлик билан боғлик.

9.3.2. Шимолий Кавказ-Жанубий Устюрт нефтгазли провинцияси (Шохпахта ва Ассакеудан нефтгазли районлари)

Шимолий Кавказ-Жанубий Устюрт нефтгазли провинциясининг Ўзбекистон худудида Шохпахта ва Ассакеудан нефтгазли районлари жойлашган бўлиб, улардан Шохпахта районида шу номли газ кони очилган.

Шохпахта газ кони

Шохпахта газ кони - Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманида, Кўнғирот шаҳридан 220 км жануби-гарбда 1963 йилда аниқланган ва 1971 йилдан фойдаланишга топширилган. Кон Шохпахта тектоник поғонасида жойлашган.

Шохпахта бурмаси шимоли-шарқ йўналишида чўзилган бўлиб ўлчами 8×16 км. Палеоген ётқизиқлари нинг таг қисмига нисбатан кўтарилиш амплитудаси 60 м, юра даври ётқизиқлари шиши бўйича - 100 м.

Шохпахта газ конида жами 14 та бурғ қудук қазилган бўлиб, юра, бўр, палеоген ва неоген даври жинсларини очган. Юра даври ётқизиқлари тўқ кулранг, баъзан қора гил, алевролит ва қумтошлардан таркиб топган. Кесимнинг юқори қисмида карбонат жинслар учрайди. Юра даври ётқизиқлари қалинлиги 760-955 м. Бўр даври ҳосиллари ҳам гил, алевролит ва қумтошлардан иборат. Кесимнинг юқори қисмида терриген жинслар билан бир қаторда карбонат ётқизиқлари ҳам қатланади. Бўр даври ётқизиқлари қалинлиги 1370-1420 м. Палеоген даври жинслари қалинлиги 40-55 м ли карбонат, қумтош ва мергелдан, неоген - 110-115 м ли гил ва оҳактошлардан иборат.

Маҳсулдор горизонтлар қуйи ва ўрта юра даврининг терриген жинсларида аниқланган, кесимда 8 та горизонт (I-VIII) ажратилган. Қумтош ва алевролит жинслар коллектор вазифасини ўтайди. Газга тўйинган қалинлик 11,7-98,0 м, очиқ ғоваклилик ва газга тўйин-

танлик коэффициентлари 0,16-0,2 ва 0,56-0,70. Фовакли-лиги 12-16%. Горизонтлар 1700-2230 м оралиқда очилған. Қатламнинг дастлабки босими 22,0 МПа, газ дебити 114,6-510,0 минг м³/сутка. Газ зичлиги 0,624-0,640 г/см³. Таркиби (%да): карбонат аңгидрид гази -1,3; азот+нодир газлар 7,0- 9,5; гелий -0,035-0,045; аргон -0,059-0,150, метан - 84,3-89,5; этан -1,9-5,6, пропан 0,4-0,8, бутан ва пентан 0,1-0,5%.

Шохпахта газ кони захирасига күра ўртача катталиқда конлар тоифасига киради. Кондан ҳозирги кунда фойдаланилмоқда.

Юқорида күрилған провинциянинг Ўзбекистондаги истиқболи Ассакеудан тектоник погонасининг мезозой чўкинди жинслари остида ётувчи кейинги йилларда аниқланган сўнгти палеозой палеорифт системаси билан боғлиқ. Умуман бу система юқори палеозой ва қуий юра ётқизикларида углеводородларнинг янги конларини топиш учун истиқболлидир. Ҳамда янги конларни излаш учун Шохпахта тектоник погонасининг марказий қисмлари ҳам диккатга сазовор.

9.3.3. Шимолий Қизилқұм нефтгазли субпровинцияси (Шарқий Орол нефтгазли области)

Шарқий Орол нефтгазли области Турон провинциясидаги Шимолий Қизилқұм субпровинцияси нинг нефтгазгеологияк элементи бўлиб, бу ерда сўнгги йилларда катта ҳажмда геология-қидириув ишлари олиб борилмоқда. Натижада, қатор газконденсат конлари (Шарқий Бердах, Учсой, Шимолий Бердах ва бошқалар), шу жумладан катта заҳирали Сургил кони аниқланди.

Сургил газконденсат кони

Сургил структураси 1989 йили аниқланган бўлиб чукур бурғилашга қуий юранинг шипига мужассамланган Т_{IV}^Ш горизонти бўйича сейсморазведканинг МОГТ усули билан 1991 йили тайёрланган. Тузилма қайд этилган

горизонт бўйича икки гумбазли брахиантиклинал бўлиб, шимолий-ғарбга чўзилган. Унинг ўлчами -2875 м изогипс бўйича 21x7 км, майдони 75 квадрат км, амплитудаси 150 м. 2002 йили биринчи излов қудуғида саноат аҳамиятига эга бўлган газ оқими ўрта-юқори юранинг З та қатламидан олинган. Ҳозирги кунга келиб Сургил конида 20 га яқин қатламдан газ оқими олинган. Сургил кони кўп уюмли бўлиб, уюмлар қатламсимон турга киради.

Сургил конининг истиқболи юқори палеозой - қуйи юра қатламларини ўрганиш билан, унинг жанубий-шарқий гумбазини разведка қилиш ишлари билан боғлик.

Судоче эгиклигининг баъзи майдонларида (Шарқий Мўйнок, Шимолий Орол) қазилган қудуқлардан нефт оқимлари ҳам олинган.

Янги очилган конлар (Урга, Шарқий Бердах, Учсой) ишга туширилди.

Газконденсат уюмлари ўрта-юқори юранинг терриген жинсларида аниқланган бўлса, нефт оқимлари қуйи юранинг терриген жинсларидан олинган.

Аниқланган конлар Шарқий Орол обlastининг Судоче нефтгазли районида жойлашган. Улардаги уюмлар қатламсимон турда бўлиб, кўп қатламлидир.

Ушбу районнинг Бердах-Учсой майдонида сейсморазведканинг ЗД усули ўтказилиб геологик жиҳатдан муҳим бўлган ҳосса-хусусиятлар аниқланди.

Юқори палеозой бўйича жинсларининг геозичлигини ўрганиш асосида карбонат жинсларининг тарқалган жойлари хариталанди.

Куйи юра қатламлари бўйича майдоннинг марказий қисмида грабенсимон эгиклик аниқланди. Бунда қуйи юра жинсларининг қалинлиги 1500 м дан ортиқ.

Ўрта юра жинслари бўйича мавжуд икки гумбазли локал тузилма сейсморазведканинг ЗД маълумотларига кўра якка гумбазга эга бўлиб, бу кўтарилма жануб томонга ривожланиб бўрар экан.

Юқорида келтирилган ҳосса-хусусиятлар Судоче районнинг истиқболидан дарак беради ва бу истиқбол юра давридаги чақиқ жинслардаги ва юқори палеозойнинг карбонат жинсларидаги анъанавий ва ноантиклинал тутқиҷларда нефтгаз уюмларини излаш билан боғлик.

9.3.4. Амударё нефтгазли субпровинцияси (Бухоро ва Чоржўй нефтгазли областлари)

Ушбу субпровинция тектоник жиҳатдан Турон ёш платформасининг Амударё синеклизасида жойлашган. Амударё синеклизасининг шимолий шарқида ажратиладиган Бухоро ва Чоржўй тектоник погоналари нефтгаз-геологик районлаштириш принципларига мувофиқ шуномли нефтгазли областларни ташкил этади.

Бухоро ва Чоржўй нефтгазли областлари бир-бири билан ёндош бўлиб, уларда 110 дан зиёд нефт ва газ конлари топилган.

Бу областлар тектоник жиҳатдан ва чўкинди жинсларининг вертикал кесими бўйича бир-биридан фарқ қиласди.

Бухоро ва Чоржўй областлари, юқорида қайд этилганидек, ҳар бири шу номли тектоник погонага жойлашган. Бу тектоник погоналар оралиғида субкенглик бўйича йўналган чуқур тектоник бузилиш мавжуд.

Бухоро тектоник погонасида нефт ва газ конлари асосан қуий бўрнинг терриген жинсларида очилган. Бу областдаги энг катта кон, Газли нефтгаз кони бўлиб, ундаги газнинг дастблабки заҳирасининг миқдори 500 млрд. м³ га яқин бўлган.

Чоржўй нефтгазли области Бухоро тектоник погонасига нисбатан кўпроқ чўкиш жараёнига дучор бўлган, шу туфайли чўкинди жинсларининг қалинлиги катта, бу ерда юқори юранинг эвапорит ва органоген жинслари мавжуд.

Кидириб топилган асосий нефтгаз конлари айнан эвапорит жинслари остида ётувчи органоген тутқичларда аникланган ва уюмлар массив турдадир.

Бу конлар жумласига газконденсатли Шўртонг, Зеварди, Олон, Помук ва бошқалар, нефтгазконденсатли йирик Кўкдумалоқ, нефтли Шимолий Ўртабулоқ ва бошка конлар киради.

Олон газконденсат кони

Олон газконденсат кони - Қашқадарё вилояти, Баҳористон туманида, Косон темир йўл станциясидан 68 км жануби гарбда 1977 йилда очилган ва 1979 йилда фойдаланишга топширилган. Кон рельефи қучсиз табақаланган текисликдан иборат, рельефнинг мутлақ баландлиги 270-300 м.

Олон газконденсат кони Чоржўй тектоник поғонасининг марказий қисмидаги Денгизкўл кўтарилима-сининг жануби-шарқий қисмида бўлиб, унинг геологик тузилиши икки - туз усти ва туз ости структуравий қаватларидан иборат. Туз усти мажмуаси (палеоцен даврининг буҳоро қатлари ва XIII горизонт шиплари) бўйича Олон майдони Кўлтоқ қуббасимон структурасини мураккаблаштирувчи меридионал йўналишда чўзилган структуравий бурундан иборат.

Олон газконденсат конида жами 18 та бурғ қудуғи қазилган, улардан 15 таси газлилик чегарасида жойлашган. Юра, бўр, палеоген, неоген-тўртламчи давр жинслари очилган. Юра даври ётқизиклари терриген (куйи келловей - бат яруси), карбонат (ўрта келловей - куйи киммериж) ва туз-ангидрит (киммериж-титон) қатларидан иборат. Карбонат ётқизиклари турли петрографик типдаги оҳактошлардан таркиб топган, уларнинг қалинлиги 240 м дан 520 м гача ўзгаради. Бундай жинслар кесимида XVI, XVa-2, XV-PR, XVa-1, XV-P, XV-HP горизонтлари ажратилади.

Саноат миқёсидаги газлилик рифоген ётқизиклар билан боғлиқ. Газлилик қавати яхлит гидродинамик системадан ва яхлит ГСТЮ дан иборат бўлган XV-HP, XV-P ва XVa-1 горизонтларни қамраб олган. Газ тўплайдиган катлам коллекторлар ғовак, ғовак-ковак туридаги жинслардан тузилган. XV-P горизонт коллекторлари биоген генезисли ғовак массив оҳактошлардан таркиб топган, ғоваклиги 14,5-22,6%, газга тўйинган фойдали қалинлиги 203,8 м. гача XV-HP ва XVa-1 горизонтлар мос ҳолда органоген- чақиқ (қалинлиги 0-93 м) ва органоген - сув ўтли (0-45 м) оҳактошлардан иборат.

Олон газконденсат конининг уюми массив тузилиши, мураккаб бўлиб, уларнинг риф ва риф ости қисмларининг газлилик чегаралари мос тушмайди. Газлилик чегараси -2798 м мутлақ баландликда қайд қилинган. XV-P+XV-HP+XVa-1 горизонтларнинг газлилик қавати қалинлиги 365 м, уюм ўлчами $7,3 \times 3,7$ км. XV-HP горизонтидаги уюм ўлчами $5,3 \times 2,5$ км, баландлиги 235 м; XV-P— $6,3 \times 3,5$ км, баландлиги 320 м; XVa-1 - $5,8 \times 3,5$ км, баландлиги 75 м. Бошлангич катлам босими (уюннинг ўрта қисмидаги баландлиги -2616 м бўйича) XV-P ва XV-HP горизонтларда - 47,5 МПа, температураси 110°C ; XVa-1 горизонтда - (-2760м) мос ҳолда 57,9 МПа ва 112°C .

Олон газконденсат кони гази қурук, метанли, дебити 96,19 минг $\text{m}^3/\text{сут}$. Таркиби (%да): метан 91,45, этан 3,11; пропан 0,97; изобутан 0,17, мұттадил бутан 0,22; изопентан 0,11; мұттадил пентан 0,11; водород сульфид 0,12; карбонат ангидрид гази 3,21; азот 0,79; гелий 0,019; водород 0,078. Газнинг нисбий зичлиги 0,616 $\text{г}/\text{см}^3$. Конденсатнинг газдаги миқдори $46 \text{ г}/\text{см}^3$.

Конденсат ўргача оғирликда ($0,8114 \text{ г}/\text{см}^3$). Бензин фракциялари миқдори 46-57%, керосин - 22-47%. Таркиби (% да): олтингугурт миқдори - 0,32, смола - 0,25, парафин - 1,52. Бензин фракцияси гурухий углеводород таркибига кўра метан- аромат-нафтен, керосин-мой фракцияларининг структуравий гурух таркибига кўра метан-нафтэн-аромат турига мансуб.

Юра даври сувбосимли мажмуя таркибидаги катлам сувлари хлорид-кальций турли намакобдан иборат. Генезисига кўра седиментацион, метаморфлашган, минераллашган ($91-109 \text{ г}/\text{л}$). Микрокомпонентлардан йод ($24,3 \text{ мг}/\text{л}$) ва бром ($257-395 \text{ мг}/\text{л}$) саноат миқёсида ишлаб чиқариш мавкеига эга.

Олон газконденсат кони захирасига кўра йирик, геологик тузилишига кўра мураккаб конлар тоифасига киради. Ҳозирда кондан фойдаланилмоқда.

Бу Чоржўй нефтгазли област геологик-геофизик жиҳатдан юқори даражадаги ўрганилганликка эга бўлса

ҳам, ҳали у ерда янги нефт ва газ уюмларини очиш имкониятлари мавжуд.

Бу масала айниқса Чоржүй нефтгазли обласгининг поғонасининг яхши ўрганилмаган Бешкент эгиклиги учун ўта муҳим.

Бешкент эгиклигининг муҳим хусусиятларидан бири органоген жинслардан тузилган келловей-оксфорд карбонатли чўкиндиларининг қалинлиги юқори - 500 м дан ортади. Бу жинсларда мужассамланган углеводородларнинг башоратли ресурсларининг майдон бўйлаб зичлиги юқори микдорга эга. Ушбу кўрсаткичнинг муҳимлиги қуйидаги қиёсий таққослашда ёркин намоён бўлади. Агар Кондим конининг 600 км² дан ортиқ майдонида 150 млн. м³ шартли ёқилғи микдори ҳисобланган бўлса, майдон жиҳатдан кичик бўлган Олон конида (37 км²), углеводородлар микдори Кондим конидагидан кўп. Мамлакатимиздаги энг катта нефтгазконденсатли конлардан бири Кўкдумалок конида ҳам бу хусусият қайтарилади. Олон ва Кўкдумалок конларида углеводородлар уюми юқори юра даврининг якка рифли тузилмалари билан боғлик.

Замонавий технология ва техниканинг қўлланилиши бу худудда янги углеводород конларини очишга имкон яратади. Бунга асосий объект бўлиб ётиш чуқурлиги 2500 м дан 4000 м гача бўлган юра ва 4000-4500 м дан чуқурда ётувчи юқори палеозой ётқизиклари хизмат қиласи.

9.3.5. Афғон-Тожик нефтгазли области

Афғон-Тожик нефтгазли области нефтгазгеологик жиҳатдан герцин бурмачанглигидаги мезозой-кайнозойли Тянь-Шань-Кунь-Лунь нефтгазли провинция таркибида ажратилади.

Афғон-Тожик нефтгазли области тоғлараро ботиқлиқда жойлашган бўлиб, бу ботиқлиқда тектоник жиҳатдан субмердионал чўзилган мегантиклиналлар (Жанубий-Фарбий Хисор, Коғирниғон, Обигарм) ва мегасинклиналлар (Сурхондарё, Вахш, Кўлоб) ажратилади.

Бу тектоник элементлар нефтгазгеологик жиҳатдан нефтгазли районларни ташкил этади.

Улардан Жанубий-Фарбий Ҳисор ва Сурхондарё нефтгазли районлари Ўзбекистонда жойлашган.

Жанубий-Фарбий Ҳисор нефтгазли район

Бу районда углеводородларнинг 13 та кони очилган. Бу конлар Чоржўй обlastидагидек юқори юра даврининг карбонат жинс ётқизиклари билан боғлиқ ва массив турдадир. Аммо, бу район гарбдан туташ бўлган Чоржўй обlastидан ўзининг мураккаб тектоник тузилиши ва неоген-антропоген даврдаги мусбий тектоник фаоллик натижасида вужудга келган рельефнинг дизъюнктив дислокациялар туфайли турли тектоник бўлакларга ажralганилиги билан фарқ қиласди.

Худуднинг асосий геотузилма элементлари бу суримали минтақалар ҳисобланади. Бу минтақалар кўпроқ жанубий-гарбга йўналган тектоник чўзиқ пластинкалардан иборат бўлиб, қатор кўндаланг бузилишлар натижасида турли ўлчамдаги блокларга бўлинган.

Бундай тектоник блоклар нефтгазлилик нуқтаи назаридан юқори истиқболли бўлиб, истиқболли обьект сифатида юқори юра давридаги туз ости карбонат жинс чўкиндилари хизмат қиласди. Бу чўкиндилар оҳактошлар ва доломитлардан, юқори қисми эса ангидрид қатламларидан иборат. Коллекторлар говак-ёриқ, ковак (бўшлиқ)-говак, ёриқ-ковак шаклларида бўлади. Очиқ говаклик 3-18%, ўтказувчанлик 0,1-1000 мД ни ташкил этади. Уюмлар массив шаклини бўлиб, тектоник тўсикли турга мансубdir. Уюмлар углеводородларнинг таркибига кўра газконденсатли, нефтгазконденсатли ва нефти турларга ажратилади. Углеводород конларининг энг йириклари Жанубий Тандирча, Жарқудук, Жанубий Қизилбайроқ Бўзахўр конлари ҳисобланади. Маҳсулдор горизонтларнинг ётиш чуқурлиги 1200м дан 3500м гача ўзгаради.

Бўзахўр газконденсат кони

Бўзахўр газконденсат кони – Қашқадарё вилояти, Фузор туманида, Фузор шаҳридан 20 км жануби-гарбда

1983 йилда очилган. Кон рельефи шимоли-гарбий йўналишда қияланган адирдан иборат, рельефнинг мутлақ баландлиги 560-780 м.

Бўзахўр газконденсат кони тузости ётқизиклари шипи бўйича шимоли-шарқий йўналишда чўзилган антиклинал бурмадан иборат. Бурма ўлчами «-2750 м» берк изогипс чизиги бўйича 7,0x3,0 км, баландлиги 350 м.

Конда жами 7 бург қудук қазилган, чукурлиги 3261 м бўлган параметрик қудук ёрдамида кон очилган. Асосан юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр ётқизикларини очган. Саноат микёсидаги газлилик юқори юра даврининг карбонат ётқизикларида (XV, XVa ва XVI горизонтлар) аниқланган. Бу горизонтлар 3051-3287 м чукурликда очилган. Асосан сувўти оҳактош, мергель, ангидрит, гиллардан таркиб топган. Жами 14 оралиқ синаб курилган, уларнинг 12 тасидан саноат аҳамиятига молик газ оқими олинган. Газ дебити 485-682 минг м³/сутка. ГСТЮ -2694 м мутлақ баландликда қайд килинган. Уюм ўлчами 6,2x2,7 км, баландлиги 315 м. Катламнинг бошланғич босими 35,4 МПа, температураси +114°C.

Бўзахўр кони гази метан гомологлари микдорига кўра енгил ($C_2H_6+юқори=8,88\%$), азот ва водород сульфид микдори кам (0,99%) ва (0,21%), карбонат ангидрид гази-ўртacha (1,05%). Катлам газлари таркиби (% да): метан 88,06-89,97; этан 4,88-6,12; пропан 0,98-2,11; изобутан 0,24-0,52; пентан 1,05-1,44. Конденсат оғир (0,7933 г/см³), кам олтингугуртли (0,12%), бензин фракциялар микдори 58%. 1м³ куруқ газдаги барқарор конденсат микдори 62 г. Куруқ газдан ажralиб чиқиш коэффициенти 2,5 МПа қолдиқ босимда 0,73, 0,1 МПа - 0,83. Гурухий углеводород таркибига кўра конденсат метан-ароматли типга мансуб.

Маҳсулдор қатламдаги сувлар хлорид-кальций ва хлорид магний типга мансуб бўлиб намакобдан иборат, минераллашганлиги 120-135 г/л. Сувдаги микрокомпонентлар микдори (мг/л): ѹод 0,79-1,96, бром 27,0-36,35, бор оксиди 17,2-37,84.

Бўзахўр газконденсат кони газ захираларига кўра кичик конлар тоифасига киради. Хозирги кунда кон саноат миқёсида фойдаланишга тайёрланган.

Сурхондарё нефтгазли райони

Бу районда 11 та нефт ва газ конлари очилган. Нефтгаз уюмларининг стратиграфик тарқалиш кенглиги юра давридан палеоген давригача бўлган ётқизикларни ўз ичига олади. Юқори юра даврининг карбонат жинс ётқизиклари юқори истиқболга эга. Бу жинсларда Гажак майдонида йирик газ уюми очилган. Юқори юра оҳактошларининг ётиш чуқурлиги шимолдан жанубга томон 3 км дан 9 км гача ва ундан ортиқ.

Юқори юра давридаги туз ости карбонат жинслари коллекторлар ҳисобланиб, уларнинг қалинлиги 400-800м ни ташкил этади.

Бўр даври ётқизиклари терриген ва қисман карбонатли коллекторлар билан ифодаланган; қумтошларнинг очик ғоваклиги 12 дан 30% гача, ўтказувчанлиги 3 дан 5000 мД гача (кўпроқ 300-600 мД оралигида), оҳактош-ар қатламлариники мос равишда 9-11% ва 5-30 мД. Бўр даври коллекторларида Гажак (куйи бўрда) ва Лалмикор (юқори бўр) конларида газ уюмлари аниқланган.

Палеоген даври (палеоцен ва эоцен) давларининг дарзли карбонат жинсли коллекторларида нефт уюмлари аниқланган (Миршоди, Кўштор, Амударё ва бошқалар). Коллекторларнинг ғоваклиги 10-25% ва ўтказувчанлиги 200-250 мД.

Амударё нефт кони

Амударё нефт кони Сурхондарё вилояти Термиз туманида, Жарқўргон шаҳридан 80 км жануби-шарқда 1964 йилда очилган ва 1966 йилдан фойдаланишга топширилган. Кон майдони куббасимон тепаликлардан таркиб топган меридионал йўналишда чўзилган баландликдан иборат, рельеф денгиз сатҳидан 540 м юқорида жойлашган, ер юзаси бархан қумлари б-н қопланган.

Амударё структураси Боботоғ тектоник зонасининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб бухоро қатларининг шили бўйича (1 горизонт) антиклинал бурмадан иборат. Бурма гумбази кенг ва яssi. Бурма ўлчами 6x1,2 км, баландлиги 140 м. Амударё структураси 1960 йил электроразведка ишлари ёрдамида аникланган. Жами 16 та бурғ қудук қазилган бўлиб бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр ётқизиклари очилган. Нефтилик оҳактош, мергель, доломит ва оқ ангидрит жинслардан таркиб топган палеоценнинг бухоро қатларида (қалинлиги 320-330 м) ажратилган I, II, III, IV, V горизонtlарда қайд қилинган. Саноат миқёсидаги нефтилик I, II, III ва III горизонtlарда учрайди. Нефтнинг бошланғич дебити 5 дан 13,0 т/суткагача. Қатламнинг жорий босими 7,0 МПа, температураси 52°C. СНТЮ горизонталь ҳолатда бўлиб -710 м дан (I горизонт) -747 м гача (III горизонт) мутлоқ баландлиқда.

Ҳамма горизонtlардаги нефть оғир (зичлиги 0,924-0,992 г/см³), қовушқоқ (30 МПа·С, юқори олtingугуртли (4,51-9,3%), парафинли ва юқори парафинли (3,0-10,75%), юқори смолали (12,39-35,0%), мой миқдори 71,55-74,04%, кокс 4,8-12,16%. Қотиш температураси 20°C, қайнаш -145°C. Тоза фракцияларнинг ажралиши (360°C да) - 20,0-45,0%.

Бухоро қатларидаги сувлар кучсиз ва ўртacha минераллашган (18-57 г/л), хлор-кальцийли, хлормагнийли ва сульфат-натрийли турларга мансуб. Йод миқдори 15,7-16,7 мг/л, бром - 0,6 мг/л.

Амударё нефть кони захирасига кўра кичик конлар тоифасига киради. Ҳозирги кунда кондан фойдаланилмоқда.

Сурхондарё нефтгазли районда асосий истиқбол юқори юра карбонат жинсларини бургилаш билан очиш имкони бўлган майдонларда, Қўшчекка-Каттабош, Арчимчи-Кўргонча каби нефтгаз йигилувчи зоналарда палеоген жинсларини ҳамда сурilmалар ости тутқичларини ўрганишлик билан боғлиқ.

9.3.6. Фарғона нефтгазли области

Фарғона нефтгазли области ҳам юқорида тавсифлаб ўтилган Афғон-Тожик области сингари герцин бурмачанглигидаги мезозой-кайнозойли Тянь-Шань-Кунь-Лунъ нефтгазли провинцияси таркибига киради.

Фарғона нефтгазли области нинг Ўзбекистон Республикаси чегарасида 30 та нефтгаз кони очилган бўлиб, улардаги 120 та уюmlар палеозой, юра, бўр, палеоген ва неоген давридаги ётқизиклар билан боғлиқ.

Уюmlар қатламли турга мансуб бўлиб, конлар кўп қатламлидири.

Фарғона ботиқлигининг чукур (6-7 км дан ортиқ) қисми кам ўрганилган, аммо истиқболли Марказий мегасинклиналида ҳозирга қадар 30 дан ортиқ тузилмали тутқичлар очилган, бу тутқичлар чекка зоналардаги тутқичларидан фарқли ўлароқ нисбатан катта ўлчамларга эга ва узилмалар билан мураккаблашган бўлса ҳам, содда тузилишга эга.

Умуман Фарғона ботиқлигининг бир неча майдонларида (Жанубий Оламушук, Фарбий Полвонтош, Шимолий Ниёзбек, Қароқчикум, Махрам, Гумхона) палеозой даври ётқизикларидан неоген даври ётқизикларигача бўлган жуда катта стратиграфик диапазонда нефтгаз конлари топилган. Асосий изланаштган обьектларни палеоген ва неоген ётқизиклари кесимидағи маҳсулдор қатламларни жуда катта чукурликда ётиши нефтгазга истиқболли бўлган тутқичларда бурғилаш ишларини олиб боришиликни анча мураккаблаштиради.

Кидириб топилган конларнинг асосий қисми (30 тадан 21 таси) Фарғона ботиқлигининг Жанубий ўтиш камарида ва Жанубий поғонасида жойлашган.

Бу конлардаги углеводород уюmlари асосан нефт уюmlаридан иборат бўлиб, улар палеоген ва неоген ётқизикларида мужассамланган.

Фарғона нефтгазли обласгининг истиқболи, биринчи навбатда Марказий мегоинклиналда палеоген ва неоген қатламларини, Шимолий Сурилма ва Жанубий ўтиш камарларида палеоген ётқизикларини, Жанубий

погонада стратиграфик экранли түсікіларни, неоген қаватида лигологик турдаги түсікіларни ҳамда палеозой ётқизікіларини үрганиш билан бояғылған.

10 - боб

НЕФТ ВА ГАЗ ТҮПЛАМЛАРИНИ ИЗЛАШ ВА РАЗВЕДКАСИ

Нефт ва газ түпламларини излаш ва разведка ишлари илмий башоратлар асосида турли геологик ва структуравий хариталарни тузиб уларни таҳлили натижасида белгиланган геология қидибуви жараёнларининг ўналишлари доирасида турли босқич ва поғоналарда ҳамда турли усуллар ёрдамида олиб борилади.

Кўйида излаш ва разведка ишларининг босқич ва поғоналарни ҳамда усулларини кўриб чиқамиз.

10.1. Излаш ва разведка ишларининг босқич ва поғоналари

Барча геологик-қидирув ишлари регионал, излов ва разведка босқичларига ажратилади. Босқичлар ҳам ўз навбатида поғоналарга бўлинади. Ўрганилаётган худуднинг баъзи жойларида қўйилган масала ва геологик мақсадга қараб босқичлар ва поғоналар мувозий равишда бажарилиши мумкин (П.10.1-жадвал).

Излов-разведка ишларининг барча босқич ва поғоналари учун маҳсус тузилган лойиҳалар мавжуд бўлиб тегишли барча ишлар ушбу лойиҳалар асосида олиб борилади.

Геологик-разведка ишлари босқичлари – геологик разведка жараёнининг нисбатан мустақил ва энг йирик қисмларидир. Ўрганилаётган геологик объектлар хосса-хусусиятларининг йифиндиси, ҳал этилаётган вазифалар, тадқиқотлар мажмуаси ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар бўйича босқичлар бир-биридан ажралиб туради. Амалиётта маълум бўлган натижаларнинг баҳоланишига

кўра нефтгаз учун бажариладиган геологик-разведка ишлари З босқичга бўлинади: регионал, излов ва разведка.

Регионал геологик – геофизик ишлари босқичида ўрганилган чўкинди ҳавзаларнинг ва алоҳида олинган литологик-стратиграфик мажмуаларнинг вужудга келиши ва нефтгазлилигининг асосий қонуниятлари ўрганилади ва йирик ҳудудларнинг нефтгазга истиқболи олдиндан баҳоланади. Нефтгаз учун биринчи навбатда излов ишларини ўтказиш мақсадида бажариладиган районлар, литологик-стратиграфик мажмуалар тавсия этилади.

Излов ишлари босқичи деярли хамма геологик-геофизик ишлар мажмуасини ва чукур излов бурғилашини бирлаштиради. Бу ишлар истиқболли обьектларни аниклаш ва тайёрлашга, уларнинг бойлик манбанини C_3 тоифаси бўйича баҳолашга қаратилиди. Кейинчалик бу обьектларда очилган конларда янги нефт ва газ уюмларини аниклаш ва уларнинг заҳирасини C_1 ва C_2 тоифалар бўйича баҳолаш мақсадида чукур бурғилаш ишлари бажарилади.

Разведка босқичида чукур бурғилаш ишлари кенг миқёсда олиб борилади. Янги конлар ва уюмларнинг саноат аҳамиятига эгалиги ва уларнинг ишлаб чиқаришга тайёрлаш заҳирасини C_1 , қисман C_2 тоифаси бўйича ҳисоблаш ишларини ўз ичига олади.

Геологик-разведка ишлари босқичлари – нефт ва газ конлари хамда бошқа фойдали қазилма конларини босқичма-босқич разведка қилиш амалиётда нефт, газ конденсати ва ёнувчи газларнинг ва бошқа турдаги қазилма бойликларни аникланган заҳираларини фойдаланишга тайёрлаш имкониятини беради. Геологик-разведка ишлари II.10.1-жадвалда кўрсатилган тартибда бажарилади. Катта майдонларни ўрганиш орқали нефтгазга истиқболли обьектларни аниклаш мумкин. Ҳар қайси босқичда бажариладиган тадқиқотлар ва иш усувлари нефт ва газ заҳираларини ишлашга сифатли тайёрлаш ва юқори самара берувчи мажмуаларни ажратиш имконини беради.

II.10.1-жадвал

Нефтгаз геологик-қидирув ишлари жараёнининг босқич ва поғоналари схемаси

Бос- кич	Поғона	Урга- нила- диган объект	Асосий вазифалар ва баҳоланадиган ресурс ва заҳираларнинг тоифалари
Регионал	Нефтгазлийкни баҳоратлани	Чўкинди ҳавзалари ва унинг қисмлари	<p>Литологик-стратиграфик мажмуаларни, тузилмали қават, ярус ва структуравий-фациал минтақаларни аниклаш; геотектоник ривожлашишнинг асосий босқичларининг тавсифини аниклаш; тектоник районлаштириш.</p> <p>Нефтгазга истиқболли ва нефтгаз тўпланиши мумкин бўлган минтақаларни ажратиш; нефтгазгеологик районлаштириш.</p> <p>Нефтгаз истиқболини сифатий ва микдорий баҳолаш (D_1 ва қисман D_2 тоифа).</p> <p>Асосий йўналишни ва биринчи навбатда кейинги излаш объекtlарини таълаш.</p>
Минтақалар	Нефтгазга истиқболли районлар ва нефтгаз тўпланувчи минтақалар		<p>Нефтгазга истиқболли турли районлар ва литологик-стратиграфик мажмуя (комплекс)лар субрегионал ва зонал геотузилмаларни, коллектор-жинс ва тутқичларнинг асосий тарқалиш конуниятларини ва ўзгариш хусусиятларини аниклаш; нефтгазгеологик районлаштиришни аниклаш.</p> <p>Катта заҳирага эга бўлиш эҳтимоли бўлган иирик тутқичларни аниклаш.</p> <p>Нефтгазга истиқболиликни микдорий баҳолаш (D_1 ва қисман D_2 тоифаси бўйича).</p> <p>Излаш ишларини давом эттириш учун истиқболли нефтгаз районларини ва нефтгаз тўпланувчи зоналарни аниклаш.</p>

II.10.1-жавдалнинг давоми

Излов			
Контарни излаз		Излов кудуклари учун локал обьектарни аниклаш ва тайёрлаш	
Объектларни тайёрлаш 2-даражади	Объектларни тайёрлаш 1-даражади	Нефтгазли ёки нефтгазга истиқболли зоналар	<p>Нефтгазли ёки нефтгазга истиқболли комплексларнинг жойлашиш ва геологик-геофизик хусусиятларини аниклаш.</p> <p>Нефтгаз тўпланувчи минтақаларда истиқболли тутқичларни аниклаш.</p> <p>Аникланган ресурсларнинг микдорий баҳоси (D_1 ва кисман D_2 тоифаси бўйича).</p> <p>Объектларни кейинги излов ишларига, яъни уларни бурғилашга тайёрлаш бўйича саралаш.</p>
Тайёрланган тутқиҷар	Аникланган тутқиҷар	Аникланган тутқиҷар	<p>Аникланган истиқболли нефтгаз тутқичларининг геологик тузилмаларини деталлаштириш ва уларни саралаш ва излов бурғилашга киритишини аниклаш.</p> <p>Излов бурғилашга тайёрланган обьект ресурсларнинг микдорий баҳоси (C_3 тоифаси бўйича)</p> <p>Тайёрланган обьектларда излов кудукларини жойлаштириш нуқталарини белгилаш.</p> <p>Нефтгазли ва нефтгазга истиқболли комплексарни, коллекторларни, копқоқларни ва уларнинг геологик-геофизик хусусиятларини аниклаш.</p> <p>Нефтгазга тўйинган қатлам ва горизонтларини аниклаш, синаш, саноатга аҳамиятли бўлган нефтгаз оқимини олиш, қатламларнинг сизилиш ва флюидларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниклаш.</p> <p>Очилган уюм захирасининг микдори (C_1 ва C_2 тоифалари бўйича) ни аниклаш.</p> <p>Нефтгаз оқими олинган локал геотузилмани геологик тузилишини деталлаштириш максадида ўтказиладиган дала геофизика ишларини ва разведка кудукларининг жойини танлаш</p>

II.10.1-жавдалнинг давоми

Разведка	Конларни (уом) ишлатишига тайёрлаш Саноат аҳамиятдаги конлар (уом)	Конларни (уом) бахолаш Очиилган конлар (уюмлар)	<p>Конларнинг саноат аҳамиятига мөлк заҳирага эга эканлигини аниқлаш мақсадида уларнинг асосий хусусиятларини ўрганиб заҳира микдорини хисоблаш (C_1 ва C_2 тоифалари бўйича).</p> <p>Конларни саноат аҳамиятига эга ва лойик бўлмаган турларга ажратиш.</p> <p>Кидирув обьектлари ва каватларини танлаш, уларнинг ишлатиш кетма-кетлигини аниқлаш ва ишлатишига тайёрлаш.</p> <p>Захираларни хисоблаш ва конни ишлатишнинг технологик схемасини тузиш учун кудук ва обьектлар бўйича геологик-саноатлашгандан фильтрация ва хисоблаш кўрсаткичларининг аҳамиятини аниқлаш, геометризация ва ишончлиликни баҳолаш.</p> <p>Геологик захираларни хисоблаш ва қазиб чиқариш коэффициентини аниқлаш (C_2 ва қисман C_1 тоифалари бўйича).</p> <p>Конларни ишлатиш жараёнида кон ва уомларни кайтадан ўрганиш ва тавсилотларини белгилаш.</p>
----------	---	--	--

10.2. Геологик-разведка ишлари ва тадқиқот турлари

Нефтгаз тўпламларини излаш ва разведкаси геологик, геофизик, геокимёвий, гидрогеологик ва бошқа изланишлар қатори таянч, параметрик, излов ва қидирув, структуравий кудукларни бургилаш йўли билан ва шунингдек, тематик ва илмий-тадқиқот ишларининг натижасини кенг қўллаган ҳолда олиб борилади.

Нефтгаз излаш ва рарзведкасининг ҳар бир босқич ва поғоналарида геологик-қидирув ишлар, шу поғонанинг муайян масалалари ва ўрганилаётган ҳудуд ёки шу ҳудуддаги маълум геологик тузилманинг хосса ва хусусиятларини аниқлаш мақсадида ва шу мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, геология-қидирув ишларининг оқилона мажмуасининг аник турлари қўлланилади.

Регионал босқи ч. Маҳсулдор қатламни аниқлашга қаратилган геологик-қидирув ишлари геологик тузилмали хариталаш, тузилмали-геоморфологик излаш ва

аэрокосмик тасвиirlардан иборат бўлган геологик тасвир (съёмка)дан бошланади.

Санаб ўтилган иш турлари регионал босқич қатори излов босқичида ҳам қўлланилади, улар кичик масштабдан тортиб (1:1000000, 1:500000) йирик масштабли тасвиirlарда (1:500000, 1:25000 ва ундан юкори) бажарилади.

И з л о в б о с қ и ч и уч погонадан иборат бўлади: нефтгазга истиқболли тузилмаларни аниқлаш, аниқланган тузилмаларни излов қудуғи учун тайёрлаш ва тайёрланган тузилмада излов қудугини бурғилаш. Нефтгазга истиқболли бўлган тузилмалар турли геофизик (электроразведка, гравиразведка, магниторазведка, сейсморазведка) усуllари, ҳамда космоаэрофототасвиirlар ёрдамида аниқланади. Аниқланган тузилмаларнинг энг истиқболлигида сейсморазведка усулида ўтказиладиган сейсмик профилларнинг сони қўпайтирилади.

Сейсмик профилларни истиқболли майдон бўйлаб зичлаштириш ўрганилаётган тузilmани мукаммал геологик тафсилотларини аниқлаш имконини беради.

Махсулдор қатламлар ер сатҳидан унча чукур бўлмаган қатламларга мувозий шаклда тузилган бўлса, бундай тузilmалarda структурали бурғилаш ишлари ўтказилади.

Сейсморазведка профиллари жойлашувини қуюқлаштириш ва структурали бурғилаш ишлари натижасида турли геологик-кидирув усуllари ёрдамида аниқланган тузilmалар излов қудугини бурғилаш учун тайёрланади. Тайёрланган тузilmада нефтгазнинг ресурси C_3 тоифа бўйича ҳисобланиб излов қудугини бурғилаш учун топширилади.

Излов қудугини бурғилаш нефтгаз излов босқичининг сўнгги учинчи погонаси ва геологик разведка ишларининг излов босқичи якуни. Излаш ишлари геология-геофизика усуllари ёрдамида якка структуралар ёки тутқичлар ҳамда «уюм» туридаги аномалиялар аниқланган, чукур излов бурғилашига тайёрланган истиқболли майдонларда олиб борилади. Янги уюmlарни излаш саноат миқёсида нефтгазлилиги исботланган майдонларда ёки ишлаб чиқариладиган конларда бажарилади. Кон ва уюmlарни излаш босқичида бажариладиган ишларнинг

асосий вазифасига қуидагилар киради: геологик қесимда нефтгазли ва нефтгазга истиқболли мажмуаларни, коллекторларни, қоллама жинсларни ажратиш, уларнинг хусусиятларини аниклаш; нефтгазга тўйинган қатламлар ва горизонтларни синаш, нефт ва газларни саноат миқёсидаги оқимини олиш флюидлар хусусиятини тадқик, қилиш ва қатламларнинг сизиш-сигим параметрларини ўлчаш, очик уюмлардаги нефтгазнинг C_1 ва C_2 тоифада ҳисобланган заҳираларини баҳолаш; муфассал геофизик ва баҳоловчи бурғ қудуклари қазишишлари бажариладиган объектларни танлаш ва х.к. Қайд қилинган ишлар излаш қудукларини бурнилаб ҳал қилинади, уларда геология-геофизика ва кон геологияси усууллари ёрдамида тадқиқотлар бажарилади.

Кон ва уюмларни излаш босқичи нефт ва газнинг дастлабки саноат миқёсидаги оқимини олиш билан якунланади, яъни объектнинг истиқболлиги асосланади. Майдон геологик тузилишининг мураккаблиги излов-бурғилаш маълумотлари асосида исботланса, бурғ қудуғи кавланадиган қулай жойларни танлаш учун қўшимча геологик-геофизик ишлар (сейсморазведка, структурали бурғилаш ва ш.к.) бажарилади. Излаш ишлари тугагандан сўнг яхши натижалар олинса, келажакда бажариладиган разведка ишлари лойиҳаси тузилади, олинган натижалар салбий бўлса, объектнинг истиқболсизлиги асосланиб ҳисобот ёзилади.

Разведка босқичи. Кон (уюм)ларни разведка қилиш – нефт ва газлар учун бажариладиган геологик-разведка ишларининг якуний босқичи. Кон (уюм)ларни разведка қилишнинг асосий вазифаси кон (уюм)лар заҳирасини C_1 , қисман C_2 тоифаларда ҳисоблаб ишлаб чиқаришга тайёрлашдан иборат. Разведка ишлари заҳиралари C_1+C_2 ва бошқа тоифада ҳисобланган ва геологик-иктисадий кўрсаткичлар бўйича саноат миқёсида ижобий баҳоланган нефт ва газ конларида олиб борилади. Қазиладиган қудукларнинг асосий вазифасига қуидагилар киради: C_1 ва қисман C_2 тоифадаги заҳираларни ҳисоблаш учун зарур бўлган параметрларни баҳолаш, конни ишлаб чиқаришга тайёрлаш, лойиҳалаш, геологик-саноат кўрсаткичларини объект (горизонт)лар бўйича майдоний ўзгаришини аниклаш, конни ишлаб чиқаришга тайёрлашнинг

самарали системасини танлаш учун дастлабки маълумотларни тўплаш ва бошқалар.

Разведка ишлари мажмуаси қуйидагилардан иборат: а) разведка қудукларини бурғилаш ва синаш; б) самарадор қудукларни тажриба ёки саноат тажрибаси бўйича ишлаб чиқаришга тайёрлаш; в) бурғилаш жараёнида кон-геофизикаси усулида қудукларни тадқиқ қилиш, синаш ва саноат тажрибаси бўйича ишлаб чиқаришга тайёрлаш; г) аввал тўпланган геологик-геофизик маълумотларни қудуклардан олинган кейинги маълумотлар асосида қайта талқин қилиш ва зарур бўлганда майдонда ва қудукларда муфассал геологик-геофизик ишлар бажариш (самарадор ётқизиқлар структурасини, конларнинг нефтгазлилик чегарасини, геологик тузилишини ва бошқа хусусиятларини қайта таҳлил қилиш).

Кон (уюм)ларни разведка қилиш натижаларига асосланиб нефт, газ конденсати ва ёнувчи газларнинг бошлангич баланс ва олинадиган C_1 ва C_2 тоифадаги заҳиралари ҳамда улар билан бирга учрайдиган йўлдош компонентлар миқдори ҳисобланади; конларнинг фойдаланишга топшириладиган асосий обьектлари ва уларни ишлатишнинг самарали усуслари тўғрисида хуноса ёзилади, конни ишлатишга тайёрлаш лойихасини (ёки технологик схемаси) тузиш учун зарур бўлган геологик-геофизик маълумотлар тартибга туширилади. Нефт ва газнинг аниқланган заҳираларини В ва А тоифага ўтказиш уларнинг геологик-кон тавсифларини ва саноат миқёсига молик уюмларнинг ишлатиш шароитларини аниқлаш билан бир вақтда амалга оширилади.

Излов ва разведка қудукларини қазиш учун маҳсус лойиҳалар ишлаб чиқилади ва бу лойиҳалар асосий хужжат ҳисобланади.

Бундай лойиҳалар қуйидагиларни акс эттириши керак:

- излов қудугининг жойлашиши ёки разведка бурға қудукларини жойлаштириш системасини, уларни лойиҳавий чукурликлари ва конструкциялари, бурғилаш усуслари ва тартибини;

- кернларни олиш оралиқлари ва маҳсулдор катламларни оқимга синашни;

- бурғилаш жараёнида нефтгазли горизонтларни очиш ва синаш тартибини;

- бурғ қудукларини гидродинамик ва геофизик тадқиқотлари, кернларни ва қатlam флюидларини лаборатория тадқиқотлари мажмуасини;

- қудукларни бурғилашда, синашда ва синов ишлатишида ер остини ва атроф мұхитни ҳимоя қилиш тадбирларини;

- бурғилаш жараёни учун майдонни жихозлаш ҳажмлари ва муддатлари (келиш йұллари, сув билан таьминлаш, хизмат күрсатиш омборлари ва бошқа) ни;

- бажариладиган ишларнинг тахминий нархи ва кутилаётган самараодорлигини.

Нефтгазли ва газнефтли уюmlар учун разведка бурғ қудукларини жойлаштириш системаси ва улар орасидаги масофалар ушбу конларни нефтли ва газли қисмларини аҳамиятлилигини ҳисобга олиб асосланади.

Нефтгазлилиги аниқланган майдонлардаги бурғ қудукдарининг конструкциялари нефтгаз олувчи корхоналар билан келишиб асосланади.

Хар бир саноат миқёсида аҳамиятта эга бўлган нефт кони учун қуйидагилар ўрнатилиши шарт:

- литологик-стратиграфик кесим, кесимдаги нефтгазли маҳсулдор қатламларни ва ноўтказувчан қатламларнинг ҳолати, кесим ва майдон бўйлаб кондаги маҳсулдор қатламларни асосий қонуниятлари ва литологик ўзгарувчанлиги;

- уюmlарнинг турли қисмларида газ-нефт-сув туташ юзаларининг гипсометрик ҳолати, уюmlарни шакли ва ўлчамлари;

- маҳсулдор қатламларнинг умумий самараодор ва нефтгазга тўйинган қалинлиги, уларни нефтгазли чегара орасида ўзгариши;

- маҳсулдор қатламлар жинсларининг тури, минерологик ва донадорлик таркиби, ғоваклиги, дарзлилиги (коваклиги), ўтказувчанлиги, карбонатлилиги ва гиллилиги;

- қопқоқ-жинсларнинг хусусиятлари (моддий таркиби, ғоваклиги, ўтказувчанлиги ва бошқалар);

- коллектор-жинсларнинг нефт ва газга бошланғич түйинганлик катталиклари, уларни маҳсулдор қатламлар майдони ва кесими бўйича ўзгариш хусусияти;
- ҳамма маҳсулдор қатламларнинг бошланғич катлам босими ва температураси;
- ўюмларнинг гидрогеологик шароитлари;
- стандарт шароитгача туташ юзали ва дифференциал газсизлантириш асосидаги қатлам нефтини физик-кимёвий хоссалари (нефтни газ билан тўйиниш босими, газ микдори, зичлиги, қовушқоқлиги, ҳажм коэффициенти, сиқилувчанлик коэффициенти, киришиш коэффициенти);
- стандарт шароитгача газсишланиширган нефтни физик-кимёвий хоссалари (зичлиги, кинематик қовушқоқлиги, моляр массаси, қайнашнинг бошланиш температураси, қотишнинг бошланиш температураси, нефтнинг парафин билан тўйиниш температураси, парафинлар, ғасфальтенлар, селикагел смолаларни ва олтингугуртнинг фоиз микдорлари, фракцион ва компонент таркиблари);
- қатлам сувларининг физик-кимёвий хоссалари (зичлиги, қовушқоқлиги, ионли таркиби ва бошқалар);
- бург қудуғи туби босимига боғлиқ нефт, газ ва сув дебити, қудуқларнинг самарадорлик коэффициенти;
- маҳсулдор қатламлар коллектор-жинсларининг ҳўлланувчанлиги (гидрофиллиги, гидрофоблиги), боғлиқ сув билан тўйинганлик қиймати, нефтни сув ва газ билан сиқиб чиқаришдаги қолдиқ нефтга тўйинганлиги, уларга мос нефтни, сувни ва газни нисбий фазавий ўтказувчанлик қийматлари;
- маҳсулдор қатламларнинг коллектор-жинсларини сувга тўйинганлиги билан нисбий фазавий ўтказувчанликларни ва капилляр босимни боғлиқликлари;
- жинсларни ва уларни тўйинтирувчи суюқликларни иссиқлик ўтказиш, солиширма иссиқлик қаршилиги, солиширма иссиқлик сифими коэффициентларининг ўрта қийматлари;
- нефтни, нефтдаги ва табиий газни, конденсатни ва йўлдош қимматбаҳо компонентларни заҳиралари.

Излов-разведка ишлари жараёнининг маҳсади локал нефтгаз тўпламлари (конлар, ўюмлар)ни шаклланиш

жойларини башоратлашдан тортиб, уларни излаб топиб хамда муғассал разведка ассоциа барча күрсакчиларини аниқлаб саноат миқёсида ишлатишга тайёрлашдан иборатдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Абидов А.А., Эргашев Й., Қодиров М.Х. Нефть ва газ геологияси. Русча-ўзбекча изоҳли луғат. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2000.
2. Бакиров А.А., Бакриов Э.А., Мелик-Пашаев В.С. и др. Теоретические основы и методы поисков и разведки скоплений нефти и газа. -М.: Высшая школа. 1987.
3. Бакиров А.А., Табасаранский З.М. Бордовская М.В. и др. Геология и geoхимия нефти и газа. -М.: Недра. 1982.
4. Бондеров В.П. Геология. -М.: Форум-инфра-М. 2002.
5. Жданов М.А. Нефтегазопромысловая геология и подсчет запасов нефти. М.: Недра, 1983.
6. Лобковский Л.И., Никишин А.М., Хайн В.Е. современные проблемы геотектоники и геодинамики. М.: Научный мир. 2004.
7. Нефт ва газ тўпламларини излаш ва кидириш усуллари ҳамда назарий асослари: Бакиров А.А., Бакиров Э.А., Мелик-Пашаев В.С. ва бошқалар. М.: Высшая школа. 1987. (проф. Иброҳимов З.С. эркин таржимаси).
8. Павлинов В.Н. “Основы геологии”. М.: Недра. 1991.
9. Холисматов И.Х., Ҳайитов О.Ф., Мавлонов А.В. Нефтгаз геологияси ва геокимёси. -Т.: ТошДТУ. 2003.
10. Hayitov O.G'. Geologiya. T.: TURON-IQBOL. 2005.

МУНДАРИЖА

I-КИСМ. УМУМИЙ ГЕОЛОГИЯ

Кириш.....	4
1-боб. КҮЁШ СИСТЕМАСИ ВА ЕР.....	6
1.1. Күёш системаси.....	6
1.2. Ернинг тузилиши ва Ер пўсти (кобиги).....	10
1.2.1. Ернинг ички тузилиши	11
1.2.2. Ер пўстининг тузилиши ва ривожланиши.....	13
1.3. Ернинг физик хусусиятлари ва кимёвий таркиби....	15
1.3.1. Ернинг физик хусусиятлари.....	16
1.3.2. Ернинг кимёвий таркиби.....	18
1.4. Ернинг ҳосил бўлиш жараёнлари ҳақида (гипотезалар).....	19
2-боб. ЭКЗОГЕН ГЕОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР.....	24
2.1. Нураш (эрозия) жараёнлари.....	24
2.2. Шамолнинг геологик иши.....	25
2.3. Ер ости сувлари.....	28
2.4. Ер усти сувлари.....	31
2.4.1. Дарёларнинг геологик иши.....	31
2.4.2. Кўллар.....	34
2.4.3. Денгизларни геологик иши.....	36
2.4.4. Океан ва унинг тубини тузилиши.....	39
3-боб. ЭНДОГЕН ГЕОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР.....	42
3.1. Тектоник ҳаракатлар.....	42
3.2. Зилзилалар.....	45
3.3. Магматизим ва вулканализм.....	47
4-боб. МИНЕРАЛЛАР ВА ТОҒ ЖИНСЛАРИ.....	53
4.1. Минераллар.....	53
4.1.1. Минералларнинг физик хусусиятлари.....	53
4.1.2. Минералларнинг кимёвий таснифи.....	55
4.2. Тоғ жинслари ва уларнинг ётиш шакллари.....	56
4.2.1. Магматик тоғ жинслари.....	56

4.2.2. Чўкинди төғ жинслари.....	57
4.2.3. Метаморфик төғ жинслари.....	58
4.2.4. Төғ жинсларининг ётиш шакллари.....	59
4.3. Геологияда вакт.....	67
4.4. Төғ жинсларининг ёшини аниқлаш усуллари.....	71
5-боб. ГЕОТЕКТОНИКА. УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧЛАРИ ВА ТЕКТОНИК ҲАРАКАТЛАР.....	71
5.1. Геотектониканинг ривожланиш боскичлари.....	71
5.2. Тектоник ҳаракатлар ҳақида (гипотезалар).....	73
5.3. Геосинклинал ва платформалар.....	76
5.4. Формация тушунчаси.....	80
5.5. Марказий Осиёнинг асосий геоструктура элементлари.....	81
6-боб. ЕР ПЎСТИ СТРУКТУРАСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ- НИНГ УМУМИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА АСОСИЙ БОСКИЧЛАРИ.....	85
6.1. Тогеологик давр.....	85
6.2. Геологик давр.....	87
6.2.1. Кечки протерозой (рифей) боскичи.....	87
6.2.2. Палеозой боскичи.....	87
6.2.3. Мезозой-кайнозой боскичи.....	88
7-боб. ТЕКТОНИК ҲАРАКАТЛАР ВА УЛАРНИ ҮРГАНИШ УСУЛЛАРИ.....	93
7.1. Вертикал тектоник ҳаракатларни үрганиш усуллари.....	93
7.2. Горизонтал тектоник ҳаракатларни үрганиш усуллари.....	102

II-ҚИСМ. НЕФТ ВА ГАЗ ГЕОЛОГИЯСИ

1-боб. НЕФТ ВА ГАЗНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ. ЎЗБЕКИСТОН НЕФТГАЗ САНО- АТИ ВА ГЕОЛОГИЯСИНИНГ ТАРАКҚИЁТИ.....	105
1.1. Нефт ва газнинг халқ хўжалигида тутган ўрни....	105
1.2. Ўзбекистон нефтгаз саноати ва геологиясининг	

тараккىёти.....	107
2-боб. ЁНУВЧИ ФОЙДАЛИ КАЗИЛМАЛАР -	
КАУСТОБИОЛИТЛАР.....	115
2.1. Ёнувчи қаттиқ қазилмалар.....	117
2.1.1. Битумлар ва уларнинг таркиби.....	117
2.2. Асфальтлар.....	119
2.3. Асфальтитлар ва пиробитумлар.....	120
2.4. Баъзи ёнувчи бошқа қаттиқ қазилмалар.....	122
3-боб. НЕФТ, ТАБИЙ ГАЗ, КОНДЕНСАТ ВА ҚАТЛАМ СУВЛАРИ. УЛАРНИНГ ФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КИМЁВИЙ ТАРКИБИ.....	125
3.1. Қатлам нефтлари.....	125
3.2. Қатлам газлари.....	132
3.3. Табий газ конденсати.....	146
3.4. Нефт ва газ конларининг қатлам сувлари.....	148
4-боб. НЕФТ ВА ГАЗЛАРНИНГ ТАБИЙ САКЛАГИЧЛАРИ (РЕЗЕРВУАРЛАР) ВА ТУТҚИЧЛАРИ.....	166
4.1. Табий резервуарлар.....	166
4.2. Нефт ва газ тутқичлари ва уларнинг таснифи.....	167
5-боб. НЕФТГАЗ КОЛЛЕКТОРЛАРИ ВА ҚОПҚОК ЖИНСЛАРИ УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	170
5.1. Коллекторлар ва уларнинг хусусиятлари.....	170
5.2. Нефт ва газнинг қопқоқ жинслари.....	184
6-боб. НЕФТ ВА ТАБИЙ ГАЗНИНГ ЕР ПЎСТИДА ҲОСИЛ БЎЛИШИ (ГЕНЕРАЦИЯСИ) ВА СИЛЖИШИ (МИГРАЦИЯСИ).....	187
6.1. Нефт ва табий газнинг генерацияси.....	187
6.2. Нефт ва газ миграцияси.....	199
7-боб. НЕФТ ВА ГАЗ ТЎПЛАМЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА БУЗИЛИШИ.....	204
7.1. Нефт ва газ тўпламларини шаклланиши.....	204

7.2. Нефт ва газ тўпламининг бузилиши.....	206
8-боб. НЕФТГАЗГЕОЛОГИК РАЙОНЛАШ НЕФТГАЗ ТЎПЛАМЛАРИНИНГ ТАСНИФИ.....	208
8.1. Нефтгазгеологик районлаш ва унинг бирликлари хакида тушунча.....	208
8.2. Нефтгаз тўпламларининг таснифи.....	210
8.2.1. Регионал нефтгаз тўпламларининг таснифи.....	210
8.2.2. Локал нефтгаз тўпламларининг генетик таснифи.	219
9-боб. ЕР ПЎСТИДА НЕФТГАЗЛИ ТЎПЛАМЛАР- НИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ НЕФТГАЗЛИ ТЎПЛАМЛАРИ.....	227
9.1. Нефтгазли тўпламларни стратиграфик тарқалиши.	228
9.2. Нефт ва газнинг чукурлик ва вертикал кесим бўйича жойлашиши.....	232
9.3. Ўзбекистоннинг нефтгазли провинциялари ва областлари.....	234
9.3.1. Устюрт нефтгазли провинцияси.....	236
9.3.2. Шимолий Кавказ-Жанубий Устюрт нефтгазли провинцияси (Шоҳпахта ва Ассакеудан нефтгазли районлари.....	239
9.3.3. Шимолий Кизилкум нефтгазли субпровинцияси (Шарқий Орол нефтгазли области).....	240
9.3.4. Амударё нефтгазли субпровинцияси (Бухоро ва Чоржўй нефтгазли областлари.....	242
9.3.5. Афғон-Тожик нефтгазли области.....	245
9.3.6. Фарғона нефтгазли области.....	250
10-боб. НЕФТ ВА ГАЗ ТЎПЛАМЛАРИНИ ИЗЛАШ ВА РАЗВЕДКАСИ.....	252
10.1. Излаш ва разведка ишларининг босқич ва погоналари.....	252
10.2. Геологик-разведка ишлари ва тадқиқот турлари...	256
Адабиётлар.....	263

Мұқовада нефтгаз уюмларининг генетик турлари
(А.А.Бакиров таснифи бүйича) ва мантиядаги конвекция
жараёни (Л.И.Лобковский, Д.Котелкин ўтказған миқдорий
моделлаштириш натижаси) көлтирилган.

«РАЗОХАНДЫК САНАТТАР»
272

Подписано в печать 18.11.05.
Печ. л. 17.0 Тираж 300 Заказ № 12

Подписано в печать 18.11.05.
Печ. л. 17.0 Тираж 300 Заказ № 12

Отпечатано в типографии

Отпечатано в типографии
«FAN VA TEKNOLOGIYALAR»

MARKAZINING BOSMAXONASI» Т. А. 161

г.Ташкент, ул.Алмазар, 171.